ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ФАНИ БЎЙИЧА

# Ў Қ У В –У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Наманган 2021й

НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**«Тасдиқлайман»**
**Ўқув ишлари бўйича проректор**
**_____________доц. У.Мелибоев**
**2019 «___»________________**

**“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ**

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ

**Билим сохаси: 200000 – Иқтисодий соха, иқтисод ва хуқуқ.**
**Талим сохаси: 230000 – Иқтисод**
**Таълим йўналиши: 5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва сохалар бўйича)**

**Наманган 2021й.**

**Тузувчи:**

**Б.И.Рахимов**-Наманган Мухандислик Технология Институти “Иқтисодиёт” кафедраси доценти

**Тақризчилар:**

**Х.Солиев** - Андижон вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари

**С.Абдуллаева**–Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими,и.ф.ф.д (PhD).

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Наманган муҳандислик-технология институти Кенгашининг 2021 йил 29 августдаги 1 сонли қарори билан фойдаланишга тавсия этилган**.

МУНДАРИЖА


| I | **ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ МАЗМУНИ** | |
|---|---|---|
| | **МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ** | |
| **1.** | “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” фанининг предмети, вазифалари ва услублари | |
| **2.** | Агросаноат мажмуасининг мохияти, таркиби ва вазифалари | |
| **3.** | Қишлоқ хўжалигида ер - сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш | |
| **4.** | Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари ва ундан самарали фойдаланиш | |
| **5.** | Қишлоқ хўжалигининг моддий техника ресурслари хамда улардан самарали фойдаланиш | |
| **6.** | Қишлоқ хўжалигида инфратузилма ва уни ривожлантириш йўллари | |
| **7.** | Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестициялар ва уларнинг иқтисодий моҳияти | |
| **8.** | Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш нинг иқтисодий асослари | |
| **9.** | Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини ташкилий асослари | |
| **10.** | Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ва бошқариш | |
| **11.** | Ишлаб чиқариш харажатлари ва махсулот таннархи | |
| **12.** | Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини режалаштириш | |
| **13.** | Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги | |
| **14.** | Ўсимликчилик тармоқлари иқтисодиёти | |
| **15.** | Чорвачилик тармоқлари иқтисодиёти | |
| **16.** | Қишлоқ хўжалиги ялпи ва товар махсулотлари, кенгайтирилган ишлаб чиқариш | |
| **17.** | Қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатлар | |
| **18.** | Қишлоқ хўжалиги махсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, сотиш тизими иқтисодиёти ва бошқариш | |
| | **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ** | |
| **1.** | “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” фанининг предмети, вазифалари ва услублари | |
| **2.** | Агросаноат мажмуасининг мохияти, таркиби ва вазифалари | |
| **3.** | Қишлоқ хўжалигида ер ресурслари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги | |
| **4.** | Қишлоқ хўжалигида сув ресурслари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги | |

| | | |
|---|---|---|
| **5.** | Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари ва ундан самарали фойдаланиш | |
| **6.** | Қишлоқ хўжалигида асосий ва айланма фондлар ҳамда улардан самарали фойдаланиш | |
| **7.** | Қишлоқ хўжалигида инфратузилма ва уни ривожлантириш йўллари | |
| **8.** | Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестициялар ва уларнинг иқтисодий моҳияти | |
| **9.** | Қишлоқ хўжалигида инновациялар | |
| **10.** | Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсиш | |
| **11.** | Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришни иқтисодий асослари | |
| **12.** | Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини ташкилий асослари | |
| **13.** | Деҳқон хўжаликларини ташкил этиш ва бошқариш | |
| **14.** | Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ва бошқариш | |
| **15.** | Ишлаб чиқариш харажатлари ва махсулот таннархи | |
| **16.** | Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини режалаштириш | |
| **17.** | Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги | |
| **18.** | Ўсимликчилик тармоқлари иқтисодиёти | |
| **19.** | Чорвачилик тармоқлари иқтисодиёти | |
| **20.** | Қишлоқ хўжалиги ялпи ва товар махсулотлари, кенгайтирилган ишлаб чиқариш | |
| **21.** | Қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатлар | |
| **22.** | Қишлоқ хўжалиги махсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, сотиш тизими иқтисодиёти ва бошқариш | |
| **II** | **МУСТАКИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ** | |
| **III** | **ГЛОССАРИЙЛАР** | |
| **IV** | **ИЛОВАЛАР** | |
| **1** | **ФАН ДАСТУРИ** | |
| **2** | **ИШЧИ ФАН ДАСТУРИ** | |
| **3** | **ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР** | |
| **4** | **ТЕСТЛАР** | |
| **5** | **ИШЧИ ФАН ДАСТУРИГА МУВОФИҚ БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ КЎРСАТМА** | |
| **6** | **КЕЙСЛАР БАНКИ** | |
| | **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР** | |

## МАВЗУЛАР БЎЙИЧА МАТН АННОТАЦИЯСИ ВА ОХИРГИ ЯНГИЛИКЛАР

# ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

## 1-МАВЗУ: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ

*Режа:*

1. *Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежмент фанининг предмети ва вазифалари.*
2. *Қишлоқ хўжалигининг республика щтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти.*
3. *Иқтисодиётни модернизация цилиш шароитида аграр соҳани ривожлантириш тамойиллари.*
4. *Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежмент фанининг ўрганиш усуллари.*

Ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларини илмий асосларини яратиш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда нихоят муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалигида талабга жавоб берадиган қуйидаги ҳуқуқий, ташқилий иктисодий ва ижтимоий муносабатлар тизими яратилди, яъни:

-мулкчиликнинг турли шакллари барпо этилиши, натижасида эркин мулкий муносабатлар вужудга келди, тадбиркорликнинг хар хил турларини яратиш, уларни ривожлантириш йўллари изланмокда, ер-сув ислохотлари амалга оширилмокда;

-тармоқнинг чекланган ишлаб чиқариш ресурслари (ер-сув, капитал, Меҳнат, тадбиркорлик кобилияти)дан самарали фойдаланиш, ишлаб чикарилган махсулотларни сотиш, даромад, фойда ва уларнинг таксимланиши, инвестицияларни жалб этиш, улардан самарали фойдаланиш, тармоқ ишлаб чиқаришини мақсадга мувофик жойлаштириш, ихтисослаштириш хамда агросаноат интеграциясини халкаро муносабатлар асосида ташқил этиш билан боғлик бўлган иктисодий муносабатлар тизими яратилиб, улар такомиллаштирилмокда.

Юқорида таъкидланган иктисодий муносабатлар тизимини яратишда халкимиз хамда қишлоқ хўжалигининг узига хос хусусиятларини эътиборга олган холда табиий, ижтимоий, иктисодий конунлар, иктисодий категориялар талабларидан окилона фойдаланиш тақозо этилади.

Қишлоқ хўжалигининг барқарор иктисодий асосини, такрор ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришни таъминлайдиган иктисодий муносабатлар тизимини яратиш, уларни хаётга жорий этиш масалаларини, йўлларини ўрганиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини илмий меъёрлар доирасида бошқариш ва бошқаришни ташқил этиш «Қишлоқ хўжалиги иктисодиёти ва менежмент» фанининг предмети хисобланади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини бошқариш тизими:

-бошқарилаётган объектлар холати хакида ахборот олиш ва
тахлил килиш;

-бошқариш буйича қарорлар қабул килиш;

-объектларга бошқарув таъсирларини утказиш;

-объектларнинг янги холати хакида ахборот олиш ва тахлил килишдан иборат. Ишлаб чиқариш самарадорлиги кўп жихатдан менежмент усуллари мукаммаллиги ва тўғри шаклланганлиги билан узвий боғликдир. Менежмент усуллари бу - бошқарув субъектининг бошқарув объектига мақсадли йуналтирилган таъсир утказишнинг усуллари бўлиб, яъни унинг вазифаси бошқарувнинг ишлаб чиқариш жамоаси олдига куйилган мақсадларни мувофиклаштиришни таъминлашдан иборатдир.

«Қишлоқ хўжалиги иктисодиёти ва менежменти» фанининг мақсади

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида чекланган ер-сув, Меҳнат ресурслари, инвестициялар ва улардан тадбиркорлик билан самарали фойдаланишни;
- қишлоқ хўжалигининг республика иктисодиётидаги ўрни ва аҳамиятини;
- аграр-иктисодий ислохотлар, уларни ривожлантириш йўлларини;
- қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган корхоналар, уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва улар фаолиятини такомиллаштириш йўлларини;
- бошқа масалаларни ўрганиш.

«Қишлоқ хўжалиги иктисодиёти ва менежменти» фанининг вазифалари:

- илғорқишлоқ хўжалик корхоналарининг эришган ютукларини чукур ўрганиш ва уларни бошқа хўжаликларга жорий килиш учун тавсия этиш ;
- экин майдонлари бирлиги хисобига кўпрок ва арзонрок махсулот етиштириш учун кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни жорий килиш имкониятини яратиш учун иктисодий тадбирлар ишлаб чикишдан иборат.

Қишлоқ хўжалигининг республика иктисодиётида тутган ўрни, аҳамияти қуйидагиларда ифодаланади:

- қишлоқ хўжалиги ахолини озиқ-овқат билан таъминлайди, озиқ-овқат кишиларнинг маънавий хаёти ва моддий ишлаб чиқаришининг асоси хисобланади;
- қишлоқ хўжалиги енгил ва озиқ-овқат саноати учун хом ашё манбаидир. Бу тармоқларнинг махсулоти хам бевосита ахоли эхтиёжларини кондириш учун фойдаланилади. Қишлоқ хўжалигининг мавжуд имкониятлардан фойдаланиш даражаси ва самарадорлиги саноатнинг айрим тармоқлари ишлаб чиқариш хажмини ва самарадорлигини аниклайди. Тўқимачилик саноатида барча моддий харажатларнинг 40 фоизини, канд саноатида - 70 фоизини, сут ва ёғ махсулотларида 80 фоизга якинини қишлоқ хўжалик хом ашёси ташқил килади. Ҳозирги вактда мамлакатда ахоли истеъмоли фондининг 3/4 кисми бевосита қишлоқ хўжалик махсулотидан ёки қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан ишлаб чикарилган саноат махсулотидан иборат;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мамлакат оғир саноатининг ривожланиш суръатига ва даражасига самарали таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги йирик микдорда ишлаб чиқариш воситаларини истеъмол килгани

холда трактор, мелиоратив ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги, кимё саноати, айникса минерал угит ишлаб чиқаришга фаол таъсир кўрсатади. Ҳозирги вактда қишлоқ хўжалиги махсулотини ишлаб чиқаришга кетадиган моддий харажатларнинг асосий кисмини саноат етказиб берадиган ишлаб чиқариш воситалари (ёкилги-мойлаш материаллари, захира кисмлар, минерал угит, омухта ем, асосий воситалар амортизацияси ва бошқалар) ташқил килади;

• қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришга Меҳнат ресурсларини жалб килиш сифатида катта аҳамиятга эга, чунки бу тармоқда фаол ходимларнинг 40 фоизи фаолият олиб боради. Қишлоқ хўжалиги ходимларнинг бир кисмини бошқа тармоқларга утказиб, иктисодиётнинг бошқа тармоқларида ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга катта хисса кушади;

• қишлоқ хўжалигининг мамлакат иктисодиётидаги ўрни яна шу билан аникланадики, у умумхалк масалаларини хал килиш учун зарур бўлган жамгаришнинг муҳим манбаи хисобланади. Қишлоқ хўжалигида мамлакат халк хўжалигида ташқил топган кушилган кийматнинг юқори улуши яратилади.

Республикада бозор ислохотларига ўтишнинг тамойиллари асосида қишлоқ хўжалиги ривожланишида туб бурилиш ясалди.

Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий ва меъёрий асослари:

• Ўзбекистон Республикасининг “Дехкон хўжалиги тўғрисида” конуни 1998 йил;
• Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида” конуни (янги тахрири) 2004 йил;
• Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида” конуни 1998 йил;
• Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” 1998 йил;
• Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” конуни 1993 йил;
• Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим йуналишлари тўғрисида” ги ПФ- 3226-сонли Фармони;
• Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида”ги ПФ-3342- сонли Фармони;
• Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги “2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 215-сонли қарори;
• Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 март “Шахсий ёрдамчи ва дехкон-фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш тўғрисида”ги Фармони;
• Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги “Мева сабзавотчилик ва узумчилик сохасини ислох килиш буйича ташқилий чора-

тадбирлар тўғрисида” ги Фармони;

• Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 383-сонли қарори;

• Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 476-сонли қарори;

• Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги “Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 486-сонли қарори;

• Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 23 июлдаги “Сув ресурсларини бошқаришни ташқил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори;

• Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги “2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 607-сонли қарори;

• “2006-2010 йилларда корамолчиликни ривожлантиришни рагбатлантириш” дастури

• 2008 йил 6 октябрдаги «Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкаларини макбўллаштириш чора тадбирлари буйича таклифлар ишлаб чикиш мақсадида махсус комиссияни ташқил килиш тўғрисида»ги 3077 фармойиши;

• 2008 йил 20 октябрдаги «Озик овкат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора тадбирлари тўғрисида»ги 404 сонли Фармони;

• «Иктисодиётни реал сектори корхоналарини куллаб-кувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салохиятини ошириш чора тадбирлари дастури тўғрисида»ги 4058 сонли Фармони қишлоқ ва сув хўжалиги тизимидаги корхона ва ташқилотларни ижтимоий-иктисодий ривожланишида янги босқични бошлаб берди.

Мустакилликнинг дастлабки йилларида мамлакат қишлоқ хўжалигини хамда у билан боғлик бўлган тармоқларни бошқариш билан:

-Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлиги;

-Республика мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги;

-Урмон хўжалиги вазирлиги;

-Мева сабзавот узум саноати акциядорлик жамияти;

-Давлат сув хўжалиги курилиши кумитаси;

-Давлат ер ресурслари кумитаси;

-Узгушцаноати акциядорлик жамияти ва бошқа ташқилотлар шугулланганлар.

Ушбу тузилмаларнинг фаолияти бозор иктисоди тамойиллари асосида самарали бошқариш талабларига мос келмай колдилар. Шунинг учун хам уларнинг фаолиятини уйгунлаштириш натижасида бошқарилиши кулай бўлган ихчам вазирликлар, компаниялар хамда давлат кумиталари шакллантирилди. Ҳозирги даврда Ўзбекистон Қишлоқ ва Сув хўжалиги

вазирлиги, Республика дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, Узмевасабзавотузум холдинг компанияси, Узқишлоқмашлизинг компанияси, Уздонмахсулот акциядорлик компанияси, Узагромашсервис компанияси ва бошқа ташқилотлар фаолият кўрсатмокдалар. Уларни келажакда янада такомиллаштириш талаб этилади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги тизимидаги корхона ва ташқилотларни ижтимоий- иктисодий фаолиятларини ривожлантириш, унинг самарадорлигини юксалтириш мақсадида тармоқда молия, кредит, солик ва бахолар ислохоти амалга оширилмокда, эркин бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида нодавлат мулкчилигига асосланган субъектларни молиялаштириш тартиби тубдан узгарди.

Уларнинг фаолиятини молиялаштириш асосан уз маблаглари эвазига амалга оширилмокда. Унинг манбаси бўлиб махсулот етиштириб сотиш, хизмат кўрсатиш натижасида олаётган пул даромадлари, асосий воситаларнинг эскириши окибатида шаклланаётган амортизация фонди, ишлаб чиқариш воситаларини сотишдан олинаётган пул тушумлари хамда уларнинг фойдалари хисобланади. Давлат буюртмалари микдоридаги пахта хамда галлани ишлаб чиқариш учун зарур бўлган маблаглар давлат тижорат банклари томонидан бериладиган имтиёзли кредитлар эвазига копланмокда. Шу манбалардаги маблаглар етишмаган холларда қишлоқ хўжалик корхоналари давлатнинг, тижорат банкларининг, хориж давлатларининг нодавлат корхона ва ташқилотлари, хомийлар ва бошқаларнинг вактинча буш бўлган маблагларини жалб этмоқдалар.

«Қишлоқ хўжалиги иктисодиёти ва менежмент» фани узининг мақсад ва асосий вазифаларини хал этишда барча иктисодий муносабатларни ўрганишда бир катор тадкикот усулларидан фойдаланади.

Тахлил килиш-ходисанинг хар бир кисмини алохида батафсил ўрганиш, улар орасидаги боғланишларни тадкик килиш мақсадида уларни таркибий кисмларга ажратишдир. Тахлил килиш илмий билишнинг энг асосий ва кўп таркалган усулларидан бири хисобланади. Унинг асосий вазифаси ишлаб чиқариш тармогидаги чукур жараёнларни ва хусусиятларни кўрсатиб беришдан иборатдир.

Тахлил усули - илмий ўрганиш усули бўлиб, бунда тадкикот объекти хаёлан айрим бўлакларга бўлинади ёки объектнинг белги ва хоссалари айрим ўрганиш учун ажратилади. Тахлил айрим элементларнинг мохияти ва улар орасидаги боғликликларни аниклашга имкон яратади.

Иктисодий-статистик услуб - ўрганилаётган объектларнинг катта мажмуасида, ишлаб чиқариш омилларини ўрганиш ва уларнинг сунгги натижасини аниклашда кулланилади. Нотипик, яъни доимий бўлмаган холатлар, шарт-шароитларни бартараф килишга имкон беради.

Тажриба услуби - бу услуб ишлаб чиқаришни ташқил этишнинг усуллари ва йўлларига иктисодий жихатдан бахо бериш буйича тажрибалар утказиш, корхона фаолиятининг шарт-шароитларини аниклаш, бу шарт-шароитларнинг самарадорликка таъсирини аниклашда кулланилади. Тадкикотларнинг юксак сифатли бўлишига имкон беради.

Х,исоб-китоб, режа услуби - бу услуб корхонада ишлаб чиқаришни ташқил этишда баъзи бир жихатлар ёки бутун тизимни ривожлантиришнинг истикболли режасини ишлаб чикишда кулланилади. Мақсадга эришишнинг энг самарали вариантини танлаш, яъни куйилган вазифаларни окилона бажаришга имкон яратади.

Дедуктив усули - умумий коидалар ва конуниятлардан келиб чикиб, нисбатан жузъий хулосалар чикарилади. Х,ар кандай иктисодий тамойил ва механизмнинг амал килишини аниклашда даставвал назарий гояларга, сунгра уларнинг амал килишига асосланилади. Бу жараён муаммони тадкик этишнинг дедуктив усули деб номланган. Юқоридаги масалани тадкик этишда, ўрганишда даставвал маълумотлар, вокеалар, фактлар ўрганилади.

Индуктив усули - бунда алохида бир хил фактлардан умумлаштиришга, жузъийдан умумий хулосалар чиқаришга таянилади. Назарий гояларни яратиш жараёни эса индуктив тадкик этиш усули деб номланган. Демак, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган хар кандай иктисодий муаммони аввал унинг назариясидан, яъни гоясидан амал килишига караб ўрганиш ёки бу муаммонинг амалиётга жорий этилишидан, яъни амалиётдаги холатига асосланган холда гоя ёки назариясини яратишга караб тадкикот олиб бориш мумкин.

“Қишлоқ хўжалиги иктисодиёти” фанида кулланиладиган хар бир услуб узига хосликка, афзалликларга ва айни пайтда маълум бир камчиликларга хам эга. Фанда тадкикотлар олдига куйилган аник мақсад ва вазифаларга караб, бирор услуб ёки услублар мажмуасидан фойдаланилади. Пировард натижанинг хакконийлигини аниклашнинг энг муҳим йўли - илмий хулосаларнинг амалиётда, ишлаб чиқариш тажрибасида кенг исботланишидадир.

*Назорат ва муҳокама учун саволлар:*

1. «Қишлоқ хўжалиги иктисодиёти ва менежменти» фанининг предмети, мақсади ва асосий вазифалари нималардан иборат?
2. «Қишлоқ хўжалиги иктисодиёти ва менежменти» фанида кандай ўрганиш усулларидан фойдаланилади?
3. Қишлоқ ва сув хўжалиги тизимидаги корхона ва ташқилотларни ижтимоий- иктисодий ривожланиши учун кандай ҳуқуқий ва меъёрий хужжатлар қабул килинган?
4. Олиб борилаётган иктисодий ислохотлар дастурини қишлоқ ва сув хўжалиги тизимидаги корхона ташқилотларни ижтимоий-иктисодий ривожланишига таъсири кандай?
5. Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини шакллантириш гояларини яратишда иктисодчи мутахассисларнинг ўрни кандай?
6. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини узига хос хусусиятлари нималардан иборат?
7. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий - меъёрий асосларини санаб беринг.
8. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини миллий иктисодиётда тутган

ўрни ва аҳамияти нимадан иборат?

9. Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалигини ривожланиш истикболлари кўрсатиб беринг?

10. Иктисодиётни модернизация килиш шароитида аграр сохани ривожлантириш тамойиллари нималардан иборат?

## 2-МАВЗУ.АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНИНГ МОХИЯТИ, ТАРКИБИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

*Режа:*

1. *Агросаноат мажмуасининг мақсади, вазифалари ва таркиби.*
2. *Агросаноат мажмуаси тармоцларининг узаро ишлаб чицариш муносабатлари.*
3. *Агросаноат мажмуасини мамлакатни озиц-овцат хафсизилигини таъминлашдаги ўрни.*
4. *Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасини бошцариш тизими.*

Агросаноат мажмуаси - бу қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштирувчи, қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқаришга хизмат килувчи ва қишлоқ хўжалик махсулотларини саклаш, қайта ишлаш, истеъмолчига етказиб бериш билан боғлик бўлган иктисодиёт тармоқлари мажмуасидир.

Агросаноат мажмуасининг мақсадли фаолияти минимал харажатлар хисобига мамлакат ахолисини озиқ-овқат махсулотлари ва саноатни хом-ашё билан туларок кондиришга каратилган.

Республикада агросаноат мажмуасига кирувчи барча тармоқларни ривожлантириш билан боғлик бўлган чора-тадбирлар ишлаб чикилиб, хаётга босқичма-босқич жорий этилмокда.

Республика агросаноат мажмуасида:

- агросаноат мажмуаси таркибига кирувчи барча тармоқларнинг ташқилий, технологик, техникавий, иктисодий ва ижтимоий боғланишини таъминлаш;
- мажмуа таркибидаги корхоналарнинг фаолият йуналишларини эътиборга олган холда уларни мақсадга мувофик окилона жойлаштириш;
- мажмуа таркибидаги корхоналарнинг ихтисослашуви ва интеграциялашувини таъминлаш;
- мажмуа таркибидаги корхоналарни замонавий техникалар билан жихозлаш, илғортехнологияларни жорий этиш;
- агросаноат мажмуаси таркибидаги корхоналар ихтиёридаги барча ресурслардан (табиий, капитал, Меҳнат) тадбиркорлик билан окилона фойдаланиб, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, механизациялаштириш, электрлаштириш ва кимёлаштириш;
- агросаноат мажмуаси таркибидаги корхоналар уртасида уларнинг махсулотларини узаро самарали айрибошланишини таъминлайдиган

нархларни белгилаш;

• мажмуада фаолият кўрсатаётган рахбар, ишчи ва хизматчиларнинг малакаларини ошириш, улар Меҳнатларининг микдорига, пировард натижасига кура рагбатлантирилишини таъминлаш борасида катта ишларни амалга ошириш.

Эркин бозор иктисодиётига босқичма-босқич ўтиш таъминланаётган йилларда мамлакат ахолисининг уртача сони бир йилда 310-320 минг нафарга ёки 1,3 фоизга усмокда. Шу билан бирга саноат корхоналари сони ва ишлаб чиқариш кувватлари хам йил сайин ошиб бормокда. Бу холат республикада хомашё, озиқ-овқат махсулотлари ва халк истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни ривожлантирилишини тақозо этмоқда. Бу муаммоларни ечиш учун энг аввало қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва у билан узвий боғлик бўлган хизмат кўрсатиш хамда қайта ишлаш тармоқларининг мутаносиб равишда ривожланишини таъминлашга эришиш, сунгра тайёр озиқ-овқат махсулотларини ишлаб чикарувчи ва уларни истеъмолчиларга етказувчи тармоқларнинг ташқилий, техникавий, технологик, иктисодий ва ижтимоий боғланишини таъминлаш лозим.

Агросаноат мажмуасининг асосий мақсади:

-агросаноат мажмуаси корхоналарини интенсив ривожлантириш ва шу асосда пировард махсулот ишлаб чиқаришни устириш;

-барча тармоқ ва корхоналарда мавжуд ресурслар потенциалидан самарали фойдаланиш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;

-ташқи савдо оборотининг хажмини ошириш, таркибини кенгайтириш;

-мамлакатнинг озиқ-овқат муаммосини хал килиш ва озик-овкатга бўлган истеъмолни илмий асосланган меъёрларга якинлаштириш;

-ахолини қишлоқ хўжалик хомашёсидан тайёрланадиган озиқ-овқат бўлмаган товарларга бўлган талабини кондиришдан иборат.

Агросаноат мажмуасининг мақсад хамда вазифаларидан келиб чиккан холда унинг таркиби қуйидаги 4 та бўғиндан иборат:

1- бўғин - агросаноат мажмуаси таркибидаги корхоналар учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чикарувчи қишлоқ хўжалиги машинасозлик, тракторсозлик саноати; кимё саноати; нефть махсулотлари саноати, микробиология саноати; озиқ-овқат машинасозлик, станоксозлик саноати; курилиш материаллари саноати ва бошқалардан иборат бўлиб , бу саноат корхоналарининг асосий мақсади - агросаноат мажмуаси таркибидаги, хусусан, қишлоқ хўжалиги ва унга ирригация-мелиорация, техника таъминоти ва таъмирлаш, кимёлаштириш, зооветеринария, электрлаштириш хизматларини кўрсатувчи хамда қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишловчи пахта тозалаш саноати, дон махсулотлари, мева, сабзавот, узум саноати, гушт-сут саноати, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарини ва нихоят, тайёр махсулотларни етказиб беришда зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари (машина, трактор, станок, кимёвий воситалар, ёкилгилар, озуқа моддалари) билан таъминлаш оркали ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлган хўжалик ва корхоналарнинг моддий-техника базасини барпо этишга

улкан хисса кушиш. Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасининг талаб даражасида шакллантирилиши натижасида ишлаб чиқариш жараёнлари автоматлаштирилиб, механизациялаштирилиб, электрлаштирилиб, жонли Меҳнат сарфи кискариб, Меҳнат унумдорлигининг кутарилиши таъминланади. Улар шу тармоқлардаги Меҳнат жараёнининг узгаришига таъсир этади, яъни оддий Меҳнат индустрлашган Меҳнатга айланиб боради. Агросаноат мажмуасининг бу бўғини таркибидаги тармоқларда минглаб корхоналар фаолият кўрсатиб, жами ички махсулотнинг 65-70 фоизи яратилмокда.

2- бўғин - агросаноат мажмуасининг асосий тармоги хисобланиб қишлоқ хўжалигидан ташқил топади. Қишлоқ хўжалигининг дехкончилик хамда чорвачилик тармоқларида саноат тармоқлари учун хом-ашё (пахта, дон, каноп, зигир, канд лавлаги, жун, тери, кунжут, узум), ахоли истеъмоли учун эса озик овкат махсулотлари( гушт, сут, сабзавот, полиз, мева, картошка махсулотлари) етиштирилади.

Қишлоқ хўжалиги агросаноат мажмуасининг асосий, яъни марказий тармоги хисобланади. Унинг барқарор ривожланиши ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чикарувчи, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи, етиштирилган қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишловчи, сакловчи хамда истеъмолчиларга етказиб берувчи барча тармоқлар фаолиятига боғлик. Улар қишлоқ хўжалик корхоналарини барча турдаги техникалар, кимёвий воситалар, ёкилги, курилиш материаллари, станоклар билан уз вактида таъминлаб, мавжуд қишлоқ хўжалик техникаларини арзон ва сифатли таъмирлаб, тармоқнинг ривожланишини таъминлайдиган хизматларни кўрсатиб, унда етиштирилган махсулотларни йигиб-териб, қайта ишлаб, истеъмолчиларга сифатли холда етказиб берсалар, қишлоқ хўжалигининг ривожланишига катта хисса кушган бўладилар. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши натижасида мажмуа таркибидаги тармоқларнинг хам кенгайиши таъминланади, яъни ишлаб чиқариш воситаларига бўлган талаб ортади. Бу талабни кондириш учун саноат тармоқлари интенсив фаолият кўрсатиш билан ишлаб чиқариш хажмининг кенгайишга хам эришилади. Тармоқда қишлоқ хўжалик махсулотлари хажмининг барқарор равишда усиши уларни қайта ишловчи тармоқлар самарали фаолият кўрсатишини талаб этади. Демак, агросаноат мажмуаси таркибидаги барча тармоқлар қишлоқ хўжалиги билан бевосита боғлик. Шу сабабли республика қишлоқ хўжалигини мақсадга мувофик ташқил этиш ва замон талаби асосида бошқаришга алохида эътибор берилмокда.

3- бўғин. Қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишловчи, сакловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар, жумладан, пахта тозалаш, дон, каноп, канд лавлаги, гушт ва сут, тамаки, сабзавот ва полиз махсулотлари, мева, узумни қайта ишлаш, енгил ва бошқа саноат тармоқлари; бозор талабини эътиборга олган холда тайёр махсулотларни улгуржи ва чакана холда етказиб берадиган савдо тармоқлари киради. Қишлоқ хўжалиги махсулотларини ишлаб чиқариш хажмининг кўпайиши мос равишда пировард махсулотни тайёрлаш, саклаш, ташиш, қайта ишлаш

ва сотиш буйича тармоқларни ривожлантиришни талаб килади, бу эса агросаноат мажмуасининг 3- бўғинининг ривожланиши оркали амалга оширилади.

4- бўғин. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташқил этиш хамда унинг ривожланишига хизмат кўрсатадиган тармоқлар, яъни қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси бўлиб, бу сохаларга:

- экинларни, чорва хайвонларини сув билан таъминлайдиган, ерларнинг мелиоратив холатини яхшиланишини таъмин этувчи чора-тадбирлар тизимини амалга оширадиган сув хўжалиги тармоги;
- қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган барча техникаларга сервис хизмати кўрсатадиган тармоқ;
- тармоқда йирик бино-иншоотларни курувчи ва мавжудларини таъмирловчи тармоқ;
- тармоққа зооветеринария хизмати, шунингдек, хашоратларга, зараркунандаларга, бегона утларга карши курашиш мақсадида кимёвий хизмат кўрсатадиган тармоқ;
- қишлоқ хўжалигини ёкилги ва ёғловчи материаллар хамда электроэнергия билан таъминлайдиган тармоқлар ва шу каби кўплаб тармоқ ва сохалар киради.

Бу тармоқлар қишлоқ хўжалигига барча турдаги иш ва хизматларни уз вактида, сифатли кўрсатишлари натижасида турли хилдаги қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштиришда катта хисса кушадилар. Техникаларни таъмирлаб, экинлар экиладиган майдонларни агротехник муддатларда сифатли хайдаб, экишга тайёрлаб, экиб, униб чиккан ўсимликларга ишлов бериб, етиштирилган хосилни белгиланган муддатларда сифатли йигиб олиш натижасида қишлоқ хўжалик махсулотларининг микдорини оширишга, уларнинг сифатини яхшилашга агросаноат мажмуаси таркибига кирувчи бу бўғин корхоналари бевосита катта таъсир кўрсатадилар. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг махсулотларини окилона, уз вактида истеъмолчига етказиб бериш натижасида эса қишлоқ хўжалик корхоналари фойда микдорини кўпайтиришга эришишлари мумкин.

Бу тармоқ таркибидаги корхоналар қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш натижасида уз ихтиёридаги замонавий технологиялар ва инновациявий ютуклар натижасида қишлоқ хўжалигида олиб бориладиган барча турдаги иш ва хизматларни механизациялаштирилишини, автоматлаштирилишини, электрлаштирилишини хамда кимёлаштирилишини таъминлаб, жонли Меҳнат сарфини камайтириш эвазига Меҳнат унумдорлигини ошишига, сарф харажатларнинг камайиши хисобига ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига сабаб бўлади.

Агросаноат мажмуаси таркибидаги бу бўғин тармоқларининг асосий мақсади - қишлоқ хўжалиги корхоналарига барча турдаги хизматларни, ишларни муддатида, сифатли бажаришдир.

Республика агросаноат мажмуасини барқарор ривожлантиришда мамлакатда мавжуд бўлган иктисодий хамда ижтимоий инфратузилмалар улкан аҳамиятга эга. Улар агросаноат мажмуаси таркибидаги барча

тармоқларнинг ривожланишини таъминлаш мақсадида банк, сугурта, инвестиция, солик, лизинг, согликни саклаш, таълим-тарбия, маънавий, маданий, санъат, коммунал хизматларни амалга оширадилар. Шунинг учун барча мажмуалар уртасидаги муносабатлар узаро манфаатли холда амалга оширилгани маъкул.

Эркин бозор иктисодиётига босқичма-босқич ўтиш таъминланаётган йилларда мамлакат ахолиси уртача бир йилда 1,3 фоизга усмокда. Шу билан бирга саноат корхоналари сони ва ишлаб чиқариш кувватлари хам йил сайин ошиб бормокда. Бу холат республикада хомашё, озиқ-овқат махсулотлари ва халк истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни ривожлантирилишини тақозо этмоқда. Бу муаммоларни ечиш учун энг аввало қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва у билан узвий боғлик бўлган хизмат кўрсатиш хамда қайта ишлаш тармоқларининг мутаносиб равишда ривожланишини таъминлашга эришиш, сунгра тайёр озиқ-овқат махсулотларини ишлаб чикарувчи ва уларни истеъмолчиларга етказувчи тармоқларнинг ташқилий, техникавий, технологик, иктисодий ва ижтимоий боғланишини таъминлаш лозим.

Қишлоқ хўжалигини барқарор равишда ривожлантириш ва самарадорлигини юксалтириш учун уни янги қишлоқ хўжалик машиналари, техникалари, транспорт ва кимёвий воситалар, минерал угитлар, ёкилги хамда ёғловчи материаллар, курилиш материаллари, озуқа моддалари билан тулик ва мутаносиб равишда таъминлаб, мустахкам моддий-техника базасини барпо этиш керак. Демак, қишлоқ хўжалигининг келажакдаги ривожи даставвал унинг учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чикарувчи саноат тармоқлари фаолиятига бевосита, шунингдек, аграр соханинг равнаки унга хизмат кўрсатувчи, яъни қишлоқ хўжалиги корхоналарини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи, тармоқдаги машина-трактор ва бошқа техникаларни таъмирловчи, хўжалик объектларини курувчи, ирригация-мелиорация ва кимёвий, транспорт хизматларини бажарувчи тармоқлар фаолиятига хам боғликдир.

Агросаноат мажмуаси қишлоқ хўжалигининг ягона такрор ишлаб чиқариш жараёнига бирлашган аралаш тармоқлар мажмуаси ва улар уртасидаги муносабатларнинг сифат жихатдан янги даражадаги куринишидир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлиги тармоқда етиштирилган хом - ашёлар билан ахолининг барча талабларини тулик ва сифатли кондира оладиган озик- овкат, газлама, кийим-бош, оёк кийим ва бошқа махсулотлар ишлаб чикарувчи саноат тармоқларининг серкиррали фаолиятига хам боғлик.

Агросаноат мажмуасининг шаклланиш асоси қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларининг интеграцияси натижаси хисобланади.

Агросаноат мажмуаси тармоқларининг узаро ишлаб чиқариш муносабатлари қишлоқ хўжалиги, унга ишлаб чиқариш воситалари етказиб берадиган, хизмат киладиган ва унинг махсулотини истеъмолчига етказиб бериш билан шугулланадиган барча тармоқларнинг иктисодий -ижтимоий алокаларидан иборат.

Агросаноат интеграцияси ижтимоий Меҳнат таксимотининг чукурлашуви, ишлаб чиқариш кучларини ривожланиши натижасида содир бўлади. Қишлоқ хўжалигининг тармоқлараро мустахкам алокаси хам шу асосда ўрнатилади. Ана шундан, ишлаб чиқариш
- техникавий, агрокимё хизмати, мелиоратив ишлар, ветеринария хизмати каби тармоқ ва корхоналарнинг вазифалари келиб чикади.

Қишлоқ хўжалигини агросаноат мажмуасининг бошқа тармоқлари билан махсулотни сотиш ва қайта ишлаш сохасидаги алокалари янада кучаяди.

Кўп тармоқли ишлаб чиқариш тизимининг самарали фаолияти ресурслар таъминотига, улар куламининг кенгайишига, махсулот ишлаб чиқариш хажми буйича тармоқларнинг мослашувига, пировард натижани мақсад килиб куйган агросаноат мажмуаси тармоқ-ларининг фаолиятига боғлик..

Агросаноат мажмуаси таркибидаги кархоналарда ишлаб чикариладиган хар бир оралик махсулотни ишлаб чиқариш хажми, шу махсулотни истеъмол килувчи корхона ва ташқилотларнинг талаби билан аникланади, бу билан бутун бир мажмуани ривожлан- тиришнинг зарурий мутаносиблиги ва бир текислиги таъминланади.

Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чикарувчи тармоқлар, уз махсулотларини қишлоқ хўжалигига ва қайта ишловчи корхоналарга етказиб берадилар. Уларнинг эътибори нафакат мажмуанинг хар бир бўғинининг талабини кондиришга, балки уларнинг агросаноат ишлаб чиқаришининг босқичлари буйича нисбатларининг оптималлигини таъминлашга хам каратилгандир. Акс холда, агросаноат мажмуи ривожланишида қишлоқ хўжалиги махсулотларини ташиш, саклаш ва истеъмолчига етказиб бериш жараёнида катта йукотишларга олиб келувчи номутаносиблик келиб чикар эди.

Қишлоқ хўжалиги махсулотини тайёрлашни, саклашни ва қайта ишлашни амалга оширувчи агросаноат мажмуи учинчи бўғинининг тармоқларини моддий- техника базасини такомиллаштирилиши талаб этилади. Ишлаб чиқариш воситаларини етказувчи тармоқлар дехкончилик ва чорвачилик билан тармоқлараро алокаларда оптимал нисбатга риоя килишлари зарур.

Агросаноат мажмуаси тармоқлари уртасидаги иктисодий алокалар махсулот ва хизматларга объектив ўрнатиладиган бахоларнинг оптимал даражаси ёрдамида амалга оширилади. Саноат ва қишлоқ хўжалиги махсулотлари бахолари уртасидаги фарк натижасида меъёрий иктисодий алокалар ва ишлаб чиқариш хажмининг усиши ва пировард махсулотни сотиш кийинлашади.

Агросаноат ишлаб чиқаришида тармоқлар ва улар таркибидаги корхоналарнинг узаро алокадорлиги:

-агросаноат мажмуасининг барча бўғинлари таркибидаги корхоналар учун ишлаб
чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш;

-қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши;

-қишлоқ хўжалиги хом-ашёсидан тайёрланадиган истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш;

-тезкор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларига ишлаб чиқариш-техникавий ва технологик хизмат кўрсатиш;

-пировард махсулотни сотиш билан белгиланади:

У ёки бу тармоқни агросаноат мажмуига тегишлилигини аниклаш анча мураккаб масала бўлиб, саноатнинг айрим тармоқлари қишлоқ хўжалиги йуналишида фаолият кўрсатади. Кўпчилиги эса қишлоқ хўжалиги учун кисман махсулот ишлаб чикаради. Агросаноат мажмуини ягона бир тизим шаклида характерлаб шуни таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалиги саноат, курилиш, транспорт, савдо ва халк хўжалигининг бошқа тармоқлари билан доимо мустахкам алокада бўлиб келган.

Республика фукароларининг тайёр озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат махсулотларига бўлган талабини тулик кондирилиши барча тармоқларга турли хилдаги ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чикарадиган саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, унга хизмат кўрсатувчи, қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишлаб, тайёр махсулот даражасига етказувчи ва уларни истеъмолчиларга етказиб берувчи барча тармоқларнинг техникавий, технологик, иктисодий хамда ижтимоий боғланишини объектив холда тақозо этади. Шунинг учун улар мақсадга мувофик равишда жойлаштирилиб, ихтисослаштирилиб, халк хўжалиги микёсида Меҳнат таксимотини амалга оширилишини таъминлашлари зарур. Тармоқлар ягона мақсад йўлида узаро боғланишлари натижасида республика агросаноат мажмуаси шаклланади.

Мамлакат агросаноат мажмуасининг асосий мақсади - ахолини сифатли озиқ-овқат ва халк истеъмоли товарлари билан талаб даражасида таъминлашдир. Бу муаммо улкан сиёсий, иктисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, унинг талаб даражасида хал этилиши ахолининг турмуш даражасини юксалтиради, фаровон яшашини таъминлайди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакатни мавжуд салохиятлар, ресурслар билан таъминлаш ва ахолини ички ва ташқи шароитларга боғлик бўлмаган холда, илмий жихатдан асосланган тиббий меъёрлар даражасида озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлашни кафолатлашдир.

Озиқ-овқат билан узини-узи таъминлаш - бу давлатнинг ички эхтиёжини озик- овкатнинг барча турлари хамда алохида махсулот турлари билан таъминлаш, коплаш кобилиятидир.

Озиқ-овқат хавфидан келадиган иктисодий зарар бевосита ва билвосита йукотишлардан иборат бўлиб, у қуйидагилар билан боғлик:

-таъминловчи тармоқлар ва агросаноат мажмуаси тармоқлари фаолиятларининг бузилиши;

-озиқ-овқат махсулотлари бахоларининг ошиши буйича импорт туловлари;

-Меҳнатга ярокли ахолининг камайиши хисобига Меҳнатнинг иктисодий самарадорлигининг пасайиши;

-озиқ-овқат карамлилиги ва озиқ-овқат мустакиллиги.

Мамлакатда озиқ-овқат карамлилиги шундай холатда вужудга келадики, унда жамият узининг озиқ-овқат хавфсизлигини узи мустакил хал килиш кобилиятига эга бўлмайди. У қишлоқ хўжалиги, саноат ва транспорт каби тармоқлар мажмуининг бузилишига, шунингдек зарурий озиқ-овқат махсулотлари импортига мамлакат иктисодиётининг тулов кобилиятининг йуклиги асосий сабаб бўлади. Озиқ-овқат карамлилигининг пайдо бўлиши учун асосий шароит давлатнинг хусусий ишлаб чикарувчиларни куллаб кувватламаслиги ва озиқ-овқат махсулотлари импортининг хаддан ташкари кўпайиб кетишида ифодаланади.

Озиқ-овқат мустакиллиги бу ахолини ўрнатилган овкатланиш меъёрлари буйича озик-овкатлар билан таъминлаш учун энергия, ер ресурслари, қишлоқ хўжалиги машиналари, моддий ресурсларнинг стратегик захираларининг мавжудлигидир. Уни амалга ошириш учун агросаноат мажмуаси ахолининг асосий озиқ-овқат махсулотлари турларига бўлган талабини зарурий микдорда ва ассортиментда мустакил ишлаб чиқариш, саклаш, қайта ишлаш ва таъминлашга кодир бўлиши керак.

Ахолини озиқ-овқат махсулотлари билан таъминланиши давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигига хам боғлик. Чунки мамлакат микёсида озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқариш хажми унга бўлган мамлакат эхтиёжини ташқи омилларга (хорижий давлатларга) боғланмаган холда таъминлаши лозим.

Бозор иктисодиёти шароитида барча турдаги эркин муносабатларнинг ҳуқуқий асоси яратилиши зарур. Шунинг учун хам республикамизда бу масалага алохида эътибор берилмокда. Бунга мамлакат Олий Мажлиси томонидан конунлар босқичма-босқич қабул этилаётганлиги яккол далил бўлади. Уларга агросаноат мажмуаси таркибидаги барча хўжаликлар риоя этишлари лозим. Шунинг учун улардаги рахбар ва мутахассислар барча конунларнинг мазмунини хамда уларни амалга ошириш йўлларини яхши билишлари керак.

Республикада агросаноат мажмуасини бошқаришдан мақсад уни самарали ривожлантириш, хар бир соха, тармоқ ва ишлаб чиқариш ходимларига меъёрий шароитларни таъминлаш, зарурий шарт-шароитларни яратиш ва мамлакатнинг озик овкат хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир. Бу Меҳнат, моддий ресурсларидан фойда- ланишни яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги шикастланишларни, ходимлар касалланишини камайтириш билан характерланади. Агросаноат мажмуига кирувчи корхона ва ташқилотларда ижтимоий-маданий объектларни куриш, ишлаш ва дам олишга ижтимоий шароитни яхшилаш, кадрларни такрор ишлаб чиқариш учун имкониятларни яратиш хозирги долзарб масалалардан хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуининг ракобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш муаммоси стратегик аҳамиятга эга бўлиб, уни факат илмий асосда ечиш мумкин. Ракобат стратегиялари концепцияси илмий ишлаб чикилмаса, шунингдек давлат томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатилмаса, аграр секторда махсулотни такрор ишлаб чиқариш жараёни суст кечади ва мукаррар тарзда ракобатбардошлик ва озик- овкат

хавфсизлигининг йуколиши, агросаноат мажмуи махсулотлари нархларининг номутаносиблиги каби салбий окибатларга сабаб бўлади.

Агросаноат мажмуасини ривожлантириш учун давлат ёрдамини ошириш, янги технологиялар ва техникани жорий этиш, харажатларни камайтириш, Меҳнатга хак тулаш даражасини ошириш, ички нархлар ва жахон нархлари уртасидаги тафовутни камайтириш борасида мамлакатимизда катта ишлар килинмокда.

Агросаноат мажмуасининг ривожланиши, улар таркибидаги корхоналарнинг кўпайиши, бир канча масалаларнинг ижобий хал этилишини таъминлайди:

- қишлоқ худудларида ишга ярокли кишиларни иш билан таъминлаш;
- тайёр бозорбоп махсулотларни кўпрок ишлаб чиқариш;
- чикимсиз технологияларни жорий этиш;
- хўжаликларнинг пул тушумларини кўпайтириш;
- қишлоқ хўжалиги махсулотларининг нобудгарчилигининг камайтириш.
- қишлоқ ахолиси турмушининг кутарилиши ва бошқалар.

Агросаноат мажмуаси тузилмаларининг устунлигини таъминлашнинг стратегик жихатдан муҳим манбаларидан бири бу инновацион такрор ишлаб чиқаришдир. У хозирги замон стратегик тадбиркорлигининг узагини ташқил этади.

Агросаноат мажмуаси бозорининг хакикий бўлиши, харидорлар ва сотувчилар учун фойдали инновацион товарлар хамда уларга бўлган талабни уз ичига олиши учун бозор кучлари шаклланишига шарт-шароит яратиш ва уларнинг ракобатини институционал таъминлаш лозим.

Республика хукуматининг энг муҳим вазифаларидан бири ахолининг истеъмол товарларига нисбатан усиб бораётган талабини кондиришдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги “2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр махсулотлар, бутловчи кисмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни махаллийлаштириш дастури тўғрисида”ги 1048-сон қарорига мувофик қишлоқ ва сув хўжалиги тизимидаги корхоналар уз фаолиятларини кундан - кунга кенгайтирмокдалар. Ахолини озиқ-овқат хамда ноозиқ-овқат махсулотлари билан тулик таъминланиши натижасида уларнинг фаровон хаёт кечиришлари учун асос яратилади. Бу муаммони агросаноат мажмуаси хал этади. Агросаноат мажмуасида барча тармоқлар узаро интеграциялашуви хамда ихтисослашиши натижасида ахолининг икки хил эхтиёжини кондирадиган махсулотлар ишлаб чикарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилиши зарур. Бўлар:

-биринчиси озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқариш. У озиқ-овқат махсулотлари мажмуасини ташқил этади. Унга нон ва нон махсулотлари, кандолат, шакар, гушт ва гушт махсулотлари, чой, узум виноси, конъяк, арок, турли хилдаги консервалар ва бошқа махсулотлар киради. Бу озиқ-овқат махсулотлари инсон организми учун зарур моддаларни бериб, унинг соглом усишини таъминлайди.

-иккинчиси агросаноат мажмуаси ахоли учун хаёт кечириш жараёнида

фойдаланиладиган товарларни ишлаб чикаради. У халк истеъмоли моллари мажмуасини ташкил этади. Унда оёк кийими, кийим-бош, газламалар, саноат спирти, техника ёғлари ва бошқа махсулотлар ишлаб чикарилади. Мажмуа ривожланиши билан ахолининг яшаш шароити узгаради. Бу ерда ахолининг зарур бўлган бошқа буюмлар, воситалар, шунингдек, уй-жой билан таъминланиши, унга турли хилдаги хизматлар кўрсатилиши ва бошқалар хам эътиборга олиниши керак.

*Назорат ва му^окама учун саволлар:*

1. Нима учун агросаноат мажмуаси миллий иктисодиётнинг кўп тармоқли тизими хисобланади?
2. Агросаноат мажмуасининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
3. Агросаноат мажмуаси таркибига нималар киради?
4. Агросаноат мажмуасининг ривожланишини кандай кўрсаткичлар ифодалайди, улар кандай аникланади?
5. Агросаноат мажмуасининг республика иктисодиётидаги ўрни кандай?
6. Агросаноат мажмуаси таркибида қишлоқ хўжалигининг ўрни кандай?
7. Агросаноат мажмуасининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни кандай?
8. Агросаноат мажмуасини шакллантиришнинг зарурлиги нимада?

## 3-МАВЗУ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР-СУВ РЕСУРСЛАРИ ВА УНДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

*Режа:*

1. *Ер-сув ресурсларининг қишлоқхўжалигидаги аҳамияти ва хусусиятлари, уларнинг майдони таркиби.*
2. *Ердан, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби.*
3. *Ердан, сувдан фойдаланиш самарадорлиги, уни ошириш йўллари.*
4. *Ер мониторинги ва давлат ер кадастри.*

Қишлоқ хўжалигининг ер ресурслари - бу қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чикарувчилари учун қишлоқ хўжалиги махсулотини ишлаб чиқаришда хусусий мулк сифатида эгалик килишга ва фойдаланишга ажратилган ер майдонларидир. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг моддий асоси сифатида ер ресурслари ишлаб чиқаришнинг умумий омили бўлиб, тармоқдаги бошқа ишлаб чиқариш ресурсларини бирлаштириш учун моддий асос хисобланади. Чунки ер қишлоқ хўжалигида бош ишлаб чиқариш воситаси хамда Меҳнат предмети хисобланади.

Ишлаб чиқариш восита сифатида ердан фойдаланишда унинг бир канча хусусиятлари мавжуд:

• ер қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситаси. Бошқа сохаларда

ер жой вазифасини бажариб келмокда.

- ер майдонининг чекланганлиги ва такрор ишлаб чикарилмаслиги. ер табиатан чекланган, унинг майдонини инсон кенгайтира олмайди. Бошқа асосий воситаларни, масалан, тракторларни, машиналарни талабни кондириш мақсадида хохлаганча ишлаб чиқариш мумкин;
- ернинг табиат махсули эканлиги. ернинг келажакдаги такдири табиатга боғлик. Бошқа асосий воситалар, яъни бинолар, иншоотлар, комбайнлар, тракторлар инсон Меҳнатининг махсулидир. Зарурият тўғилганда улар инсон томонидан ишлаб чикарилиши мумкин. ерни эса инсон ишлаб чикара олмайди;
- қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириш мақсадида ерни бир жойдан иккинчи жойга кучириб юриш имконияти чекланган. Ундан жойлашган маконида окилона фойдаланиш мумкин. Лекин машина ва тракторларни талаб этилган жойга олиб бориб, турли хилдаги ишларни амалга ошириш, бино-иншоотларни хам талаб этилган жойга куриш мумкин;
- ернинг юқори катлами хисобланган тупроқ унумдорлигининг мавжудлиги, яхши караш натижасида унинг ошиб бориши, тупроққа вактида ишлов берилса, угитланса, унинг унумдорлиги ошиб бориши мумкин. Лекин бошқа асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида катнашиши окибатида жисмоний жихатдан ишдан чикади. Улар вакт ўтиши билан фан-техника тараккиёти натижасида маънавий жихатдан хам эскиради. ернинг унумдорлигидан тадбиркорлик билан фойдаланиш мақсадга мувофикдир.

Республикада мавжуд ер майдонлари жами: 4410,3 минг гектар, 21,4 миллион гектар яъни 48 фоиздан ортик ерлардан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фойдаланилмокда, шундан суғориладиган ерлар 4279 минг гектар, ёки 9,6 фоизни ташқил этади. 3.1-жадвалда Ўзбекистон ер фондидан фойдаланиш даражаси буйича тоифаларга таксимланиши келтирилган.

Х,айдаладиган ерларнинг энг махсулдор ва самарали кисми суғорма ерлардир. 3.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ер фондининг ерлар тоифалари буйича

| Т/Р | Ер фондининг тоифалари | Жами майдон | | Шундан | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Минг ( га ) | Жами ерга нисбатан | Минг ( га ) | Жами ерга нисбатан (%) |
| 1 | Қишлоқ хўжалигига мулжалланган ерлар | 21453.2 | 48.31 | 4217.7 | 9.5 |
| 2 | Ахоли пунктларининг | 220.4 | 0.50 | 48.3 | 0.1 |
| 3 | Саноат, транспорт, алока, мудофаа ва бошқа | 1995,8 | 4,49 | 12,0 | 0,03 |
| 4 | Табиатни мухофаза килиш, согломлаштириш, | 75,9 | 0,17 | 0,6 | 0,001 |
| 5 | Тарихий-маданий ахамиятга молик ерлар | 1.1 | 0.002 | 0 | 0 |
| 6 | Урмон фонди ерлари | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] |
| 7 | Сув фонди ерлари | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] |
| 8 | Захира ерлар | | | | |
| | Жами ерлар: | 44410,3 | 100 | 4315,7 | 9,72 |

таксимланиши

Ўзбекистон - кадимдан суғорма дехкончилик мамлакати бўлиб келган. Суғорма дехкончилик озиқ-овқат сохасида Республика мустакиллигининг негизи ва асосий экспорт махсулотининг манбаидир.

Ўзбекистон хозирда жахонда суғорма дехкончилик марказларидан бири хисобланади. Суғориладиган ерларнинг умумий майдони салкам 4,3 млн. гектарни ташқил этиб, унинг асосий кисми тупроқ-сув шароити нисбатан кулай бўлган водий ва вохаларда жойлашган. Фаргона, Зарафшон водийлари, Сурхондарё, Кашкадарё, Хоразм вохалари шулар жумласидандир. 1960 йиллардан сунг суғориладиган ерлар майдони икки мартадан зиёд кўпайди. Усиш асосан Мирзачул, Карши чули, Элликкалъа массиви хисобига таъминланган.

Қишлоқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган ерлар деб қишлоқ хўжалиги эхтиёжларига ажратилган, шунингдек шу мақсадларда худудий режалаштиришга мувофик белгиланган ер майдонларига айтилади.

Буз ерларга илгари хайдалмаган аммо бир йилдан ортикрок муддат қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш учун турли уругларни экишда фойдаланилмайдиган ер майдонлари киради.

Кўп йиллик дарахтзорларга - боғлар, узумзорлар, тутзорлар, бодомзорлар, анорзорлар, анжирзорлар киради.

Яйловлар-қишлоқ хўжалик мулкининг барқарор бўлмаган вактинчалик

куринишидир. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги экинлари учун ярокли бўлган буз ерлар майдонларини аста-секин хайдаладиган ерларга айлантириш, бунга яроксизларидан пичанзорлар ва яйловлар сифатида фойдаланиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташқил этишда муҳим вазифалардан хисобланади.

Чорвачилик учун табиий озуқа базаси бўлган пичанзорлар ва яйловлар хам қишлоқ хўжалигида мулк сифатида катта аҳамиятга эга. Бу майдонлар майсазорлар, табиий усим- ликлар билан копланган бўлиб, пичан олиш ёки чорвани утлатиш учун мулжалланган.

Пичанзорлар ва яйловлар сувли, сувсиз, хўжалик холатига кура соф, бутазор, ёш дарахтзор билан копланган, адирли ва бошқа турларга бўлинади.

Бошқа қишлоқ хўжалиги махсулотларига киёслаганда 1 га. хайдаладиган ердан олинган махсулот хосили энг юксак кўрсаткич хисобланади. Ана шундан келиб чикиб, ер майдонларидан имкон кадар самарали фойдаланиш, унинг улчамларини камайтирмай, иложи бўлса кенгайтириб бориш керак.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ерларини қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлмаган тоифага утказиш истисно холатларда Республика Ер кодексида белгиланган коидаларга мувофик амалга оширилади.

Ер ислохоти - бу иктисодий ислохотлар жараёнида, ерни дехконларга тулик бириктириш, ерга эгалик ва ундан фойдаланиш, хар бир дехконнинг юқори самарада ишлаб, экологик тоза махсулот ишлаб чиқаришдаги маъсулияти ва манфаатдорлигини таъминлайдиган ҳуқуқий, иктисодий ва ташқилий чора- тадбирлар мажмуини ишлаб чикиш халк амалиётига жорий килиш хисобланади.

Ер ресурслари билан бир каторда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида сув ресурслари хам муҳим ишлаб чиқариш омили бўлиб хисобланади. Сув органик моддалар хосил бўлишидаги фотосинтез жараёнида катнашиб, ўсимлик организми учун муҳим омил хисобланади. Бундан ташкари, сув озуқа моддаларни эритади ва уларни ўсимлик томонидан узлаштирилишини амалга оширади, қишлоқ хўжалиги экинлари хосилдорлигининг шаклланишига имконият яратиб беради.

Республика дехкончилиги суғоришга асосланган. Шунинг учун сув қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ер каби энг зарур восита хисобланади. Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган махсулотларнинг асосий кисми суғориладиган ерларда етиштирилади. Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган ялпи махсулотнинг 95 фоизга якини суғориладиган ерлардан олинади. Саноатнинг қишлоқ хўжалиги хом ашёларига, ахолининг эса озиқ-овкат махсулотларига бўлган талаби кондирилишида ер ва сувнинг аҳамияти жуда катта. Ерлардан, сувлардан канчалик окилона, самарали фойдаланилса, ишлаб чикариладиган махсулотлар хажми кўпаяди, натижада юқорида таъкидланган талабларнинг кондирилиш даражаси ортади.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган сувларнинг сифати хам барча вилоятларда бир хилда бўлмай, бир-бирларидан фарк килади. Андижон, Наманган ва Фаргона вилоятларининг аксарият худудларида экинларни

суғоришда фойдаланиладиган сувларнинг сифати яхши, яъни уларнинг таркибида хосилдорликка салбий таъсир этувчи турли хилдаги минераллар кам, лекин Коракалпогистон Республикаси, Хоразм вилояти худудларида фойдаланилаётган сувларнинг таркибида хлор ва бошқа моддалар кўп. Шунинг учун хам уларнинг сифати нихоятда ёмон. Бундай хол қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштириш хажмига ва сифатига салбий таъсир кўрсатади. Келажакда ерларнинг унумдорлигини ошириш, сувларнинг сифатини яхшилашга каратилган барча тадбирлар мажмуасини самарали амалга ошириш оркали зарур қишлоқ хўжалик махсулотлари хажмини, микдорини кўпайтиришга ва сифатини яхшилашга эришиш мумкин.

Республикамизда сув ресурслари манбалари чекланган. Уларнинг умумий микдори
49.4 млрд. $м^3$ атрофида. Шундан 30,6 млрд. $м^3$ ёки 61,9 фоизи йирик дарёларнинг сувидан,
16.5 млрд. $м^3$ республика худудидаги майда дарёларнинг сувларидан, колган кисми эса ер ости хамда коллектор-зовурлардан олинадиган сувлардан иборат.

Мавжуд сув ресурслари хозирги усиб бораётган талабни тулик кондира олмайди. Шу сув ресурсларининг аксарият кисми қишлоқ хўжалиги тармогида ишлатилади. Сув ресурслари давлат мухофазасида, мулкчилик шакллари буйича таксимланмаган. Республикада мустакиллик йилларида сувдан фойдаланиш ислохотлари олиб борилди.

Суғориладиган дехкончиликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш суғориладиган ерларда сув танкислигини вужудга келтиради. Бу эса уз навбатида хўжалик суғориш тизимларида сувни бехуда нобуд килмаслик, сув сарфини камайтириш, суғориш усулларини такомиллаштириш буйича катор тадбирларни амалга ошириш ва сувдан фойдаланишни катъий хисоб-китобини олиб бориш тартибини жорий этишни талаб килади.

Қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда тупроқдан сизиб йуколадиган ва суғориш тизимлари такомиллаштирилмаганлиги туфайли исроф бўладиган сув микдори 35-40 фоизга тенг бўлади. Ўзбекистонда экинларни суғоришда фойдаланиладиган сув асосан уз окими билан келадиган сув бўлиб, асосий суғориш усули катор оралари ишланадиган экинлар ва ем-хашак экинларини эгатлар оркали суғориш хисобланади. Келажакда суғориш усуллари ва техникасини такомиллаштириш, суғориш тизимларига хизмат килишни тегишли йўлга куйиш, мавжуд суғориш машиналарини такомиллаштириш ва шу асосда эгатлар оркали суғориш учун сув етказиб беришга килинадиган кул Меҳнати сарфларини камайтириш талаб килинади.

Бу борада Ўзбекистонда ирригация тизимларини бошқаришнинг маъмурий-худудий тамойилидан хавза тамойилига ўтишни кузда тутувчи, сув ресурсларини бошқариш, шунингдек сувдан фойдаланишда бозор тамойилларини барча даражада тадбик килиш амалга оширилмокда.

Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишнинг иктисодий самарадорлиги хўжаликларга беркитилган ер ресурслари, яъни 1 гектар

майдон хисобига тўғри келадиган ишлаб чиқариш самарасини акс эттиради.

Ер ресурсларидан фойдаланишнинг иктисодий самарадорлиги кўрсаткичларига, қишлоқ хўжалигига ярокли ердан ва хайдаладиган ердан фойдаланиш коэффициентлари киради.

Ер ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти ( ЕРФК) қишлоқ хўжалигига ярокли ерларни (К/ХЯЕ) хўжаликка беркитилган жами ер майдонига (ЖЕМ) нисбати билан ифодаланади:

$$\text{ЕРФК} = \frac{\text{К/ХЯЕ}}{\text{ЖЕМ}} \qquad (3.1)$$

Қишлоқ хўжалигига ярокли ерлардан фойдаланиш коэффициенти (К/ХЯЕФК). Хайдаладиган ерларни (Х,Е) қишлоқ хўжалигига ярокли ерларга (К/ХЯЕ ) нисбати билан ифодаланади.

$$\text{К/ХЯЕФК} = \frac{\text{ХЕ}}{\text{К/ХЯЕ}} \qquad (3.2)$$

Хайдаладиган ерлардан фойдаланиш коэффициенти (ХЕФК) жами экин майдонларини (ЖЭМ) хайдаладиган ерларга (ХЕ) нисбати билан ифодаланади.

$$\text{ХЕФК} = \frac{\text{ЖЭМ}}{\text{ХЕ}} \qquad (3.3)$$

Қишлоқ хўжалигига ярокли ерлардан интенсив фойдаланиш самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари ер кайтими ва ер сигимидир. Ер кайтими (ЕК) 1 га қишлоқ хўжалигига ярокли ерга тўғри келган соф махсулотни (СМ) ифодаласа, ер сигими (ЕС), 1 сумлик соф махсулот канча гектар ердан олинганлигини ифодалайди.

$$\text{ЕК} = \frac{\text{СМ}}{\text{К/ХЯЕ}}; \quad \text{ЕС} = \frac{\text{К/ХЯЕ}}{\text{СМ}} \qquad (3.4)$$

$$\text{ЕК} = \frac{\text{ЯМ;ТМ}}{\text{К/ХЯЕ}}; \quad \text{ЕС} = \frac{\text{К/ХЯ}}{\text{ЯМ;ТМ}} \qquad (3.5)$$

Қишлоқ хўжалигига ярокли ерлардан интенсив фойдаланиш самарадорлигининг қўшимча кўрсаткичлари ана шу ерлардан олинган натура ва киймат шаклидаги ялпи ва товар махсулотлари хисобланади. Ер кайтими ва ер сигимининг натурал кўрсаткичлари алохида олинган хўжаликларда ёки бир хил табиий ва иктисодий шароитларда жойлашган ва бир хил ихтисослашган хўжаликларда алохида махсулот турларини ишлаб чиқариш нуктаи назаридан қишлоқ хўжалигига ярокли ерлардан фойдаланиш самарадорлигини бахолашда фойдаланилинади. Ер кайтими ва ер сигимининг натурал кўрсаткичлари 1 га қишлоқ хўжалигига ярокли ер хисобига тўғри келган қишлоқ хўжалиги ялпи ва товар махсулотини характерлайди ва аксинча:

Бунда хар бир тур қишлоқ хўжалиги махсулоти уни ишлаб чиқариш

учун керак бўлган қишлоқ хўжалигига ярокли ерга мос келади. Ер кайтимининг натурал кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

- 1 га ердан олинган қишлоқ хўжалик экинлари хосилдорлиги; 100га хайдаладиган ер хисобига тўғри келган, центнер: галла, пахта, картошка, сабзавот ва бошқалар.
- 100 га қишлоқ хўжалигига ярокли ерларга ёки озуқа экинлари майдони хисобига озуқа ишлаб чиқариш, озуқа бирлиги.
- 100 га қишлоқ хўжалигига ярокли ерлар хисобига ишлаб чиқариш, центнер сут, гушт (турли хил), жун, тухум, галла, пахта ва бошқалар.

Дехкончилик, чорвачилик ёки бутун қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқариш нуктаи назаридан, шунингдек бошқа турли ихтисослашган хўжаликларни таккослашда, ер ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини бахолаш учун ялпи ва товар махсулоти кийматини, шунингдек фойдани қишлоқ хўжалигига ярокли ерга бўлиб хисоблайдиган, ер кайтими ва ер сигимининг қўшимча киймат кўрсаткичларидан фойдаланилади.

$$ЕК = \frac{ЯМК;\ ТМК;\ Ф}{К/ХЯЕ};\quad ЕС = \frac{К/ХЯЕ}{ЯМК;\ ТМК;Ф} \qquad (3.6)$$

Қишлоқ хўжалигига ярокли ерлардан фойдаланиш самарадорлигини характерлайдиган кўрсаткичларга, шунингдек дехкончилик, чорвачилик алохида махсулотларини ишлаб чиқаришнинг, шунингдек тармоқлар ва бутун қишлоқ хўжалиги
ишлаб чиқаришининг рентабеллиги хам киради.

Ер (экин) майдонларининг х,осилдорлиги. Бу кўрсаткич асосан экин турлари хамда умумий майдон буйича, натурал хамда киймат куринишларида аникланади, яъни улар 1 гектар фойдаланилган майдондан кандай махсулотларни канча микдорда (кг, центнер, тонна) хамда неча сумлик махсулот ёки фойда олинганлиги аникланади. Бунинг учун қуйидаги ифодадан фойдаланиш мумкин:

$$ЭХ = \frac{}{ЭМ} \qquad (3.7)$$

V 7

бунда: ЭХ- 1 га экин майдонидан олинган хосил микдори, ц;

ЯХ- экин экилган майдондан олинган ялпи хосил микдори, ц. ёки тоннада;

ЭМ- экин экилган хакикий майдон, га.

Бу кўрсаткич ёрдамида 1 гектар экин экилган майдондан канча микдорда хосил олинганлиги экин турлари буйича алохида-алохида аникланади. Унинг микдори канча кўп бўлса шунча яхши. Бу кўрсаткич у ёки бу экин экилган майдоннинг махсулдорлигини исботлайди. Жами экин майдонлари махсулдорлигини аниклаш учун кўрсаткични қуйидаги киймат кўрсаткичларида аниклаш, бунинг учун хар бир экиннинг ялпи хосили кийматини аниклаб олиш лозим. Сунгра уларнинг йигиндисини аниклаш керак.

$$ем = \frac{ЯМК}{ЭМ} : \frac{Ш}{ЭМ} : \frac{СФ}{ЭМ}$$

бунда: ЕМ- фойдаланилган ерларнинг мах,сулдорлиги. Яъни, бир гектар экин экилган ёки яйлов, пичанзор майдондан неча сумлик ялпи махсулот, ялпи даромад хамда соф фойда олинганлиги аникланади;

ЯМК- олинган ялпи махсулот киймати, сумда;

ЭМ- экинлар экилган майдон, га;

ЯДК- олинган ялпи даромад суммаси;

СФ- олинган соф фойда суммаси.

Таккосланадиган хўжаликларда ер ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини бахолашда қишлоқ хўжалигига ярокли ер турлари (хайдаладиган ер, пичанзор, яйлов) уртасидаги, яъни тупроқ унумдорлиги уртасидаги фаркни хисобга олиш зарур. Бунинг учун ерни иктисодий бахолаш балларидан фойдаланилади. Таккослама (кадастр) ер майдонидан олинган у ёки бу махсулотни ёки хосилдорликни аниклаш учун хакикий кўрсаткични 100 га кўпайтириб ва ер бахоси баллига бўлиш керак. Масалан: 1 га ердан олинган пахта хосилдорлиги 25 центнер бўлиб, шу ернинг иктисодий бахосининг балли 90 га тенг бўлса, у холда 1 гектар кадастр майдонидан олинган хосилдорлик 27,7 (25х 100:90=27,7) центнерни ташқил этади.

Қишлоқ хўжалик махсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг зарурий шарти, хозирги вактда айни долзарб масала бўлган, ер ресурсларидан фойдаланиш самарадор- лигини сезиларли даражада ошириш хисобланади.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш уз навбатида сув ресурсларидан хам окилона фойдаланиш заруриятини келтириб чикаради. Чунки ўсимлик дунёсини сувсиз тасаввур килиб бўлмайди. Буни иссик улка хисобланган бизнинг республикамизда яккол куриш мумкин. Шунинг учун сувни тежаш, ундан окилона фойдаланиш конун билан белгилаб куйилган.

Сувдан фойдаланиш коэффициенти.

У хакикатда суғорилган майдонни шу сув билан суғорилиши мумкин бўлган майдонга таксимлаш натижасида аникланади. Бунинг учун қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$СФК = \frac{СМ}{СММ}; \text{ ёки } \frac{СМ}{СММ} \times 100 \qquad (3.9)$$

бунда: СФК-сувдан фойдаланиш коэффициенти ёки фоизи;

СМ-хакикатда суғорилган майдон, га;

СММ-суғорилиши мумкин бўлган майдони, га.

Буни аниклаш натижасида сувдан фойдаланиш даражаси белгиланади. Бу кўрсаткични аниклашда экинларга сув бериш меъёрига алохида эътибор бериш мақсадга мувофикдир. Чунки унга риоя килинса, албатта, сувдан фойдаланиш даражаси юқори бўлади. Демак, унинг даражаси, яъни коэффициенти 1 дан ёки 100 фоиздан юқори бўлмаслиги лозим. Агарда юқори бўлса, унда экин майдонлари сифатли суғорилган бўлмайди.

Фойдаланиш мумкин бўлган ерлардан бир йилда неча марта фойдаланилганлик даражасини аниклаш учун хакикатда уруг экилган майдонни мавжуд экин экилган ер майдонига таксимланади. Бунда қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$ЕФС=\frac{УЭМ}{ФМ} \qquad (3.10)$$

бунда: ЕФС-ердан фойдаланиш сони, яъни 1 га майдондан неча марта фойдаланилганлик сони;

УЭМ- бир йил мобайнида уруг, чигит экилган майдон, га;

ФМ- фойдаланилган ер майдони, га;

Бу кўрсаткич ёрдамида бир майдонга неча марта экин экиб, фойдаланганлик даражаси, яъни сони аникланади. Демак, унинг сони бирдан кўп бўлиши мақсадга мувофикдир. Бунинг учун мавжуд бўлган ерлардан бир неча марта экин экиб, хосил олишга интилиш лозим.

Сувдан фойдаланиш самарадорлиги.

Бу кўрсаткич ёрдамида хар бир метр куб сув эвазига олинган ялпи махсулот микдори, киймат, даромад ва соф фойда суммаси қуйидаги тенглик ёрдамида аникланади:

сфс = *L: *ЯМК: ЯДК СФ_*
*ФСМ ФСМ ФСМ ФСМ*

бунда: СФС-сувдан фойдаланиш самарадорлиги;

ФСМ-фойдаланилган сув микдори. Бу натура хамда киймат куринишида аникланади. Бунда 1 $м^3$ сувдан фойдаланиш натижасида канча микдорда махсулотлар етиштирилганлиги хамда неча сумлик ялпи махсулот ва ялпи даромад, соф фойда олинганлиги аникланади.

Суғориш системаси (тизими)дан фойдаланиш коэффициенти даражасини аниклаш учун шу тизимнинг охирида экинларни суғориш мақсадида берилган сув микдорини шу тизим бошида олинган сув микдорига таксимлаш зарур. Бунда қуйидаги ифодадан фойдаланиш мумкин:

$$СТФК=\frac{СТОЭБС}{СТБОСМ} \qquad (3.12)$$

бунда: СТФК - суғориш тизимидан фойдаланиш коэффициенти;

СТОЭБС - суғориш тизимининг охирида экинларга берилган сув микдори;

СТБОСМ - суғориш тизимининг бошида олинган сув микдори.

Бу кўрсаткич даражаси ёки коэффициенти 1 га интилиши керак. Чунки суғориш тизимининг бошида олинган сув экин майдонларига тулик етказилиши лозим. Агар унинг даражаси паст бўлса, демак, сувнинг маълум микдори тизим давомида парланган, тупроққа сизиб кетган ёки окиб кетган бўлиши мумкин. Бу кўрсаткич тизимнинг холатини хам исботлайди.

Сувдан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик экинлари учун ерларни тайёрлаш режаларининг бажарилиш коэффициенти қуйидаги ифода оркали

хисоблаб чикилади.

$$СФК = 1 - E = \frac{Qg - Qc}{n \cdot Qg} \quad (3.13)$$

бунда Qg - хўжаликка ун кун давомида келиб турадиган уртача сув микдори:

Qc - хўжаликка бир кеча-кундуз давомида келиб турадиган уртача сув микдори:

n - ун кунда суғориш утказиладиган кунлар сони:

Ун кун давомида режа буйича берилиши лозим бўлган ва хакикатда берилган сув окими қуйидаги ифода буйича аникланади.

$$W = 0{,}0864 \text{ x } Qg \text{ x } n, \text{ минг м.куб} \quad (3.14)$$

Сувдан фойдаланиш коэфициенти режа буйича бирга тенг бўлиши керак. Шунга кура амалда сувдан фойдаланиш коэффициенти (СФК) қуйидаги ифода буйича хисобланади:

$$СФК = \frac{WQ}{WppQ} \quad (3.15)$$

бунда:

Wa, Wp - режа буйича белгиланган ва амалда суғорилган майдон, га:

Qa, Qp - ун кун давомида режа буйича ва хакикатда сарфланган сув микдори, м.куб/с

СФК нинг киймати 0,9-1,10 атрофида бўлиши керак, у пасайиб кетганда бунинг сабаби аникланади ва тегишли тузатиш киритилади. Сувдан фойдаланиш коэффициентини ошириш кўп жихатдан хўжаликда ва далаларда унга нисбатан моддий жихатдан жавобгарликни хис этишга, етиштирилган хосилга боғлик бўлади. Сувдан фойдаланишда моддий жихатдан жавобгарликни белгилаш учун хўжаликка келаётган сувни катъий равишда хисобга олиб бориш ва ундан самарали фойдаланишни жорий этиш керак бўлади.

Йил давомида талаб этилаётган умумий сув сарфи (Q-брутто) ва соф холати талаб килинаётган сув микдори (Q-нетто) аникланиб, улар асосида сувдан фойдаланиш коэффициенти топилади.

Экинларни суғоришда сувдан мақсадга мувофик фойдаланиш кўп жихатдан суғориш тизимларини сув олишга кандай тайёрланганлиги ва сувни эгатларга таксимлаб берадиган суғориш техникасининг канчалик юқори мухандислик типида бажарилганлиги хўжаликларда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ва шулар асосида устирилаётган экинлар хосилдорлигини оширишни таъминлайди.

Экинлар хосилдорлигини ошириш ва асосий жамгармаларнинг хосил билан канчалик копланишидаги бирдан-бир муҳим омил -хўжаликларда сувдан режали фойдаланишни такомиллаштиришдан иборатдир.

Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори хосил олиш учун тупроқ унумдорлигини ошириш билан бир вактда участкалар ичидаги каналларнинг канчалик созлиги тўғрисида мунтазам кайгуриш керак, бу эса уз навбатида суғориш шохобчаларига уз муддатида сув етказиб бериш ва далалар буйлаб

сувдан самарали фойдаланиш имконини беради.

Ерлардан, сувлардан тулик ва самарали фойдаланиш учун:

- ер-сув ислохотларини конунлар асосида яхши утказиш, уларни фойдаланувчиларга бериш, сотиш;
- захланиб, шурланган ерларда ирригация ва мелиорация тадбирларини вактида сифатли амалга ошириш;
- янги, самарали техникаларни, илғортехнологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- илмий ва амалий жихатдан асосланган алмашлаб экишни тиклаш;
- экологияга салбий таъсир кўрсатмаган холда кимёвий воситалардан окилона фойдаланиш;
- селекция, уругчиликни, агротехник тадбирларни сифатли амалга ошириш;
- ишчи ва хизматчиларни моддий ва маънавий рагбатлантириш билан боғлик бўлган масалаларни хал этиш;
- ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш ва эркинлаштириш лозим.

Фермер хўжаликлари учун ягона ер солигининг объекти бўлиб, қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик килишга, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаси хисобланади. Солик солинадиган база бўлиб эса, ер участкаларининг меъёрий киймати хисобланади. Хар бир хўжалик буйича қишлоқ хўжалик ерларининг меъёрий киймати Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия картография ва давлат кадастр кумитаси томонидан аникланади.

Ўзбекистоннинг ер – сув фонди. Уларни фойдаланувчилар бўйича тақсимланиши.

Ер куррасини умумий майдони яъни сатҳи 510 млн квадрат км. Ёки 51млрд гектар. Шундан 134млн квадрат км. ёки 13.4млрд гектари ер фондидир. У қитъалар бўйича қуйидагича тақсимланган: жумладан Осиё қитъасида 33.1 фоиз, Европада – 8.0 фоиз, Африкада – 22.5фоиз, Америкада (шимолий ва жанубий)-30.1фоиз ва ниҳоят Австралия ҳамда Океанияда – 6.3фоиз. Ўзбекистоннинг ер фонди 2009-йилнинг 1-январига кўра 44410.3минг гектарни ташкил этади. Жаҳоннинг ҳамда Ўзбекистон республикасининг ер фондини амалий жиҳатдан бир гектарга ҳам кўпайтириш имкони йўқ. шунинг учун ер фонди иқтисодиётда чекланган ресурслар таркибига киритилган. Лекин унга жаҳонда ҳамда Ўзбекистонда талаб йил сайин ошиб бормоқда. Бунга энг асосий сабаб аҳоли сонининг йил сайин ошиб боришидир. Аҳолининг ошиши натижасида унинг барча турдаги (уй-жой, корҳоналарни) қуриш учун маълум миқдордаги ер ажратилади. Оқибатда фойдаланиладиган ер миқдори камайиб боради. Бундай ҳолат, қолган ерлардан самарали ва тўлиқ фойдаланишни тақоазо этади. Бу айрим ҳудудларда ниҳоятда долзарб муаммога айланмоқда. Бу муаммони янада

долзарб бўлишига қуйидаги омиллар ҳам таъсир этади. Жумладан, аҳолини жойлашиши. Жаҳонда 2007-йилга 6469.8млрд киши истиқомат қилган. Шулардан 60.55% Осиё қитъасида, 11.15 % Европада, 13.73 % Африкада, 13.76 % Америка қитъасида ва 0.81 % Австралия ва Океанияда жойлашган. 2010-йилнинг июлига эса жаҳон аҳолиси 6.8миллиардни ташкил этган.

5.1.1 жадвалдаги рақамлар жаҳоннинг ер фондини ҳамда аҳолисини бир ҳилда тақсимланмаганлигидан далолат беради. Масалан Осиёда жаҳон ер фондининг 33.1фоизи жойлашган ҳолда жаҳон аҳолисининг 60.55фоизи яшамоқда. Америка қитъасида эса жаҳон ер фондининг 30.1фоизи жойлашган ҳолда жаҳон аҳолисининг 13.76фоизи яшамоқда. Жаҳоннинг сув ресурслари ҳам шундай номутаносибда тақсимланган. Европада эса ер фонди кам бўлган ҳолда аҳоли зич жойлашган. Натижада бир кишига тўғри келадиган ер майдони, яъни аҳолини ер билан таминланганлик коефиценти қитъалар бўйича сезиларли даражада фарқ қилади.× Давлат статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистон республикаси ҳудудларида ҳам ер фонди, аҳоли ҳамда сув ресурслари ҳудудлар бўйича бир ҳилда тақсимланмаган. Масалан Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳудудида мамлакат аҳолисининг 45фоизига яқини яшаётган бўлса, жами ер фондининг 4.16 фоизи жойлашган. Қорақолпоғистон, Бухоро, Навоий вилоятларида бунинг аксидир. Демак шу ҳудудларда аҳолини ер фонди билан таъминланиши бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади. Бу индикаторни кам бўлиши, шу ҳудудда ердан фойдаланиш муаммосини кескинлигидан далолат беради.

Профессор А.С Булатовнинг маълумотларига кўра, жаҳоннинг жами сув ресурслари 1386млн км.кубни ташкил этади. Ундан 96.5фоизи шўр океан ва денгиз сувларидир. Ўзбекистон республикасининг сув ресурслари турлича манбаларда кўра йилига 18-20млрд м.кубни ташкил этади. Бу мамлакатнинг сув ресурсларига бўлган талабнинг 40%ига яқинини ташкил этади. Шунинг учун сев ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишга доимо катта эътибор бериш керак. Сув ресурслари республика ҳудудларида бир меёрда тақсимланмаган. Фарғона, Зарафшон воҳасининг юқори ҳудудларида сув билан таминлаш яҳши бўлса, республиканинг ғарбий ва жанубий ҳудудларида сув танқислиги мавжуд.

Жаҳонда ҳамда Ўзбекистон ҳудудларида ер –сув ресурслари табиатан маълум даражада талабга нисбатан номутаносиб жойлашган. Мавжуд бўлган номутаносибликни эътиборга олган ҳолда республика ҳудудларида ишлаб чиқариш кучларини мақсадга мувофиқ жойлаштиришга доимо катта эътибор берилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда мамлакат ер фонди қуйидагича тақсимланади.

Сўнгги йилларда мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларини ривожланиши натижасида улар фойдаланаётган ер майдонлари ҳам ошиб борган. Масалан саноат, транспорт, алоқа ва мудофаа субектларини ривожланиши натижасида сўнги ўн йил мобайнида уларнинг ер майдонлари салкам 83 минг гектарга ёки 0.18 фоизга кенгайган. Республика аҳолисини йил сайин ошиб бориши натижасида уй-жой билан

таминлаш ва уларга сервис шароитини шакллантириш мақсадида уй-жой, инфратузилма субектларини қуриш учун ер ажратилиши оқибатида улар иҳтиёридаги ер майдонлари ҳам кўпайган. Республикада сув танқислиги муаммоасини ямшатиш мақсадида сув хўжаликлари субектлари ва уларнинг майдонлари ҳам кенгайтирилмоқда. Сўнги йилларда мамлакатда экалогия масалаларига катта эътибор берилиши оқибатида уларни ҳам ер майдонлари маълум бир қисми заҳира ерлар таркибига ўтказилган.

Келажакда мамлакат иқтисодиётини юксалиши ҳамда аҳоли талабини қондирилишини тўлиқроқ таъминланиши, республика ерларини фойдаланувчилар бўйича ўргатиб туришни талаб этади. Бу обектив жараён. Республиканинг ички сув ресурслари 18-20млрд.м.куб бўлган ҳолда йилига ўртача 41-42млрд. м. куб сувдан фойдаланилади. Сувдан фойдаланувчилар қуйидагилардир:

- Қишлоқ ва ўрмон хўжалик корҳоналари.
- Саноат корҳоналари.
- Енергетика ташкилотлари.
- Камунал хўжалик ташкилотлари.
- Балиқчилик корҳоналари ва бошқалар.

Ердан ва сувдан фойдаланувчи субектларнинг асосий мақсади давлат тамонидан ажратилган ер ва сув ресурсларидан доимо тўлиқ ва самарали фойдаланишдир.

5.2.Ер-сув ресурсларининг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти ва хусусиятлари, уларнинг майдони таркиби, фойдаланувчилар бўйича тақсимланиши

Ер ва сувнинг жамиятдаги, айниқса, қишлоқ хўжалигидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Аҳоли улардан яшаш учун уй-жой, бинолар қуриш, истеъмол этиш учун турли ҳилдаги маҳсулотларни етиштириш ва бошқа мақсадларда фойдаланадилар. Шундай экан ер ва сувданинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришдаги аҳамияти жуда улкандир. Чунки тармоқда улардан фойдаланган ҳолда турли ҳилдаги ўсимликчилик ҳамда чорвачилик маҳсулотларини, талабни қондирадиган даражада ишлаб чиқариш мумкин. Шундай ҳолни эътиборга олган ҳолда инглиз иқтисодчи олими Уилиям Петти “ер бойликнинг онасидир” деб айтган.

Республика деҳқончилиги суғоришга асосланган. Шунинг учун сув ҳам ер каби энг зарур восита ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигидан олинаётган маҳсулотлар, масалан, пахта, шоли, тамаки, сабзавот, полиз, маккажўхори, буғдой, арпа, эм-хашакларнинг аксарият қисми суғориладиган ерларда йетиштирилади. Бу масала бўйича Республика Президенти И А Каримов Осиё тараққиёт банки бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлисининг очилиш маросимидаги нутқида “…Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 95фоиздан ортиғи суғориладиган майдонларда йетиштирилади” деб такидлаган. Саноатнинг қишлоқ хўжалик хомашёларига, аҳолининг эса озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби қондирилишида ер ва сувнинг аҳамияти жуда катта. Ерлардан, сувлардан

қанчалик оқилона, самарали фойдаланилса, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми шунчалик кўпаяди, натижада юқорида таъкидланган талабларнинг қондирилиш даражаси ортади. Лекин ердан асосий восита сифатида фойдаланишда унинг қуйидаги хусусиятларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир:

а) ер майдонининг чекланганлиги ва такрор ишлаб чиқарилмаслиги. Она замин табиатан чекланган, унинг майдонини инсон кенгайтира олмайди. Чунки у табиат маҳсули ҳисобланади. Бошқа асосий воситаларни, масалан, тракторларни, машиналарни талабни қондириш мақсадида хоҳлаганча ишлаб чиқариш мумкин;

б) ернинг табиат маҳсули эканлиги. Ер ва сув табиат маҳсулидир. Шунинг учун унинг келажакдаги тақдири табиатга боғлиқ. Бошқа асосий воситалар, яъни бинолар, иншоотлар, комбайнлар, тракторлар инсон меҳнатининг маҳсулидир. Зарурият туғилганда улар инсон томонидан ишлаб чиқарилиши мумкин. Ер ва сувни эса инсон ишлаб чиқара олмайди. Шунинг учун улар чекланган ресурслар деб аталади;

в) ер - қишлоқ хўжалигининг абадий ишлаб чиқариш воситасидир. Республика ҳудудида мавжуд бўлган ерлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда биздан олдинги авлодлар фойдаланган, ҳозирги даврда биз фойдаланмоқдамиз, келажакда эса авлодларимиз фойдаланади;

г) ерни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида бир жойдан иккинчи жойга кўчириб юриш имконияти чекланган. Ундан жойлашган маконида, яъни стационар ҳолатда оқилона фойдаланиш мумкин. Лекин машина ва тракторларни талаб этилган жойга олиб бориб, турли хилдаги ишларни амалга ошириш, бино-иншоотларни ҳам талаб этилган жойга қуриш мумкин;

д) ернинг юқори қатлами ҳисобланган тупроқ унумдорлигининг мавжудлиги, унга илмий асосланган ҳолда ишлов бериш натижасида унинг унумдорлиги ошиб боради. Дарҳақиқат, тупроққа вақтида ишлов берилса, ўғитланса, унинг унумдорлиги ошиб бориши мумкин. Лекин бошқа асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиши оқибатида жисмоний жиҳатдан эскириб ишдан чиқади. Улар вақт ўтиши билан фан-техника тараққиёти натижасида маънавий жиҳатдан ҳам эскиради.

Лекин ерга эътибор берилса, ундан фан-техника ютуқларини жорий этган ҳолда оқилона, самарали фойдланилса, унумдорлиги ошиб бориши мумкин. Аммо бу, унинг унумдорлиги чекланмаган, дегани эмас. Шундай экан, ернинг унумдорлигидан тадбиркорлик билан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалигида ернинг юқори қатлами ҳисобланган тупроқ унумдорлиги катта аҳамият касб этади. Ҳаётда тупроқ унумдорлигининг қуйидаги турлари мавжуд: табиий, сунъий ва иқтисодий унумдорлик. Тупроқнинг табиий унумдорлиги–табиат маҳсулидир. У табиатнинг таъсири натижасида узоқ йиллар мобайнида шаклланади. Унинг ҳолати қуёш нури ҳамда ёғингарчилик миқдорига, шамол ва сувларнинг таъсирига боғлиқдир. Уларнинг ижобий таъсирида тупроқ табиий унумдорлиги яхши бўлади.

Сунъий ва иқтисодий унумдорлик эса инсон меҳнати натижасида шакллантирилиб, оширилиши мумкин. Жумладан, меҳнат, маблағ сарфлаб, ерларнинг ирригацион, мелиоратив ҳолатини яхшилаб, сифатли уруғ экиб, уларни ўғитлаш, яхши сифатли ишлов бериш орқали тупроқнинг суний ва иқтисодий унумдорлигини юксалтирилиши мумкин. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган сувларнинг сифати ҳам барча вилоятларда бир хилда бўлмай, бир-бирларидан фарқ қилади.

Масалан, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг аксарият ҳудудларида экинларни суғоришда фойдаланиладиган сувларнинг сифати яхши, яъни уларнинг таркибида ҳосилдорликка салбий таъсир этувчи турли хилдаги минераллар кам, лекин Сирдарё, Жиззаҳ, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти ҳудудларида фойдаланилаётган сувларнинг таркибида хлор ва бошқа моддалар кўп. Шунинг учун ҳам уларнинг сифати ниҳоятда ёмон. Бундай ҳол қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмига, сифатига салбий таъсир кўрсатади. Келажакда ерларнинг унумдорлигини ошириш, сувларнинг сифатини яхшилашга қаратилган барча тадбирлар мажмуасини самарали амалга ошириш орқали зарур қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмини, миқдорини кўпайтиришга ва сифатини яхшилашга эришиш мумкин.

Республика жами ер фондининг асосий қисмини қишлоқ хўжалик корҳоналари, ташкилотлари фойдаланмоқдалар. Масалан бу тармоқда 1995-йилда 67фоизга яқини фойдаланган бўлса 2010-йилнинг 1-январига келиб 48.3фоизи фойдаланган. Улар бу ерлардан турли ҳилдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланадилар. Демак, қишлоқ хўжалигининг асосий мақсади аҳоли ва чорва ҳайвонлари истеъмол қиладиган маҳсулотларни ҳамда қайта ишловчи саноат корҳоналари учун ҳом ашё маҳсулотларни ишлаб чиқариш. Қишлоқ хўжалигининг асосий мақсаддидан келиб чиққан ҳолда ердан қуйидаги йўналишларда фойдаланилмоқда:

-уруғ экиб ва кўчат ўтказиб ҳосил олинадиган ерлар. Улар экинзор ерлар деб аталади. Уларнинг майдони 2010-йилнинг 1-январига кўра 4054.5минг гектарни ташкил этган.

-мева маҳсулотларини етиштириш мақсадида кўчатлар ўтказиладиган ерлар. Улар кўп йиллик дараҳтзор ерлар деб аталади. Уларнинг майдони 334.4минг гектар.

-чорва ҳайвонлари учун маҳсулотлар йетиштириладиган ерлар. Уларни пичанзорлар ва яйловзорлар деб аташ мумкин. Улар 11973.3минг гектарни ташкил этади.

Юқорида таъкидланган ерлар қишлоқ хўжалик ерлари деб аталади. Қишлоқ хўжалигида булардан ташқари фуқороларга мерос қолдириш ҳуқуқи билан берилган ерлар мавжуд. Улар оила томорқа ерлари деб юритилади. Булардан ташқари ўрмонзор ерлар ҳам мавжуд. Бу ерлар сув билан таъминлайди ган суғориш шаҳобчаларининг мавжудлигига қараб суғориладиган ҳамда лалми ерлардан ташкил топган. Ўзбекистонда 2009-йил 1-январ ҳолатида суғориладиган ер майдони 4305.8минг гектарни ташкил

этган. Бу жами ер майдонининг 9.69фоизига тенгдир. Шу майдондан мамлакат қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 95фоизи олинмоқда. Бу суғориладиган ернинг аҳамиятини ниҳоятда улканлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам республикада бу ерлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга доимо катта эътибор берилади.

Мустақиллик йилларида ислоҳатлар оқибатида, республика иқтисодиётининг барча соҳаларини ривожланиши қишлоқ хўжалигида фойдаланилётган ер майдонларининг ўзгаришига таъсир этмоқда. Масалан 1995-йилда қишлоқ хўжалигида жами фойдаланилган ер майдони 29736минг гектарни ташкил этган бўлса, 2000-йилда 25736минг гектарни, 2005-йилда 22371.3минг гектарни, 2010-йилнинг 1-январига эса 21453.2минг гектарни ташкил этган. Шу йилларда тармоқда фойдаланилган ерлар 27.9фоизга камайган. Лекин шу даврда тармоқнинг суғориладиган ер майдони атиги 2.5минг гектарга қисқариб, 2010-йилнинг бошига 4217.7минг гектарни ташкил этди. Демак 15йил мобайнида ҳукумат тармоқда суғориладиган ерларни камайтирмаслик сиёсатини амалга оширган. Бундай сиёсатни республика ҳукуматининг мамлакат аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлароқ таминлаш сиёсати тақоза этган.

Тармоқдаги умумий ер майдони иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига берилиши натижасида юз беган.Ўтган 15 йилда қишлоқ хўжалигидаги экинзорлар майдони атиги 19.5минг гектарга, кўп йиллик дараҳтзорлар майдони 26.9минг гектарга яйловзорлар эса 7212.3минг гектарга қисқарган. Яйловзорлар майдонининг қисқаришига асосий сабаб уларни қўйчилик (қоракўлчилик) ва эчкичиликка иҳтисослашган ширкат хўжаликларига ажратиб берилганлигидир. Қишлоқ хўжалик ерларининг таркибига иқтисодий жиҳатдан энг нафли экинзор, суғориладиган ерлар ҳисобланади. Улар жами қишлоқ хўжалик ерларининг 2010-йилнинг 1-январига 24.7фоизини ташкил этган. Шундан 81.5% суғориладиган экинзордир. Шу даврда ҳукуматнинг фуқороларга чекланган миқдордаги ерларни бериш сиёсатининг амалга оширилиши натижасида фуқороларнинг оила томорқа хўжалигидаги ерлари 16фоизга кўпайиб, 2010-йилнинг бошига 619.2минг гектарни ташкил этган, шундан 3дан 2қисмидан кўпроғи суғориладиган ерлардан иборатдир. Бошқа ерлар ҳам маълум даражада ўзгариб борган. Фанда қишлоқ хўжалик ерларининг бир турдан иккинчи турга ўтишини ер трансформацияси дейилади. Масалан, лалми ерлар комплекс ўзлаштирилиши оқибатида суғориладиган экинзорларга айланади. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиши оқибатида, ёмонлашиб бошқа ерларга айланади.тармоқда ижобий трансформациясини амалга оширишга эътибор бериш лозим. Лекин сўнгги йилларда айниқса маолиявий-иқтисодий инқироз шароитида янги суғориладиган майдонлар кам ўзлаштирилмоқда. Бунга сув ва маблағ ресурсларининг етишмаётганлиги асосий сабаб бўлмоқда.

5.3.Ердан, сувдан фойдаланиш даражасини ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби.

Ер, сув қишлоқ хўжалигининг энг асосий ишлаб чиқариш воситалари экан, улардан қандай фойдаланилганини билиш зарур. Бунинг учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин:

а) Умумий ер фондидан фойдаланиш коеффициенти (фоизда). Унинг даражасини аниқлаш учун қишлоқ хўжалигида ҳақиқатда фойдаланилган ер майдонини фойдаланиш мумкин бўлган ер майдонига тақсимлаш лозим. Буни қуйидаги тенглик ёрдамида аниқлаш мумкин:

ЕФК= $\frac{FE}{FME}$; ёки $\frac{\text{FÅ}}{\text{FÌÅ}}$ х100:

Бунда: ЕФК–умумий ер фондидан фойдаланиш коеффициенти, (фоизда);

ФЕ–қишлоқ хўжалигида фойдаланилган ер майдони, га;

ФМЕ – фойдаланилиши мумкин бўлган ер майдони, га.

Бу кўрсаткич коеффициентда ёки фоизда аниқланиши мумкин. Уни аниқлаш натижасида ердан фойдаланишнинг тўлиқлик даражаси аниқланади. Уни ҳақиқий даражаси, яъни коеффициенти 1 дан ёки 100 фоиздан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Бу кўрсаткични аниқлаш натижасида тармоқда (хўжаликда) қанча ердан фойдаланилган ва қанчасидан фойдаланилмаганлиги билинади. Шундан сўнг бундай ҳолнинг сабаблари аниқланиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

б) Сувдан фойдаланиш коеффициенти. У ҳақиқатда суғорилган майдонни шу сув билан суғорилиши мумкин бўлган майдонга тақсимлаш натижасида аниқланади. Бунинг учун қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

СФК= $\frac{\text{SÌ}}{\text{SÌÌ}}$ ; ёки $\frac{\text{SÌ}}{\text{SÌÌ}}$ х100;

Бунда: СФК-сувдан фойдаланиш коеффициенти ёки фоизи;

СМ-ҳақиқатда суғорилган майдон, га;

СММ-суғорилиши мумкин бўлган майдони,га.

Буни аниқлаш натижасида сувдан фойдаланиш даражаси белгиланади. Бу кўрсаткични аниқлашда экинларга сув бериш меъёрига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Чунки унга риоя қилинса, албатта, сувдан фойдаланиш даражаси юқори бўлади. Демак, унинг даражаси, яъни коеффициенти 1 дан ёки 100 фоиздан юқори бўлмаслиги лозим. Агарда юқори бўлса, унда экин майдонлари сифатли суғорилган бўлмайди.

в) Фойдаланиш мумкин бўлган ерлардан бир йилда неча марта фойдаланилганлик даражаси. Уни аниқлаш учун ҳақиқатда уруғ, чигит экилган майдонни мавжуд экин экилган ер майдонига тақсимланади. Бунда қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

ЕФС= $\frac{\text{UEÌ}}{\text{FÌ}}$

Бунда: эФС-ердан фойдаланиш сони, яъни 1 га майдондан неча марта фойдаланилганлик сони;

УЕМ- бир йил мобайнида уруғ, чигит экилган майдон, га;

ФМ- фойдаланилган ер майдони, га;

Бу кўрсаткич ёрдамида бир майдонга неча марта экин экиб, фойдаланилганлик даражаси, яъни сони аниқланади. Демак, унинг сони бирдан кўп бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун мавжуд бўлган ерлардан бир неча марта экин экиб, ҳосил олишга интилиш лозим.

г) Ер (екин) майдонларининг маҳсулдорлиги, ҳосилдорлиги. Бу кўрсаткич асосан экин турлари ҳамда умумий майдон бўйича, натурал ҳамда қиймат кўринишларида аниқланади, яъни улар 1 гектар фойдаланилган майдондан қандай маҳсулотларни қанча миқдорда (кг, сен, тонна) ҳамда неча сўмлик маҳсулот ёки фойда олинганлиги аниқланади. Бунинг учун қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$EX= \frac{\text{YaÕ}}{\text{EÌ}};$$

Бунда: эХ- 1 га экин майдонидан олинган ҳосил миқдори ва қиймати (сент,сўм)

ЯХ- экин экилган майдондан олинган ялпи ҳосил миқдори, ёки қиймати (тонна, минг сўм)

ЕМ- экин экилган ҳақиқий майдон, га.

Бу кўрсаткич ёрдамида 1 гектар экин экилган майдондан қанча миқдорда ҳосил олинганлиги экин турлари бўйича алоҳида-алоҳида аниқланади. Унинг миқдори қанча кўп бўлса шунча яхши. Бу кўрсаткич у ёки бу экин экилган майдоннинг маҳсулдорлигини исботлайди. Жами экин майдонлари маҳсулдорлигини аниқлаш учун кўрсаткични қуйидаги қиймат кўрсаткичларида аниқлаш, бунинг учун ҳар бир экиннинг ялпи ҳосили қийматини аниқлаб олиш лозим. Сўнгра уларнинг йиғиндисини аниқлаш керак.

$$EM= \frac{\text{YaÌÊ}}{\text{EÌ}} : \frac{\text{YaDÊ}}{\text{EÌ}} : \frac{SF}{\text{EÌ}}$$

Бунда: эМ- фойдаланилган ерларнинг маҳсулдорлиги. Яъни, бир гектар экин экилган ёки яйлов, пичанзор майдондан неча сўмлик ялпи маҳсулот, ялпи даромад ҳамда соф фойда олинганлиги аниқланади;

ЯМК- олинган ялпи маҳсулот қиймати, сўмда;

ЕМ- экинлар экилган майдон, га;

ЯДК- олинган ялпи даромад суммаси;

СФ- олинган соф фойда суммаси.

Тупроқнинг банитет баллидан фойдаланиш самарадорлиги. Бу кўрсатгич тупроқнинг унумдорлигини ифодаловчи банитет баллининг қобилятидан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди. Уни бир гектар ердан ҳосил миқдорини ёки ҳосил қийматини шу гектарининг банитет баллига тақсимлаш натижасида аниқлаш мумкин. Бунинг учун қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$ББс= \frac{YaX : YaMR}{BB} :$$

Бунда: ББс-тупроқнинг банитет баллининг самарадорлиги.

ББ-ўша гектарнинг банитет балли миқдори.

Шу тенглик ёрдамида 1 банитет балл эвазига қанча миқдорда ёки сўмда у ёки бу маҳсулот йетиштирилганлигини аниқлаш мумкин. Бу к`орсаткичнинг миқдори юқори бўлгани мақул.

д) Сувдан фойдаланиш самарадорлиги. Бу кўрсаткич ёрдамида ҳар бир метр куб сув эвазига олинган ялпи маҳсулот миқдори, қиймат, даромад ва соф фойда суммаси қуйидаги тенглик ёрдамида аниқланади:

СФС= $\frac{\text{YaÕ}}{\text{FSÌ}}$ : $\frac{\text{YaÌÊ}}{\text{FSÌ}}$ : $\frac{\text{YaDÊ}}{\text{FSÌ}}$ : $\frac{\text{SF}}{\text{FSÌ}}$

Бунда: СФС-сувдан фойдаланиш самарадорлиги;

ФСМ-фойдаланилган сув миқдори. Бу натура ҳамда қиймат кўринишида аниқланади. Бунда 1 м3 сувдан фойдаланиш натижасида қанча миқдорда пахта, ғалла ва бошқа маҳсулотлар йетиштирилганлиги ҳамда неча сўмлик ялпи маҳсулот ва ялпи даромад, соф фойда олинганлиги аниқланади.

е) Суғориш системаси (тизими)дан фойдаланиш коеффициенти. Унинг даражасини аниқлаш учун шу тизимнинг охирида экинларни суғориш мақсадида берилган сув миқдорини шу тизим бошида олинган сув миқдорига тақсимлаш зарур. Бунда қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

СТФК= $\frac{\text{SÒÎEBS}}{\text{SÒBÎSÌ}}$ ;

Бунда: СТФК – суғориш системаси (тизим)дан фойдаланиш коеффициенти;

СТОЕБС – суғориш тизимининг охирида экинларга берилган сув миқдори;

СТБОСМ – суғориш тизимининг бошида олинган сув миқдори.

Бу кўрсаткич даражаси ёки коеффициенти 1 га интилиши керак. Чунки суғориш системасининг бошида олинган сув экин майдонларига тўлиқ етказилиши лозим. Агар унинг даражаси паст бўлса, демак, сувнинг маълум миқдори тизим давомида ёки парланган ёки тупроққа сизиб кетган ёки оқиб кетган бўлиши мумкин. Бу кўрсаткич системанинг ҳолатини ҳам исботлайди.

Юқорида кўрсатилган кўрсатгичлар тизимидан фойдаланган ҳолда тармоқда ёки қишлоқ хўжалик субектларида ердан ҳамда сувдан фойдаланиш даражасини ҳамда самарадорлигини аниқлаш натижасида уларнинг фаолиятини тўлиқ таҳлил қилиш мумкин. Шндан сўнг ер ва сув ресурсларидан истиқболда фойдаланиш чора-тадбирларини асосланган ҳолда ишлаб чиқиш мумкин.

### 5.4. Ердан, сувдан фойдаланиш самарадорлиги, уни ошириш йўллари

Ер-сув – умуммиллий бойликдир. Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида улардан оқилона ҳамда самарали фойдаланиш зарурлиги «Ер кодекси» да, «Сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунда алоҳида таъкидланган. Республика ҳудудидаги барча корхоналар, фуқаролар бу қонуний талабни бажаришлари шарт. Шунинг учун улар тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга, сувни ифлос қилмасликка, шунинг негизидан улардан талаб даражасида самарали фойдаланишга катта эътибор беришлари лозим. Шу маъсулиятни ҳис этган

ҳолда қишлоқ хўжалик корхоналари уни ижобий ҳал этишга, фойдаланиш мумкин бўлган майдонлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга интилмоқдалар. Республика қишлоқ хўжалигида 2010 йилнинг бошига 21453.2 минг. га ердан фойдаланишга эришилган. Шу ерлардан турли мақсадларда фойдаланилмоқда. энг асосий мақсад аҳолининг озиқ-овқат, саноатнинг эса хомашё маҳсулотларига бўлган талабини қондириб давлатнинг иқтисодий ҳавсизлигини таъминлаш. Бунинг учун 4054,5 минг гектар (2009 й) майдонга турли хилдаги экинлар экиб, улардан юқори ҳосил олишга ҳаракат қилинмоқда

Республикада экин экилаётган майдон йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бундай ҳол экинзорларни, аҳолига тураржойларни қуриш, саноат, суғориш иншоотларини барпо этиш учун ажратилиши оқибатида юз бермоқда. Бу объектив жараён келажакда ҳам юз беради. Шунинг учун ҳам мавжуд ерлардан йил давомида оқилона, самарали фойдаланиш зарур. 1993-2009 йилларда республиканинг умумий экин майдони 620.0 минг гектарга ёки 17,7 фоизга қисқарган. Лекин шу даврда ғалла майдони салкам 330,4 минг гектарга кўпайган. Бу ғалла ҳосили кўпайишига ижобий таъсир этди. Ғалла майдонининг кенгайиши асосан пахта ҳамда озуқа экинлари майдонлари камайиши эвазига таъминланган. Шу даврда пахта экиладиган майдон 278,6 минг гектарга, озуқа экинлари экиладиган майдон эса 689,3 минг гектарга қисқарган. Шу майдонлардан маълум қисми юқоридаги йўналишларга берилган. Бу ўзгаришлар Республика резиденти тамонидан экин майдонларининг таркибини ўзгартиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш натижасида амалга оширилмоқда. Масалан, Республика президентининг 2008-йил 20-октабрдаги ПФ-4041сонли фармонига биноан паҳта экилган майдон 2009-йилда 75.8минг гектарга камайтрилиб шу ерларда қўшимча ғалла, сабзавот, картошка ҳамда мойли теҳника экинларини экиш кўрсатилган. Пахта майдонининг қисқартирилиши натижасида пахта яккаҳокимлиги бартараф этилди. Лекин озуқа экинлари майдонларининг қисқартирилиши амалда алмашлаб экиш тартибининг бузилишига олиб келди ҳамда чорва ҳайвонларининг мустаҳкам эм-хашак базасини барпо этишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис келажакда ердан фойдаланиш самарадорлигини юксалтириш учун алмашлаб экишни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Республика ҳукумати, қишлоқ хўжалик корҳоналарининг барча раҳбарлари  экинлар экилаётган ерлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга барча хўжаликлар алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу ҳаракат ижобий натижалар бермоқда. Натижада XXИ асрининг биринчи ўн йиллиги давомида қишлоқ хўжалигида йетиштирилаётган маҳсулотларнинг миқдори йил сайин ошиб броган.

Бундай ўсиш вилоятлар ҳисобига таъминланган. Республикада йетиштирилаётган ғалланинг асосий қисмини Қашқадаё(13.4%), Фарғона (10.9%), Самарқанд (10.9%), Буҳоро (8.8%), Андижон (8.4%) ва Тошкент (8.3%) вилоятларида йетиштирилган. Шу вилоятларда ғалла ҳосилдорлиги сезиларли даражада ошган. Масалан Қашқадарё вилоятида 2000-2008-

йилларда ғалла ҳосилдорлиги 2.5марта, Фарғона вилоятларида эса 1.7марта Самарқанд вилоятида 1.6марта ошган. Республикада картошка, сабзавот ҳамда мева дарахтларининг ҳам ҳосилдорлиги ошган. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг ошиши ердан фойдаланиш самарадорлиги юксалишини таъминланган. Республикада ҳар гектар қишлоқ хўжалик еридан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги 1998-2008 йиллар мобайнида ошган (5.4.3-жадвал). Ҳақиқатда эса шундай даражада бўлмаслиги мумкин. Чунки унга баҳоларнинг ошиши ҳам бевосита таъсир кўрсатган.

Ер ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини экинларнинг ҳосилдорлигини ҳамда бир гектар қишлоқ хўжалик ерларидан олинаётган ялпи маҳсулот қиймати ифодалайди. Шу йиллар давомида мамлакатда паҳта ҳосилдорлиги 10%га, ғалла ҳосилдорлиги 82.6%га ошган. Бир гектар қишлоқ хўжалик ерларидан олинган ялпи маҳсулот қиймати ҳақиқий нарҳларда салкам 7.4мартага ошган. бу ҳақиқий баҳоларда бўлганлиги учун шундай ўсган. Республика қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ирригация-мелиорация тадбирларининг ўрни ва аҳамиятини Вазирлар Маҳкамасининг 2008-йил феврал ойидаги мажлисида Республика президенти қуйидагиларни таъкидлаган: “бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш масаласи суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш бўйича ўта муҳим вазифани ҳал этиш билан бевосита боғлиқ. Бу вазифа 2008-йил ва ундан кейинги йилларда биз учун асосий устувор йўналиш бўлиши зарур.”1[15][15] Республика учун ўта муҳим ҳисобланган бу масалани амалиётга тадбиқ этиш мақсадида Президентнинг 2007-йил 29-октабрда “ерларнинг мелиоратив ҳолатларини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари ҳақида”ги фармон қабул қилган. Шнга асосан 2007-йил 31-октабрида Молия Вазирлиги ҳузурида “суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича жамғарма фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорни қабул қилди. Шунга биноанирригация – мелиорация тадбирларини амалга оширишга 70млрд сўм давлат бюджетидан сарфланган. Республикада ирригация мелиорацияни янада ривожлантириш мақсадида, 2010-2014йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича давлат дастури ишлаб чиқилди. Сўнгги йилларда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа ташкилотлар республикада ирригация ва мелиорация тадбирларини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Дастурдаги тадбирларни амалга ошириш учун давлат бюджетидан 130млрд сўм сарфлаш белгиланган. Шу борадаги тадбирлар 2013-2014йилларда ҳам амалга оширилмоқда. “Яна бир устувор йўналиш-ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш дастурини амалга ошириш доирасида 2010-йилда 840км коллектор – дренаж тармоқлари, 250та дренаж қудуқлари, 15та мелиорация стансиялари ва иншоатлари қурилди, ҳамда реканструксия қилинди. Ўтган

1[15][15] Президент Каримов И А 2007-йилнинг асосий якунлари ва 2008-йил Озбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 2008-й 16феврал

йили ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга – 130млрд сўм маблағ йўналтирилган. Натижада 240минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини фермер хўжаликларининг даромадларини ошириш имконини берди.” 2[16][16] деб Вазирлар Маҳкамасининг 29-январ куни ўтказилган мажлисидаги нутқида таъкидлаган. Республикада ер сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган бошқа тадбирларнинг ҳам таъсири бўлган. Лекин тармоқда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳозирги даврда ошиб бораётган талабга тўлиқ жавоб беради.

Бундай ҳолнинг энг асосий сабаби бўлиб суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини талабга тўлиқ жавоб бермайдиган ҳолатдалиги ҳисобланади.

Рақамлардан маълум бўлишича 2010-йилнинг 1-январига 4301.5минг га суғориладиган ерларнинг 2135.8минг гектар ёки 49.6% у ёки бу даражада шўрланган ҳисобланади. Шундан 884.8минг га ёки 24.1% ўртача ҳамда ўта шўрланган ерлардир. Шўрланган ерларнинг 670минг гектарга яқини ёки 31.2% қуйи амударё воҳасида, 535минг гектари Мирза Чўл ҳудудида, 355.3минг гектари 16.6% Зарафшон воҳасида жойлашган. Суғориладиган ерларнинг шўрланганлиги муносабати билан тупроқнинг сифати ҳам паст. Бу ҳудудларда аксарият суғориладиган ерларнинг шўрланганлиги муносабати билан экинларнинг ҳосилдорлиги анча паст. Масалан, 2008-йилда мамлакат бўйича 1гектар буғдой экилган майдондан 44.4сент. ҳосил йетиштирилган бўлса, Қорақолпоғистон Республикасида 26.7сент. ёки Жиззаҳ вилоятида 29.4сент. Сирдарё вилоятида эса 38.4сент. олинган. Демак ҳудудларда асосий экинларнинг ҳосилдорлиги Республикадагига нисбатан анча паст. Бизнинг ҳисоб-китобимизга кўра ерларнинг шўрланганлиги муносабати билан экин майдонларининг ҳозирги таркибига кўра 705минг тоннага яқин ғалла, 423минг тоннача пахта ҳомашёси кам йетиштирилмоқда. Ерларнинг ирригацион-мелиоратив ҳолатини ёмонлашганлиги эвазига қишлоқ хўжалик экинларининг ялпи ҳосилини камайишига йўл қўймаслик керак. Ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун бир қанча ташкилий, иқтисодий тадбирларни амалга ошириш лозим.

Даставвал қишлоқ хўжалик ерларини ундан фойдаланувчилар ихтиёрига узоқ муддатга фойдаланиш учун бериш масаласини тўлиқ ҳал этиш зарур. Бунинг учун қишлоқ хўжалик ерларини танлов асосида юридик шахс мақомига эга бўлган фермер ва деҳқон хўжаликларига қишлоқ хўжалик йили бошланишидан олдин, яъни январ, феврал, март ойларида ҳамда кузги экинларни экишдан олдин, яъни июн, июл, август ойларида 50 йилгача бўлган муддатга беришни йўлга қўйиш лозим. Ҳозирги даврда бу масала тўлиқ эчилмаган.

---

➢ Каримов И.А. Асосий вазифамиз-Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. Халқ сўзи 2010-йил. 30-январ.

Ширкат хўжаликларида қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган ерларни пудратчиларга бир йилга эмас, балки камида алмашлаб экишни жорий этиш муддатига фойдаланиш учун ижарага бериш мақсадга мувофиқдир. Бу ердан фойдаланувчи ижара пудратида ишлайдиган фуқароларда тўлиқ ишончни шакллантиради. Сўзсиз, бу ҳол, ердан фойдаланишга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгаришини таъминлайди.

Шулар билан биргаликда иқтисодий унумдорлигини ошириш мақсадида ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашни таъминловчи тадбирларни комплекс амалга оширишни ривожлантириш жуда муҳим муаммо ҳисобланади. Бу муаммони эчишда давлат бош ижрочи бўлиши лозим. Ҳозирги вақтда бу тадбирлар 27-30 минг га да амалга оширилмоқда. Бу, сўзсиз, камдир. Агарда бу муҳим тадбир қишлоқ хўжалик корхоналарига тўлиқ юкланса, бажарилмаслиги муқаррар. Чунки уларнинг техник, иқтисодий қуввати этмайди. Давлатнинг эса техник, иқтисодий имконияти улкан. Хўжаликлар ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашда ирригация ва мелиорация давлат ҳиссадорлик ташкилотлари хизмат қилиб, улардан ўз ҳақларини олишни таъминлайдиган иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш лозим.

Ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини юксалтириш учун ер-сув муносабатларини такомиллаштириш, чуқурлаштириш, яъни либераллаштириш масалаларини ҳал этишни тезлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ер ва сувнинг баҳоларини ва улардан фойдалаганлик учун тўланадиган ҳақларни, солиқлар миқдорини реалроқ аниқлаш лозим. Бунда бозор иқтисоди қонунлари талабларига асосланиш, шунингдек, ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги, такрор ишлаб чиқарилмаслиги, ҳолати, сифати, истеъмолчиларга узоқ-яқинлиги, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда инфратузилмалар билан таъминланганлиги, олинаётган маҳсулот, фойда суммаси каби индикаторларни ҳам эътиборга олиш зарур.

Ерлардан, сувлардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун:

- ер-сув ислоҳотларини қонунлар асосида яхши ўтказиш, уларни фойдаланувчиларга бериш, сотиш;
- захланиб, шўрланган ерларда ирригация ва мелиорация тадбирларини вақтида сифатли ва тизимли амалга ошириш;
- янги, самарали техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни тиклаш;
- екологияга салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда кимёвий воситалардан оқилона фойдаланиш;
- селекция, уруғчиликни, агротехник тадбирларни сифатли амалга ошириш;
- ишчи ва хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш;

- ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш ва эркинлаштириш лозим.
- Инвестицияларни кенг жорий этишга эришиш лозим.

**5. Ер мониторинги ва давлат ер кадастри**

Янги асрда ёш, мустақил, келажаги порлоқ ва буюк республикамиз тинчликка, демократияга асосланган ҳолда сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий жиҳатдан ривожланган давлатлардан бирига айланиши муқаррар. Бунинг учун эса у ўз ҳудудидаги барча бойликлардан оқилона, самарали фойдаланиши лозим, шу жумладан, ер-сув ресурсларидан ҳам.

2010 йилнинг бошида республикамизнинг жами ер майдони 44410.3 минг гектардан иборат. Ер мамлакатимизнинг умумий бойлиги эканлиги Республика Конститутциясида ва «Ер кодекси»да алоҳида таъкидланган. Ер - халқимиз ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асосидир. Ундан фақат бугунни эмас, келажак авлодларнинг ҳам манфаатларини кўзлаб, илмий асосланган ҳолда, оқилона, самарали фойдаланиш, уни муҳофаза этиш умуммиллий долзарб масала ҳисобланади. Ўта муҳим бу вазифа ҳал этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2000 йилнинг 23 декабрида «Ер мониторинги тўғрисидаги Низом»ни тасдиқлади. Ер мониторинги республика ер фондидаги барча ўзгаришларни ўз вақтида илмий асосланган ҳолда аниқлаш, ерларга тўлиқ баҳо бериш (сифат ҳамда иқтисодий жиҳатдан), уларга таъсир этувчи салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини изчил тугатиш мақсадида ернинг ҳолатини кузатиб бориш билан боғлиқ бўлган ахборотлар тизимидан иборатдир. Республикамизнинг барча ерлари мониторинг объекти ҳисобланади.

Ер мониторинги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, республикадаги бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг бевосита иштирокида амалга оширилади.

Низомда вазирликлар ва идоралар фаолиятини ва ер мониторинги маълумотларини умумлаштиришдек муҳим вазифа Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси зиммасига юклатилган. Демак, юксак давлат аҳамиятига молик бўлган вазифани муваффақиятли ҳал этишда қўмита таркибидаги барча идоралар, ташкилотлар фаол қатнашишлари зарур. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда «Ўздаверлойиҳа» институтининг Ер кадастри шўъба корхонаси ер мониторинги амалга оширилишини таъминлашга қуйидаги йирик масалаларни ҳал этиш билан ҳисса қўшишни режалаштирмоқда: қишлоқ хўжалик ерлари тупроқ мониторингини амалга ошириш учун тупроқшунослик тадқиқотларига оид тўпланган барча маълумотларни умумлаштириб, мониторинг тадқиқотларини олиб бориш мақсадида республика, вилоятлар ҳамда туманлар ҳудудида асосий майдонларни ташлаш ва уларни асослаш; вақт ўтиши билан тупроқларнинг

асосий хусусиятлари ўзгарганлигини исботловчи маълумотларни теран ва тўлиқ таҳлил этиш; тадқиқот олиб бориладиган асосий ҳамда экологик майдонларда тупроқларнинг ҳолатини исботловчи кўрсаткичлар мажмуасини асослаш, ташкил этиш ҳамда юритиш; тупроқнинг ҳолатини кузатиш, унга оид маълумотларни сифатли тўплаш ҳамда уларга ўзгартиришлар киритиш керак. Бунинг учун қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларини сув ва шамол ерозияси таъсири оқибатида ўзгариши мониторинги; қишлоқ хўжалик ерлари тупроқлари шўрланганлик даражасининг ўзгариш жараёни мониторинги; қишлоқ хўжалик ерлари тупроқлари оғир металлар билан захрарланганлик ҳамда заҳарланганлик даражасининг ўзгариши мониторинги; қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларининг техноген ўзгариши мониторинги; нефт маҳсулотлари салбий таъсири натижасида тупроқларнинг ифлосланиши мониторинги; барча ўсимликларнинг оғир металлар билан заҳарланиш даражаси мониторинги; қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларининг гербицит ва пестицидлар билан заҳарланиш даражаси мониторинги; минерал ўғитлардан фойдаланиш натижасида тупроқлар таркибидаги ўзгаришлар мониторинги амалга оширилади.

Илмий ҳамда амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланган бу ишларни ўз вақтида, сифатли бажариш учун малакали мутахассисларга эгамиз. Лекин, бу борада кўзланган мақсадга эришиш катта маблағни талаб этади. Бу маблағ эвазига эса корхонанинг моддий-техника таъминоти барпо этилиши ҳамда ривожлантирилиши лозим.

Ер мониторинги ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизимидан иборат. Давлат ер кадастри юритишни, ердан фойдаланишни, ер тузишни, ер фондидан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширишни, ерларни муҳофаза қилишни ахборот билан таъминлаш ер мониторинги асосида амалга оширилади.

Давлат ер кадастри ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва баҳоси, ер участкаларининг жойлашган манзили ва ўлчамлари, уларни ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ижарачиларга ҳамда мулкдорларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат. Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер тузишни ташкил этиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини асослаш, хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида барча ташкилот, корхоналарда фуқароларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашга мўлжалланган. Давлат ер кадастри ернинг қийматини (баҳосини) аниқлашни тақозо этиб, ўз ичига олган бўлади. Давлат ер кадастрининг маълумотлари ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда, ер участкалари бериш (сотишда) ва уларни олиб қўйишда, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгилашда, ер тузиш ишларини ўтказишда, хўжалик фаолиятига баҳо беришда ҳамда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан бошқа тадбирларни амалга оширишда мажбурий

тартибда татбиқ этилади. Давлат ер кадастри бутун республика учун ягона тизим асосида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат ер кадастри ва ер тузиш хизмати органлари (Давлат ер қўмитаси) томонидан юритилади.

Демак, ер кадастри қуйидагилардан ташкил топади:

- ердан фойдаланувчилар;
- ер майдони, унинг таркиби, сифати;
- ерни иқтисодий баҳолаш.

Ерларни иқтисодий баҳолаш бир қанча иқтисодий муҳим масалаларни ҳал этишга қаратилган бўлиши лозим. энг аввало, ер умумхалқ, давлат мулки сифатида баҳоланиши мақсадга мувофиқдир. Шунда мамлакат миллий бойлигининг таркиби–ернинг қийматини, улушини аниқлаш имконияти яратилади. Шунинг билан биргаликда ернинг асосий восита сифатида баҳоланиши ҳам ҳал этилиши лозим. Юқоридаги муаммоларнинг ҳал этилиши бозор иқтисодиёти шаклланаётган Ўзбекистонда ҳам ер муносабатларини такомиллаштиришга муайян ҳисса қўшиши мумкин.

Республикада қишлоқ хўжалик ерларининг қийматини баҳолаш мақсадида 1998 йилда «Услубий қўлланма» ишлаб чиқилган. Унда суғориладиган ерларнинг меъёрий қийматини аниқлаш тартиби батафсил ёритилган.

Суғориладиган ерларнинг қийматини аниқлаш учун:

- барча суғориладиган майдонларнинг тупроқлари турлари бўйича, уларнинг барча хусусиятларини, ҳолатини эътиборга олган ҳолда бонитировка қилиниб, бонитет балли ишлаб чиқилди. Барча хусусиятлари бўйича энг унумдор, яхши тупроқ 100 балл қилиб белгиланган. Айрим хусусиятларини (шўрланганлик, тошлоқ, ерозия) эътиборга олган ҳолда тупроқнинг банитет балли пасайиб боради; бу ҳол тупроқнинг табиий унумдорлгини ифодалайди;
- табиий унумдорликка асосланган ҳолда иқтисодий омиллар (инвестицияларни амалга ошириш натижасида меҳнат маблағ, техника) таъсирида йетиштирилиши мумкин бўлган маҳсулотнинг меъёри аниқланган. Барча омиллардан оқилона фойдаланиш натижасида 1 балл 40 кг. пахта хомашёсини етиштириш қобилиятига эга эканлиги ҳисоб-китоблар асосида аниқланган. Демак, маҳсулот етиштириш билан боғлиқ бўлган барча омиллар меъёр доирасида бўлса, у тупроқнинг 1 балли 40 кг. пахта етиштириш имкониятига эга экан.
- қишлоқ хўжалигининг жойлашишини, ихтисослашишини эътиборга олган ҳолда 1га-га, 1 с-га сарфланиши мумкин бўлган харажатлар меъёри ишлаб чиқилган;
- тупроқнинг иқтисодий унумдорлигига асосланган ҳолда ишлаб чиқарилиши лозим бўлган маҳсулотларнинг миқдори, уларни сотиш каналлари бўйича ўртача сотиш баҳоларини эътиборга олган ҳолда меъёрий ялпи маҳсулот қийматини аниқлаш тартиби кўрсатилган.

- юқоридагиларга асосланган ҳолда ҳар бир гектар суғориладиган майдондан олиниши мумкин бўлган соф фойда миқдорини аниқлаш тартиби ҳам кўрсатилган. Шуларга асосланган ҳолда 1 гектар суғориладиган ернинг баҳосини (қийматини) ушбу формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$Ек= \frac{SFm\hat{E}}{SF}.$$

Бунда: эк- 1 га ернинг қиймати (сўмда);

СФм- олинадиган соф фойда меъёри (сўмда);

К- ерларнинг ҳолатларини ифодаловчи коеффициент;

СФ- банк ссуда капиталининг йиллик фоизи (фоизда).

Шу формуладан фойдаланган ҳолда хўжаликнинг 80 баллга эга бўлган 1 гектар ери баҳосини аниқлаш керак бўлса, шу бир гектар ердан олиниши мумкин бўлган ялпи маҳсулот қийматидан меъёрий харажатлар суммасини айириб, олиниши мумкин бўлган соф фойда суммаси аниқланади. Бу майдон кам шўрланган, ундан 25 сентнер пахта ҳосили олиш мумкин, дейлик. Агарда ҳар бир тонна пахта 2009 йил харид баҳоларида 510.6 минг сўмга сотилса, унда 1гектар майдондан 276.5 минг сўмлик (2,5тх510,6) ялпи маҳсулот олиш мумкин. Ҳар бир тонна пахта хомашёсини етиштириш учун 394,0 минг сўм харажат қилинадиган бўлса, шу майдондан 291.5 минг сўмлик соф фойда олиш мумкин. Банк ссуда капиталининг йиллик фоизи 14 фоиз бўлса, 1 га ернинг қиймати:

$$Ек= \frac{291x0{,}85}{14.0}.100 =1769.8$$ минг сўмга тенг бўлар экан.

Агарда шу майдон ҳар томомлама яхши бўлса (Қ-1.), унда унинг қиймати 2082.1 минг сўмга тенг бўлади. Ер майдони кам шўрланганлиги учун унинг қиймати 321.3(2082.1-1769.8)минг сўмга юқори бўлиши керак.

Лекин ер ресурсларининг чекланганлиги ва уларга нисбатан бозор талаби оша бориши натижасида уларнинг қиймати янада юқори бўлиши мумкин. Шундай тартибдан фойдаланган ҳолда ширкат хўжаликларининг суғориладиган ерлари қиймати аниқланиб, улар хўжаликнинг «пай фонди» таркибига қўшилмоқда.

Лекин келажакда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида ерларнинг қийматини аниқлаш тартибини такомиллаштириш лозим. Бунда ер рентасига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Чунки давлат мулкининг эгаси сифатида мутлақ ер рентасини олиши, дифференциал ренталар эса ер эгаси билан ундан фойдаланувчилар ўртасида тақсимланиши лозим. Шу билан биргаликда бозор шароитида ерга бўлган талабни ҳам эътиборга олиш зарур.

Давлат ер кадастрини юритиш топография – геодезия, картография, тупроқ, агрокимё, геоботаника жиҳатидан ва бошқа йўналишда текшириш ва изланишлар олиб бориш, ерларни ҳисобга олиш ва уларга баҳо бериш, ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, ижарачиларнинг ҳамда мулкдорларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини рўйхатга олиш билан таъминланади. Ер мониторинги ва давлат ер кадастри «Ер кадастри» қонуни асосида амалга оширилади.

Давлат мулкини уни тасарруфидан чиқариш натижасида аксионерлик, пайчилик мулкларига биргаликда эгалик қилиб, ишлаб чиқаришни ташкил этувчилар тадбиркорлардир. Улар бозор иқтисодиётига хос бўлган, аввал бизда мавжуд бўлмаган янги масалаларни, муносабатларни мукаммал билишлари лозим. Даставвал улар мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартибини яхши билишлари зарур. Шунинг билан биргаликда акциялар, уларнинг турларини, мазмунини қандай қилиб акциядорларга берилишини, сотилишини ҳамда дивидентларини аниқлашни билишлари лозим. Пайларни аниқлашни, уларни пайчиларига етказишни шу билан боғлиқ бўлган муносабатларни амалга ошириш қобилиятларига эга бўлишлари зарур. Ҳозирги даврда ташкил этилаётган акциядорлик, пайчилик, мулкчиликка асосланган хўжаликларнинг ҳар бир мутахассиси юқоридаги масалаларни бажара олиш имкониятларига эга эмаслар. Бу масалаларни муваффақиятли ҳал этиш учун шу тадбиркорларнинг билимларини ошириш ишларини ташкил этиш лозим. Шу билан биргаликда мулкчилик шаклларини ташкил этишни таъминлайдиган қўлланмаларни ишлаб чиқиб, уларни амалиётда синаб, тадбиркорларга етказиш зарур.

Қишлоқ хўжалигида суст суръатлар билан қўшма мулкчиликка асосланган тадбиркорлик корхоналари ташкил этилмоқда. Улардаги раҳбар тадбиркорлар ташқи иқтисодий муносабатлар амалга оширилишининг контрактларини, инвестиция сиёсатини, тартибини, маҳсулотларнинг даромадларини ўзаро тақсимлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни билишлари зарур. Улар ички ҳамда ташқи бозорнинг ҳолатини, маълумотлар, рекламалар ҳамда бошқариш санъатини ҳам эгаллашлари керак. Бу тоифадаги тадбиркорлар аввалгиларига нисбатан анча малакали, билимдон, уддабурон бўлишлари лозим.

Юқорида таъкидланганлардан кўриниб турибдики, республикамиз қишлоқ хўжалигида тадбиркорликнинг турли шакллари ташкил топмоқда. Улар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ижобий ҳисса қўшмоқдалар. Лекин, улар ўз фаолиятларини амалга оширишда анчагина қийинчиликларга учрамоқдалар. Масалан, ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий ҳамда иқтисодий масалаларни ҳал этиш борасида. Чунончи, ерларни олишда, тадбиркорлик шаклларини ташкил этишда, кредит олишда, маҳсулотларини сотишда, улар учун ҳақ олишда мушкулликларга дуч келмоқдалар. Шунинг оқибатида улар ишчи-хизматчиларига ўз вақтида иш ҳақи бера олмайдилар. Бу масалаларни ҳал этишда маҳаллий ҳокимият ёрдам қўлини чўзиши зарур. Шундагина қишлоқ хўжалигида ҳам тадбиркорлар кўпайиб, тадбиркорлик ривожланиши таъминланади.

**Қисқача хулосалар**

Ер ва сувга нисбатан давлат мулкчилиги сақланган ҳолда улардан йил давомида тўлиқ ва самарали фойдаланиш ҳуқуқи жисмоний ҳамда юридик шахсларга узоқ муддатга ҳамда умрбод берилмоқда.

Улардан тўлиқ ва самарали фойдаланганлик даражасини ва самарадорлигини маълум бир кўрсаткичлар тизими ёрдамида таҳлил этиш лозим.

Республикада давлат раҳбарлигида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида ер ва сувдан фойдаланиш даражаси ҳамда самарадорлиги 2000-2009-йилларда маълум даражада ошган, лекин кейинги йилларида ерлардан, сувлардан фойдаланишнинг самарадорлиги талаб даражасида эмас. Сабаби – ерларнинг ирригация-мелиорация ҳолати ёмонлашаётганлиги, илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экиш тўлиқ жорий этилмаётганлиги, суғориш иншоотларининг ишга яроқлилик ҳолати пасайиши, ер ва сувлардан самарали фойдаланганлик учун рағбатлантиришнинг сустлигидир.

Келажакда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш даражасини ҳамда иқтисодий самарадорлигини ошириш учун тупроқ унумдорлигини, сувнинг сифатини яхшилашга қаратилган барча тадбирлар (2008-2009йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яҳшилаш давлат дастури) ўз вақтида, сифатли бажарилишини таъминлаш зарур.

Мамлакат миқёсида ер-сув мониторинги ва кадастрлари талаб даражасида амалга оширилишини таъминлаш керак.

**Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Ер ва сув ресруслариниг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти, ер ва сув ресурслари қишлоқ хўжалигининг асосий воситаси эканлиги.
2. Ер ва сувларнинг таркиби, уларни хусусиятлари нималардан иборат?
3. ер ва сувдан фойдаланиш даражасини ҳамда самарадорлигини қайси кўрсаткичлар ифодалайди?
4. Ер кадастри, унинг таркиби, амалга оширилиши ҳақида нималарни биласиз?
5. Ер мониторинги, унинг мазмуни ҳақидачи?
6. Ер ва сув ресурсларидан фойдалниш даражасини ҳамда самарадорлигини оширишнинг қандай йўллари бор?

# 4-МАВЗУ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ВА УНДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

*Режа:*

1. *Меҳнат ресурслари ва Меҳнат унумдорлигининг қишлоқхўжалигидаги ауамияти.*
2. *Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва Меҳнат унумдорлиги даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби.*
3. *Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, Меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари.*
4. *Қишлоқ хўжалигида Меҳнат мотивацияси ва ходимларни моддий рагбатлантириш.*

Меҳнат ресурслари мамлакат ахолисининг уз психофизиологик ва аклий сифатлари билан моддий неъматлар ишлаб чиқаришга ёки хизматлар кўрсатишга кодир бўлган кисмидан иборатдир.

Меҳнат ресурслари деб, узининг аклий ва жисмоний Меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этадиган Меҳнатга кобилиятли кишилар тупламига айтилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг Меҳнат ресурслари таркиби:

-доимий ишчилардан - муддациз ишга қабул килинганлар;

-мавсумий ишчилардан - 6 ойгача муддатга қабул килинганлар;

-вактинчалик ишчилардан - 2 ойгача муддатга қабул килинганлардан -шунингдек, штатда турувчи усмирлар, нафакахурлардан иборат.

Қишлоқ хўжалигида Меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва улардан фойдаланишнинг узига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, бўлар қуйидагилар:

^ ходимлар Меҳнатининг биологик ишлаб чиқариш воситалари, тирик организмлар - тупроқ, ўсимлик, хайвонларни ривожлантириш учун кулай шароитлар яратиш учун йуналтирилганлиги. Бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида тирик организмларнинг ривожланиши, узгаришига, уларнинг табиатини ноорганик элементдан органик моддаларга синтезлашувига боғликдир;

> Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги табиий, хусусан, ернинг умумдорлиги ва об-хаво иклим шароитларига боғликлиги.

^ ходимларнинг бир неча турдаги Меҳнат вазифаларини бажариши. Иш турининг кўплиги ва бажариш муддатининг мавсумийлиги. Қишлоқ хўжалиги ходими алохида технологик операцияларни бажаришга ихтисослашган тор малакали бўлмаслиги, маълум турдаги пировард махсулот етиштиришга кенг ихтисослашган бўлиши керак;

> ишлаб чиқариш жараёнида ер, чорва моллари ва бошқа ресурсларнинг мустакил эмаслиги. Пировард махсулот натижасига иктисодий жавобгарликни таъминлаш учун ходимларга умумий ерларни эмас, балки аник далаларни, бутун хайвонларни эмас, балки аник моллар бош сонини беркитиб куйиш лозимдир;

> Меҳнат жараёнларининг уз-узини бошқариши. Биологик ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида, айникса дехкончиликда биологик жараёнда шароитлар тез-тез узгариб туради, шунинг учун бу ерда четдан туриб бошқариш имконияти анча чегараланган;

> ходимлар даромадининг дехкончиликда ва чорвачиликда пировард иктисодий натижаларга боғликлиги. Бу боғликлик Меҳнат операцияларини бажариш пайтида ходимдан технологик талабларга риоя килишда узини каттик назорат килиши шарт бўлиб хисобланади.

Меҳнат унумдорлиги - ходимлар Меҳнат фаолиятининг иктисодий самарадорлиги кўрсаткичидир. У ишлаб чикарилган махсулот ёки кўрсатилган хизматлар микдорининг Меҳнат харажатларига нисбати, яъни Меҳнат харажатлари бирлиги хисобига ишлаб чикарилган махсулот билан белгиланади.

Жамиятнинг ривожланиши ва унинг барча аъзолари фаровонлиги даражаси Меҳнат унумдорлиги даражаси ва унинг усишига боғликдир. Бундан ташкари, Меҳнат унумдорлиги даражаси ишлаб чиқариш усулини хамда ижтимоий-сиёсий тизимнинг ривожланишини белгилаб беради.

Меҳнат унумдорлиги, Меҳнат интенсивлиги билан бир каторда иш вакти фондидан фойдаланиш даражасига хам боғликдир.

Белгиланган иш вакти фондидан фойдаланиш коэффициенти.

У бир ишчи ёки хизматчининг ишлаб чиқаришда хакикатда ишлаган вактини (киши- куни, киши-соатини) конунда белгиланган микдорда ишлаши лозим бўлган вактга таксимлаш натижасида аникланади.

ИВфк = . (4.1)

*МрИн*

бунда: ИВфк - иш вакти фондидан фойдаланиш коэффициенти;

МрИв - Меҳнат ресурслари хисобланган бир кишининг бир йилда ишлаган вакти, киши-куни, киши-соати;

МрИн - бир киши учун конунда белгиланган, ишлаши лозим бўлган вакт, киши- куни, киши-соат.

Бу коэффициентнинг микдори бирдан ошмаслиги керак. Агар у канчалик кам бўлса, бу Меҳнат ресурси фойдали Меҳнат жараёнида кам катнашганлигидан далолат беради.

Мех,натнинг мавсумийлик коэффициенти.

Унинг микдорини бир йил, бир ой мобайнида энг кўп иш кунини шу даврдаги энг кам иш куни микдорига таксимлаш натижасида хисоблаш мумкин. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофикдир:

*1ооЭИ*

Мм = ------. (4.2)

*1ооКИ*

бунда: Мм -Меҳнатнинг мавсумийлик коэффициенти;

1оЭИк - бир йилдаги ёки ойдаги энг кўп иш куни;

1оКИв - бир йилда ёки ойдаги энг кам иш куни.

Унинг микдори хам 1-1,2 атрофида бўлгани мақсадга мувофикдир. Кам Меҳнат сарфланадиган ойларда ишлаб чиқаришнинг бошқа сохаларини ташқил этиш мақсадга мувофикдир. Бу масалани хар бир корхона узи ички имкониятларидан келиб чиккан холда хал этиши мумкин.

Меҳнат ресурслари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ишлаб чиқариш ресурсларининг энг фаол омили сифатида катта аҳамиятга эга. Улар ишлаб чиқариш жараёнида онгли равишда катнашиб, кўпрок, сифатлирок махсулотларни талабни кондирадиган микдорда етиштиришга, иш ва хизматларни бажаришга харакат килади. Шундай экан, улардан йил давомида тулик, самарали фойдаланишга эришиш лозим. Бунинг учун Меҳнат ресурсларидан фойдаланилаётганлик даражасини аниклаш керак. Уни

аниклаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

Мавжуд бўлган Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффициентини

аниклаш учун ишлаб чиқариш жараёнида хакикатда катнашган Меҳнат ресурслари микдорини (киши)

хўжаликда шартнома (буйрук) буйича мавжуд бўлган Меҳнат ресурслари микдорига таксимланади. У қуйидаги формула ёрдамида аникланади:

V *ИМр*

МК = . (4.3)

V *ММр*

бунда: Мк - Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти;

V *ИМр* -

' хакикатда ишлаган жами Меҳнат ресурслари, киши;

V *ММр* -

1 мавжуд бўлган жами Меҳнат ресурслари, киши.

Бу кўрсаткичнинг даражаси бирга якин бўлгани яхши. Шунда у мавжуд Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш юқори бўлганлигидан далолат беради.

Мех,нат ресурсларининг хўжалик фаолиятида катнашиши (1 ойда, 1 йилда). Унинг микдорини хўжалик фаолиятида жами сарфланган вактни сарфланган Меҳнат ресурсларининг умумий микдорига таксимлаш натижасида аниклаш мумкин, бу қуйидаги формула ёрдамида аникланади:

V *Мрсв*

МрХкк = химф (44)

бунда: МрХкк - Меҳнат ресурсларининг маълум бир муддатда уртача ишлаган иш вакти, киши-куни, киши-соати;

V *Мрсв* - ,

z—' Меҳнат ресурсларининг жами сарфлаган вакти, киши-куни, киши-соат.

Бу кўрсаткичнинг мутлак (абсолют) микдори аникланаётган даврдаги (ойда, йилда) бир кишининг иш вакти фондидан юқори бўлмайди. Меҳнат ресурсларининг хар бир гурухи учун амалдаги конунларда йиллик ёки ойлик иш вакти фонди белгиланади. Унинг микдорини бир йилдаги календарь кунлар микдоридан барча турдаги байрам (агар у конун буйича дам олиш куни хисобланса), дам олиш хамда таътил (отпуска) кунларини айириш оркали аникланади. Республикада йиллик иш вакти фонди 276-286 кун микдорида белгиланган. Бу иктисодий фаол Меҳнат ресурсларининг йиллик иш вакти фонди хисобланади. Усмирлар учун бу фонд уларни ижтимоий жихатдан химоя килган холда белгиланган. Худди шундай имтиёзлар инсон саломатлиги учун зарур ишларни бажарувчилар учун хам ўрнатилган.

Мех,натнинг унумдорлиги даражаси.

Меҳнат унумдорлигининг мутлак (абсолют) даражасини аниклаш учун хакикатда сарфланган жами иш вакти микдорини шу даврда ишлаб чикилган махсулот микдорига, кийматига хамда бажарилган иш хажмига таксимлаш зарур. Бу Меҳнатни тежаш иктисодий конунининг талаби.

Амалиётда эса у хакикатда ишлаб чикарилган махсулотнинг,

бажарилган ишнинг микдори ёки кийматини унга сарфланган иш вактига таксимлаш натижасида аникланмокда. Бундай усулда улар бир-бирларини инкор этмайди, балки тулдиради.

*Св .. Ем ,л* Му = *еки*

--------- ------- (4.5)

*Ем Св*

бунда: Му-Меҳнатнинг унумдорлик даражаси, киши-куни, соати, сум;

Св-махсулот етиштириш, хизмат кўрсатиш учун сарфланган иш вакти, киши-куни,
соатда;

Ем - сарфланган вакт ичида етиштирилган махсулот, ц, сум.

Бу кўрсаткич етиштирилаётган бир бирликдаги (центнер, тонна, сум) махсулот учун канча вакт сарфланганлигини ёки сарфланган бир бирликдаги вакт эвазига канча махсулот етиштирилганлигининг, хизматлар бажарилганлигининг даражасини ифодалайди.

Махсулот бирлигига сарфланган жонли Меҳнат микдори камайса ёки сарфланган бир бирлик Меҳнат эвазига етиштирилган махсулот бирлиги кўпайса, Меҳнат унумдорлиги ошганлигидан далолат беради. Бу кўрсаткич қишлоқ хўжалигида айрим иш, махсулот турлари, даврлари хамда хўжалик микёсида натура хамда киймат куринишида аникланади. Унинг даражасини киймат куринишида бир неча йиллар давомида аниклашда киёсий бахолардан фойдаланиш лозим. Шунда қишлоқ хўжалик махсулотлари бахолари узгаришининг таъсири бартараф этилади. Юқорида келтирилган кўрсаткичлар ёрдамида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида катнашаётган Меҳнат ресурсларидан кандай фойдаланилаётганлик хамда сарфланаётган Меҳнатнинг унумдорлик даражаси аникланиб, чукур тахлил этилади.

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичига асосланган холда Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси, уни яхшилаш ва сарфланиши зарур бўлган Меҳнатнинг унумдорлигини ошириш учун кандай тадбирларни ишлаб чикиш кераклиги белгиланади.

Самарали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши унинг Меҳнат ресурслари билан меъёр буйича таъминлашишига боғлик. Ишлаб чиқаришнинг иш кучи билан етарлича таъминланмаслиги ишлаб чиқариш технологиясига риоя килинмаслигига, пировард натижада махсулотни етарлича олинмаслигига олиб келади. Меҳнат ресурслари билан меъёрдан ортик даражада таъминланганлик эса иш кучидан самарасиз фойдаланишга ва Меҳнат унумдорлигининг пасайишига сабаб бўлади.

Меҳнат унумдорлиги-ходимлар Меҳнат фаолиятининг иктисодий самарадорлиги кўрсаткичидир. У ишлаб чикарилган махсулот ёки кўрсатилган хизматлар микдорининг Меҳнат харажатларига нисбати, яъни Меҳнат харажатлари бирлиги хисобига ишлаб чикарилган махсулот билан белгиланади.

Жамиятнинг ривожланиши ва унинг барча аъзолари фаровонлиги даражаси Меҳнат унумдорлиги даражаси ва унинг усишига боғликдир. Бундан ташкари, Меҳнат унумдорлиги даражаси ишлаб чиқариш усулини

хамда ижтимоий-сиёсий тизимнинг ривожланишини белгилаб беради.

Мех,натнинг унумдорлиги даражаси.

Меҳнат унумдорлигининг мутлак (абсолют) даражасини аниклаш учун хакикатда сарфланган жами иш вакти микдорини шу даврда ишлаб чикилган махсулот микдорига, кийматига хамда бажарилган иш хажмига таксимлаш зарур. Бу Меҳнатни тежаш иктисодий конунининг талаби.

Амалиётда эса у хакикатда ишлаб чикарилган махсулотнинг, бажарилган ишнинг микдори ёки кийматини унга сарфланган иш вактига таксимлаш натижасида аникланмокда. Бундай усулда улар бир-бирларини инкор этмайди, балки тулдиради.

Бу кўрсаткич етиштирилаётган бир бирликдаги (сентнер, тонна, сум) махсулот учун канча вакт сарфланганлигини ёки сарфланган бир бирликдаги вакт эвазига канча махсулот етиштирилганлигининг, хизматлар бажарилганлигининг даражасини ифодалайди. Махсулот бирлигига сарфланган жонли Меҳнат микдори камайса ёки сарфланган бир бирлик Меҳнат эвазига етиштирилган махсулот бирлиги кўпайса, Меҳнат унумдорлиги ошганлигидан далолат беради. Бу кўрсаткич қишлоқ хўжалигида айрим иш, махсулот турлари, даврлари хамда хўжалик микёсида натура хамда киймат куринишида аникланади. Унинг даражасини киймат куринишида бир неча йиллар давомида аниклашда киёсий бахолардан фойдаланиш лозим. Шунда қишлоқ хўжалик махсулотлари бахолари узгаришининг таъсири бартараф этилади. Юқорида келтирилган кўрсаткичлар ёрдамида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида катнашаётган Меҳнат ресурсларидан кандай фойдаланилаётганлик хамда сарфланаётган Меҳнатнинг унумдорлик даражаси аникланиб, чукур тахлил этилади.

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичига асосланган холда Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси, уни яхшилаш ва сарфланиши зарур бўлган Меҳнатнинг унумдорлигини ошириш учун кандай тадбирларни ишлаб чикиш кераклиги белгиланади.

Меҳнат унумдорлигининг ошиши:

- биринчидан, ишлаб чиқаришнинг техника билан куролланиш даражасига хамда ишлаб чиқаришдаги илм-фан ютуклари ва Меҳнатнинг энергия билан таъмин этилиш даражасига;

-иккинчидан ходимларнинг касбий тайёргарлик даражасига;

-учинчидан ишлаб чиқаришнинг техника билан куролланиш даражаси ва юқори технология даражаси уз-узидан кўтилган натижаларни бермайди, бунинг учун ходим лозим даражадаги малакага эга бўлишига;

-туртинчидан маълум даражада ишлаб чиқаришдаги Меҳнатнинг табиий, санитария- гигиена шароитлари каби омилларга боғлик бўлади.

Қишлоқ хўжалигида Меҳнат ресурсларидан йил давомида тулик ва самарали фойдаланиш хамда уларнинг Меҳнатлари унумдорлигини ошириш учун қуйидаги чора- тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш мақсадга мувофикдир:

- тармоқнинг ривожланишини эътиборга олган холда қўшимча иш жойларини ташқил этиш;

- тармоқнинг ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштириш ва моддий-техника таъминотини юксалтириш;
- қишлоқ хўжалигига янги техникаларни, самарали технологияларни изчиллик билан татбик этиш;
- қишлокда тадбиркорлик шаклларини ривожлантириш;
- қишлокда ишлаш ва яшаш учун барча шароитларни яратиш;
- Меҳнатни ташқил этишнинг самарали турларини ташқил этиш ва ривожлантириш;
- кадрларни тайёрлаш, малакаларини ошириш, уларни моддий, маънавий рагбатлантиришни такомиллаштириш ва бошқалар.

Бу каби чора-тадбирларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий этилиши тармоқдаги Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаб, Меҳнат унумдорлиги ошишига ижобий таъсир этади.

Умуминсоний нуктаи-назардан Меҳнатни мотивациялаш механизми бу инсонни унинг Меҳнат фаолияти натижасида узининг усиб бораётган моддий ва маънавий эхтиёжларини кондиришга ундовчи, жисмоний, аклий ва маънавий-рухий хатти- харакатларини фаоллаштиришга йуналтирган тадбирлар мажмуидир

*Назорат ва муҳкама учун саволлар:*

1. Меҳнат ресурслари нима?
2. Меҳнат унумдорлиги нима?
3. Меҳнат ресурслари, Меҳнат унумдорлигининг аҳамияти нимада?
4. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари ва улар кандай аникланади
5. Фермер хўжаликлари Меҳнат бозорининг асосий субъекти сифатида кандай аҳамиятга эга?
6. Меҳнат мотивацияси нима?
7. Меҳнат мотивацияси омиллари кайсилар?
8. Меҳнат бозори нима?

## 5-МАВЗУ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МОДДИЙ ТЕХНИКА РЕСУРСЛАРИ ҲАМДА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

*Режа:*

1. *Моддий-техника ресурслари ҳақиида тушунча ва уларни қишлоқхўжалигида узига хос хусусиятлари.*
2. *Инновациявий техника ва технологияларни қишлоқхўжалигида кенг қўллашнинг самарадорлиги.*
3. *Қишлоқхўжалигининг моддий-техника ресурслари даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш тартиби.*
4. *Асосий ва айланма воситалардан самарали фойдаланиш йуналишлари.*

Қишлок хўжалигини интенсив ривожлантиришда, мавжуд ишлаб чиқариш потенциалининг самарадорлигини оширишда моддий-техника базасинининг аҳамияти катта бўлиб, уни кенгайтириш, қайта ташқил килиш ва реконструкция килиш талаб этилади.

Қишлок хўжалигини моддий-техника базаси қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган барча Меҳнат воситалари ва Меҳнат буюмлари йигиндисидир.

Унинг таркибига ер ресурслари, ишлаб чиқариш иморатлари, иншоотлари, қишлоқ хўжалиги машиналари ва жихозлари, транспорт воситалари, махсулдор ва ишчи хайвонлар, кўп йиллик дарахтлар, сув ресурслари, уруглик, чорва озуқалари, нефт махсулотлари, угит, кимё воситалари, уругликлар, ем-хашаклар, ёкилги, ёғловчи, курилиш материаллари ва бошқалар киради.

Фермер хўжаликлари моддий-техника базасининг таркибий тузилмаси:

- фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари;
- фермер хўжаликларидаги кўп йиллик дарахтлар ва узумзорлар;
- чорва фермаларининг махсулдор ва ишчи хайвонлари;
- фермер хўжаликларидаги бино-иншоотлар, техникалар, машиналар ва бошқа иш куроллари;
- фермер хўжаликларидаги айланма маблаглар (уруглик, озуқа, ЁММ, минерал угитлар);
- фермер хўжаликларининг хисоб ракамидаги пул маблаглари, кимматбахо когозлар;
- фермер хўжаликларининг таъсисчилиги асосида ташқил килинган мукобил МТП, СФУ ва агрофирмалар хисобидаги мол-мулки.

Моддий ресурслар ёрдамида қишлоқ хўжалигида турли хилдаги ишлар, хизматлар бажарилиб, махсулотлар етиштирилади. Фан-техника тараккиёти натижасида уларнинг сифати, холати яхшиланади, янгиларини яратиш мақсадида катта ишлар килинади. Моддий ресурсларни ишлаб чиқаришда қўллаш натижасида серхосил, тезпишар навлар, сермахсул чорва зотлари, хар томонлама кулай ва самарали хисобланган илғортехнологиялар яратилади.

Қишлок хўжалигининг моддий-техника ресурслари республика иктисодиёти ресурсларининг муҳим кисми хисобланади. Улар мулк сифатида тармоқнинг, корхоналарнинг иктисодий асосини ташқил этади. Корхоналарнинг моддий-техника базаси мустахкам бўлса, уларда иктисодий жихатдан ривожланиш учун асос мавжудлигидан далолат беради.

Бундан куриниб турибдики, фермер хўжаликларини юқоридаги моддий-техника воситаларига эга бўлмасликлари уларни келгусида иктисодий бакувват хўжалик сифатида фаолият кўрсата олмасликларини билдиради.

Хар бир худудда фермер хўжаликларининг моддий-техника таъминотини мустахкамлашда хисобга олинадиган омилларга қуйидагилар киради:

- худудлар буйича қишлоқ хўжалиги махсулотларини ишлаб

чиқариш таркиби;

- фермер хўжаликларининг ихтисослашганлик даражаси;
- қишлоқ хўжалиги экинларининг таркиби;
- қишлоқ хўжалиги экинларининг хосилдорлиги ва чорва молларининг махсулдорлиги;
- қишлоқ хўжалиги экинларини моддий-техника ресурсларига бўлган талаби.

қишлок хўжалик корхоналарини моддий-техника ресурслари билан талаб
даражасида таъминлашга доимо катта эътибор берилмокда. Чунки бу сарфланадиган Меҳнат хамда маблаг харажатлари камайиши, Меҳнат унумдорлиги юксалиб, фойда суммаси кўпайиши учун имконият яратади. Шундай экан, қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий-техника воситалари билан таъминланиш бу воситалардан фойдаланиш жараёнини ва бу борадаги узгаришларни билиш талаб этилади. Бунинг учун бир канча кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин. Энг аввало, бу борадаги асосий кўрсаткич -корхоналарнинг моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик даражаси кўрсаткичидир. Хўжалик уз фаолиятида амалга оширадиган ишларни тез ва сифатли бажаришга интилади, бу жараёнда техника воситалари уртасида мутаносибликни таъминлашга алохида эътибор беради. Сабаби - тракторлар кўп, уларга тиркаладиган механизмлар кам ёки акси бўлса, кўтилган самарага эришиб бўлмайди. Чорва хайвонлари кўп бўлиб, ем-хашак кам бўлиши хам фойдасиздир. Демак, корхоналар самарали мувозанатдаги моддий-техника ресурслари билан талаб даражасида таъминланган бўлишлари керак. Унинг даражасини қуйидаги ифода ёрдамида аниклаш мумкин:

$$МТРТД = \frac{(Ек + (АФк - Ас) + АФк + БГк)}{КХе} ; \qquad (5.1)$$

бунда: МТРтд - моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик даражаси,
сум;

Ек - қишлоқ хўжалик ерларининг киймати (сум);

Афк - асосий воситаларнинг уртача йиллик киймати (сум);

Ас - асосий воситаларнинг уртача йиллик эскириш суммаси (сум);

АФк - айланма воситаларнинг уртача йиллик суммаси (сум);

БГк - боғлар, токзорларнинг уртача йиллик суммаси (сум).

Бу кўрсаткич ёрдамида хар бир хўжалик ихтиёридаги фойдаланилаётган 1 га қишлоқ хўжалик ерига ёки экин майдонига канча сумлик моддий-техника ресурслари тўғри келаётганлиги аникланади. Унинг микдори талаб, яъни меъёр даражасида бўлиши керак. Бу умумий кўрсаткич мақсад ва вазифалардан келиб чиккан холда бошқа аник кўрсаткичлар ёрдамида янада аниклаштирилади.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустахкамлаш мақсадида кимёвий воситаларни, жумладан, минерал угитларни сотиб

олишга алохида эътибор берилмокда. Чунки улар тупроқ унумдорлигини ошириб, экинлар хосилдорлиги юксалишини, ёввойи утлар хамда зараркунандаларни озайтириб, Меҳнат ва маблаг сарфларини камайтиради, махсулотнинг сифати яхшиланади.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини ишлаб чиқариш жараёнидаги фаолиятига кура, Меҳнат предметлари хамда Меҳнат воситаларига бўлинади. Иктисодиётнинг турли тармоқларида яратилиб, қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштиришда инсон Меҳнати ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнида бир марта катнашиб, уз шаклларини тулик узгартирадиган предметлар тармоқнинг Меҳнат предметларини ташқил этади.

Уларга саноат тармоқларида ишлаб чикарилган ёкилги, ёғловчи материаллар, кимёвий угит, ем ва бошқалар киради. Улар тармоқнинг махсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларида бир марта катнашиб, уз шаклларини тулик узгартириб, кийматини хам уларга утказадиган предметлардир. Тармоқда банд бўлган инсонларнинг онгли Меҳнати, Меҳнат предметлари ёрдамида қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштириш, хизматларни бажариш мақсадида бир неча йиллар давомида фойдаланиладиган нарсалар Меҳнат воситалари хисобланади. Улар табиат томонидан хамда саноат, қишлоқ хўжалик тармоқларида яратилган бўлиб, турли хилдаги махсулотларни етиштиришда, хизматларни, ишларни бажаришда бир неча йиллар давомида фойдаланилиб, уз куринишини, шаклларини узгартирмасдан, лекин кийматининг маълум бир кисмини махсулотларга, ишларга, хизматларга утказиб борадиган воситалардир. Уларга қишлоқ хўжалик техникалари хисобланган машина-тракторлар, комбайнлар, сеялкалар, культиваторлар суғориш иншоотлари, бинолар, станоклар ва бошқалар киради. Ерлар, табиий урмонлар - табиат махсулидир. Ишчи ва махсулдор чорва хайвонлари, боғзорлар, токзорлардан қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштириш учун бир неча йиллар мобайнида фойдаланилади. Асосий воситалар йиллар давомида жисмоний хамда маънавий эскиради.

Фан-техника тараккиёти натижасида янги, замонавий техникаларнинг яратилиши туфайли улар маънавий жихатдан хам эскиради.

Амортизация бу ишлатилган ишлаб чиқариш воситаларини пул ифодасидаги копланишидир. Х,ар бир корхонада амортизация фонди ташқил этилади.

Асосий воситаларнинг эскириши и уларнинг амалдаги эскириш меъёрлари (нормативлари) ёрдамида аниклаш мумкин. Уларнинг эскириш киймати амортизация суммалари, деб аталади. Асосий воситаларнинг эскириш меъёрини белгилаб берувчи амортизация меъёри асосида уларнинг эскириш киймати (суммаси) қуйидаги ифода ёрдамида аникланади:

,с 0ч

$$Ас = \frac{АБк}{Ан} \cdot 100 \quad ёки \quad \frac{АБк}{Ан} \qquad (52)$$

бунда: Ас - асосий воситанинг амортизация суммаси (сум);

Абк - асосий воситанинг баланс киймати (сум);
Ан - асосий воситанинг эскириш меъёри (коэффициентда, йилда).

Асосий воситалар




5.1-расм. Асосий воситалар таркиби

Асосий воситаларнинг эскириш меъёри (нормативи) берилмаганда асосий воситанинг баланс кийматини унинг хизмат муддатига таксимлаш натижасида эскириш
меъёри аникланади. Хўжаликда бир неча йиллар давомида ишлатилган воситалар капитал таъмирланган бўлса, улар баланс кийматига кушилади.

Эскириш кийматлари етиштириладиган махсулотларга, хизматларга белгиланган тартибда утказилади. Асосий воситалар иктисодий мохиятига кура, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши жараёнида бир неча йиллар давомида катнашиб, кийматини ишлаб чикарилаётган махсулотларга, бажарилаётган хизматларга йилма-йил кисман утказиб боради (яъни эскириш кийматини).

Меҳнат килиш кобилиятига эга бўлган фукаролар Меҳнат

предметларидан хамда Меҳнат воситаларидан окилона фойдаланиш натижасида турли хилдаги сифатли қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштириб, фойдали хизматларни бажарадилар. Уларнинг йигиндисини қишлоқ хўжалиги воситалари ёки фондлари ташқил этади. ^ишлок хўжалик фондлари тармоқдаги ишлаб чиқариш жараёнларида катнашишига ёки фойдаланилишига кура, ишлаб чиқариш фондлари хамда ноишлаб чиқариш фондларидан ташқил топади. Улар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида катнашишининг зарурийлиги хамда муддатига кура, юқорида кўрсатилганидек, асосий ва айланма фондларга бўлинади.

Уларни натура холдаги куринишига кура, асосий ва айланма воситалар, умумий холда эса ишлаб чиқариш воситалари, деб аталади.

Асосий ва айланма воситалар махсулот ишлаб чикариб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда бенихоят катта аҳамият касб этади. Чунки уларсиз талабни кондирадиган микдорда, сифатли махсулот ишлаб чиқариш мумкин эмас. Улардан окилона фойдаланиш натижасида Меҳнат ва маблаг харажатлари тежалади.

Демак, асосий ва айланма воситалардан окилона ва самарали фойдаланиш туфайли қишлоқ хўжалиги иктисодиёти ривожланади. Натижада ахолининг ижтимоий-иктисодий ахволи яхшиланади. Шунинг учун бундай воситаларни яратишга, куришга, таъмирлашга, улардан яхши фойдаланишга алохида эътибор берилмокда.

Тармоқда махсулот ишлаб чиқаришда асосий роль қишлоқ хўжалигида катнашувчи фондларга тегишлидир, чунки улар асосий ишлаб чиқариш фондининг 80 фоизини ташқил килади. Бу фондларга қуйидагилар киради: ер ресурслари; бинолар; иншоотлар; машина ва техникалар; транспорт воситалари; ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари; сут берувчи корамоллар; гушт берувчи корамоллар; кўп йиллик экинлар;

ерни яхшилаш учун килинган сарфлар (иншоотлардан ташкари). асбоблар ва хоказаолар.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигининг киймат кўрсаткичлари: фонд кайтими ва фонд сигимидир.

Фонд кайтимини қишлоқ хўжалигида бир йилда ишлаб чикарилган ялпи махсулот кийматини ишлатилган асосий фондларнинг уртача йиллик суммасига таксимлаш натижасида аниклаш мумкин

$$Фк == \frac{ЯМк}{Х\,АФк} \qquad (5.3)$$

бунда:

Афк - фонд кайтими (сум);

Ямк - ялпи махсулот киймати (сум);

ХАФк - асосий фондларнинг йиллик уртача киймати (сум).

Фондлар кайтимини бир сумлик асосий фонд эвазига маълум муддатда олинган ялпи даромад ва соф фойда кўрсаткичлари ёрдамида хам аниклаш мумкин. Улар ялпи даромад, соф фойда суммасини асосий фондларнинг

йиллик уртача кийматига таксимлаш натижасида аникланади. Бунда қуйидаги ифодадан фойдаланиш мумкин:

У *ЯД* у *СФ* ЯДФк= у у

-------------------------(5.4)

*ХАФк ХАФк*

бунда: ЯДФк-ялпи даромад буйича фонд кайтими (сум);

**у**

[1] ЯДк йиллик ялпи даромад суммаси (сум);

СФФк - соф фойда буйича фонд кайтими (сум);

у *СФ* - йиллик соф фойда суммаси (сум).

Бу кўрсаткичлар ёрдамида 1 сумлик асосий фондлар эвазига неча сумлик ялпи махсулот, ялпи даромад ва соф фойда олинганлиги аникланади. Бу кўрсаткичлар микдори юқори бўлгани яхши.

Фондлар сиғими. Уни аниклаш учун асосий фондларнинг йиллик уртача суммасини етиштирилган ялпи махсулот кийматига таксимлаш зарур. Бунинг учун қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

*ХАФк* , ч

Фс=------ (5.5)

*ЯМк*

бунда: Фс-фонд сигими (сум).

Фонд сигими эса, бир сумлик қишлоқ хўжалик махсулотини етиштириш учун канча асосий фонд киймати тўғри келишини кўрсатади.

Ишлаб чиқариш фондларининг (асосий ва айланма) иктисодий самарадорлиги рентабеллик кўрсаткичи билан хам характерланади. Иктисодиётда бу кўрсаткични фойда меъёри дейилади. У қуйидаги ифода билан аникланади:

*Фс*

Фн=------------*100% (5.6)

*АФк+АФк*

бу ерда: Фн-фойда меъёри, фоиз;

Фс-реализациядан тушган фойда, сум.

Фойда нормаси бир бирлик ишлаб чиқариш фондлари кийматига канча фойда олинганлигини кўрсатади. Бу кўрсаткичнинг даражаси юқорига интилиши мақсадга мувофикдир.

^ишлок хўжалиги ишлаб чиқариши фондларининг муҳим кисмини айланма фондлар ташқил этади. Айланма фондлар ишлаб чиқариш ва реализация жараёнининг тухтамай амалга ошишини таъминлаб туради. Уларнинг натура холидаги куриниши айланма воситалар дейилса, пул (киймат) шаклидаги куриниши айланма фондлар, маблаглар, деб аталади.

Асосий фондлардан фойдаланиш даражаси хўжалик, унинг ишчи ва хизматчиларини фондлар билан таъминланганлигига хамда Меҳнатнинг куролланганлигига боғлик. Шундай экан, хўжаликда бу кўрсаткичларни аниклаш мақсадга мувофикдир. Улар қуйидаги тартибда аникланади: жумладан, хўжаликнинг асосий фондлар билан таъминланганлигини аниклаш учун ундаги асосий фондларнинг уртача йиллик суммасини

фойдаланилган ер майдонига таксимлаш лозим.

Бу қуйидаги ифода ёрдамида аникланади:

. , *ХАФк*

Афт= ——          (5.7)

*Фе*

бунда: Афт - асосий фондлар билан таъминланганлик даражаси (сум/га);

*X* АФк - асосий фондларнинг йиллик уртача суммаси (сум);

Фе - фойдаланилаётган ер майдони (га).

Меҳнатнинг асосий фондлар билан таъминланганлик даражаси эса, асосий фондларнинг йиллик уртача суммаси, шунингдек, уларнинг кувват ишлаган ишчи- хизматчилар (Меҳнат ресурслари) нинг уртача йиллик сонига таксимланади. Уларни ушбу ифодалар ёрдамида аниклаш мумкин:

*ХАФк ХАФку*

Мт= -= ---; Мт= -^= -- .          (5.8)

Х*ИР*          *ХМр*

бунда: Мт - Меҳнатнинг (1 кишига) асосий фондлар билан таъминланганлиги (сум/киши);

*X* АФку - асосий воситаларнинг уртача йиллик куввати (от кучида);

*X* Мр - Меҳнат ресурсларининг уртача йиллик сони (киши).

Бу кўрсаткичлар хўжаликларнинг ихтисослашишига, машина-техникалар билан таъминланганлигига кура, фарк килиниши мумкин. Айникса, охирги формула ёрдамида аникланган кўрсаткич ишлаб чиқариш механизациялаштирилишини, автоматлаштирилишини таъминлаб, жонли Меҳнат харажатларини тежаб, Меҳнат унумдорлиги юксалишига олиб келади.

Айланма фондларга (воситаларга) ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган Меҳнат воситалари ва моддий неъматларнинг айримлари киради. Айланма воситалар, маблаглар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнида катнашиб, бир шаклдан иккинчи шаклга айланиб туради.




5.2-расм. Айланма воситалар таркиби

Масалан, бугдой уруги экилиб, нихоли униб чикиши жараёни. Бу жараён фалсафа конунига кура, инкорни-инкор этиш, деб аталади. Айланма фондлар асосий фондлардан фаркли уларок, бир ишлаб чиқариш жараёнида катнашиб, уз моддий кийматини ва шаклини тулик узгартиради. Мисол: экилган уруг ўсимликка, минерал угитлар эса озуқа моддаларга айланади, ёнилгидан фойдаланиш натижасида машина-тракторлар иш бажаради ва хоказолар.

^ишлок хўжалиги ишлаб чиқариши мавсумий бўлганлиги учун, айланма фондларнинг сарфланиши, таркиби йил давомида узгариб туради. Масалан, кишда айланма фондларнинг кўп кисми уруг ва озуқада, ёзда эса фондларнинг аксарият кисми нефть махсулотлари, машина эхтиёт кисмлари, тўғалланмаган ишлаб чиқариш билан банд бўлади.

^ишлок хўжалиги корхоналарининг айланма фондларига (воситаларига) қуйидагилар киради:

хомашё материаллар; угитлар ва
бошқа кимёвий воситалар; ёкилги,
ёғловчи моддалар; идиш ва идиш
материаллари; уруг ва уруглик
материаллари; курилиш
материаллари; эхтиёт кисмлар;
озуқалар, ем-хашаклар; бокувдаги

хайвонлар; арзон бахоли ва тез
эскирувчи предметлар;
тўғалланмаган ишлаб чиқариш
харажатлари: реализацияга тайёр
махсулот;
харидорлар билан хисоб-китоб килишдаги
маблаглар; материал ва хомашёларни сотиб олиш
учун пул маблаглари; хисоб ракамидаги,
газнадаги маблаглар ва бошқалар.

Айланма фондларининг айланиши узида уч босқични мужассамлаштиради: таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш.

Айланма фондлар (воситалар)дан фойдаланишнинг иктисодий самарадорлигини аниклашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин:

Айланма фондларнинг айланиш коэффициенти. Уни аниклаш учун сотилган қишлоқ хўжалик махсулотларининг, кўрсатилган хизматларнинг, бажарилган ишларнинг умумий кийматига асосий подага утказилган ёш хайвонларнинг кийматини кушиб, ундан асосий подадаги хайвонларни сотишдан тушган маблагни айиргандан сунг колган кийматни айланма фондларнинг йиллик уртача колдик суммасига таксимлаш лозим. У қуйидаги ифода оркали аникланади:

$$К = \frac{Ск + Ex_г - Xc}{ХАФкк} \qquad (5.9)$$

бунда:

К - айланма фондларнинг айланиш коэффициенти;

Ск - сотилган қишлоқ хўжалик махсулотларининг, бажарилган ишлар, хизматларнинг киймати (сум);

Ехк - асосий подага утказилган ёш хайвонларнинг киймати (сум);

Хс - асосий подадаги хайвонларни сотишдан тушган тушум (сум);

$^{Х}$ Афкк - айланма фондларнинг йиллик уртача колдик киймати (сум).

Бу кўрсаткич хўжаликлардаги айланма фондларнинг бир йил давомида айланиш тезлигини кўрсатади. Унинг микдори имконият доирасида бирдан юқори бўлгани маъкул. Шу кўрсаткичга асосланган холда айланма фондларнинг айланиш муддати хам аникланади.

Уни юқоридаги кўрсаткичдан фойдаланиб, йил давомида айланма фондлар (воситалар) айланишининг уртача даврини топамиз. Бунинг учун бир йилдаги календарь кунлари

умумий сонини (365 ёки 366) айланиш коэффициентига таксимлаб, қуйидаги тенгликдан фойдаланилади:

$$Ад= \frac{}{К} \qquad (5.10)$$

бунда-Ад-айланма фондларнинг айланиш муддати, кун.

Фонд билан таъминланиш - қишлоқ хўжалиги учун тайинланган ишлаб

чиқариш фондлари кийматини қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган (хайдаладиган ерлар, экинзорлар) хар бир гектарга ёки 100 гектарга тўғри келадиган кийматидир.

Фонд билан таъминланиш қуйидагича аникланади:

$$Фт = \frac{Ф}{О} \qquad (5.11)$$

бунда - Фич - ишлаб чиқариш фондлари кийматини

5- ер майдони.

Фонд билан куролланиш-қишлоқ хўжалиги учун тайинланган ишлаб чиқариш фондлар кийматини қишлоқ хўжалик ишларида иштирок этган уртача бир ишловчи хисобига тўғри келадиган кийматдир.

$$Фур = \frac{Ф}{Г} \qquad (512)$$

бунда - Р -уртача йиллик ишчилар сони

Қишлок хўжалигида ишлатиладиган асосий ва айланма фондлардан фойдаланишнинг иктисодий самарадорлигини қуйидаги йўллар билан ошириш мумкин:

- илғортехникани қўллаш, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш, ихтисос- лаштириш;
- қишлоқ хўжалигида илмий асосланган хўжалик юритиш тизимини қўллаш;
- хўжаликда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш фондларидан мақсадга мувофик тежамли фойдаланиш;
- асосий ва айланма фондларни бир-бирига окилона боғлаш ва илгорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш .

*Назорат ва муҳокама учун саволлар:*

1. Қишлок хўжалиги моддий техника базаси ва унинг таркиби кандай?
2. Асосий ва айланма воситалардан самарали фойдаланиш йуналишлари нималардан иборат?
3. Асосий воситалар нима?
4. Айланма воситалар нима?
5. Қишлок хўжалигининг моддий-техника ресурслари даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниклаш тартиби кандай?
6. Инновациявий техника, технологияларни қишлоқ хўжалигида қўллашнинг самарадорлиги нимадан иборат?.
7. Инновациявий бошқарувни қишлоқ хўжалигида қўллашнинг самарадорлиги нимадан иборат?
8. Фонд сигими нима?
9. Фонд кайтими нима?
10. Амортизация нима?

# 6-МАВЗУ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИНФРАТУЗИЛМА ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*Режа:*

1. *Қишлоқ хўжалигида инфратузилманинг мохияти ва а^амияти.*
2. *Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва уни бошқариш.*
3. *Ижтимоий инфратузилма.*
4. *Бозор инфратузилмаси.*

*Инфратузилма* - лотинча суз бўлиб, инфра-куйи, асос, струтуре (тузилма)-тузилиш, узаро жойлашув маъносини ифодалайди.

Инфратузилма миллий хўжалик ишлаб чиқариш тармоқлари ва ижтимоий сферанинг умумий шароитини таъминлаш учун хизмат киладиган сохалар мажмуасини ифодалайди.

У ишлаб чиқариш, технологик, иктисодий ва ташқилий алокалар жараёнида вужудга келадиган муносабатлар оркали қишлоқ хўжалигининг самарали ишлашини таъминлайди. Инфратузилма жамият ишлаб чиқариш кучларнинг бўлинмас кисми хисобланади. У корхонанинг самарали фаолиятини таъминлайди ва қишлоқ хўжалигининг пировард махсулотининг микдоран кўп ва сифатан юқори бўлишга йуналтиради. Инфратузилма қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш ва самарадорлигини усишининг муҳим омили хисобланади. Кўп киррали хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини ривожлантириш бозор иктисодиётига хос муаммоларни хал этишда кенг имкониятлар яратади.

Аграр сохада хўжалик юритишда хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларнинг ўрни ва аҳамияти жуда бекиёсдир. Чунки қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш жараёнларида, яъни ерни экин экишга тайёрлаш, уругни ерга кадашдан бошлаб, зарур агротехник тадбирларни амалга ошириш, етиштирилган махсулотларни йигиб олиш ва бошқа бўладиган барча жараёнларда турли хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар иштирок этади. Бундан ташкари қишлоқ хўжалигининг ижтимоий-иктисодий ривожланиши албатта ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни канчалик тараккий этганлигига боғликдир. ^ишлок хўжалигида махсулот хажмининг ошиши, ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожланиши хизмат турларининг кўпайиши билан боғлик. Хрзирги вактда нисбатан ривожланган қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар, хусусан техника, агрокимё, мелиорация ва окар сув билан таъминлаш, зооветеринария, транспорт, селексия ва уругчилик, ёкилги-мойлаш материаллари, махсулотларни саклаш ва қайта ишлаш хамда ихтисослашган банк хизматларини санаб ўтиш мумкин.

Мамлакатда чукур иктисодий ислохотларни олиб борилиши иктисодиётнинг барча жабхалари сингари, қишлоқ хўжалигида, унга хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар тизимида хам туб узгаришларга олиб келди. Янги сервис (консалтинг, инжиниринг, лизинг ва бошқа) хизматлари вужудга

келди. Аксарият сервис хизмати кўрсатувчи корхоналарнинг фаолияти тубдан узгарди, хизмат турлари кенгайди.

Инфратузилма субъектлари хар кандай иктисодиётнинг асосий таркиби хисобланиб, кўрсатилаётган турли хизматлари билан барча тармоқ ва сохаларнинг иктисодий барқарор ривожланишига асосий пойдевор яратади.

Инфратузилма субъектлари қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш муносабатлари ва қишлоқни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асоси хисобланадилар. Хизмат кўрсатиш ва таъминот тизимидаги корхоналар фаолияти ривожлантирилмасдан қишлоқ хўжалигида иктисодий барқарор усиш суръатларини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва дехконларнинг даромадларини кўпайтириш мумкин эмас. Инфратузилманинг асосий вазифалари:

- Қишлок хўжалигига товар - моддий бойликларни етказиб бериш (уругчилик, кучат, ЁММ, минерал угит, кимё воситалари, сув таъминоти);
- Қишлок хўжалигига техника ва техник сервис хизматлар таъминоти;
- Ўсимликларни химоя килиш ва зооветеринария хизматлари;
- Қишлок хўжалигида махсулотларни саклаш, тайёрлаш ва кадоклаш хизматлари;
- Алока, транспорт, энергетика ва сув билан таъминлаш хизмати;
- Банк хизмати;
- Биржа ва брокерлик хизмати;
- Улгуржи савдо ва ярмаркалар хизмати;
- Аудит ва сугурталаш хизмати;
- Ахборот ва консалтинг марказлари;
- Фермерларни тайёрлаш ва қайта ўқитиш;
- Юридик хизматлар.

Қишлок хўжалигида хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятиниривожлантириш, қайта ташқил этиш ва такомиллаштиришнинг энг муҳим объектив зарурияти қуйидагилардан иборат:

• турли мулкчилик ва хўжалик юритувчи субъектларни юзага келиши, майда товар ишлаб чикарувчиларга айланиши, уларни умумий сонининг ортиши, хар бирига бириктирилган ер майдонлари хажмини кичиклашиб бориши;

• режали иктисодиёт тизимида хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларга маблаг давлат томонидан ажратилган. Хрзирда эса хўжалик юритувчи субъектларни уз маблагларидан сотиб олиши, натижада хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни тузишда маблаги ва имконияти етарли эмаслиги;

• сифатли, арзон ва кафолатли хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларга бўлган талабнинг ошганлиги;

• мавжуд хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг асосий кисмини йирик хўжаликларга хизмат кўрсатишга ихтисослашганлиги, майда товар ишлаб чикарувчилар эхтиёжлари хисобга олинмаганлиги;

• илгари барча қишлоқ хўжалиги корхоналарининг моддий-техника

таъминоти бевосита давлат томонидан фонд оркали амалга оширилган бўлса, бозор муносабатларига ўтиш шароитида эса, моддий ресурсларни хўжалик юритувчи субъектларнинг уз маблаглари хисобига сотиб олиши;

• майда товар ишлаб чикарувчиларда пул маблаглари айланиш хажмининг камлиги ва молиявий жихатдан заифлиги, хар бири узида сервис хизмати кўрсатишни ташқил этиш имкониятига эга эмаслиги.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси ишлаб чиқариш жараёнига таъсири даражаси буйича қуйидаги икки гурухга бўлиш мумкин:

- ишлаб чиқариш;
- ижтимоий.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Чунки, қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштиришнинг барча жараёнларида, жумладан, ерни экин экишга тайёрлаш (ерни текислаш, шудгорлаш), уругни ерга кадашдан бошлаб, зарур агротехник тадбирлар утказиш, етиштирилган махсулотларни йигиб-териб олиш ва бошқа бўладиган жараёнларда турли сервис хизматлари кўрсатиляпти.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ишлаб чиқариш маблаглари хамда уларнинг узок муддат ишлашини таъминлайдиган тармоқларни уз ичига олади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибига бевосита қишлоқ хўжалигига хизмат килувчи тармоқлар: ишлаб чиқаришга йуналтирилган транспорт, таъмирлаш устахоналари, омбор хўжаликлари, коммуникация тизими ва телеграф, алока, электроэнергия узатиш линиялари, техник хизмат станциялари, илмий ишлаб чиқариш лабораториялари, хисоблаш марказлар киради.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланишига кўпгина омиллар таъсир этади. Уларнинг ичида тупроқ-иклим шароити, худуд рельефи, сув билан таъминланиши, ер худуди конфигурацияси, йўл холати, корхонанинг жойлашиши, ишлаб чиқариш объектларининг жойлашиши, кулланилаётган технологиялар, ишлаб чиқаришни ихтисослашиши даражаси муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий инфратузилманинг асосий вазифаси қишлоқ ахолисининг ижтимоий-маиший шароитларини келгусида яхшилаш хисобланади.

Ижтимоий турмушга таъсир утказувчи инфратузилманинг асосий жихатларига қуйидагилар киради:

• ишлаб чикарувчи кучларни окилона жойлаштириш;
• ахоли Меҳнат фаоллиги куламини кенгайтириш;
• Меҳнат ресурслари сафарбарлигини тартибга солиш;
• буш вакт фондини бойитиш ва ундан фойдаланиш шарт-шароитларини яхшилаш учун имконият яратиш;
• ишчи кучини такрор етиштиришга таъсир этиш.

Ижтимоий инфратузилма мураккаб вазифалар тизимидан иборат бўлиб, унда барча унсурлар узаро боғланганки, улардан бирининг ривожланишдан ортда колиши, бошқаларидан самарасиз фойдаланишга

сабаб бўлади. Шу боисдан минтака ижтимоий инфратузилмасининг мажмуавий тарзда ривожланишини таъминлаш муҳим вазифадир.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали Меҳнат жараёнида бўлгани каби, ишловчи кучини такрор ишлаб чиқаришда хам зарур шарт - шароитлар яратишни талаб этади. Бу вазифани бажаришга ижтимоий инфратузилма бўлимлари ва хизмат сохалари йуналтирилган.

Ижтимоий инфратузилма узида Меҳнат жараёнида ишловчиларни самарали фаолият юритиши учун зарур шарт - шароитларни яратишга йуналтирилган жамият ишлаб чиқариш кучларининг бир кисмини акс эттиради. Ижтимоий инфратузилманинг асосий вазифаси қишлоқ ахолисининг ижтимоий - маиший шароитларини келгусида яхшилаш хисобланади. Ижтимоий инфратузилма сохалари махсулот яратишда бевосита иштирок этмайди, лекин улар ишлаб чиқариш жараёнининг меъёрий ривожланиши учун шарт - шароитларни таъминлайдилар.

Ижтимоий инфратузилманинг аҳамияти шундаки, у ишлаб чиқаришнинг зарур малакали кадрларга бўлган талабини кондиришни тартибга солади, кадрларни такрор ишлаб чиқаришга ва қишлоқ хўжалигига боғланиб кетишига кумаклашади, Меҳнат мухофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлайди. Ижтимоий инфратузилма бўлимлари нафакат корхона, балки уларнинг оила аъзолари коммунал - маиший талабларини кондириш учун хам шарт - шароитларни яратишда катнашади.

Ижтимоий инфратузилма объектларини ташқил этиш ва мақсадга мувофик ишлаб туриши улар жойлашган қишлоқ хўжалик корхонасининг иктисодий ривожланганлик даражасига боғлик бўлиб колмокда. Хўжаликлар ижтимоий инфратузилма бўлимларини шакллантиришга зарур моддий, пул ва Меҳнат ресурсларини ажратадилар

Қишлоқ хўжалигида ижтимоий инфратузилма объектларига коммунал уй - жой хўжаликлари, медицина ва мактабгача тарбия муассасалари, умумий овкатланиш ташқилотлари, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари, Меҳнат мухофазаси буйича хизмат сохалари, спорт-согломлаштириш ташқилотлари, ишловчи - хизматчиларга хизмат кўрсатувчи транспорт, алока ва ахборот хизмати бўлимлари киради.




7.2-расм. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси

Мақсадли йуналиши, шаклланиш манбаи, худудий жойлашуви ва ишлаб чиқариш жараёнида катнашишига кура, ижтимоий инфратузилма объектлари хизмат сохаларини 2 гурухга бўлиш мумкин.

Биринчи гурухга корхоналар хисобидан барпо этилган хўжалик бўлимларида жойлашган ва Меҳнат шароитлари, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш жараёнида ишловчиларнинг хордик олишини, шароитларни яхшилашга каратилган объектлар тегишлидир. Бу гурух таркибига бригадалардаги ва чорва моллари фермаларидаги маиший иншоотлар, бўлимлардаги умумий овкатланиш пунктлари (буфетлар, ошхоналар), согликни саклаш, маданият ва хордик объектлари (профилакторийлар, врач кабинетлари, ўқув заллари ва бошқалар), ёнгинга карши пунктлар киради. Улар чорвачилик мажмуаларида, фермаларида, устахоналарида, трактор

паркларида, дала станцияларида жойлаштирилади.




7.3-расм. Ижтимоий инфратузилма

Иккинчи гурухга қишлоқ хўжалик корхоналарининг ахоли пунктларига жойлашган, ахолининг коммунал уй-жой талабларини кондириш учун мулжалланган ва коида буйича давлат ресуслари хисобига ва катта корхоналар ва агросаноат уюшмаларининг махсус воситалари хисобига ташқил этилган ижтимоий инфратузилма объектлари, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, согликни саклаш, спорт, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари, маданият уйлари ва клублар, савдо корхоналари таъаллуклидир.

Ижтимоий инфратузилманинг ушбу объектлари қишлоқ жойларидаги ахолининг, Меҳнат сохасидаги ва ижтимоий ахволидан катъий назар хаммасига хизмат кўрсатишга
йуналтирилган.

Қишлок хўжалигида ижтимоий инфратузилма объектларига коммунал уй - жой хўжаликлари, медицина ва мактабгача тарбия муассасалари, умумий овкатланиш ташқилотлари, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари, мех,нат мух,офазаси буйича хизмат сохдлари, спорт-согломлаштириш ташқилотлари, ишловчи - хизматчиларга хизмат кўрсатувчи транспорт, алока ва ахборот хизмати бўлимлари киради.




7.4-расм. Бозор инфратузилма объектлари

Бозор инфратузилмаси - махсулот (хизматлар) ишлаб чикарувчини

истеъмолчи билан ягона бозор маконида бирлаштириб, ишлаб чиқариш ва истеъмол куламлари уртасидаги зиддиятни бартараф этувчи ва унинг барча иштирокчилари уз олдиларига куйган мақсадларига эришишларини таъминловчи муассасалар ва воситачилик таркиблари тизимидир.

Бозор муносабатларини шакллантиришни тегишли мух,ициз, товар-пул ва мех,нат ресурслари бозорларида хўжалик юритувчи субъектлар уртасида узаро алокани таъминлаши керак бўлган инфратузилмасиз тасаввур этиб бўлмайди. Молия, банк-кредит тизимлари билан боғлик масалаларни х,ал килиш, сугурта, аудиторлик, юридик ва консалтинг фирмалари хдмда компанияларини, биржа тизимини яратиш зарур.

Бозор инфратузилмасининг асосий мақсади товар ва хизматларни ишлаб чикарувчилардан истеъмолчиларга етиб бориши ва уларнинг эхтиёжларини кондириш борасида кулай шароитлар яратиш оркали иктисодий тизимнинг самарали фаолият юритишини оширишга каратилган.

Бозор инфратузилмаси республикада вужудга келаётган умуммиллий ва минтакавий бозорларнинг ишлашини, давлатлараро иктисодий муносабатларнинг тартибга солинишини таъминлайди.

Ўзбекистонда бозор инфратузилмаси субъектлари асосан шакллантириб бўлинди, уларнинг ҳуқуқий-институционал асослари яратилди. Хрзирги кунда республикада икки погонали банк тизими, сугурта компаниялари, товар ва хом ашё биржалари, сармоя фондлари тармоги, фонд ва кучмас мулк биржалари, Марказий депозитарий ва иккинчи погона депозитарийлари, лизинг ва консалтинг компаниялари, Савдо-саноат палатаси, Дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмаси фаолият кўрсатмокда хамда уларнинг фаолият йуналишлари бозор талабларига мослаштирилмокда.

Иктисодиётни эркинлаштириш жараёнида фермер хўжаликларини хам самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида қишлоқда инфратузилма субъектларини ташқил этиш ва ривожлантиришга каратилган ҳуқуқий-меъёрий хужжатлар қабул килиниб, уларда вазирлик, компания, тижорат банклари ва махаллий хокимият органларига қишлоқ худудларида хизмат кўрсатиш ва таъминот буйича инфратузилма субъектларини ташқил этиш тадбирларини амалиётга жорий килишдаги вазифалар белгиланди.

Х,ар бир туман ёки қишлоқ худудида инфратузилма субъектларининг шохобчаларини ташқил этиш, уларни зарур техника ва жихозлар хамда малакали кадрлар билан таъминлаш муайян молиявий куллаб-кувватлаш ва маълум бир муддатни талаб этади.

*Назорат ва му^окама учун саволлар:*

1. Қишлок хўжалигида инфратузилманинг мохияти нимада?
2. Қишлок хўжалиги инфратузилмаси таркиби жихатидан нечтага бўлинади?
3. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси вазифаларини санаб беринг?
4. Қишлок хўжалигида ижтимоий инфратузилманинг ўрни кандай?
5. Бозор инфратузилмаси муассасалари мақсади ва вазифалари

нималардан иборат?

6. Инфратузилманинг туркумлаштирилиши кандай олиб борилади?

7. Қишлокда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмалар барпо этиш деганда нимани тушунасиз?

8. Қишлок хўжалигида инфратузилма фаолиятини бахоланг?

## 7-МАВЗУ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ

*Режа:*

1. *Инвестициялар ҳақида тушунча, уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.*
2. *Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида кредитлаш механизми.*
3. *Қишлоқ хўжалигида инвестицияларнинг самарадорлиги %амда уларни ба^олаш мезонлари ва усуллари.*

«Инвестиция» атамаси, лотинча «инвест» сузидан олинган бўлиб, «куйилма» маъносини билдиради

Инвестициялар - бу капитални янада кўпайтириш мақсадида амалга ошириладиган капитал куйилмалардир.

Капиталнинг кўпайиши, инвестор мавжуд маблаглар истеъмолидан воз кечганини компенсациялаши, таваккалчилик учун мукофотлаши ва ушбу даврдаги инфлясион йукотишларни коплаш учун етарли бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг «Инвестициявий фаолият тўғрисида»ги ^онунида, «инвестициялар» тушунчаси «иктисодиёт ёки бошқа фаолият объектларига киритилаётган моддий ва номоддий бойликлар ва уларга эгалик килиш ҳуқуқи» деб изохланган.

Инвестициялар (капитал куйилмалар) - бу иктисодиётни барча сохалари каби агросаноат мажмуаси сохаларини хам асосий ишлаб чиқариш воситалари ёрдамида ривожлантиришга, қайта ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йуналтирилган моддий, Меҳнат ва пул ресурслари харажатининг мажмуидир. Инвестиция сузи бизнинг иктисодиётимиз учун нисбатан янги бир канча камровли макроиктисодий тушунчадир.

Молиявий таърифи буйича инвестициялар - бу фойда олиш мақсадида хўжалик фаолиятига куйиладиган маблагларнинг барча турларидир: иктисодий таъриф буйича эса асосий ва айланма капитални яратиш, кенгайтириш, қайта тиклаш ва техник қайта жихозлашга кетган куйилмалардир.

Ишлаб чиқариш нуктаи - назаридан инвестициялар деганда янги капитал, шу жумладан ишлаб чиқариш воситалари ва интеллектуал салохият, қайта ишлаб чиқаришни ташқил этиш жараёни тушунилади.

Республикамизда иктисодий барқарорликни таъминлаш биринчи навбатда, агросаноат мажмуасига, шунингдек қишлоқ хўжалиги сохасига ички ва хорижий сармояларни йуналтиришни талаб этади. Олиб борилаётган ташқи савдо, иктисодий, шу жумладан, инвестицион сиёсат ва алокаларда қуйидаги йуналишлар устувор ва муҳим аҳамиятга молик хисобланади:

• аграр сохада экспорт салохиятини ривожлантириш ва янада мустахкамлаш, экспортга йуналтирилган иктисодиётни шакллантириш;

• республика қишлоқ хўжалигида экспорт имкониятини кенгайтириш, жахон бозорларига кириб бориш учун, аввало қишлоқ хўжалиги замирида кимматбахо хом ашёни қайта ишлаб, тайёр махсулот ишлаб чикарувчи кушма корхоналарни ривожлантириш. Хорижий шериклар билан хамкорликда замонавий корхоналар барпо этиш, уларни илғортехнологиялар билан таъминлаш асосида ракобатбоп махсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга куйиш;

• экспортни кэенгайтиришга каратилган стратэегияни фаол қўллаш билан бир каторда импортнинг салмогини кискартириш (соф ээкспорт хажмини ошириш)га каратилган сиёсатни изчиллик билан амалга ошириш, ишлаб чиқариш мумкин бўлган товарлар ва махсулотларнинг чэетдан кэелтирилишига бархам бэериш;

• ташқи иктисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, хўжалик ишларини юритувчи субъектларга, хорижий шериклар билан бевосита алокалар ўрнатишда, уз махсулотларига чет эл бозорларида сотиш учун кўпрок эркинлик бериш, товарларни экспорт ва импорт килишда имтиёзлар тизимини янада кенгайтириш борасида аник, мақсадли сиёсат олиб бориш;

• хорижий сармояларни республика иктисодиётига кенг куламда жалб этиш учун зарур ҳуқуқий, ижтимоий-иктисодий шарт-шароитлар тизимини вужудга келтириш ва ташқи иктисодий узгаришларга мос холда мувофиклаштириш;

• ташқи иктисодий фаолият таркибий кисмлари мажмуасини - ихтисослаштирилган ташқи савдо, лизинг, консалтинг ва сугурта фирмаларни, ташқи савдо алокаларини ривожлантириш манфаатлари ва шароитларига мос келадиган транспорт, алока ва коммуникация тизимларини вужудга келтириш.

Инвестициялар турли хил белгиларга асосан туркумланади: асосий капитални кўпайтириш зарурияти билан боғлик соф ва асосий фондлар эскиришини коплаш зарурияти туфайли юзага келган ялпи инвестициялар. Инвестициялар йуналтирилган объектига караб хам фаркланади. Бундай объектлар бўлиб, мулк, молиявий воситалар, номоддий бойликлар хизмат килиши мумкин. Таъсир йуналиши буйича: алмаштириш, кенгайтириш, фондлар
таркибини янгилашга ажратиш мумкин.

Мақсадлар ва улар билан боғлик таваккалчилик нуктаи-назаридан

инвестициялар қуйидаги турларга бўлинади:

- венчур (таваккалчиликка хос);
- тўғридан-тўғри;
- портфел;
- аннуитет.

Таваккалчиликка хос инвестициялар, ёки венчур капитали деб, таваккалчилиги юқори бўлган капитал куйилмаларга айтилади. Венчур капитали - бу юқори таваккалчилик билан боғлик янги фаолият турларида чикариладиган янги акцияларга инвестиция киритишдир. Венчур капитали асосан инновацион ва янги технологиялар билан боғлик фаолият турларида учрайди.

Тўғридан-тўғри инвестициялар - фойда олиш ва бошқарувда иштирок этиш мақсадида, хўжалик фаолияти юритаётган субъект устав капиталига куйиладиган куйилмалардир.

Портфел инвестициялар - портфелни шакллантириш билан боғлик бўлиб, кимматли когозлар ва бошқа активлар (жамгарма ва депозит сертификатлари, сугурта полислари ва х.)ни сотиб олишдан иборатдир.

Аннуитет (немисча annuitat-йиллик тулов) - инвестиция киритувчи шахсга бир хил вакт оралигида муайян даромад келтирадиган инвестициялардир. Бунга асосан сугурта ва нафака жамгармаларига маблаг куйишни мисол тарикасида келтириш мумкин.

Давлат инвестициялари деганда бюджет ва нобюджет фондлари хамда карз маблаглари хисобига марказий ва махаллий хокимият ва бошқарув органлари, хамда узининг шахсий ва карз маблаглари хисобига давлат корхона ва ташқилотлари киритадиган капитал куйилмалар тушунилади.

Чет эл инвестициялари - чет эллик фукаролар, юридик шахслар ва давлатлар томонидан амалга ошириладиган капитал куйилмалардир.

Чет эл инвестицияларининг асосий мақсади куйилган маблаглари юзасидан юқори даромадни таъминлаш ва куйган сармоясидан кўпрок фойда олишдан иборатдир. Мамлакатимиз агросаноат мажмуасига тўғридан - тўғри чет эл инвестицияларининг кириб келиши билан хорижий банклар билан ишлаш тажрибасини, халкаро маркетингни, хом ашё ва материаллар бозори хамда халкаро савдо хакидаги билимларини хам олиб келади. Ўзбекистон чет эл инвестицияларининг экспортга йуналтирилган ишлаб чиқариш учун бой хом ашё ресурсларга эга бўлган агросаноат мажмуасига ва қишлоқ жойларига йуналтиришдан айникса манфаатдордир.

Чет эл инвестицияси ва қабул килувчи мамлакатнинг манфаатлари узаро мос келган такдирдагина тўғридан - тўғри чет эл инвестициялари мамлакатни иктисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг муҳим рагбатлантирувчи омили бўлиши мумкин. Инвестициялар бу икки томонлама узаро харакат жараёнининг яъни тадбиркор ва инвесторнинг мақсад сари харакати натижасидир.

Кредит - бу қайтариш, туловлилик, муддатлилик ва фоизлилик шартларида молия ташқилотларининг буш тўрган пул маблагларидан фойдаланиш.

Фермер хўжаликларини куллаб-кувватлаш жамгармаси кредит линиялари томонидан йуналтирилган инвестициявий лойихалар турлари:

- дехкон ва фермер хўжаликларининг уз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан:
- қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш;
- фермерлик иншоотларини куриш;
- чорва моллар, ёш чорва моллари, парранда, ем-хашак ва омухта ем, ветеринария дори-дармонлари, ўсимликлар, ўсимликларни кимёвий химоя килиш воситалари, минерал угит, уруглик, кучатлар сотиб олиш;
- қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш;
- қишлоқ жойларида экспортга йуналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни устувор равишда ташқил килишдан иборат.

Лизинг - ишлаб чиқариш учун мулжалланган машина, ускуна, курилма ва иншоотларнинг узок муддатли ижарасидир.

Ускуналарга эга бўлишнинг иккита усули мавжуд - уни харид килиш ва лизинг.

Лизинг хизматини ташқил этиш ва уни такомиллаштириш агросаноат тизимида фаолият юритувчи корхоналарда, аграр тармоқ моддий-техника тизимида иктисодий ислохотларни амалга оширишда мавжуд молиявий кийинчиликларни бартараф этиш ва ишлаб чиқаришни янги техника ва технология билан таъминлаш имкониятини яратади.

Мамлакатимизда лизинг хизматининг ривожланишига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 августдаги «Лизинг фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони асосий туртки бўлиб хизмат килди. Шунинг учун хам, хозирги иктисодий ислохотларни чукурлаштириш босқичида лизингга катта аҳамият бериб келинмокда.

Лизинг буйича карз бир неча йил давомида кетма-кет туланиб борилади. Лизинг уз устунликларига эга бўлиб, улардан энг асосийси киммат ускунани харид килиш учун катта маблагга эга бўлиш шарт эмас. Ушбу босқичдаги барча харажатларни лизинг компанияси коплайди. Лизингни тор маънода банк операцияси деб айтиб бўлмайди. У молиялаштиришнинг банк шаклига жуда якин бўлиб, савдо-саноат корхоналари томонидан қўшимча операция сифатида амалга оширилиши мумкин. Аммо биринчи навбатда лизинг билан махсус тузилган лизинг компаниялари шугулланади.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида лизинг операцияларини амалга оширишда “Узқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси (лизинг берувчи), МТП вилоят бирлашмалари, мукобил МТПлари, фермер хўжаликлари (лизингга олувчилар), қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводлари ва кушма корхоналари (техника воситаларини ишлаб чикарувчилар) билан бир каторда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кошидаги қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни Давлат томонидан куллаб-кувватлаш жамгармаси, “Агробанк” ва “Узагросугурта” компанияси фаолият кўрсатмокда.

Мамлакатимизда аграр сохани ривожлантириш мақсадида лизинг

операциясига йуналтирилган маблагларни узлаштиришда лизинг операцияларининг 95,1 фоизи қишлоқ хўжалиги техникаларини олишга тўғри келмокда.

*Назорат ва муҳокама учун саволлар:*

1. Инвестициялар деганда нимани тушунасиз?
2. Турли хил белгилар буйича инвестицияларнинг туркумланиши кандай?
3. Инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий манбаларини санаб ўтинг.
4. Кредитнинг мохияти нимада?
5. Кредитнинг асосий шаклларини санаб ўтинг.
6. Кредит тизимининг асосий таркибий кисмлари.
7. Лизинг тушунчасига таъриф беринг.

## 8-МАВЗУ: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИНТЕНСИВЛАШТИРИШНИ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

*Режа*

1. *Қишлоқ хўжалигини экстенсив шаклда ривожлантириш*
2. *Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг интенсив шаклида*
3. *Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари.*

Бозор муносабатлари иқтисодиѐтининг ҳамма жабҳаларини, жумладан, қишлоқ хўжалигини ҳам ўз ичига олади. Мазкур тизимда аграр муносабатлар алоҳида ўрин тутади.

Бозор тизими аграр муносабатларга янгича мазмун беради. Ернинг товарга айланиши ерга хилма-хил мулкчиликнингг пайдо бўлиши ернинг тадбиркорлик объекти бўлиши, ернинг гаровга қўйилиши ниҳоят ер учун пул шаклида рента ундирилиши, агробизнеснинг махсус фаолият турига айланиши бозор тизими билан боғлиқ. Ердан ташқарида ишлаб чиқаришнинг бўлиши мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалиги учун ер асосий ишлаб чиқариш омили вазифасини ўтайди, маълумки, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш икки ѐқлама ҳарактерга эга: биринчидан, иқтисодий жараѐн бўлса яъни инсон меҳнати натижасида юз берса, иккинчидан, табиий биологик жараѐн бўлиб, маҳсулот етиштириш табиий омилларга масалан, ўсимлик ѐки ҳайвонларда кечадиган биологик ўзгаришларга, иқлим шароитига, об - ҳавонинг қандай келишига, тупроқнинг табиий хоссаларига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалиги инсоннинг табиатига бўлган муносабати билан кишиларнинг ўзаро муносабатлари яхлитликда боришини талаб қилади ва иқтисодиѐтнинг аграр секторини ташкил этади.

Ер чекланган, уни ишлаб чиқариб бўлмайди, аммо фойдаланадиган ерларга инвестития сарфлаб кўпайтириш мумкин.
Ўзбекситон иқтисодиѐтининг аграр секторини ривожлантириш бозор муносабатларига ўтишнинг асосий ҳал қилувчи бўғинидир. Қишлоқ хўжалиги республика аҳолисини озиқ-овқат, мева-сабзавотлар, ғалла, гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланади.

Қишлоқ хўжалиги ўзининг маҳсулотини қайта ишловчи ва сотувчи соҳалар билан, ўзига керакли ресурсларни етказиб берувчи соҳалар билан интегратиялашади. Айтилган соҳалар яхлитликда амал қила бошлайди, қишлоқ хўжалиги ҳам саноат асосига, яъни энг мукаммал технология замирига кўчирилади. Меҳнат унумдорлиги кескин ошиб, фаолият фойдаси кўпаяди. Қишлоқ хўжалиги биринчидан, аҳоли етарли миқдорда сифатли озиқ-овқат билан, саноатни эса кафолатланган тарзда хом ашѐ билан таъминлайди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланиши кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқариш қонуни асосида амалга ошади.Бу ривожланишга эстенсив ривожлантириш ва интенсив ривожлантириш йўлларидан фойдаланган холда эришилади.

**Қишлоқ хўжалигини экстенсив шаклда ривожлантириш** деганда маҳсулот ишлаб чиқариш ва самарадорликни ўсишини миқдорий омиллар эвазига - янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига экин майдонларини кўпайтириш, чорва молларини бошини кўпайтириш ва қўшимча ишловчиларни жалб этиш орқали эришилиши тушунилади. Бунда ишлаб чиқариш ресурслари кўламларининг ортиши юз бергани ҳолда техника техналогияси, сифат даражаси, ер унумдорлиги ва чорва моллар маҳсулдорлиги тубдан ўзгармайди. Экстенсив омиллар деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Одамлар ўз тарихининг дастлабки даврлардан бошлаб, ўзлари ўзлаштирган ерларни тарк этиб унумдор ерларни қидириш учун ер шарининг ҳар томонига тарқалганлар. Янги ерларни ўзлаштириш ҳозирги даврда бизнинг мамлакатимиздаги каби дунѐнинг бошқа мамлакатларида ҳам давом этмокда. Шу билан биргаликда дунѐ мамлакатларининг ривожланиш тарихи тажрибаси шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалигини юксалтиришни нисбатан самарадорлик ва аҳамиятилироқ шакли бўлган интенсивлаштириш муҳим ўрин тутади.

**Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг интенсив шаклида -** маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши сифат омиллари эвазига, яъни ишлаб чиқаришга нисбатан такомиллашган замонавий ишлаб чиқариш ресурсларини тадбиқ этиш (улардан тўла ва самарали фойдаланиш), деҳқончилик ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигига ижобий таъсир этувчи илғор техналогия, илмий-техника тараққиѐти натижалари, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишнинг замонавий усулларини жорий этиш орқали амалга оширилади. Шуни ҳам назардан четда қолдирмаслик керакки, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг экстенсив шакли баъзи ҳолларда самарали бўлиши мумкин, шунга мувофиқ ҳар доим экстенсив шаклни самарасиз деб таъкидлаш фикри ўзини оқламайди. Амалда бу икки йўл ишлаб чиқаришни ривожланишида бир-бирини тўлдириб, пираворида умумий иқтисодий самардорликни ортишига олиб келади. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида айрим ҳолатларда экстенсив ўсиш омиллари ва интенсив ўсиш омилларини биргаликда қўллаш натижасида самарага эришилади.Улар ягона хўжалик фаолиятига хос усуллар бўлиб, бир вақтнинг ўзида иқтисодий ўсишда ҳам миқдорий (экстенсив), ҳам сифат(интенсив) жиҳатлари мавжуд бўлади, аммо

уларнинг нисбати ҳар хил мутаносибликда бўлади. Иқтисодиѐтда қўл меҳнати технологияси ва малакасиз иш кучига асосланилса, экстенсив ўсиш устун туради. Аксинча, ишлаб чиқариш машиналашган, серунум технология ва юксак малакали иш кучига таянилган жойда интенсив ўсиш биринчи ўринда туради, ишлаб чиқариш ривожланган сари қонуниятли тарзда интенсив ўсишнинг аҳамияти барқарор ошиб боради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш назарияси авваломбор ер хусусиятини ҳисобга олиш, уни қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси эканига асосланади. Маълумки ерни асосий восита сифатида муҳим хусусиятларидан бири уни чегараланганлигидир. Ерни чегаранганлиги ўз навбатида қишлоқ хўжалигини интенсивлваштиришни тақозо этади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни қўшимча ер майдонларини ўзлаштириш орқали амалга ошириш чегараланганлиги ишлаб чиқариш олдига мавжуд ўзлаштирилган ерларни сифатини яхшилаш, бинобарин, улардан интенсив фойдаланиш зaруриятини келтириб чиқаради.

**Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари.**

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш масалаларини ўрганишда интенсивлик ва интенсивлаштириш даражаси, интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги тушунчаларини бир-бирдан ажрата билиш лозим.

Интенсивлик - бу қишлоқ хўжалиги ва унинг айрим тармоғини маълум вақт ичида ишлаб чиқариш воситалари билан қай даражада таъминланганлигини акс эттиради.

**Интенсивлаштириш даражаси** - қишлоқ хўжалиги ва унинг айрим тармоғини холисона ўсиш суръати даражасини ўзида акс эттиради. Интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги - экин майдони бирлиги ҳамда чорва моли боши ҳисобига ўсишни ўзида акс эттиради.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш даражаси натура ва қиймат кўрсаткичлари ѐрдамида аниқланади. Натурал кўрсаткич ѐрдамида хўжаликдаги тармоқлар ва уларни бир-бирлари билан қанчалик боғланганлиги ҳамда айрим тармоқчалар ва экин турлари бўйича қанча маҳсулот етштирилганлигини аниқлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш даражасини ўзида акс эттирувчи натурал кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат:

**1).** Ер майдонига тўғри келадиган энергетика қуввати. Бу кўрсаткич ҳар 100 гектар ер майдонига қанча техника воситалари, автомашина ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари тўғри келишини кўрсатади;

**2).** Ҳар гектар экинзорга тўғри келадиган менерал ва маҳаллий ўғит. Бу кўрсаткич ернинг иқтисодий унимдорлик даражасига таъсир этиш кўламини ўзида ифода этади;

**3).** Ер фондида экин майдонлари ҳиссасини кўпайтириш. Бу кўрсаткич ердан қай даражада фойдаланилаѐтганлигини кўрсатади;

**4).** Суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерларнинг умумий ер майдонига нисбати. Бу кўрсаткич тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги ўсиш даражасини ифодалайди.

Чорвачиликнинг интенсив ривожланганлигини акс эттирадиган кўрсаткичларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

**1**.Ҳар бош қишлоқ хўжалиги ҳайвонига тўғри келадиган қиймат кўринишдаги жонли ва буюмлашган меҳнат сарфи. Ҳар бир бош ҳайвон ҳисобига қанча кўп

ишлаб чиқариш воситаларига ва бевосита меҳнат харажатлари тўғри келса, қоидага мувофиқ ундан олинадиган маҳсулот миқдори ҳам шунча юқори бўлади;
**2**. Ҳар бош қишлоқ хўжалиги ҳайвонига тўғри келадиган озуқа. Чорва молларини илмий рацион асосида озиқлантириш уларнинг маҳсулдорлигини ортишига олиб келади;
**3.**Чорвачиликни юритиш маданиятини кўтариш: махсус қулайликларга эга бўлган чорва биноларини барпо этиш, иш жараѐнларини механизациялаштириш ва электрлаштириш, санитария ва гигиена шароитларини яхшилаш ва бошқариш;
**4**.Чорвачиликда наслчилик билан боғлиқ ишларни яхшилаш. Чорва молларининг насли қанча юқори бўлса, ундан олинган маҳсулот миқдори ҳам шунча бўлади;
**5.** Мутахассисларнинг малакасини ошириш, у меҳнат унумдорлигининг ўсишига таъсир этади.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш даражасини ўзида акс эттирувчи қиймат кўрсаткичи сарфланган меҳнат ва маблағ эвазига қанча сўмлик қўшимча маҳсулот етиштирилганлигини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожланиш даражасини ўзида акс эттирувчи қиймат кўрсаткичлари қуйдагилардан иборат:
**1.** Бир гектар ер майдонига тўгри келган асосий ишлаб чиқариш харажатлари ва жорий ишлаб чиқариш харажатлари (амортизациядан ташқари). Бу кўрсаткич қуйидаги ифода ѐрдамида аниқланади.

$$ИД = \frac{Иф+Ис\ 12}{Е}$$

бунда: Ид- интенсивлик даражаси,
**Иф**- асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати,
**Ис**- жорий ишлаб чиқариш сарфи,
**Е**- ер майдони
**2**.Бир гектар ер ҳисобига тўғри келган асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати. Бу кўрсаткич ҳар гектар ер майдони ҳисобига қанча ишлаб чиқариш воситалари тўғри келишини ўзида акс эттиради;
**3**.Бир гектар ер ҳисобига тўғри келган жорий ишлаб чиқариш харажатлари. Бу кўрсаткич ҳар гектар ер ва ҳар бир қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан олинган маҳсулот учун бевосита сарфланган харажатлар миқдорини ўзида ифода этади;
**4**.Бир гектар ер ҳисобига тўғри келган жонли меҳнат сарфи. Бу кўрсаткич маҳсулот етиштиришда сарфланаѐтган жонли меҳнат ҳиссасини кўрсатади.

Шундай қилиб, интенсивлаштиришнинг натурал ва қиймат кўрсаткичлари ѐрдамида интенсивлашнинг иқтисодий самарадорлик даражасини аниқлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи шарти ҳар бир гектар ердан ва ҳар бир бош молдан олинадиган маҳсулотни кўпайтириш ҳисобланади. Интенсивлаштириш жараѐни нафақат бир гектар ерга ѐки бир бош молга қўшимча маблағнинг ўсишини билдириб қолмасдан, балки улардан самарали фойдаланишни ҳам билдиради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги сарфланган харажатлар ҳажмига таққослаганда ҳар бир гектар ердан арзон ва юқори сифатли маҳсулотни юқори суръатда олишда ифодаланади.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, ер, моддий техника ва меҳнат ресурсларидан фаол фойдаланиш, табиий ва иқтисодий шароитларни ҳар томонлама ҳисобга олишни талаб қилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлар тизими орқали аниқланади. Улар орасида биринчи даражали аҳамиятга эга бўлганлари қуйидагилар:

- бир гектар ер майдонга тўғри келган ялпи маҳсулот

$$\textbf{Си} = \frac{\textbf{ЯМ}}{\textbf{ЕМ}}$$

**Си**- интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги, сўм/га;

**ЯМ**-ялпи маҳсулот қиймати, сўм;

**ЕМ**-ер майдони, га.

Хўжалик ялпи маҳсулоти таққослама баҳоларда баҳоланади. Бундай баҳоланиш ушбу кўрсаткични динамикада, шунингдек бир хил шароитда ишлайдиган қатор хўжаликлар фаолиятини таққослашни ўтказишда фойдаланиш имконини беради. Ҳосилдорликнинг ошиши ва бир вақтнинг ўзида унга сарфланган таннархнинг пасайиши интенсивлаштириш самарадорлигининг юқори даражада эканлигини билдиради. Бундай ҳолатда ерга сарф қилинган ҳар бир сўм нафақат харажатларни қоплайдиган қўшимча махсулот олиб келмасдан, балки қўшимча соф даромад олиш имконини ҳам беради:

13 - бир гектар қишлоқ хўжалигига яроқли ерга тўғри келган ялпи даромад:

$$\textbf{Си} = \frac{\textbf{ЯД}}{\textbf{ЕМ}}$$

бу ерда ЯД - ялпи даромад (соф маҳсулот), сўм

Бу кўрсаткич анча такомиллашган ишлаб чиқариш воситаларида, илғор технологияда, қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори нави ва моллар зоти ҳамда бошқаларда бажарилган, қўшимча маблағлардан оқилона фойдаланишни акс эттиради.

-бир гектар қишлоқ хўжалигига яроқли ерга тўғри келган соф даромад ѐки фойда:

$$\textbf{Си} = \frac{\textbf{СД}}{\textbf{ЕМ}} \textbf{ ѐки } \frac{\textbf{Ф}}{\textbf{ЕМ}}$$

бу ерда СД- соф даромад, сўм:

Ф- фойда, сўм

Бу кўрсаткич алоҳида аҳамиятга эга. Модомики, соф даромад қўшимча қўйилмаларнинг асосий манбаи ҳисобланар экан, у ҳолда келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш унинг ҳажмига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигини изчиллик билан интенсивлаштириш қўшимча маблағларнинг юқори, тез қайтарилишига ва мос равишда соф даромаднинг ўсишига олиб келади.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги бир гектар ердан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг кўпайишида, маҳсулот бирлигига сарфланган жонли ва буюмлашган меҳнат харажатларининг пасайишида ўз аксини топади.

**Мавзуга оид саволлар**

1. Қишлоқ хўжалигини экстенсив шаклда ривожлантириш нима?

2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари.
3. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг интенсив шакли бу?

# 9-МАВЗУ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

*Режа:*

1. *Агрофирма фаолиятини ташқил этиш, ривожлантириш ва бошқариш асослари.*
2. *Фермер хўжалиги фаолиятини ташқил этиш, ривожлантириш ва бошқариш асослари.*
3. *Деуқон хўжалиги фаолиятини ташқил этиш, ривожлантириш ва бошқариш асослари.*
4. *Фермер хўжаликлари уюшмаси фаолиятини ташқил этиш ва бошқариш.*

Фермер хўжалиги узига танлов асосида ва ижара шартномасига кура узок муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган холда қишлоқ хўжалиги товар махсулотлари ишлаб чиқариши билан шугулланувчи, юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустакил хўжалик юритувчи субъект хисобланади.

Фермер хўжалиги туман (шахар) хокимлигида давлат руйхатидан утказилган пайтдан бошлаб юридик шахс макомини олади ва уз номидан шартномалар тузиш, мулкий ва мулкий тусда бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш, шунингдек банк муассасасида хисоб раками очиш, мухр, штамп ва бошқа реквизитларга эга бўлиш ҳуқуқини олади, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Фермер хўжалиги давлат мажбуриятлари юзасидан, давлат эса фермер хўжаликлари юзасидан жавоб бермайди.

Фермер хўжалиги уз мажбуриятлари буйича, шу жумладан тузилган контрактация шартномаларига мувофик назарда тўтилган хажмларда давлат эхтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги махсулотлари етказиб беришни таъминлаш, шунингдек етказиб берилган моддий-техника ресурслари ва кўрсатилган хизматлар учун уз вактида хак тулаш юзасидан мажбуриятлари буйича конун хужжатларига мувофик ундирув каратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

Фермер хўжалигининг мол-мулки дахлсиздир ва унинг давлат органлари томонидан олиб куйилишига конун хужжатларида назарда тўтилган холлардан ташкари холатларда йўл куйилмайди,

Товар, қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириш йўли билан даромад (фойда) олиш, узининг ижтимоий ва иктисодий эхтиёжларини кондириш фермер хўжалигининг мақсади хисобланади.

Дехкон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий Меҳнати асосида, мерос килиб колдириладиган, умрбод эгалик килиш учун оила бошлигига берилган томорка ер участкасида қишлоқ хўжалиги махсулоти етиштиради ва реализация килади.

Дехкон хўжалиги фаолияти тадбиркорлик фаолияти жумласига киради хамда дехкон хўжалиги аъзоларининг истагига кура юридик шахс ташқил этган холда ва юридик шахс ташқил этмасдан амалга оширилиши мумкин.

Дехкон хўжалиги уз фаолиятида ёлланма Меҳнатдан доимий асосда фойдаланиши мумкин эмас.

Дехкон хўжаликларини ташқил этиш, уларнинг фаолияти ва тўғатилиши билан боғлик муносабатлар дехкон хўжалиги тўғрисидаги конун хужжатлари хамда бошқа конун хужжатлари билан тартибга солинади.

Дехкон хўжалиги аъзолари жумласига биргаликда яшаётган ва дехкон хўжалигини биргаликда юритаётган оила бошлиги, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, тарбияга олган болалари, ота-оналари, Меҳнатга кобилиятли ёшга етган бошқа кариндошлари киради.

Юридик ва жисмоний шахслар билан узаро муносабатларда дехкон хўжалиги номидан шу хўжалик бошлиги иш куради.

Дехкон хўжалиги бошлиги конун хужжатларида белгиланган тартибда ер участкаси мерос килиб колдирилган, умрбод эгалик килиш ҳуқуқи берилган оила бошлиги ёки оиланинг муомалага лаёкатли аъзоларидан биридир.

Дехкон хўжалигининг бошлиги вактинча Меҳнат кобилиятини йукотган такдирда ёки узок вакт бўлмаганда у уз мажбуриятларини бажариш ваколатини шу хўжалик аъзоларидан бирига, дехкон хўжалигининг аъзоси бир кишидан иборат бўлганда эса, шартнома асосида талабларга жавоб берадиган хар кандай шахсга беришга хаклидир.

Дехкон хўжалиги ихтиёрийлик асосида, хўжалик бошлигининг туман хокимига ёзма мурожаатига асосан ташқил этилади. Аризада суралаётган ер участкасининг жойлашган манзили, майдони, дехкон хўжалигининг таркиби хамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташқил этиш учун ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланишнинг йуналишлари кўрсатилади.

Ер участкаларини бериш масалаларини куриш буйича туман комиссиясининг хулосасини инобатга олган холда туман хокими дехкон хўжалигини ташқил этиш тўғрисида қарор қабул килади.

Туман хокимининг дехкон хўжалигини ташқил этиш тўғрисидаги қарори туманнинг молиявий, банк, солик ва бошқа тузилмалари учун мажбурий хужжатдир.

Дехкон хўжалиги белгиланган тартибда давлат руйхатига олинган пайтдан эътиборан ташқил этилган деб хисобланади.

Дехкон хўжалиги бошлигини давлат руйхатига олиш дехкон хўжалиги бошлигининг доимий яшаш жойидаги туман хокимлигига берган томонидан аризасига биноан берилган пайтдан эътиборан уч кун ичида амалга

оширилади. Дехкон хўжалиги бошлигига ер участкасига умрбод эгалик килиш ҳуқуқини берувчи давлат хужжати хамда давлат руйхатидан утказилганлик тўғрисидаги белгиланган намунадаги гувохнома берилади.

Қишлок жойларда яшовчи ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига дехкон хўжалиги юритиш учун конун хужжатларида белгиланган тартибда мерос килиб колдириладиган умрбод эгалик килишга томорка ер участкасини, иморат ва ховли эгаллаган майдонни хам кушганда суғориладиган ерларда 0,35 гектарчага ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача улчамда, чул ва сахро минтакасида ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 1 гектаргача улчамда берилади.

Фукароларга дехкон хўжалигини юритиш учун 0,06 гектар доирасида томорка ер участкаларида мерос килиб колдириладиган умрбод эгалик килиш ҳуқуқи ким ошди савдоси асосида реализация килиниши мумкин.

Янги ташқил этилаётган дехкон хўжалиги учун томорка ер участкаси олиш ҳуқуқидан мазкур жойда камида уч йил мобайнида доимий яшаб келаётган шахслар фойдаланадилар (янги узлаштирилаётган ер майдонлари бундан мустасно).

Дехкон хўжалигига ажратилган ернинг чегаралари жойнинг узида ер тузиш хизмати органлари томонидан махаллий бюджет маблаглари хисобидан расмийлаштирилади.

Томорка ер участкасидан окилона ва самарали фойдаланаётган дехкон хўжалигига қишлоқ хўжалик махсулоти етиштириш ва реализация килиш, ем ишлаб чиқаришни ташқил этиш, шунигдек яйлов яратиш учун киска муддатли ижарага қўшимча равишда ер участкалари берилиши мумкин.

Фукароларга дехкон хўжалиги юритиш учун ер бериш ёки ерни реализация килиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси», «Дехкон хўжалиги» тўғрисидаги ва бошқа конун хужжатлари билан белгиланади.

*Агрофирма,* фермер хўжаликлари ва ахоли томонидан етиштирилган мева-сабзавот махсулотлари ва узумни қайта ишлаш хамда сотиш буйича асосий фаолиятга эга бўлган юридик шахс хисобланади.

Агросаноат корхонасининг Низоми Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжаликлари тўғрисида"ги, конуни ва Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг 2006 йил 9 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик сохасида иктисодий ислохотларни чукур-лаштириш чора-тадбирлари тўғриси-да"ги 3709-сонли Фармони,хамда 11 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик сохасини ислох килиш буйича ташқилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги 255-сонли қарори асосида ишлаб чикилган.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева сабзавотчилик ва узумчилик сохасида иктисодий ислохотларни чукурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 9 январдаги ПФ-3709 - сон Фармонига мувофик мева-сабзавотчилик ва узумчилик сохасида агросаноат фирмалари (кейинги уринда Агрофирма деб юритилади) ташқил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга куйиш тартибини белгилайди.

Фермер хўжалиги махсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнида турли корхона ва ташқилотлар хизматидан фойдаланади. Уларнинг аксарияти техника, угит, ёнилги ва шу каби ресурслар етказиб берса, бошқалари махсулотни қайта ишлаш учун сотиб олади ва ижтимоий хизмат кўрсатади. Ана шу тоифадаги корхоналарни ягона бозорга бирлаштирувчи, уларнинг узаро бозор муносабатларини амалга оширувчи, уларга кумаклашувчи ташқилотлар фаолиятини такомиллаштириш хозирги замон талабидир.

Фермер хўжаликлари уюшмаси нодавлат, нотижорат, уз —узини маблаг билан таъминловчи хўжалик хисобидаги, республика фермер хўжаликларини, қишлоқ хўжалик секторининг корхоналари, бирлашмалари, шунингдек Уюшманинг мақсад ва вазифаларини хамда Низомини тан олувчи бошқа жамоат ташқилотлари, юридик ва жисмоний шахсларни ихтиёрийлик асосида бирлаштирувчи ташқилот.

*Назорат ва мууокама учун саволлар:*

1. Агрофирмалар ва уларнинг фаолияти кандай ташқил этилади?
2. Агрофирмани фермер хўжалигидан фарклайдиган омиллар кайсилар?
3. Фермер хўжаликлари ва уларнинг фаолияти нималардан иборат?
4. Дехкон хўжаликлари ва уларнинг фаолияти нималардан иборат?
5. Фермер хўжалиги бошлиги кандай ҳуқуқларга эга?
6. Дехкон хўжалиги бошлиги кандай ҳуқуқларга эга?
7. Фермер хўжалиги фаолиятини ташқил этиш, ривожлантириш ва бошқариш асослари нималардан иборат?
8. Дехкон хўжалиги фаолиятини ташқил этиш, ривожлантириш ва бошқариш асослари нималардан иборат?
9. Фермер хўжаликлари уюшмаси фаолиятини ташқил этиш ва бошқариш тартиби кандай?

## 14-МАВЗУ: КЎП ТАРМОҚЛИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ.

Республикамизда мустақиллик йилларида аграр соҳада амалга оширилган иқтисодийислоҳотлар мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштирувчи деҳқоннинг моддий манфаатдорлиги ва иқтисодий эрқинлигини таъминлаш орқали мавжуд ер ва сув, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилганлигини кўриш мумкин. Аҳолининг ерига, мол-мулкнинг ҳақиқий эгасига айланиб бориши замирида биринчи навбатда, мамлакат аҳолисининг тобора ўсиб борувчи эҳтиёжларини ичқи имкониятлар ҳисобига сифатли ва нисбатан арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш масаласи мужассам.

Маҳсулот яратувчи фермерни ҳақиқий мулкдорга айлантириш орқали қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик асосидаги ижодкор меҳнатни рағбатлантириш билан биргаликда, аграр ресурслардан фойдаланишда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи усуллар, иқтисодий, ҳуқуқий база ва механизмлар шакллантирилди. Фермер хўжаликларига турли йўналишлардан хизматлар кўрсатувчи инфратузилма субъектларини ривожлантириш мамлакат раҳбариятининг алоҳида эътиборида бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалиги субъектларини замонавий техника воситалари билан қуроллантиришга қаратилаётган эътибор туфайли бугунги кунда фермер хўжаликлари учун имтиёзли асосдаги техникалар лизинг тизими орқали улар қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилишмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунларининг қабул қилиниши соҳада асосий хўжалик юритиш шакли сифатида фермер хўжаликларининг қарор топиши учун муҳим ҳуқуқий асос яратиб берди.

Кейинги босқичда эса самарасиз фаолият юритувчи ширкат хўжаликлари негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан фермер хўжаликлари ташқил этила бошланди. Бу даврда фермер хўжаликлари фаолият юритиши билан боғлиқ бўлган кўплаб ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий ва ташқилий механизмлар шаклланди ва такомиллашиб борди. Натижада 2004-2007 йиллар давомида республиканинг барча ҳудудларида ширкат хўжаликлари ўрнида 215 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият юрита бошлади.

Аммо, ўтказилган тажрибалар фермер хўжаликлари сони ортиб, экин майдонлари ҳажми қичиклашиб кетиши туфайли ер майдонларидан самарасиз фойдаланаётганлиги, фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий жиҳатдан аҳволи оғирлиги, моддий-техник ресурслар билан таъминлаш борасида қатор муаммолар тўпланиб бораётганлигини кўрсатди. Бу эса, ўз навбатида, пахта ва ғаллачилик, боғ, узумчилик, сабзавотчилик, полизчилик ва чорвачилик йўналишларидаги фермер хўжаликлари ер участкаларини мақбул ўлчамларини аниқлаш заруратини келтириб чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташқил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4478-сонли Фармони қабул қилиниши эса кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий асос яратиб берди.

Бугунги кунда фермерлар фақатгина хомашё етиштириб берувчи эмас, балқи уни қайта ишловчи, қишлоқларга саноатни олиб қириб, кўплаб янги иш ўринларини яратаётган ишбилармонга айланмоқда.

Кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариши билан биргаликда уларни кайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига сервис хизмати кўрсатиши билан кўзга кўринмоқда.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг қўшимча тармоғи асосий тармоқ билан боғлиқ ҳолда ёқи асосий тармоқ билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда ташқил этилиши мумқин.

Қўшимча тармоқни асосий тармоқ (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уни қайта ишлаш соҳалари) билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда ташқил этиш йўналишлари қуйидагилар бўлиши мумқин:

– Суратхоналар ташқил қилиш;

– чўмилиш ҳавзалари;

– гўзаллик салони;

– дам олиш уйлари фаолиятини йўлга қўйиш;

– турли тўй ва бошқа маросимлар уйи фаолиятини ташқил қилиш;

– умумовқатланиш шохобчалари;

– халқ ҳунармандчилиги билан шуғулланиш;

– экотуризмни ташқил қилиш;

– автомобилларга техник ёрдам кўрсатиш;

– пойабзал таъмирлаш ва тиқиш;

– ёғочни қайта ишлаш ва қуритиш;

– қурилиш материаллари ишлаб чиқариш;

– мебель ясаш ва таъмирлаш;

– телерадио, видео, аудио аппаратларини созлаш устахоналари ташқил қилиш;

– тижорат, савдо-сотиқ корхоналари;

– яримтайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш (озиқ-овқат маҳсулотлари, ип, калава ва бошқалар) ва ҳоказо.

Умуман, кўп тармоқли фермер хўжалигининг асосий Хўсусиятлари ишлаб чиқаришни ташқил қилишдаги муҳим шартлардан бири бу – ҳар қандай фермер хўжалиги ўз даромадини (соф фойда) ошириш мақсадида ўз хоҳишига кўра ихтиёрий равишда қўшимча тармоқларни ташқил этган ҳолда кўп тармоқли фермер хўжалигига айланиши мумқинлигидир.

Маълумқи, Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбеқистоннинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган энг шимолий минтақаси ҳисобланади. Бу эса, фермер хўжаликлари иқтисодини юксалтиришда қўшимча тармоқларни ташқил қилишда ҳам ўзига хосликларни талаб қилади. Масалан, жанубий ҳудудларда иққи марта ҳосил олиш имконияти мавжуд бўлса, шимолий ҳудудлар учун бундай имконият анча чекланган. Ёқи Орол экологик муаммоси туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнида экологик омилларнинг салбий таъсири Қуйи Амударё ҳудудлари учун юқори ҳосил олишда кўпроқ меҳнат қилишни талаб қилади.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида жами 3390 дан ортиқ фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларга 544 минг гектар ер майдони бириктириб берилган. Шундан 2632 та фермер хўжалиги (77,5%) пахтачилик ва ғаллачилик йўналишида, 322 таси (9,5%) чорвачилик, 42 таси (1,2%) балиқчилик йўналишида, 140 таси (4,1%) сабзавот-полиз маҳсулотлари етиштириш бўйича, 152 таси (4,5%) боғдорчилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган.

Ҳозирги пайтда фермер хўжаликлари ихтиёрида бўлган мавжуд ер-сув, меҳнат ресурслари, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар, техника воситалари, бино ва

иншоотлар каби воситалардан унумли фойдаланган ҳолда фермер хўжалигининг оладиган фойдаси миқдорини ошириш масаласи кўзда тутилмоқда.

Қуйи Амударё ҳудудлари асосан табиий яйловлар, чўл ва яримчўллардан иборат эканлиги чорвачилик соҳасини ривожлантириш учун қулай ҳисобланади. Минтақада нафақат илгаридан фойдаланиб келаётган ер майдонларида, балқи янгидан ўзлаштирилаётган ерларда ҳам чорвачиликни ривожлантириш имконияти пайдо бўлмоқда. Масалан, Орол денгизининг қуриган тубида шўрланишга ва қурғоқчиликка чидамли ўсимликларни етиштириш орқали чорва молларини кўпайтириш имкониятлари ортмоқда.

Етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш тизимини ривожлантириш орқали сутни қайта ишлаб творог, пишлоқ, сметана, қаймоқ ва бошқа сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш мумқин. Бу билан бошқа соҳалардаги фермер хўжаликлари учун иқтисодий мустаҳкамланиш имкониятлари кенгаяди. Бу эса, ўз навбатида мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъмин этишда катта аҳамиятга эга бўлган чорвачилик соҳасини ривожлантириш ва товар ишлаб чиқарувчиларнинг даромадларини оширишга имкониятлари ҳам ортади.

Бугунги кунда фермер хўжаликларининг салоҳиятидан фойдаланишда ҳудудий Хўсусиятларни ҳисобга олган ҳолда қўшимча тармоқларни ташқил этиш ва ривожлантиришнинг ташқилий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари маҳаллий давлат идораларининг муҳим вазифаларидан бири бўлиши лозим.

Шунингдек, ҳудудий Хўсусиятларни эътиборга олган ҳолда фермер хўжаликларининг салоҳиятидан фойдаланишда кўп тармоқли ишлаб чиқаришни ташқил этишдаги устувор йўналишларни илмий асослаш, фермер хўжаликларининг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишда кўп тармоқли ишлаб чиқаришни давлат томонидан ҳуқуқий ва молиявий томондан қўллаб-қувватлаш йўналишларини такомиллаштириш, жумладан, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларининг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишда қўшимча тармоқларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилашда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

– фермер хўжаликларида қўшимча тармоқларни ташқил қилишда қўшимча ер майдонларини ажратиш ёқи асосий йўналиш учун фермерларга мақсадли ажратиб берилган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг маълум қисмида (5-10%) бозор талаби юқори бўлган бошқа қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириш имконияти яратишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб бориш;

– ҳудудий Хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда фермер хўжаликларида қўшимча тармоқларни ташқил этиш учун зарур бўладиган замонавий техник ва технологик ускуналар, воситаларни харид қилиш имкониятларини кенгайтириш;

– табиий-иқтисодий омилларни ҳисобга олиб фермер хўжаликлари салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги хорижий тажрибаларни кенг кўламда жорий этишни рағбатлантириб бориш каби омиллар соҳа тараққиётига хизмат қилади.

Юқорида тилга олинган йўналишлардаги масалаларни ҳал этиш фермер хўжаликлари иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш имкониятлари ортишига ҳам замин яратиб беради.

# 11-МАВЗУ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЧЕГИРМАЛАРИ ВА МАХСУЛОТ ТАННАРХИ

*Режа:*

1. *Ишлаб чщариш харажатлари тушунчаси ва махсулот таннархи.*
2. *Қишлоқ хўжалиги махсулоти таннархини режалаштириш ва хисоблаш йўллари.*
3. *Махсулот таннархини пасайтиришнинг имкониятлари ва омиллари.*

Қишлок хўжалик махсулотини ишлаб чиқариш тармокда ишлаб чиқариш ресурсларини (Меҳнат, ер, сув ва моддий ва бошқа)ни ишлатиш билан чамбарчас боғланган, кайсики ишлаб чиқариш жараёнида кисман ёки бутунлай истеъмол килинади, уларнинг киймати эса тайёр махсулотга утади. Истеъмол килинган ва махсулотга утказилган ишлаб чиқариш ресурсларининг жами йигиндиси махсулотни ишлаб чиқариш харажатлари дейилади. Ишлаб чиқариш харажатлари икки хил бўлади: ижтимоий харажатлар ва корхона харажатлари. Ижтимоий харажатлар бу жамиятнинг у ёки бу махсулот ишлаб чиқариш учун килинган харажатларининг жамидир. Улар махсулот кийматидан ташқил топади ва уз ичига
қуйидагиларни олади:

1. Бевосита ва билвосита Меҳнат хаки харажатлари (ажратмалари билан)
2. Ягона ер солиги;
3. Истеъмол килиниган моддий ресурслар киймати;
4. Қўшимча махсулот киймати.

Таннарх корхонада махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш учун сарфланган жорий, яъни йиллик пулда ифодаланган харажатларнинг жами йигиндисидир.

Корхонанинг махсулот олиш учун сарфланган хамма ишлаб чиқариш харажатлари йигиндиси ялпи махсулот таннархини ифодалайди ва қуйидагича хисобланади:

ЯМТ = И\Ч.Х ёки МТ = МХ^е'ЩАКМат.Хар (81)

Асосий ва қўшимча махсулот бирилигининг таннархи жами ишлаб чиқариш харажатларини ялпи махсулот микдорига нисбати билан топилади:

$$T = \frac{И/чХ}{ЯМ} \text{ ёки } T = \frac{МХ\text{^}ет\text{^}А\text{^}Мат\ Хар}{ЯМ} \qquad (8.2)$$

Махсулот бирлиги таннархидан ташкари айрим ишларнинг (трактор, автотранспорт, ишчи хайвон ва бошқалар), шунингдек қишлоқ хўжалигига ярокли бўлган ерга ишлов бериш, бир бош хайвондан махсулот олиш харажатлари хам аникланади.

Харажатларнинг шаклланиш босқичларига караб, таннархнинг қуйидаги турлари мавжуд бўлади:

1. Технологик.
2. Ишлаб чиқариш.

3. Тижорат ёки тула таннарх.

1. Технологик таннархга, махсулотни ишлаб чиқариш технологияси билан боғлик бўлган, шунингдек, бўлимларда бригада, ферма ва сехларда ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташқил килиш билан боғлик харажатлар киради.

2. Ишлаб чиқариш таннархи технологик таннархларнинг йигиндисини, корхонани ва ишлаб чиқаришни бутунлай бошқариш билан боғлик харажатларнинг (умумхўжалик харажатлари) йигиндисини ифодалайди.

3. Тижорат ёки тула таннарх ишлаб чиқариш харажатларининг жамиси ва махсулотни сотиш билан боғлик бўлган, муомала харажатларининг йигиндисини ифодалайди. У факат товар махсулот учун хисобланади.

Бундан ташкари, хисоблаш характерига караб қуйидагича таннарх турлари аникланади:

1. Режа таннархи.
2. Дастлабки, вактинчалик ва тахминий таннарх
3. Хакикий таннарх

1. Режа таннархи, бу корхона режалаштираётган даврдаги махсулот бирлигига сарфланиши лозим бўлган харажатлар йигиндисини ифодалайди.

2. Вактинчалик ёки тахминий таннарх эса, масалан 9 ойлик хакикий харажатларни ва 4-кварталдаги режа харажатларини уз ичига олади.

3. Хакикий таннарх эса йил охирида корхона хўжалик фаолиятини якун килишда йиллик хисоботлар асосида хисобланади. У олинган ялпи махсулот учун сарфланган хакикий харажатлар асосида хисобланади. Махсулот таннархи шаклланиш жойига караб, индивидуал (конкрет корхонада, уюшма ва бошқа), зона (маълум бир зонанинг уртачаси) ва тармоқ таннархларига бўлинади (мамлакат буйича уртача).

Қишлок хўжалигида махсулот таннархини хисоблаш тармоқ хусусиятларидан келиб чикадиган бир канча хусусиятларга эга:

1. Дехкончиликда махсулот ишлаб чиқаришнинг йиллик сикли, шунингдек иш вакти ва ишлаб чиқариш вактининг мос келмаслиги махсулот таннархини хисоблашни факат хўжалик йили тўғагандан кейин амалига ошириш кераклигини кўрсатади.

2. Кўпгина дехкончилик экинлари ва турли-туман чорвачилик махсулотларини олиш

бир-бири билан боғлик.

3. Тўғалланмаган ишлаб чиқариш суммасини аниклаш факат йил охирида 1 январ холатида аникланади. Бу харажатларга келгуси йил хосили учун килинган харажатлар киради.

4. Хакикий таннархи факат йил охирида аникланади, йил давомида эса режа харажатлари билан хисобланади, бу хакикий харажатларни йил охиригача аниклаш имконини бермайди.

5. Турли хил махсулотларни жойларга етказиш харажатларининг турли туманлиги.

Қишлок хўжалигида дехкончилик ва чорвачилик махсулотларининг

барча асосий
турлари буйича, шунингдек ишлаб чиқаришга хизмат килувчилар буйича хам таннарх хисобланади.

Махсулот таннархи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иктисодий самарадорлигининг муҳим омили ва бир вактнинг узида кўрсаткичи бўлиб хисобланади. Хар кандай махсулот бирлигининг таннархи икки микдор нисбатига: ишлаб чиқариш харажатлари ва махсулот сифатига боғлик бўлади. Таннарх қуйидаги холларда пасайиши мумкин:

- агар махсулот узгармагани холда, харажат микдори камайса.
- агар ялпи махсулот микдори кўпайиб, харажатлар узгармаса.
- агар ялпи махсулотининг усиш суръати харажатлар усиш суръатидан илгари кеца.

-

Қишлок хўжалигида махсулот ишлаб чиқариш харажатлари қуйидаги моддаларга бўлиб хисобланади.

| ДЕЗДОНЧИЛИКДА | ЧОРВАЧИЛИКДА |
|---|---|
| Тўғри Меҳнат хаки ажратмалари | Тўғри Меҳнат хаки ажратмалари |
| Угит ва кучатлар | Ем-хашак |
| Уруглик. | Амортизация |
| Амортизация | Ишлар ва хизматлар |
| Ишлар ва хизматлар | ЁММ |
| ЁММ | Сугурта туловлари |
| Сугурта туловлари | Умум ишлаб чиқариш харажатлари |
| Умум ишлаб чиқариш | Бошқа харажатлар |
| Бошқа харажатлар | |

*Назорат ва мууокама учун саволлар:*

1. Ижтимоий ишлаб чиқариш харажатларига кандай харажатлар киради?
2. Махсулот таннархи нима?
3. Таннарх турлари кандай?.
4. Ишлаб чиқариш харажатларининг пасайишини махсулот таннархига таъсири кандай?
5. Ишлаб чиқариш таннархи нима?
6. Танархни пасайтириш йўллари кандай?
7. Хисоблаш характерига караб таннарх кайси турларга бўлинади?
8. Махсулот таннархига кайси омиллар таъсир кўрсатади?
9. Бевосита сарф харажатларга нималар киради?
10. Билвосита сарф харажатларга нималар киради?

# 16-МАВЗУ: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Республикамизда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган корхоналарнинг ички иктисодий муносабатларини ўзида аник,акс эттира оладиган механизм бу - режалаштиришдир.

Бозор иқтисодиётининг талаб ва таклиф қонуниятларига таянган холда яратилган режалаштириш тизими, кишлок хужалик корхоналарида мавжуд булган тармоклар ўртасида, уларнинг ички ресурсларидан фойдаланишда мутаносибликни ўрнатиб, ишлаб
чикаришнинг узлуксиз ва тез суръатлар билан ривожланиб боришига имкониятлар яратади.

Режалаштиришнинг асосий максади бозорни сифатли, арзон ва ракобатбардош товар махсулотлари билан тўлдиришда, кишлок.хўжалик корхоналарининг соҳа ва тармоқлари ўртасида ички ресурслар билан таъминланиш мутаносиблигини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигига эришишдир. Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқариш кучларидан ғоят унумли ва самарали фойдаланишни таъминлаш билан шунга мос юксак ишлаб чиқариш муносабатларини ҳам юзага келтиради. Иқтисодий ташаббус ва ишбилармонликни ривожлантиради. Ҳар бир кишининг миллий бойликни ошириш масъулиятини кучайтиради, ҳар бир кишини бой қилиш орқали жамиятни ҳам бойитиб боради.

Эркин бозор муносабатларини такомиллаштириш ҳамда иқтисодиётни лебераллаштириш шароитида ишлаб чиқариш кучларини тўғри ва оқилона ташкил этиш давлатнинг илмий асосланган иқтисодий сиёсати асосини ташкил қилади. Муайян макон ва замондаги ижтимоий-иқтисодий жарёнларни чуқур илмий таҳлил қилиш негизида унинг объектив қонуниятларини ўрганиш, аниқ хулосалар чиқариш ҳамда амалий тадбирлар белгилаш мумкин. Бинобарин, самарали, барқарор ривожланиб борувчи ишлаб чиқариш тизимини юзага келтириш том маънода ўзига хос тамойилларга асосланган ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил қилиш, табиат билан жамиятнинг қонун ва қонуниятларини англаш, уларни чуқур таҳлил қилиш, илмий ишланмалар ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга қўллашни назарда тутади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармоннинг мақсад-моҳияти ҳам мамлакат минтақаларида ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий жиҳатдан тўғри ва оқилона ташкил этиш орқали миллий иқтисодиёт тараққиётини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси томонидан кенг муҳокама қилинган мазкур Ҳаракатлар стратегияси ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларини бешта устувор йўналиш доирасида қамраб олганлиги ва "ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш, ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал - хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш”га қаратилганлиги билан амалий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш бугунги куннинг долзарб вазифаси бўлиб, бу борада илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш заруратини келтириб чиқаради.

Илмий манбаларда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг қуйидаги асосий тамойиллари ажратилади:

➢ ишлаб чиқариш тизимларини хомашё манбалари, ёқилғи ва энергия ресурсларини истеъмол минтақаларига яқин жойлаштириш;

➢ юқори самарали бўлган табиий ресурсларни ўзлаштириш ва мажмуали фойдаланиш тизимини барпо қилиш;

➢ мамлакат ва минтақаларда экологик ҳолатни соғломлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, табиатдан фойдаланишнинг бошқарув тизимини такомиллаштириш;

➢ халқаро коммуникация тизимларини ривожлантириш ва қулай геостратегик мавқеидан самарали фойдаланиш асосида халқаро меҳнат тақсимотидаги иштирокини чуқурлаштириб, кенгайтириб бориш, яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантириш;

➢ йирик шаҳарларнинг ҳаддан ташқари ривожланишини тартибга солиш, кичик ва ўрта шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини тезлаштириш, минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги табақаланиш жараёнини бошқариш, иқтисодиёт тармоқлари дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда қонуниятлар билан бир қаторда табиий, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-демографик ва ижтимоий-экологик омиллар ҳам муҳим ўрин тутади. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш омиллари ишлаб чиқариш корхоналари, корхоналар гуруҳи, миллий хўжалик тармоқларининг оқилона ташкил этишда уларнинг таъсир даражасини ҳисобга олинишини назарда тутади. Маълумки, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга таъсир этувчи омилларни уларнинг таъсир даражасига кўра, 4 гуруҳга бўлиш мумкин.

✓ табиий омиллар;
✓ ижтимоий-иқтисодий омиллар;
✓ ижтимоий - демографик омиллар;
✓ ижтимоий-экологик омиллар.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар бирламчи характерга эга бўлиб, у ҳудудда ишлаб чақаришни ташкил этишнинг моддий асоси сифатида хизмат қилади. Кейинги омил демографик жараёнларнинг бугунги ва истиқболдаги ҳолатини ҳисобга олади. Меҳнат ресурслари мавжуд ҳудудларда сермеҳнат иқтисодиёт тармоқлари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмаси тизимлари, юқори малакали меҳнат ресурслари мавжуд ҳудудларда замонавий ва ўта замонавий саноат тармоқларини ривожлантиришни тақозо қилади. Аҳолининг ҳудудий жойлашишига мос ишлаб чиқариш тизимини шакллантириш миграцион жараёнларнинг тартибга солиш ва бошқариш имконини беради. Бу ўринда саноат корхоналарини “филиаллаштириш” орқали ишлаб чиқариш кучларини ҳудудлар бўйича бир текис ривожлантириш мумкин.

Мавзуга оид назорат саволлари:

1. Режалаштириш деб нимага айтилади?
2. Режалаштиришниниг максадини тушунтиринг.
3. Режалаштиришнинг вазифаларн нималардан иборат?
4. Режа тузиш учун керакли хужжатлар.
5. Режалаштиришда кайси иктисодий кўрсаткичлар тахлил эти-

лади?

# 13-МАВЗУ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

*Режа:*

1. *Иқтисодий самарадорлик тушунчаси.*
2. *Ишлаб чицаришнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари.*
3. *Қишлоқ хўжалиги ишлаб чицаришининг рентабеллиги ва фойда меъёри.*
4. *Ишлаб чицаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.*

Қишлок хўжалиги ишлаб чиқаришида махсулот етиштириш жараёнида жонли ва буюмлашган Меҳнат харажатлари сарфланиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иктисодий самарадорлиги умумий куринишда ишлаб чиқаришнинг натижаси, жонли ва буюмлашган Меҳнат харажатлари уртасидаги нисбат билан ифодаланади. ^ишлок хўжалиги ишлаб чиқаришининг иктисодий самарадорлигини оширишнинг объектив зарурлиги мамлакат иктисодий ривожланишининг хозирги босқичидаги бир катор хусусиятлар ва доимий харакатдаги омилларнинг йигиндисига боғлик. ^ишлок хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш озиқ-овқат ва хом ашёға бўлган талабнинг усиб бориши, махсулот сифатига бўлган талабнинг кучайиши, баъзи ишлаб чиқариш ресурсларининг чегаралганлиги, ишлаб чиқариш воситалари кийматининг узгариши ва бошқаларни кўрсатиб туради.

Хозирги босқичдаги жамиятнинг ривожланиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иктисодий самарадорлигини ошириш имкониятини кенгайтиради.

Мамлакатда тупланган иктисодий потенсиал, фан ва техниканинг ривожланиши, малакали кадрлар, омманинг фаоллиги, уларни тажрибаси, шунингдек юқори пировард натижаларга омманинг моддий кизикишининг усиши усимчилик ва чорвачилик махсулотлари ишлаб чиқаришини кўпайтиришга шароит яратади, таннархни пасайтириш ва рентабелликни ошириш имкониятларидан окилона фойдаланишга имкон беради.

Қишлок хўжалиги ишлаб чиқаришининг иктисодий самарадорлигини ўрганишда «Самара» ва «Самарадорлик» - тушунчаларини бир-биридан фарклаш керак.

«Самара» тушунчаси кандайдир жараённинг натижасини билдиради. Умумий куринишда хар кандай ишлаб чиқаришнинг самараси шаклида унинг вазифаси - ишлаб чиқаришда бирор бир тадбирни қўллаш натижасида ишлаб чиқаришнинг мақсадини амалга оширувчи пировард махсулот юзага чикади. Бир томондан, у уз таркибига маълум даврдаги харакатдаги ишлаб чиқариш ресурсларининг моддий натижаси йигиндисини олади, бошқа томондан - ишлаб чиқаришнинг пировард мақсади факат бевосита ишлаб чикарилган моддий бойликларнинг хажмида мужассамлашган бўлади.

«Самара»- қишлоқ хўжалик махсулотлари шаклида (натура ва пулда)

ишлаб чиқариш ресурси, харажат, фойда тарзида эса иктисодий, шунингдек ходимларнинг яшаш ва ишлаш шароитини хам акс эттирувчи ижтимоий усиш бўлиши мумкин.

Лекин самара канчалик муҳим бўлса хам, уз-узидан кишининг Меҳнат фаолиятини тулик характерламайди, кандай ресурс (харажат)лар эвазига олинганлигини кўрсатмайди. Бир хил самара турли усул билан, ресурслардан турлича даражада фойдаланиш оркали олинган бўлиши мумкин ва аксинча, бир хил ресурслар турли самара бериши мумкин. Шунинг учун эришилган самарани шу самарани олишда катнашган ресурслар билан таккослаш зарурияти келиб чикади.

Бундан куринадики, самара(натижа) деб аталган абсолют микдор билан бир каторда яна бир абсолют микдор - кулланилган ёки истеъмол килинган ресурсларни(жорий ишлаб чиқариш харажатлари) хажмини билиш зарурлигини келтириб чикаради.

Ишлаб чиқаришнинг иктисодий самарадорлиги иктисодий самаранинг (натижанинг) ресурсларга (харажатларга) нисбати ёки аксинча усул билан аникланади:

$$\text{С}=\frac{\text{С(н)}}{\text{Р(х)}};\frac{\text{Р(х)}}{\text{С(н)}} \qquad (9.1)$$

Ресурслар ва иктисодий самарадорлик уртасида маълум бир алока мавжуд. Харажатлар икки хил бўлиши мумкин: жонли ва буюмлашган. Жонли Меҳнат, асосий ва моддий айланма воситаларнинг абсалют микдори ресурслар (харажатлар) сифатида, улар микдорининг камайиши ва уларни тежаш - иктисодий самара шаклида куринади.

Самарадорликни энг муҳим киймат кўрсаткичлари қуйидагилар хисобланади:

$$\text{С}=\frac{\text{ЯМ (ЯД, СД, Ф)}}{\text{ИХ}+\text{е}*\text{АФ}} \qquad (9.2)$$

бу ерда: С- самарадорлик;

ЯМ- ялпи махсулот;

ИХ-ишлаб чиқариш харажатлари;

е-0,15 асосий фондлар иктисодий самарадорлигининг меъёрий коеффициенти;

АФ-асосий фондлар.

Рентабелликда мутлок кўрсаткич - бу фойдадир. Фойда - бу реализация килиш натижасида олинган соф даромаднинг кисми бўлиб, у махсулот сотишдан келадиган маблагдан - сотилган махсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни ёки тула таннарх кийматини чикариб ташланган кисмига тенг бўлади:

$$\text{Ф}=\text{ПТ}-\text{ТТ} \qquad (9.3)$$

Фойда - бу факат ишлаб чиқариш жараёнида ташқил топган натижа хисобланиб колмасдан, балки махсулотларни сотиш жараёнида эришилган

охирги иктисодий кўрсаткичдир. Энг аввало унда жонли Меҳнат харажатлари ифодаланади, чунки унинг асосида ялпи даромад ётади, ходимларнинг жонли Меҳнати билан янги махсулот яратилади. Меҳнат унумдорлиги канча юқори бўлса, янгидан яратилган кийматдаги иш хаки салмоги шунча оз бўлади, унинг бир кисми фойдани ташқил килишга кетади. Фойдада, шунингдек буюмлашган Меҳнат харажатларининг самарадорлиги акс этади. Махсулот бирлиги хисобига тўғри келган моддий харажатлар ва иш хаки харажатларининг камайиши, бахо узгармаганда фойдани кўпайтиради ва нихоят бу кўрсаткичда махсулот сифати намоён бўлади. Фойда бир катор муҳим иктисодий вазифаларни бажаради:

1. Улчаш вазифаси - фойдадан ишлаб чиқариш иктисодий самарадорлигини умумлаштирувчи кўрсаткичи сифатида фойдаланилади.
2. Таксимлаш вазифаси - қўшимча махсулотни таксимлаш воситаси сифатида.
3. Рагбатлантириш вазифаси - иктисодий рагбатлантириш фондини шакллантириш манбаи сифатида.

Рентабеллик даражасининг хар бир фоизи сарфланган бир сумлик ишлаб чиқариш харажати хисобига олинган фойдани билдиради, яъни агарда хўжаликнинг рентабеллик даражаси 73 фоизни ташқил килса, бу хар бир сумлик моддий ва Меҳнат харажати хисобига, уларни коплагандан сунг 73 сум фойда кўрганини билдиради.

Фойда меъёри - бу хар бир сумлик асосий ва айланма воситалар киймати йигиндисига тўғри келадиган фойда, соф даромаднинг фоиздаги ифодаси кўрсаткичи хисобланади.

Фойда меъёри:

$$ФМ = \frac{СД, Ф}{Ас.\ и/ч.\ Фонд + Ай.\ фонд.\ и/ч.} * 100 \qquad (9.4)$$

СД - соф даромад;

Ф - фойда;

Ас. и/ч. Фонд - асосий ишлаб чиқариш фондлари;

Ай. фонд. урт. к. - айланма ишлаб чиқариш фондлари.

Рентабелликни ошириш омиллари деганда энг аввало фойда омиллари тушунилади. Фойда омиллари 2 гурухга бўлинади:

1. Махсулот ишлаб чикарувчига боғлик бўлган ва субъектив характерга эга бўлган ички омиллар.
2. Махсулот ишлаб чикарувчига боғлик бўлмаган ва объектив характерга эга бўлган ташқи омиллар.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш қишлоқ хўжалиги тармогини ва миллий иктисодиётнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунинг натижасида қуйидагиларга эришилади:

1. Махсулот бирлигига Меҳнат ва ресурслар канча кам сарфланса, мавжуд ресурслардан кўпрок махсулот олинади ва улар арзон бўлади.
2. ^ишлок хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш катта

иктисодий самара беради. Агар республика буйича Меҳнат унумдорлиги оширилса, ялпи қишлоқ хўжалик махсулоти ошади. Шунингдек махсулот таннархини тушириш хам ялпи фойданинг кўпайишига сабаб бўлади. Асосий ишлаб чиқариш фондларини самарадорлигини ошириш эса капитал куйилмани камайтиради.

3. ^ишлок хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлиги қишлоқ хўжалик хом ашёсидан тайёрланадиган озиқ-овқат ва кенг истеъмол буюмларига куйиладиган бахоларнинг даражаларига хам боғлик. Чунки харажат кам бўлса, эркин бахолар хам бозорда пастрок бўлади.

4. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш хўжаликлар даромадининг кўпайишга ва рентабелликнинг ошишига олиб келади. ^анча кўп сифатли ва арзон махсулот ишлаб чикарилса ва сотилса, ишлаб чикарувчиларнинг даромади кўпаяди, кўпрок ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, Меҳнат хакини оширишга ва маданий-маиший шароитларга маблаг ажратилади.

*Назорат ва муҳокама учун саволлар:*

1. Самара ва иктисодий самарадорлик тушунчаси нима?
2. Иктисодий самарадорлик кўрсаткичларини айтинг?
3. Иктисодий самарадорликни кайси йўллар билан ошириш мумкин?
4. Рентабелликни кайси йўллар билан ошириш мумкин?
5. Фойда нима ва уни ошириш йўллари кандай?
6. Фойда нормаси кандай кўрсаткич?
7. Махсулот таннархини фойда микдорига таъсири кандай?
8. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш хўжаликларнинг фаолиятига кандай таъсир этади.
9. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари кандай?

## 14-МАВЗУ. ЎСИМЛИКЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИ ИКТИСОДИЁТИ

*Режа:*

1. *Ўсимликчиликнинг халц хўжалигидаги ауамияти ва уни ўрганиш хусусиятлари.*
2. *Ўсимликчиликнинг асосий тармоцлари ва уларнинг хусусиятлари.*
3. *Ўсимликчилик тармоцлари ишлаб чицариши ва агротехник тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги.*
4. *Дончилик иқтисодиёти ва бошқаруви.*
5. *Пахтачилик иқтисодиёти ва бошқаруви.*
6. *Сабзавотчилик, боғдорчилик иқтисодиёти ва бошқаруви.*

Дехкончилик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг етакчи тармоги хисобланади. Унинг махсулотлари инсонлар учун озик-овкат, чорвачилик учун ем-хашак, саноат учун хомашё сифатида фойдаланилади.

Дехкончилик махсулотлари жахон халкларининг энг йирик табиий ва иктисодий бойлигидир. Жахон олимлари томонидан ер юзида 500 мингга якин ўсимликларнинг мавжудлиги аникланган. Ўсимликларнинг 23 минг туридан жахон халклари турли хил мақсадлар учун фойдаланадилар. Уларнинг 6 минг ёки 26,1 фоизи маданий экинлар гурухига киради, шу жумладан 400 тури ёки 6,6 фоизи Ўзбекистонда учрайди. Ўсимликлардан 120 тури ёки 30 фоизи очик ва ёпик майдондарда ривожлантирилади. Бу махсулотлардан ахоли истеъмолида озик-овкат, чорвачиликда ем-хашак, саноатда натурал хом ашё сифатида фойдаланилади.

Мустакиллик йилларида мамлакатимиз дехкончилик махсулотлари ишлаб чиқаришида амалга оширилган кенг микёсли иктисодий ислохотлар дехкончилик махсулотлари ишлаб чиқариш сохасида туб узгаришларга олиб келди. Дехкончилик махсулотлари ишлаб чиқаришни ташқил этишнинг узбек халкининг менталитетига мос ва жахоннинг илғортажрибасига асосланган хўжалик юритиш шакллари - дехкон ва фермер хўжаликлари ташқил этилди. Махкамавий бошқарув тизими бартараф этилиб, унинг ўрнига бозор усуллари татбик этила бошланди. Бу эса уз навбатида қайта ишловчи тармоқларни дехкончилик махсулотлари хом-ашёси билан, ахолини эса дехкончилик махсулотлари билан тула таъминлашга асос яратди. Шунингдек, дехкончилик махсулотлари экспорти борасида хам етакчи сохалардан бирига айланди. Энг асосийси киска муддатда мамлакатда дехкончилик махсулотлари ишлаб чиқаришда катта ютукларга эришилди.

Дехкончилик махсулотлари ишлаб чиқаришда инсон саломатлигида муҳим аҳамиятга эга бўлган мойли экинларга бўлган муносабат ижобий томонга узгарди. Яъни, пахта якка хокимлиги шароитида илгари мамлакатимизда етиштирилмаган ёки етарли эътибор берилмаган кунгабокар, зайтун, масхар, соя каби мойли экинлар майдонлари сезиларли даражада кўпайди. Ушбу экинларни қайта ишловчи махсус ишлаб чиқариш корхоналари ташқил этилди. Дехкончилик махсулотлари ишлаб чиқаришида соханинг барқарор ривожланиши учун давлат томонидан катта кумак бериб келинмокда. Дехкончилик махсулотлари ишлаб чикарувчиларни давлат томонидан куллаб- кувватланиши уз ичига қуйидаги асосий йуналишларни олади:

- дехкончилик махсулотлари ишлаб чиқаришини ривожлантиришда якка тартибдаги ишлаб чикарувчилар аҳамиятини кучайтириш;
- дехкончилик махсулотлари ишлаб чикарувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини химоя килиш;

дехкончилик махсулотлари ишлаб чикарувчи дехкон ва фермер хўжаликларига самарали фаолият олиб боришлари учун амалий ёрдам бериш;

- дехкончилик тармогидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иктисодий асосларини мустахкамлашни куллаб-кувватлаш;
- дехкончилик махсулотлари ишлаб чикарувчиларнинг турмуш даражасини ошириш ва иктисодий усишнинг муҳим омилига айлантириш;

- истеъмол бозорларини дехкончилик махсулотлари билан тулдириш ва улгуржи савдо тизимини янада ривожлантириш;
- дехкончилик махсулотлари экспортини давлат томонидан куллаб-кувватлаш. Жахонда иктисодий ва озиқ-овқат инкирози тобора чукурлашаётган бир даврда мамлакатимизда дехкончилик махсулотлари ишлаб чиқаришининг барқарорлигини таъминлаш, мамла-катимиз ахолиси турмуш даражасининг ошишига, тиббий меъёрлар даражасида дехкончилик махсулотлари истеъмоли даражасига эришишга, саноатни дехкончилик махсулотлари хом ашёси билан таъминлашга олиб келади.

Бозор иктисодиёти конунлари механизмлари ва категориялари талабларини хамда маданий қишлоқ хўжалиги экинларининг ботаник, агротехник ва бошқа хусусиятларини хисобга олиб улар қуйидаги туркумлар буйича хисоб-китоб килинади ва ривожланиш натижалари бахоланади:

- бошокли ва дуккакли дон экинлари махсулотлари;
- техника экинлари махсулотлари;
- картошка экини махсулотлари;
- сабзавот экинлари махсулотлари;
- полиз экинлари махсулотлари;
- озуқа экинлари махсулотлари;
- мевали дов-дарахтлар махсулотлари;
- токзорлар махсулотлари;
- тут дарахтлари махсулотлари;
- гулзорлар махсулотлари;
- ихота дарахтлар ва урмонзорлар махсулотлари;
- табиий пичанзорлар ва яйловлар махсулотлари ва бошқалар.

Юқорида келтирилган маданий экинлар уз навбатида кичик гурухларга бўлинади. Масалан, дон экинлари озик-овкатга, ем-хашакка ва бошқа мақсадларга фойдаланилиши буйича, техника экинлари - тола, шакар, ёғ берувчи ва бошқа турларга бўлиниб хисоб-китоб килинади, охирги натижалари бахоланади.

Дончилик дехкончиликнинг етакчи тармоги хисобланади ва алохида халк хўжалиги аҳамиятига эга. Ўзбекистон ахолиси истеъмол этадиган озик-овкатларнинг таркибида катта каллория хамда оксил хисобида олинган дон махсулотларининг хиссаси 50-60 фоизни ташқил этади. Республикада ахоли жон бошига нон, ун махсулотлари , гуруч, мош, нухат, ловия ва бошқа дон махсулотлари тиббий меъёрларга нисбатан кўпрок истеъмол килинади. Озуқабоп донлардан чорвадор олимлар томонидан аникланган меъёрларда озиклантириш зотли чорва моллари потенциал махсулдорлиги имкониятларидан туларок фойдаланишга шароит яратади. Дон озиқ-овқат саноати учун хом ашё хисобланади ва унинг ривожланиш даражасига бевосита таъсир кўрсатади.

Олиб борилган изчил ислохотлар натижасида пахта майдонлари 1,3-1,4 млн. гектаргача кискартирилиб, галла майдонлари эса 1,3 млн. гектарга етказилди.

Дончиликнинг қўшимча махсулотлари (сомон, похол, поя ва х.к.)дан чорва озуқаси, тушама, органик угит, когоз ва бошқа саноат тармоқларида хом ашё сифатида фойдаланиш хам юқори иктисодий самара беради. Дончиликнинг асосий ва қўшимча махсулотларини кўпайтириш ва сотишни ташқил этиш мамлакатнинг социал-иктисодий ривожланиши хамда ахолини арзон озиқ-овқат ва бошқа махсулотлар билан таъминлаш учун кулай шароит яратади. Ўзбекистон табиий иклим шароитида кузги галла экилган майдонларда иккинчи экин сифатида чорва озуқаси, картошка ва сабзавотлар етиштириб махсулотлар олиш мумкин.

Дончиликни интенсив ривожлантириш ер, сув ва бошқа ресурслар потенциалидан самарали фойдаланишга шароит яратади. Тарихий даврларда Ўзбекистонда дончиликнинг ривожланиш даражаси бозор иктисодиёти хамда мустакил ривожланиш талабларига тула жавоб бермаган.

Ўзбекистонда 15-20 турдаги маданий галла экинлари 2,5-3 минг йиллардан буён экилади. Мустакиллик даврларигача жами қишлоқ хўжалиги экинларининг 70 фоизи дон экинлари бўлган. Мамлакат буйича дон экинларининг 60,6 фоизи бугдой, 17,7 фоизи, арпа,
10,4 фоизи шоли экинига тўғри келган. Дон экинларининг, шу жумладан асосий экинларнинг уртача хосилдорлиги паст бўлган. Масалан, барча турдаги дон экинларининг уртача хосилдорлиги 6,65 ц.га, шу жумладан: бугдой-6 ц.га, шоли-13 ц.га, макка-10,2 ц.га бўлган. Еаллачиликда асосан экстенсив омилдан фойдаланилган. Мустакиллик даврларигача ахоли жон бошига 236 кг дон, шу жумладан 118 кг бугдой, 4,8 кг гуруч ишлаб чикарилган. Бинобарин, республиканинг уз дон махсулотлари хисобига ахолини дон махсулотларига бўлган талабини кондириши бошқа тарихий даврларга нисбатан юқори даражада бўлган.

Республика буйича ишлаб чикарилган галланинг 80-85 фоизини бугдой ташқил килади. Ахолининг бу махсулотларга бўлган талаби республикада ишлаб чикарилади. Чорва хайвонларининг туйимли дон озуқаларига бўлган талабининг 40 фоизи республикада ишлаб чикарилади, колган кисми эса пахта кунжараси, шелухаси ва бошқа қўшимча саноат махсулотлари билан тулдирилади.

Кузги бошокли галла сифатли хайдалган ерларга оптимал муддатларда экилади. Кўпчилик бугдой навларини сентябрнинг охиридан иккинчи ун кунлигида экиш тавсия этилади. Улар эртарок экилганда киш тушгунча найчалаш фазасига ўтиши мумкин. ^иш мавсуми нисбатан илик келган йиллари улар усишини давом эттиради ва бошоклаш фазасини тезлаштиради.

Одатда, республиканинг шимолий минтакаларида оптимал экиш муддатлари эрта, жанубий вилоятларда кечрок бўлади. Бунда хар бир вилоят, туман учун айрим навларнинг биологик хусусиятларини хисобга олиб оптимал экиш муддатларига аниклик хам киргизилиши мумкин. Кўплаб утказилган тажрибалар бир хўжаликда бир неча серхосил навларни экиш мақсадга мувофиклигини кўрсатмокда. Олдин биологик кузги навлар, кейин

дуварак, бахорги навлар экилади. Арпа бугдойдан кейин экилади, чунки арпа бугдойга нисбатан тезрок ривожланади. Экиш муддати оптимал муддатларда утказилиши мавжуд техника воситаларидан самарали фойдаланишга шароит яратади.

10.1-жадвалда келтирилган маълумотларга кура республикамизнинг суғориладиган худудларида дон махсулотлари етиштиришни минтакалар буйича тахлил этадиган бўлсак, минтакаларнинг табиий иклим шароитлари ва тупроқ унумдолиги хар хил бўлганлиги сабабли дон хосидорлиги хам хар хил. Дон хосилдорлиги марказий минтака -Тошкент, Сирдарё, Жиззахда гектарига 42 центнер, водий - Фаргона, Андижон, Наманганда гектарига53 центнер, Зарафшон вохаси - Самарканд, Навоий, Бухорода гектарига 52 центнер, жанубий минтака - ^ашкадарё, Сурхондарёда гектарига 49 центнер, Шимолий минтака - ^оракалпогистон Республикаси, Хоразмда гектарига 41 центнер.

Республикамизда серхосил, касалликларга, зараркунандаларга, ётиб колишга, табиатнинг бошқа нокулай омилларига чидамли, дон сифати юқори бугдой ва арпанинг суғориладиган ерларда экишга мулжалланган интенсив типдаги навларини экиш тавсия этилади. Бундай навлар давлат реестридан утказилишидан олдин Давлат нав синаш тажриба станцияларида ёки участкаларида ягона услуб буйича синалади, хамда олдиндан экиб келинаётган навлардан хосилдорлик ва бошқа кўрсатгичлари буйича устунлик килса, нав синалган тупроқ-иклим минтакасида экиш учун давлат реестридан утказилади. Хўжаликларда факат Давлат реестридан утган ёки истикболли навлар экилиши лозим. Давлат реестиридан Сангзор, Шердор, Ёнбош, Маржон, Сангзор-4, Унумли бугдой, Скифянка, Юна, Безостая-1, Спартанка, Интенсив, Сете-церрос-66, каттик бугдой навларидан-Александровка, Бахт ва бошқалар, шунингдек, арпа навларидан, Темур, Мароканд, Бобур ва бошқа бугдой навлари утган ва туманлаштирилган.

10.1- жадвал

Республика минтакалари буйича суҒориладиган майдонларда дон хосилдорлиги

| Т/р | Минтакалар | Хосилдорлик ц/га |
|---|---|---|
| I | Марказий минтака (Тошкент, Сирдарё, Жиззах) | 42,0 |
| II | Водий (Фаргона, Андижон, Наманган) | 53,0 |
| III | Зарафшон вохаси (Самарканд, Навоий, Бухоро) | 52,0 |
| IV | Жануб(Кашкадарё, Сурхондарё) | 49,0 |
| V | Шимол (^оракалпогистон Республикаси, Хоразм) | 41,0 |

Манба: ^ишлок ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосиди тайёрланди.

Бу навлардан нав синаш участкаларида 40-50 центнердан 80-90

центнергача хосил олинмокда. Хўжаликларда хар кандай нав узок йиллар давомида экилса, уругларнинг кимматли хусусиятлари пасайиб боради. Шунинг учун хар 3-4 йилда навларни янгилаш зарур.

Мустакиллик йилларида дон етиштиришда қуйидаги натижаларга эришилди:

- Суғориладиган ерларда галла майдони 221 минг гектардан, 1340,5 минг гектарга ёки 6,1 баробарга ошди.
- Хосилдорлик суғориладиган ерларда 22,2 центнердан, 50,2 центнерга етди ёки 28,0 центнерга кўпайди.
- Мамлакатимизда жами етиштирилган бугдойнинг ялпи хосили 879,1 минг тоннадан, 7млн 500 минг тоннага ёки ялпи хосил 7,7 баробарга ошди.
- Давлатга дон сотиш шартномавий режалар 148,3 минг тоннадан, 2700 минг тонна етиб, бу кўрсаткич 18,2 бараварга усди.
- Республика минтакалари буйича суғориладиган майдонларда дон хосилдорлиги ва хосил 7,7 баробарга ошди.

Мамлакатимиз ахолиси дон ва дон махсулотлари билан барқарор таъминланган. Бунга эса “Дон мустакиллиги” Дастурини изчиллик билан босқичма - босқич амалга оширилиши натижасида эришилди.

1994 йилда Мамлакат “Дон мустакиллиги Дастури”нинг қабул килинганлиги бир вактнинг узида сиёсий, ижтимоий ва иктисодий муаммоларни хал килиш имконини берди. Жумладан:

- сиёсий жихатдан мамлакатимизнинг дон сотиб олиш учун бошқа мамлакатга иктисодий карам бўлишига йўл куйилмади, ахолининг дон махсулотлари билан таъминоти масаласи хал бўлди, давлат томонидан ун ва ун махсулотларининг нархи ошиб кетиши олди олинди;
- ижтимоий жихатдан биз бошқа мамлакатларнинг эмас, балки узимизнинг дехконларни иш жойлари билан таъминладик. Чорвачиликни ривожлантириш ва галладан бушаган ерларда такрорий экин экиб қўшимча даромад килиш имконияти пайдо бўлди, халкнинг эртанги кунга ишончи таъминланди;
- иктисодий жихатдан мамлакат валюта захирасини саклаб колиш ва бу валютани бошқа зарур сохаларга ишлатиш имконияти яратилди, Донни қайта ишлаш сохасини ривожлантиришга реал талаб пайдо бўлди.

Республикада дон етиштиришнинг аҳамиятини кундан кунга ошаётганлиги дон етиштирувчи хўжаликлар зиммасига янада кенгрок ва кўпрок вазифаларни юклайди. Дон етиштиришда хозирги кунда фойдаланилмаган имкониятлар кўп. Бу имкониятлардан тула фойдаланиш натижасида республикамиз дон етиштирувчи илғордавлатлар каторига киради.

Дунёда 30-35 миллион гектар майдонда пахта экилиб келмокда. Хар йили 19, 5-20,5 млн.тонна тола ишлаб чикарилади. Пахта толаси етиштириш буйича Ўзбекистон Хитой, Хиндистон, АКТТТ, Покистон, Бразилиядан кейин олтинчи уринда, экспорти буйича А^Ш, Хиндистондан кейин учинчи

уринда туради. Енг юқори стандартларга жавоб берадиган узбек пахтасига жахон бозорларида эхтиёж ортиб бормокда. Жахон пахта бизнеси етакчиларидан бири бўлган Ўзбекистоннинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бормокда. Пахта толасини жахон бозорида сотиш натижасида Ўзбекистоннинг валюта фонди кўпаяди, янги техника ва технология сотиб олиш имконияти мустахкамланади, хамда иктисодий тараккиёт тезлашади.

Ўзбекистоннинг келажакдаги иктисодий сиёсатининг мақсади хомашё экспортини ривожлантириш эмас, балки юқори қўшимча кийматга эга тайёр махсулотни экспорт килишга ўтишдан иборат. Бу борада ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва модернизация килиш, унинг даромади ва ракобатбардошлигини ошириш буйича янада юксак марраларга эришиш вазифалари босқичма-босқич бажарилмокда. Бунинг учун тўқимачилик саноатига инвестициялар фаол жалб килинмокда, корхоналар замонавий ускуна ва технологиялар билан жихозланмокда, ишлаб чиқаришнинг илғоруслублари жорий килиниб, инновацион лойихалар амалга оширилмокда.

Пахтачилик универсал тармоққа айланиб бормокда Унинг асосий махсулотлари пахта хомашёси ва поясини қайта ишлаш жараёнида 1200 дан ортик саноат махсулотлари олинади. Ўзбекистон тўқимачилик саноати хомашёси балансида пахта толаси 70 фоизни, ўсимлик ёғ-мой саноати балансида - чигит 90 фоизни ташқил этади.

Пахта хомашёсидан газлама, ип, момик, сунъий ипак, тўқимачилик ва бошқа кўпгина буюмлар ишлаб чикарилади. Чигитдан энг арзон ёғ, маргарин, совун, глицерин ва бошқа махсулотлар, чигит колдигидан эса кунжара, шелуха олинади. Пахта тозалаш ва ёғ заводлари чикиндиларидан изоляция материаллари, целлюлоза, спирт, линолеум, лак, хар хил буёклар, кино плёнкаси ва бошқа кўпгина товарлар тайёрланади.

Гуза баргидан органик кислоталар, жумладан, сирка, лимон, олма кислотаси олинади. Гузапоядан дагал когоз, картон, фанер ва бошқа материаллар ишлаб чикарилади. Чигитдан олинадиган шелуха чорва моллари учун туйимли озуқа х,исобланади, ундан гидролиз саноатида хомашё сифатида фойдаланилади, фурфулон ва техник спирт олинади. Фурфулондан смола, пластмасса, капрон, синтетик тола, алиф, х,ар хил дориворлар ва бошқа мах,сулотлар олинади. Х,ар бир гектар гуза гулларидан мавсумда 60-70 кг асал мах,сулоти олиш мумкин. Асаларичиликни ташқил этиш х,исобига гузанинг чангланиш сифати тубдан яхшиланади ва унинг х,осилдорлиги 2-3 центнерга ошади.

Ўзбекистоннинг мустакил мамлакат бўлиб ривожланиш йилларида ялпи пахта мах,сулоти камайди.

Мустакил ривожланиш йилларида пахта майдонларини кискартириш х,исобига суғориладиган галла, айникса, бугдой ишлаб чиқариш кўпайтирилди. Суғориладиган ерлар мелиоратив х,олатининг ёмонлашиши, минерал угитлар меъёрининг камайиши, сув танкислиги ва х,.к. гектаридан олинадиган х,осилдорликка салбий таъсир этди. Лекин, гуза экиладиган

майдонларнинг камайишига карамасдан Ўзбекистон унинг ялпи мах,сулоти хджми буйича жах,онда бешинчи, пахта толасини жах,он бозорида сотиш буйича иккинчи уринни эгаллади.

Ўзбекистон пахтачилигида истикбол вазифа унинг ялпи хджмини кескин камайтирмаслик, унинг сифатини яхшилаш, асосий кисмини минтакада қайта ишлаш х,исобланади. Пахтачилик ва у билан боғлик бўлган халк хўжалиги тармоқларини интенсив ривожлантириш, мавжуд мех,нат, ер, сув ва бошқа моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширади, республика иктисодиётининг барқарор усишига реал шароит яратади.

Ўзбекистонда унумдор ерлар ва айникса, сув ресурслари чегараланган. Мавжуд ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, биринчи навбатда х,ар бир гектар пахтадан олинадиган х,осилдорликни ошириш х,исобига эришилади.

Х,осилдорликни ошириш агротехнологик жараёнларни сифатли ва киска муддатларда бажариш билан боғлик. Тармоқни ташқил этишнинг барча даврларида ва истикболида х,ам юқори х,осил олиш учун пахтачиликнинг хусусиятларини х,исобга олиб даставвал алмашлаб экишни илмий асосда амалга ошириш лозим.

Сабзавот экинлари 14 та ботаник оилага мансуб 80 га якин тўрни уз ичига олади, шундан XX асрдан бошлаб 40 га якини Ўзбекистонда экилади. Улар морфологик ва биологик белгилари, х,осилдорлиги, сотиш бах,олари буйича кескин фарк килади. Шунинг учун сабзавотчиликнинг ривожланиш даражаси, айникса, уларни тах,лил килиш ва бах,олаш ута мураккаб ^исобланади. Ер юзида, шу жумладан Ўзбекистонда маданий экинлардан сабзи, шолгом, лавлаги 2 минг йилдан, пиёз ва бодринг 4 минг йилдан бери экилади. Сабзавотчиликнинг биологик хусусиятларини х,исобга олиб, очик ва ёпик майдонларда устириш усуллари кулланилади. Кўпчилик сабзавотлар нисбатан сермех,нат ресурслар потенциалига, айникса куёш нурига ва сувга талабчан экинлар таркибига киради. Бу тармоқни интенсив ривожлантириш мех,нат, суғориладиган ер ва бошқа ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Кўпчилик экинлардан 2 марта х,осил олиш имконияти тармоқнинг самарадорлигини кескин оширади.

Сабзавотларни х,ул истеъмол этиш унинг самарадорлигини кескин оширади. Бирок, сабзавотлар таркибида кўп сув бўлиши ва эрувчан углеводларнинг борлиги учун уларни узок муддатларга сакланса, нобудгарчилик кўпаяди ва сифат белгилари пастлашади. Шунинг учун уларни узок жойларга ташишда кийинчилик тўғилади, консервалаш зарурияти тўғилади.

Ўзбекистоннинг иссик иклим шароитида консервалашнинг энг оддий ва самарали усули куритишдир. ^уритилганда сабзавот таркибидаги сувнинг кўп кисми бугланади, сабзавот вазни 7-10 баравар камаяди, кам харажат килиб узок саклашга ва ташишга шароит яратилади. Сабзавотларни консервалашда яна бир кенг амалга оширилган усул -ачитиш ва тузлашдир. Мустакил ривожланиш йилларида ялпи сабзавотнинг тахминан 85-90 фоизи

республика ахолиси томонидан истеъмол килинади, ички бозорларда сотилади, уруглик учун фойдаланилади. Унинг сифат белгилари жихатидан истеъмолга лойик бўлмаган кисми чорвачиликда озуқа учун фойдаланилади. Сабзавотчилик махсулотларини ишлаб чиқариш ва уни сотишнинг юқори самарадорлигини хисобга олиб, уни истикболда кўпайтириш имкониятларидан туларок ва тезрок фойдаланиш долзарб муаммолардан биридир.

*Назорат ва му^окама учун саволлар:*

1. Дехкончиликнинг халк хўжалигидаги аҳамияти нимада?
2. Дехкончиликнинг асосий тармоқлари ва уларнинг хусусиятлари кандай?
3. Дехкончилик тармоқлари ишлаб чиқариши ва агротехник тадбирларнинг иктисодий самарадорлиги кандай аникланади?
4. Дончилик, пахтачилик сабзавотчилик, боғдорчиликнинг аҳамияти нимада?
5. Дехкончилик тармоқларида ялпи қишлоқ хўжалиги махсулотининг неча фоизга якини етиштирилмокда.
6. Боғдорчилик неча турдаги махсулот беради?
7. Дехкончиликда иктисодий самарадорликни ошириш йўллари?
8. Картошкачиликнинг аҳамияти нимада?
9. Токчиликнинг аҳамияти нимада?
10. Дехкончиликда агротехник тадбирларни иктисодий самарадорликга таъсири кандай?

## 15-МАВЗУ. ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИ

*Режа:*

1. *Чорвачиликнинг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти ва уни ривожлантириш асослари.*
2. *Чорвачиликнинг асосий тармоцлари ва уларнинг хусусиятлари.*
3. *Чорвачилик тармоцлари ишлаб чицариши ва унинг иқтисодий самарадорлиги.*
4. *К^орамолчилик иқтисодиёти. ва бошқаруви.*
5. *Куйчилик иқтисодиёти. ва бошқаруви.*
6. *Паррандачилик иқтисодиёти. ва бошқаруви.*
7. *Пиллачилик иқтисодиёти ва бошқаруви.*
8. *Балиқчилик иқтисодиёти ва бошқаруви.*
9. *Асаларичилик иқтисодиёти ва бошқаруви.*

Мамлакат иктисодиётининг ривожланиши, халк турмуш даражасининг муттасил усиб бориши хозир чорвачиликни янада тезрок юксалтириш вазифасини биринчи уринга куймокда.

Иктисодиётнинг барқарор ривожланишида қишлоқ хўжалиги, хусусан

чорвачилик муҳим аҳамият касбэтади. Мамлакатимизда ахолининг чорвачилик махсулотларига бўлган эхтиёжини кондириш, бозорларда гушт, сут, тухум, Балиқ ва бошқа махсулотлар сероблигини таъминлашга устувор вазифалардан бири сифатида ёндашилмокда.

Чорвачилик - мамлакат қишлоқ хўжалигининг муҳим таркибий кисмидир. Чорвачилик тармоқларининг мақсадга муво-фик, самарали жойлаштирилиши республикада Меҳнат таксимо-тининг ижобий хал этилишига бевосита таъсир этади. Худуд-ларнинг табиий, иктисодий шароитларини хамда бозор талабларини эътиборга олган холда чорвачиликнинг корамол-чилик, куйчилик, Балиқчилик, асаларичилик, ондатрачилик тармоқларининг жойлаштири-лиши ва ривожлантирилиши зарур. Чунки бу тармоқларда озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати корхоналари учун гушт, сут, жун, тери, асал ва бошқа махсулотлар етиштирилади.

Чорвачиликнинг ривожланиши натижада саноат тармоқларининг ривожланиши хам таъминланади, чорвачилик тармоқларида инсон саломатлиги учун зарур, оксил моддаларга бой бўлган турли хилдаги махсулотлар хам етиштирилади. Республикада ахоли жон бошига гушт, сут етиштириш ва истеъмол килиш тиббий меъёрлар даражасидан паст. Чорвачилик тармогининг бугунги холати инсон организми учун зарур микдор ва меъёрларни таъминлаб бера олмайди. Шунинг учун республика хукумати мамлакатнинг барча сохаларида чорвачиликни ривожлантиришга каратилган йирик дастурлар ишлаб чикиб, уларни амалиётга татбик этиш буйича катор чора-тадбирларни амалга оширмокда.

Бундан ташкари, чорвачиликда дехкончилик ва чорвачиликнинг айрим сохалари ривожланишини таъминлайдиган махсулотлар хам етиштирилмокда. Чорва чикиндиси - гунг тупроқ унумдорлигини оширади, ўсимликлар учун органик угит хисобланади. Талаб катта бўлган чорвачилик махсулоти сут эса ахоли томонидан истеъмол килинишидан ташкари янги туғилган ёш хайвонларга хам берилади.

Хозирги даврда ривожланган мамлакатларда чорва чикиндиси - гунгдан биогаз- биоенергия олиш йўлга куйилган бўлиб, гунг арзон энергия манбаи хисобланади.

Чорвачилик тармоқларида ялпи қишлоқ хўжалиги махсулотининг 46,6 фоизга якини етиштирилмокда. Унинг 90 фоиздан ортигини дехкон хўжаликлари етказиб бермокда.. Чорвачилик тармоқларида етиштирилаётган махсулотларнинг асосий кисми республика ахолиси талабларини кондириш мақсадида ички бозорларда сотилмокда.

Чорвачиликнинг тармоқ тузилмасини аниклашда махсулот бозорининг холати, муассасанинг бу бозорда тутган ўрни (бозор хажми, ракобатнинг мавжудлиги ва даражаси, мазкур муассаса ишлаб чикарган махсулотнинг ракобатдошлиги) энг муҳим омиллардан хисобланади.

Чорва хайвонлари иктисодиёти қуйидаги гурухлари ва турлари буйича ўрганилади:

1. Қорамолчилик- гушт ва сут йуналиши буйича;
2. Қўйчилик- гушт, жун, тери йуналиши буйича;
3. Эчкичилик- жун ва тивит, сут йуналиши буйича;
4. Чучкачилик- бекон, ярим ёғ, ёғлик гушт йуналиши буйича;
5. Паррандачилик- тухум ва гушт бройлер йуналиши буйича;
6. Йилкичилик- гушт ва сут, иш хайвонлари хамда спорт йуналиши буйича;
7. Туячилик- гушт, жун ва сут йуналиши буйича;
8. Пиллачилик буйича;
9. Асаларичилик буйича;
10. Қуёнчилик буйича;
11. Ховуз Балиқчилиги буйича;
12. Муйначилик буйича ва бошқалар;

Чорвачилик тизими моддий-техник, технологик ва ташқилий-иктисодий элементлардан ташқил топади.

Моддий - техник элементларга: чорвани саклаш учун бино, машиналар тизими ва тармоқни юритиш учун зарур бўлган бошқа воситалар киради. Чорвачиликда махсулот етиштиришни жадаллаштириш даражаси канча баланд бўлса, бу элементлар шунча кўп аҳамиятга эга бўлади.

Технологик элементлар - чорвани қайта ишлаб чиқаришни ташқиллаштириш, наслдорликни кучайтириш, зотдорлик сифатларини яхшилаш, озуқалантириш типлари ва чорвани бокишни такомиллаштириш, чорва касалликларига карши кураш тадбирларини камраб олади.

Ташқилий - иктисодий элементлар - сохага йуналтирилган тузилма ва ишлаб чиқариш киради. Бу-муассаса фаолияти аник шароитларига мос ер майдони бирлигига хисобланган чорва туёғининг сони, унинг ихтисослашуви, бозордаги ўрни демакдир. Тармоқда чорва тузилмаси хар бир холатда ишлаб чиқариш йуналишига мос келиши керак.

Ишлаб чиқариш усули ва чорвани озиклантириш хамда саклашга кура, энг муҳим белгилар сифатида чорвачиликда қуйидаги тизимлар мавжуд:

- яйлов - экстенсив, кучма, яйдок-яйлов, доимий яйлов, маданий яйлов;
- огилхона-яйлов - табиий озуқа, аралаш озуқаларнинг уртача жадаллиги, экиладиган

ва юксак махсулдорли табиий озуқаларга бойлиги билан ажралиб туради.

- огилхона - йиллик огилхона, огилхона - лагер (мавсумий).

Барча турдаги чорвачилик махсулотларининг иктисодий самарадорлигини ошириш учун қуйидаги омил ва имкониятларидан туларок фойдаланиш зарур:

1. Чорва хайвонлари махсулдорлигини ошириш.
2. Чорва хайвонларнинг зотдорлик белгиларини саклаш ва янада мустахкамлаш.
3. Қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер, дехкон хўжаликларини юқори махсулдор зотли чорва моллари билан мунтазам таъминлаш.
4. Чорвадорларнинг Меҳнат унумдорлиги ва Меҳнат хакини барқарор

ошириш.

5. Хайвонларни саклашнинг прогрессив усулларидан, шу жумладан, боғламасдан саклаш, махсус куралардан фойдаланиш.

6. Асосий воситалардан айникса, чорва бинолари ва иншоотлари кувватидан окилона фойдаланиш.

7. Прогрессив зооветеринария хизматларидан фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартда қабул килинган “Шахсий ёрдамчи, дехкон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [3] 308-қарори чорвачиликни ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Ушбу хужжатда давлат томонидан фермерларга зотдор молларни сотиб олиш ва наслчилик ишини жадаллаштиришда ёрдам бериш, ветеринария хизмат кўрсатишни ташқил этиш, ахолининг махсулдор чорва молларини сотиб олиши учун микрокредитлар ажратиш, қишлоқ ахолисининг чорва молларини парвариш килишдан манфаатдорлигини ошириш оркали уларнинг бандлигини, даромадини, озиқ-овқат махсулотлари билан таъминланишини оширишга алохида эътибор каратилди.

Республикамизда наслчилик ишларини яхшилаш, чорвачилик йуналишидаги фермер хўжаликларини ривожлантириш уларда наслли корамоллар подасини кўпайтириш, наслчилик ядросини шакллантириш ва кенгайтириш, корамоллар махсулдорлигини ошириш мақсадида республикамизга 2006-2014 йиллар мобайнида Украина, Белоруссия, Польша, Австрия, Германия, Голландия ва бошқа Европа мамлакатларидан 46 минг бошдан ортик наслли голштинфриз (Германия, Польша) кора-ола (Белоруссия, Украина), кизил-чул (Украина), симентал (Австрия) зотларга мансуб юқори махсулдор ўргочи корамоллар импорт килинди ва кўпгина наслчилик фермер хўжаликлари янгидан шаклланди. Четдан келтирилган моллар бугунгача тўғиш хисобидан 55,5 минг бошга кўпайди.

қуйидаги 2.1-жадвалда Ўзбекистон Республикасида 2006-2014 йилларда чет давлатлардан келтирилган наслли корамоллар бош сони динамикаси келтирилган.

Жадвал маълумотларига кура республикага наслли кормаллар 2006 йилдан бошлаб келтирила бошланди. 2006 йилда жами 632 бош наслли корамоллар келтирилган бўлса, хозирги кунда 9151 бош наслли корамоллар келтирилди ва жами четдан келтирилган моллар 45806 бошни ташқил этди. Бунинг натижасида корамоллар бош сони кўпайиб уларнинг зоти кескин яхшиланди. Бундан ташкари уларнинг махсулдорлик кўрсаткичлари ошди, гушт ва сут етиштириш таннархи кескин камайди

[3] Шахсий ёрдамчи, дехкон ва фермер хужаликларида чорва молларни купайтиришни рагбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Узбекистон Республикаси Президентининг Карори 23.03.2006 йилдаги ПК-308-сон, кучга кириш санаси 23.03.2006

| Худудлар | Четдан келтирилган наслдор урFОчи моллар, бош | | | | | | | | | Жами четдан келтирилган моллар, бош |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2006 йил | 2007 йил | 2008 йил | 2009 Йил | 2010 йил | 2011 йил | 2012 йил | 2013 йил | 2014 йил | |
| ^оракалпогистон Р | 37 | 281 | 100 | 464 | 0 | 0 | 411 | | 132 | 1425 |
| Андижон | 0 | 282 | 230 | 408 | 0 | 398 | 1060 | 500 | 1356 | 4234 |
| Бухоро | 0 | 139 | 503 | 1100 | 0 | 629 | 152 | 93 | 497 | 3202 |
| Жиззах | 204 | 662 | 226 | 526 | 0 | 419 | 75 | 104 | | 2216 |
| Қашкадарё | 0 | 122 | 600 | 1378 | 0 | 119 | 202 | 306 | 771 | 3498 |
| Навоий | 0 | 170 | 406 | 223 | 237 | 0 | 147 | 103 | 262 | 1548 |
| Наманган | 0 | 165 | 0 | 362 | 0 | 669 | 256 | 1112 | 453 | 3017 |

Чет давлатлардан 2006-2014 йилларда келтирилган наслли

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Самарканд | 100 | 189 | 760 | 75 | 165 | 531 | 477 | 952 | 556 | 3805 |
| Сурхондарё | 60 | 60 | 278 | 422 | 100 | 186 | 218 | 241 | 411 | 1976 |
| Сирдарё | 0 | 75 | 486 | 225 | 475 | 0 | 84 | 457 | 164 | 1966 |
| Тошкент | 68 | 669 | 1793 | 605 | 0 | 1247 | 1022 | 3547 | 378 | 12029 |
| Фаргона | 0 | 125 | 469 | 363 | 0 | 297 | 155 | 619 | 1005 | 3098 |
| Хоразм | 163 | 258 | 650 | 505 | 0 | 828 | 629 | 293 | 466 | 3792 |
| Жами | 632 | 3197 | 6501 | 6656 | 977 | 5323 | 4888 | 8327 | 9151 | 45806 |

коромоллар т^рисида, бош[2]

Ўзбекистон Республикасида 2011-2015 йилларда корамоллар бош сони усиши, минг бош[3]

| Худудлар | Ииллар | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2012 йил | 2013 йил | 2014 йил | 2015 йил | 2015 йилда 2011 йилга нисбатан | |
| | | | | | +г | % |
| ^оракалпогистон | 841,9 | 861,1 | 886,8 | 955 | 113,1 | 113,4 |
| Андижон | 863,4 | 906 | 960,4 | 980 | 116,6 | 113,5 |
| Бухоро | 992,4 | 1057,8 | 1110,2 | 1133,2 | 140,8 | 114,2 |
| Жиззах | 700,4 | 749,9 | 788,7 | 825,1 | 124,7 | 117,8 |
| ^ашкадарё | 1199,1 | 1267,7 | 1352,4 | 1405,1 | 206 | 117,2 |
| Навоий | 355,9 | 366,4 | 392,0 | 415 | 59,1 | 116,6 |
| Наманган | 556,9 | 564,4 | 581,1 | 640 | 83,1 | 114,9 |
| Самарканд | 1284,9 | 1331,8 | 1391,7 | 1425,2 | 140,3 | 110,9 |
| Сурхондарё | 775,8 | 793,8 | 828,0 | 850,1 | 74,3 | 109,6 |
| Сирдарё | 327,4 | 349,2 | 359,7 | 399,8 | 72,4 | 122,1 |
| Тошкент | 699,6 | 727,2 | 773,4 | 815 | 115,4 | 116,5 |
| Фаргона | 819,6 | 881,1 | 935,7 | 969,4 | 149,8 | 118,3 |
| Хоразм | 724,0 | 750,5 | 784,5 | 824,3 | 100,3 | 113,9 |
| Жами | 10141,3 | 10606,9 | 11144,6 | 11637,2 | 1495,9 | 114,8 |

11.3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2012-2015 йилларда наслчилик хўжаликларида наслли мол тайёрлаш динамикаси[4]

[4] Узбекистон кишлок ва сув хужалиги вазирлиги маълумотлари асосида

| Худудлар | Наслли мол тайёрлаш, бош | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2012 йил | 2013 йил | 2014 йил | 2015 йил | 2015 йилда 2012 йилга нисбатан | |
| | | | | | +г | % |
| ^оракалпогистон Р. | 112 | 125 | 586 | 160 | 48 | 142,9 |
| Андижон | 488 | 644 | 672 | 601 | 113 | 123,2 |
| Бухоро | 294 | 530 | 591 | 661 | 367 | 224,8 |
| Жиззах | 198 | 205 | 144 | 107 | -91 | 54,0 |
| ^ашкадарё | 463 | 565 | 469 | 482 | 19 | 104,1 |
| Навоий | 199 | 231 | 264 | 319 | 120 | 160,3 |
| Наманган | 421 | 438 | 607 | 691 | 270 | 164,1 |
| Самарканд | 365 | 420 | 438 | 691 | 326 | 189,3 |
| Сурхондарё | 495 | 505 | 510 | 499 | 4 | 100,8 |
| Сирдарё | 275 | 289 | 269 | 286 | 11 | 104,0 |
| Тошкент | 1521 | 1583 | 1723 | 1834 | 313 | 120,6 |
| Фаргона | 632 | 716 | 825 | 1070 | 438 | 169,3 |
| Хоразм | 281 | 282 | 277 | 305 | 24 | 108,5 |
| Жами | 5744 | 6533 | 7375 | 7686 | 1942 | 133,8 |

Кейинги йилларда чорвачиликнинг асосий тармоги бўлган корамолчиликни ривожлантиришга бўлган эътибор юқори бўлмокда. (2.2-жадвал).

Республикада корамоллар сони йилдан-йилга ошиши ах,олини гушт ва сут мах,сулотларига бўлган талабини кондиради, саноатни хом ашё билан таъминлайди.

Хрзирги кунда корамолчилик йуналишидаги наслчилик хўжаликлари сони 412 тага етказилиб, уларда 99,2 минг бош юқори наслдор корамоллар парвариш килинмокда .

Биргина, 2015 йилда уларда 7,7 мингдан ортик наслли моллар устирилди ва фермер ва дехкон хўжаликларига сотилди.

Бугунги кунда Президентимизнинг 2013 йил 25 декабрдаги П^-2099-сонли қарори билан чорвачилик сохдсига берилган имтиёзлар муддати 2017 йил 1 январигача узайтирилди.

Қорамолларнинг наслини ва мах,сулдорлик имкониятларини оширишда наслчилик- селекция ишларида х,ам ижобий узгаришларга эришилмокда. Завод типидаги наслчилик фермер хўжаликлари ва

корхоналарида импорт килинган голштинофриз, симментал, швиц, кора-ола ва кизил зотли моллар х,исобидан шаклланмокда.

Бугунги кунда республикада швиц, бушуев, голштинофриз, симментал, кизил чул ва кора-ола каби корамол зотлари парвариш килинмокда.

Аксарият наслчилик тоифасидаги хўжаликларда сигирлардан бир кунда 20-30 килограммдан ёки лактация давомида 6-7 минг кгдан сут согиб олинмокда.

Республикамизда чорвачиликнинг бошқа тармоқлари: паррандачилик, асаларичилик, Балиқчиликка хам катта эътибор берилмокда.

2016 йил 1 январь холатига барча хўжалик тоифалари буйича чорва моллари ва паррандалар сони 11.4-жадвалда ифодаланади.

11.4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида чорвачилик махсулотлари ишлаб чиқариш даражаси[5]

| Махсулотлар | 2013 йил | 2014 йил | 2015 йил | 2015йилни 2013йилга нисбатан фоизда |
|---|---|---|---|---|
| Гушт (тирик вазнда), минг | 1787,8 | 1906,3 | 2033,5 | 113,7 |
| шу жумладан: | | | | |
| фермер хўжаликлари | 49,0 | 55,3 | 58,3 | 119,0 |
| дехкон хўжаликлари | 1690,3 | 1800,2 | 1920,6 | 113,6 |
| қишлоқ хўжалик | 48,5 | 50,8 | 54,5 | 112,4 |
| Сут, минг тн. | 7885,5 | 8431,6 | 9028,2 | 114,5 |
| шу жумладан: | | | | |
| фермер хўжаликлари | 285,6 | 308,6 | 328,4 | 115,0 |
| дехкон хўжаликлари | 7547,2 | 8064,6 | 8635,3 | 114,4 |
| қишлоқ хўжалик | 52,7 | 58,4 | 64,4 | 122,2 |
| Тухум, млн. дона | 4388,1 | 4950,0 | 5526 | 125,9 |
| шу жумладан: | | | | |
| фермер хўжаликлари | 501,3 | 543,0 | 613,6 | 122,4 |
| дехкон хўжаликлари | 2399,9 | 2726,9 | 3105,5 | 129,4 |
| қишлоқ хўжалик | 1486,9 | 1680,1 | 1806,9 | 121,5 |
| Жун, тн. | 32,4 | 34,4 | 36,0 | 111,1 |
| шу жумладан: | | | | |
| фермер хўжаликлари | 2,2 | 2,8 | 2,9 | 131,8 |
| дехкон хўжаликлари | 28,1 | 29,5 | 30,8 | 109,6 |
| қишлоқ хўжалик | 2,1 | 2,1 | 2,4 | 114,3 |
| ^оракул тери, минг дона | 1062,1 | 1061,3 | 1035,0 | 97,4 |
| шу жумладан: | | | | |
| фермер хўжаликлари | 51,1 | 52,6 | 55,8 | 109,2 |
| дехкон хўжаликлари | 801,7 | 831,8 | 860,4 | 107,3 |
| қишлоқ хўжалик | 209,3 | 176,9 | 118,9 | 56,8 |

Чорвачиликни ривожлантириш қишлоқ хўжалиги олдида тўрган

[5]Кишлок ва сув хужалиги вазирлиги маълумотлари асосиди тайёрланди

биринчи даражали вазифалардан хисобланади. Бу вазифани муваффакиятли хал этиш учун қуйидаги комплекс тадбир-чоралари ишлаб чикилган:

- чорвачиликнинг мустахкам ем-хашак базасини барпо килиш ва ем-хашакдан рационал фойдаланиш;
- барча турдаги чорва моллари ва паррандаларни кўпайтириш;
- подаларнинг махсулдорлигини ошириш ва молларни саноат технологияси асосида бокишга мослаштириш мақсадида чорвачиликда наслчилик ишларини яхшилаш;
- хизмат кўрсатиш пунктлари тармогини кенгайтириш хисобидан ветеринария хизматлари ва сунъий кочириш хизматларидан фойдаланишни яхшилаш;
- шахсий ёрдамчи, дехкон ва фермер хўжаликларига зотдор молларни сотиш буйича кимошди савдоларини ташқил этиш;
- корамол сотиб олишни енгиллаштириш учун ёрдамчи ва дехкон хўжаликларини микрокредитлаш имкониятларини кенгайтириш, 2006-2012 йилларда ушбу мақсадларга 158 миллиард сум йуналтириш, уларнинг 80 фоизи тижорат банклари оркали берилиши (имтиёзли фоизли ставкалар ва такдим этишнинг соддалаштириш тартиби буйича) кузда тўтилди;
- чорва молларнинг янги зотларини яратиш ва мавжуд зотларини яхшилаш, чорвачиликнинг турли сохаларини бошқаришда назарий ва амалий усулларини ишлаб чикиш, шу асосда чорва молларини кўпайтириш хамда бокишнинг рационал усулларини жорий этишда зоотехника ва чорвачилик илгорларининг иш тажрибаларига кенг урин бериш.

*Назорат ва му^окама учун саволлар:*

1. Чорвачиликнинг миллий иктисодиётдаги аҳамияти нимада?
2. Чорвачиликнинг асосий тармоқлари ва уларнинг хусусиятлари нимада?
3. Чорвачилик тармоқлари ишлаб чиқариши ва унинг иктисодий самарадорлиги
4. Корамолчилик иктисодиёти хакида нималарни биласиз?
5. Паррандачилик иктисодиёти. ва бошқаруви кандай?
6. Пиллачилик иктисодиёти ва бошқаруви кандай?
7. Асаларичиликнинг аҳамияти нимада?
8. Балиқчиликнинг аҳамияти нимада?
9. Овкатланиш институтининг тавсияларига кура, Ўзбекистон ахолиси жон бошига йилига неча килограмм Балиқ истеъмол килиши керак?
10. Паррандаларнинигмахсулдорлигига таъсир килувчи омиллар?

## 16-МАВЗУ: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЯЛПИ ВА ТОВАР МАХСУЛОТЛАРИ, КЕНГАЙТИРИЛГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг пировард натижаси ялпи маҳсулотдир. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти деганда, шу тармоқнинг маълум

бир давр ичида ишлаб чиқарилган маҳсулотлари миқдорининг йиғиндиси тушунилади. Унинг таркибига фақат деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари киради.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти натура ва қиймат кўрсаткичларда ҳисобга олинади. Натурал кўрсаткичлар қишлоқ хўжалигида яратилган истеъмол қийматларининг таркиби ва миқдорини акс эттиради. Центнер, тонна ва бошқа ўлчовларда ҳисобланадиган ялпи маҳсулот кўрсаткичига, 70деҳқончиликда – алоҳида экинлар ёки бир хил турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари асосий маҳсулотлари, ёш кўп йиллик дарахтларнинг ва деҳкқончиликдаги тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг (кузги экинларнинг экиш ва келгуси йил ҳосили учун харажатлар) ўсишидаги ўзгаришлар, шунингдек тармоқнинг бошқа (қўшимча) маҳсулотлари (сомон, похол ва бошқалар); чорвачиликда – тайёр маҳсулотнинг алоҳида турлари бўйича (сут, жун, тухум ва бошқалар) ялпи тушум: ёш моллар ва паррраңдаларнинг тирик вазнининг ўсиши, шунингдек, тармоқнинг бошқа қолдиқ маҳсулотлари (гўнг ва бошқалар) киради.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини қишлоқ хўжалик корхоналари ялпи маҳсулоти билан алмаштирмаслик керак.Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ялпи маҳсулоти анча кенг маънога эга бўлиб, у ўз ичига қишлоқ хўжалик маҳсулотидан ташқари ёрдамчи, саноат ва бошқа ишлаб чиқаришларни, иш ва хизматларни олади. Масалан: хўжаликда қайта ишланган ( ун, ўсимлик, мол ёғи ва ҳ.к) деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ва бошқалар қишлоқ хўжалик маҳсулоти эмас, балки саноат маҳсулоти ҳисобланади. Улар ҳам қишлоқ хўжалик корхоналари ялпи маҳсулоти таркибига киради.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини умумий ифодалаш учун таққослама ва жорий баҳоларда, шунингдек маҳсулот таннархи бўйича баҳолаш лозим. Маҳсулотнинг умумий ҳажмини, унинг йиллар бўйича динамикасидаги ўзгаришларни аниқлаш учун, шунингдек, йиллик ва соатлик меҳнат унумдорлик даражасини, фонд қайтимини ҳисоблаш ва бошқа мақсадлар учун ялпи маҳсулот таққослама баҳоларда баҳоланади. Ялпи маҳсулотни жорий баҳоларда аниқлаш соф даромадни ҳисоблаш учун фойдаланилади. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулотлари қиймати унинг
таннархи бўйича ҳисобланади. Пулда ифодаланган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти тармоқда барча яратилган моддий бойликларга умумлашган тавсиф беради. У қишлоқ хўжалигининг жами ижтимоий маҳсулотдаги салмоғини, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тармоқ структурасининг даражаси ва динамикасини, алоҳида категориядаги корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ролини, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш учун зарур, умум иқтисодий кўрсаткич сифатида ҳаракат қилади.

Қишлоқ хўжалигида - пулда ифодаланадиган ялпи маҳсулот кўрсаткичларининг бир қатор камчиликлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

1.Ялпи маҳсулот фақат жонли меҳнат эмас, балки буюмлашган меҳнатнинг ҳам натижасидир. Шунинг учун ялпи маҳсулот бўйича ҳисобланган кўрсаткичлар, жонли меҳнатни тежаш ҳисобига юқори бўлмасдан, балки моддий ресурсларни кўп сарфлаш ҳисобига амалга ошади;

2.Ялпи маҳсулотни ҳисоблашнинг ҳозирги - яъни деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари суммасини қўшиб ҳисоблаш методикаси такрорий 71ҳисоблашга йўл қўяди. Масалан: ем деҳқончиликда ҳам, чорвачиликда ҳам маҳсулотлар таннархи моддасида икки марта ҳисобга олинади;

3.Ялпи маҳсулотни жорий харид баҳоларида баҳолаш, унинг ҳақиқийқийматини пасайтиради, яъни ялпи маҳсулотнинг товар бўлмаган қисми таннарх бўйича баҳоланади. У харид баҳосидан соф даромаднинг миқдорича кам бўлади, яъни ялпи маҳсулотнинг қиймати қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг товар бўлмаган қисмини ишлаб чиқаришга кетган, қўшимча меҳнатни ҳисобга олмайди;
4.Ялпи маҳсулот кўрсаткичи ҳар доим ҳам маълум корхона коллективининг реал меҳнат ҳиссасини акс эттирмайди, чунки унинг миқдори бошқа тармоқлардан келадиган материал ресурсларнинг ҳажмига ҳам боғлиқ;
5.Таққослама баҳоларда ҳисобланган ялпи махсулот кўрсаткичи, унинг сифатини тўлиқ акс эттирмайди.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти фойдаланишига қараб, икки қисмга бўлинади.

**Бир қисми** (уруғ, ем, бузоқлар учун ажратилган сут, инкубатор учун тухум ва бошқалар) бевосита қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш мақсадлари учун истеъмол қилинади.

**Бошқа қисми** эса пировард маҳсулот дейилади ва сотиш учун фойдаланилади.

Шу сабабли қишлоқ хўжалигида «ялпи оборот» тушунчаси ҳам ишлатилади. Ялпи маҳсулотдан фарқ қилиб, ялпи оборот ўз ичига ҳамма ялпи маҳсулотни олади, яъни ички ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланадиганини ҳам, сотиладиганини ҳам. Ялпи оборот ялпи маҳсулотдан ички ишлаб чиқариш оборотининг миқдорига кўпдир. Қишлоқ хўжалигида, бошқа тармоқлардан фарқ қилиб, ялпи оборот ва ялпи маҳсулот бир-бирига тенг. Чунки, ялпи маҳсулот ялпи оборот усули бўйича ҳисобланади, яъни унга ички хўжалик обороти ҳам киради. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида ялпи оборот кўрсаткичи ҳисобланилмайди.

Тармоқлар бўйича қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг таркиби қуйидагича бўлади:

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти:

I. Деҳқончилик маҳсулотлари:

а) қишлоқ хўжалик экинлари асосий маҳсулотнинг ялпи ҳосили;

б) кўп йиллик дарахтларни ўстириш;

в) тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғидаги ўзгариш (кузги экинлар харажати);

г) қўшимча маҳсулот (сомон, похол ва бошқалар).

II. Чорвачилик маҳсулотлари

а) қорамол ва паррандалардан хўжаликда фойдаланишдан олинган, маҳсулотлар (сут, жун, тухум, пилла, қоракўл тери ва бошқалар);

б) қорамол ва паррандаларнинг ўсиши (тирик вазнда);

в) бузоқлар, қўзи, улоқ ва бошқа олинган болалар;72

г) қолдиқ маҳсулотлар ( гўнг ва бошқалар ).

Пулда ифодаланган деҳқончилик ялпи маҳсулоти кўрсаткичи (ДЯМ) қишлоқ хўжалиги экинлари ялпи ҳосили қиймати (ЭЯХК), кўп йиллик дарахтларни ўстириш харажатлари қиймати (КЙДЎҚ), тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматидаги ўзгаришлар ва бошқа маҳсулотлар қиймати (Т ишлаб чиқариш ва БМК)дан ташкил топади.

$$\text{ДЯМ} = \text{ЭЯХК} + \text{КЙДУҚ} + \text{Т и/ч ва БМК} \qquad (1)$$

Ялпи маҳсулотнинг таркибида шахсий истеъмол фонди ва жамғариш фонди ўртасидаги рационал нисбат аҳамиятга эга. Унинг ташкил топиши

маҳсулотнинг таннархи ва баҳоси, бинобарин харажатлар рентабеллиги даражасига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигининг товар маҳсулоти деганда, ялпи маҳсулотнинг барча сотиш каналлари орқали, яъни давлат, матлубот кооперацияси, қишлоқ аҳолисига, деҳқон бозорида, ошхона орқали, болалар муассасаларига ва чет давлатларга сотиладиган қисмига айтилади.

Чорвачилик ялпи маҳсулоти (ЧЯМ) эса, моллар ва паррандалардан хўжаликда фойдаланиш натижасида олинган маҳсулотлар қиймати (МПМҚ); мол ва паррандалар тирик вазни ўсишининг қиймати (ТВЎҚ), олинган бола қиймати (ОБҚ) ва бошқа маҳсулот қиймати (БМҚ)дан ташкил топади.

$$\text{ЧЯМ} = \text{МПМҚ} + \text{ТВЎҚ} + \text{ОБҚ} + \text{БМҚ} \qquad (2)$$

Товар маҳсулотнинг сотилган ва бу учун пул олинган қисми сотилган маҳсулот дейилади. Шунинг учун «Товар маҳсулот» тушунчаси «Сотилган маҳсулот» тушунчасидан кенгдир. Агар товар маҳсулотнинг ҳаммаси сотилса, у ҳолда иккаласи тенг бўлади. Хўжаликларнинг ҳозирги ҳисоботларида товар маҳсулотнинг реал миқдори ва қиймати аниқланмайди.

Сотиш пайтида сотилган маҳсулот натурал формадан пулда ифодаланган қиймат формасига ўтади. Сотилган маҳсулотнинг бир қисми ўша заҳотиёқ қиймат шаклини олади. Бу четга кўрсатилган хизматлар ёки бошқа корхоналар учун бажарилган ишларга олинган пул тушумидир. Бир бутун қишлоқ хўжалигининг ҳамда алоҳида қишлоқ хўжалик корхоналари ва алоҳида маҳсулот турларининг товарлилиги икки кўрсаткичда ифодаланади:

1. Товар маҳсулотининг массаси;
2. Товарлилик даражаси.

Бу кўрсаткичларнинг ҳар бири ўзи мустақил аҳамиятга эга, аммо товар фондининг абсолют миқдори ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида товарлилик даражаси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у сотилган маҳсулотни ялпи маҳсулотга бўлиб топилади ва фоизларда ифодаланади.

Алоҳида маҳсулот тури бўйича товарлилик даражасини аниқлашда ялпи маҳсулот ва товар маҳсулот натурал кўринишда фойдаланилади. Маълум бир тармоқнинг ёки бутун қишлоқ хўжалигининг товарлилик даражасини аниқлашда ёки ҳар хил маҳсулот чиқарадиган турли тармоқ товарлилик даражасини солиштирганда ялпи сотилган маҳсулотнинг қиймат кўринишидан фойдаланилади. Бунда ялпи маҳсулот ва сотилган маҳсулот бир хил баҳода баҳоланиши мақсадга мувофиқдир.

**Мавзуга оид саволлар**

1Қишлоқ хўжалигининг ялпи ва товар маҳсулоти ва уларнинг тақсимланиши нима?
2. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг даромади, фойдаси ва самарадорлиги.
3. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.

## 17-МАВЗУ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАР

*Режа:*

1. *Шартнома тўғрисида умумий тушунчалар.*
2. *Шартномавий муносабатларни амалга оширишнинг асослари.*
3. *Қишлоқ хўжалик корхоналари билан тузиладиган шартномалар.*
4. *Шартномаларнинг бажарилишида томонларнинг жавобгарлиги ва шартномалар бажарилишини мониторинги.*

Шартнома - бу бозор муносабатлари шароитида барча мулк шаклидаги корхоналар, шунингдек қишлоқ хўжалиги корхоналари хамда бошқарув органлари уртасидаги иктисодий муносабатларни тартибга соладиган асосий ҳуқуқий хужжат бўлиб хисобланади.

Хўжалик шартномасининг тушунчаси ва хусусиятлари:

Тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти сохасида товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини олиш, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул килиб олиш ва уларнинг хакини тулаш мажбуриятини олиш буйича тузилган келишув хўжалик шартномаси дейилади.

Хўжалик шартномасининг хусусиятлари:

1. Шартнома факат тадбиркорлик фаолияти сохасида, яъни фойда олиш мақсадида;
2. Шартнома юридик шахслар ва якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорлар уртасида;
3. Шартнома товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш тўғрисида;
4. Шартнома факат ёзма тарзда тузилади.

Қишлок хўжалик корхоналари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида сифатли, арзон, экологияга салбий таъсир кўрсатмайдиган зарур қишлоқ хўжалик машиналарини, кимёвий воситаларни, ёкилги ва бошқа зарур материалларни бевосита саноат тармоқларидан сотиб олиш учун шартнома тузадилар. Улар шунингдек, техникаларини таъмирлатиш, ерларни хайдаш, хосилни йигиб- териб олиш мақсадида ихтисослашган машина-трактор парклари билан, хашоратларга хамда зараркурандаларга карши курашиш мақсадида эса кимёвий хизматларни амалга оширадиган ташқилотлар билан, экинларнинг сувга бўлган талабини кондириш учун сув хўжалиги ташқилотлари билан шартномаларни расмийлаштирадилар. Шартномаларнинг шартлари бажарилишини томонлар, албатта, таъминлашлари керак. Шунда буюртмачининг хам, бажарувчининг хам фаолияти самарали бўлиб, яхши натижаларга эришилади. Лекин амалиётда буюртмани бажарувчилар шартномада кўрсатилган муддатда техникаларни, минерал угитларни, кимёвий воситаларни, ёкилгини, озуқа моддаларини истеъмолчиларга етказиб бермаслик, уларни сув билан тулик таъминламаслик холатлари вужудга келмокда. Бундай камчиликлар аксарият холларда шу тадбирлар тўғри ташқил этилмаганлиги окибатида юз бермокда. Мажмуадаги муносабатлар мақсадга мувофик ташқил этилмаганлиги етиштирилаётган махсулот микдорига, унинг сифатига салбий таъсир этади. Чунончи, талаб

этилган сув экинга вактида берилмаслиги окибатида аввало, унинг усиши сусайиб, хосил туплаши камаяди, талаб этилган техника вактида бориб, хосилни териб олмаса, хосил салмоги камайиб, сифати пасаяди. Шунинг учун шартномада кўрсатилган шартлар муддатида, сифатли амалга оширилишини таъминлайдиган барча чора- тадбирларни куриш мақсадга мувофикдир. Бунинг учун томонлар жуда интизомли, масулиятли, бир-бирига хурматда, маданиятли бўлишлари керак. Бу бозор иктисодиёти муносабатларининг энг муҳим талабидир.

Шартноманинг мукаммал, адолатли, томонлар учун узаро фойда асосида тузилиши ва шу билан биргаликда томонлар уз ҳуқуқлари доирасида талаб кила олишлари, хамда уз мажбуриятларини сузсиз бажаришлари муҳим аҳамиятга эга.

Шартномавий муносабатларни ташқил этишда хар бир тизимнинг самарали ишлашини ташқил этиш бутун технологик жараённи самарали ишлашига олиб келади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг фаолиятида шартнома муносабатлари муҳим урин эгаллаб, улар асбоб-ускуналар, техника, ёкилги-мойлаш материаллари, угит, курилиш материаллари ва бошқа моддий-техник воситаларга эга бўлиш, қишлоқ хўжалик махсулотларини етказиб бериш, хўжаликлараро хамкорлик, ердан фойдаланиш ва ер ижараси, сармоя сарфлаш жараёни, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг жамгарма бозорида катнашуви, сугурта, махсулот ташиш ва бошқа хўжалик фаолиятларини камраб олади.

Мулкчиликнинг узгариши турли хилда вужудга келган корхонанинг фаолият кўрсатишидаги мустакиллиги, ривожланиш дастурларини узлари ишлаб чикганликлари, тузилган шарномалар буйича факат узлари жавобгарлиги бундан буён тобора чукурлашиб боради. Бозор иктисодиёти шаротида хар бир муносабат шартнома асосида амалга оширилади ва конун устуворлиги хукмронлик килади.

Мажбурият - фукаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (карздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян харакатни амалга оширишга, чунончи: мол- мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тулаш ва хоказо ёки муайян харакатдан узини саклашга мажбур бўлади, кредитор эса карздордан узининг мажбуриятларини бажаришни талаб килиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мажбуриятлар қуйидаги:

- шартномадан;
- зиён етказиш натижасидан;
- конун хужжатларида белгиланган бошқа асослардан келиб чикади.

Хўжалик шартномаси шартнома шартларига хамда конун хужжатларининг
талабларига мувофик равишда, бундай шартлар ва талаблар бўлмаган холларда эса иш муомаласи одатларига мувофик бажарилиши лозим.

Хўжалик шартномасининг бажарилиши гаров, карздорнинг мол-мулкини ушлаб колиш, кафиллик, кафолат, заколат хамда конун хужжатлари ёки шартномада назарда тўтилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкин.

Республика Президенти, Вазирлар Махкамаси, Адлия вазирлиги ва бошқа ҳуқуқни химоя килувчи органлар, вилоят хокимлари шартномавий маъсулиятга доир жуда катта ишларни амалга оширмокдалар.

Фукаролик кодексида икки ёки бир неча шахснинг фукаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, узгартириш ёки бекор килиш хакидаги келишувлари шартнома деб кўрсатилган. У икки ва кўп томонлама узаро келишув битимлари шаклида вужудга келади.

Конун буйича шартноманинг мақсади хўжалик юритувчи субъектлар уртасида хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, узгартириш ва бекор килиш вактида юзага келадиган барча ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишдир.

Шартномаларни тузишнинг ҳуқуқий асослари, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг нимадан иборат эканлиги махаллий давлат хокимияти органларининг ва давлат бошқарув органларининг шартномавий муносабатлардаги ваколатларини узида мужассамлаштиради.

Эркин бозор иктисодиёти шароитида барча турдаги тадбиркорлик субъЭектлари уз мақсадларига узаро турли хилдаги муносабатларни амалга ошириш оркали Ээришадилар. Чунки бу Ээркин, ракобатли бозор иктисодининг асосий шартларидан биридир.

Бу муносабатлар куламига кура:

-давлатлараро;

-давлат билан корхона, ташқилот, фукаролар уртасида;

-корхоналар, ташқилотлараро;

-корхона, ташқилотлар билан ишчилар уртасида ва нихоят, фукаролар уртасида амалга оширилади.

Демак, бу муносабатлар икки ёки бир неча томонлар уртасида амалга оширилади. Одатда бу муносабатлар огзаки ёки ёзма шаклдаги келишувлар асосида амалга оширилади. Уларнинг иктисодиётдаги аҳамияти бекиёсдир. Жумладан, томонлар огзаки келишувларга асосланган холда турли хилдаги масалаларни тезкорлик билан хал этилишини таъминлаб берадилар. Бу сузсиз иктисодиётга таъсир этади. Лекин огзаки келишувлар юридик кучга, ҳуқуқга эга эмас. Шунинг учун бозор субъектлари барча муносабатларни ёзма равишда, хужжатлаштирилган холда амалга ошириши мақсадга мувофикдир.

Хозирги даврда қишлоқ хўжалик корхоналари давлат буюртмаларини (пахта хом ашёсига хамда галлага нисбатан) бажариш мақсадида давлат томонидан белгиланган ташқилотлар билан контрактация шартномаларини белгиланган муддатларда тузадилар. Давлат буюртмаларидан ортикча бўлган, хамда сабзавот, картошка, боғдорчилик, чорвачилик ва бошқа

махсулотларни эркин бозорда сотиш учун уларни олувчилар билан фьючерс шартномаларини тузишлари мумкин.

Дехкон, фермер хўжаликлари ва агрофирмалар махсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган минерал угитларни, бошқа кимёвий воситаларни, ёкилги-мойлаш материалларини, барча турдаги техникаларни, эхтиёт кисмларини сотиб олиш хамда барча турдаги хизматларни кўрсатувчи субъектлар билан фьючерс шартномасини тузмокдалар.

Контрактация шартномалари, шунингдек, моддий-техника ресурсларини етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан тузиладиган шартномалар хўжаликларнинг бизнес-режаларида назарда тўтилган холатлардан келиб чиккан холда, агротехника тадбирларини амалга ошириш бошланишидан 1 ой олдин, лекин календар йил бошланишдан кечикмай тузилади. Шартномаларни тузишга хўжалик, ташқилот рахбарлари мутахассислари билан биргаликда, ижодкорлик рухида барча ижобий хислатларга асосланиб, бурч ва масъулиятларини тушунганлари холда ёндашишлари лозим. Шундагина уларнинг сифатли ва уз вактида тузилиши таъминланади. Барча турдаги шартномалар республикада ишлаб чикилган намунавий шаклларга амал килинган холда манфаатдор субъектлар томонидан мустакил холда тузилиши лозим.

^ишлок хўжалиги махсулотлари етиштирувчилар, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташқилотлари уртасида шартномалар тузиш ва уларни бажаришда пайдо бўладиган муносабатларни тартибга солади, шунингдек уларни туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида руйхатдан утказиш хамда уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартибини белгилайди.

Контрактация шартномаси буйича хўжалик бундай махсулотларни қайта ишлаш ёки сотиш учун харид килувчи шахсга қишлоқ хўжалиги махсулотларини келишилган муддатларда бериш мажбуриятини олади, тайёрловчи эса муайян нарх буйича келишилган муддатларда хак тулаб, ушбу махсулотларни сотиб олиш мажбуриятини олади.

Моддий-техника ресурслари (эхтиёт кисмлар, уруглик, ўсимликларни химоя килиш воситалари, ёнилги-мойлаш материаллари, минерал угит ва бошқалар) етказиб бериш юзасидан тузилган шартнома буйича етказиб берувчи ташқилот хўжаликка узи ишлаб чикарадиган ёки харид киладиган моддий-техника ресурсларини қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштиришда фойдаланиш учун келишилган муддатда етказиб бериш мажбуриятини олади, хўжалик эса моддий-техника ресурсларини қабул килиб олиш ва улар учун белгиланган ёки келишилган нархлар буйича хак тулаш мажбуриятини олади.

Хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан тузилган шартнома буйича бажарувчи ташқилот хўжалик буюртмасига биноан механизациялашган ишларни бажариш, сервис, агрокимё агротехника хизматлари ва қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириш билан боғлик бошқа хизматлар кўрсатишни таъминлаш мажбуриятини олади, хўжалик эса ушбу ишлар (хизматлар)ни қабул килиб олиш ва улар учун белгиланган ёки

келишилган нархлар буйича хак тулаш мажбуриятини олади.

Қишлоқ хўжалиги махсулотларининг айрим турларини давлат эхтиёжлари учун харид килиш мавжуд бўлган такдирда тайёрлов ташқилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат эхтиёжлари учун харид килинадиган қишлоқ хўжалиги махсулотларининг хисоб-китоб жамгармаси билан қишлоқ хўжалиги махсулотлари харид килишни маблаг билан таъминлаш тўғрисида белгиланган тартибда шартномалар тузади.

Хўжаликлар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташқилотлари уртасида қишлоқ хўжалиги махсулотлари сотиш, моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан тузилган барча турдаги шартномалар туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида руйхатдан утказилгандан кейин бажарилиши керак.

Шартномаларни тузиш ва бажаришда томонлардан хар бири уз мажбуриятларини энг юқори тежам билан, бошқа томонларнинг иктисодий манфаатларига риоя килган холда бажариши, мажбуриятларнинг зарур даражада бажарилмаслиги натижасида пайдо бўлиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олиш буйича зарур чора-тадбирларни куриши ва бошқа томонни ушбу чора-тадбирлар тўғрисида уз вактида хабардор килиши, шунингдек унга мажбуриятларни бажаришда кумаклашиши керак.

Мех,нат шартномаси ходим билан иш берувчи уртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим буйича ишнинг ички Меҳнат тартибига буйсунган холда тарафлар келишуви, шунингдек Меҳнат тўғрисидаги конунлар ва бошқа норматив хужжатлар билан белгиланган шартлар асосида тегишли хак эвазига бажариш хакидаги келишувдир. Ходим ва иш берувчи Меҳнат шартномасининг тарафлари бўлиб хисобланадилар.

Шартнома ижросини таъминлаш ва улар юзасидан мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги қуйидагилардан иборат:

**4-** боища тарафга етказилган зарарни тулайди;

**4-** хўжаликка мах,сулот етказиб бериш учун берилган бунак пулини кдйтаради;

-I- конун хужжатларида ва шартномада назарда тўтилган жаримани тулайди.

Контрактация шартномаларининг бажарилишида томонларнинг жавобгарлиги.

1. Қишлоқ хўжалиги махсулотларини контрактация шартномасида белгиланган ассортимент ва турларда, муддатларда топширишдан асоссиз буйин товлаган хўжалик тайёрловчига топширилмаган махсулот кийматининг 25 фоизи микдорида жарима тулайди. Жарима микдори утган давр (ой, чорак, йил)да махсулотнинг шаклланган уртача нархидан келиб чикиб, харид нархларига белгиланган устамалар тулашни хисобга олмасдан хисоблаб чикилади. Бундан ташкари, зарарнинг махсулот етказиб берилмаганлиги туфайли юзага келган, жарима билан копланмаган кисми хам туланади.

2. Қишлоқ хўжалиги махсулотини контрактация шартномасида белгиланган ассортимент, турлар ва муддатларда қабул килиб олиш рад этилган хар бир холат учун тайёрлов ташқилоти хўжаликка белгиланган устамалар тулашни хисобга олмасдан шаклланган уртача нархдан келиб чикиб қабул килинмаган махсулот кийматининг 25 фоизи микдорида жарима тулайди, тез бузилувчи махсулот буйича эса - унинг тулик кийматини тулайди. Бундан ташкари, махсулотни қабул килиш рад этилганлиги туфайли хўжалик кўрган зарарнинг жарима билан копланмаган кисми хам туланади.

3. Контрактация шартномасига мувофик топширилган (юклаб жунатилган) қишлоқ хўжалиги махсулоти учун хак тулашдан асоссиз бош тортилганда (хўжаликка тегишли суммаларни, белгиланган устамаларни хам кушиб, уз вактида хисоблаб утказмаганлик, хисоб-китобларнинг акцепт шаклида эса тулов топшириги акцептини асоссиз тулик ёки кисман рад этганда) тайёрлов ташқилоти хўжаликка туланмаган суммани, узи тулашдан бош тортган сумманинг 15 фоизи микдоридаги жаримани тулайди. Тайёрлов ташқилоти жаримадан ташкари хўжаликка муддати утказиб юборилган хар бир кун учун белгиланган муддатда туланмаган сумманинг 0,4 фоизи микдорида, бирок муддати утказиб юборилган суммаларнинг 50 фоизидан ортик бўлмаган пеняни тулайди.

4. Хўжаликни стандартлар талаблари ва техник шартларга жавоб берадиган, махсулотнинг тегишли турларини харид килишни тартибга солувчи йурикномалар ва коидаларда ёки контрактация шартномасида белгиланган микдорда ва муддатларда идиш ва ураш материаллари билан таъминланмаганлиги учун тайёрлов ташқилоти хўжаликка етказиб берилмаган идиш, ураш матералларининг етказиб бериш вактида амалда бўлган кийматининг 2 бараварi микдорида жарима тулайди. Тайёрловчининг хўжаликни идиш билан таъминламаганлиги махсулот сифатининг пасайишига ёки махсулотнинг бузилишига олиб келган бўлса, тайёрлов ташқилоти хўжаликка курилган зарарнинг жарима билан копланмаган кисмини хам тулайди. Бунда хўжалик сифациз қишлоқ хўжалиги махсулотлари етказиб берилганлиги учун жавобгарликдан озод килинади.

Моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш шартномаларининг бажарилишида томонларнинг жавобгарлиги.

1. Моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш буйича шартномада назарда тўтилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун хизмат кўрсатувчи ташқилот хўжаликка белгиланган устамалардан ташкари етказиб берилмаган моддий-техника ресурслари ёки кўрсатилиши керак бўлган хизматлар кийматининг 25 фоизи микдорида жарима тулайди. Жаримадан ташкари хизмат кўрсатувчи ташқилот хўжаликка моддий-техника ресурслари етказиб берилмаганлиги, ишлар бажарилмаганлиги ёки хизматлар кўрсатилмаганлиги натижасида етказилган зарарни тулайди.

2. Етказиб бериш муддати кечиктирилган, товарлар етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган такдирда

хизмат кўрсатувчи ташқилот хўжаликка муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бирок пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак. Пеня туланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартноманинг зарур даражада бажарилишидан ва етказиб бериш кечиктирилганлиги, товарлар тулик етказиб берилмаганлиги, ишлар бажарилмаганлиги ёки хизматлар кўрсатилмаганлиги туфайли етказилган зарарлар копланишидан озод килмайди.

Хизмат кўрсатиш ташқилотларининг айби билан хўжаликлар томонидан контрактация шартномалари бажарилмаслиги (зарур даражада бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар ушбу ташқилотлар томонидан белгиланган тартибда копланади.

Шартномалар бажарилишидаги умумий холатларда жавобгарлик.

1. Томонлар уртасида келишилган жадвалга мувофик келган транспортнинг белгиланган муддатдан ортикча бекор туриб колганлиги учун айбдор томон бекор туриб колиш билан боғлик харажатларни тулайди. Бекор туриб колиш вакти томонлар уртасида имзоланган далолатномага мувофик расмийлаштирилади.

2 Товар-транспорт хужжатини расмийлаштириш рад этилганлиги ёки нотўғри расмийлаштирилганли учун айбдор томон бошқа томонга товар-транспорт хужжатини расмийлаштириш рад этилганлиги ёки нотўғри расмийлаштирилганлигининг хар бир холати учун энг кам ойлик иш хаки микдорида жарима тулайди.

Юклаб жунатилган товарларга тулов ёки товар-транспорт хужжатининг нусхаси белгиланган муддатда юборилмаганлиги ёки товарлар юклаб жунатилганлиги тўғрисида бошқа ахборот такдим этилмаганлиги учун айбдор томон хар бир холат учун товар кийматининг 1 фоизи микдорида жарима тулайди.

3. Зилзила, кўргокчилик, сув тошкини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар натижасида олдиндан куриш ва бартараф этиш мумкин бўлмаган холатлар (форс-мажор холатлар) муносабати билан уларнинг иродаси ва хохишига боғлик бўлмаган сабаблар буйича уз зиммаларига олган шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги учун бир томон бошқа томон олдида жавоб бермайди.

3. Томонларнинг келишувига кура шартномада шартнома мажбуриятлари бажарилмаслиги ёки зарур даражада бажарилмаслиги учун жавобгарликнинг амалдаги конун хужжатларига зид бўлмаган бошқа чоралари хам назарда тўтилиши мумкин.

Тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташқилотлари хисобот давридан кейинги ойнинг 10- кунидан кечикмай хар ойда хўжаликлар жойлашган жойдаги тегишли туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларини пахта, бошокли экинлар экиш буйича хўжаликлар билан тузилган шартномалар

бажарилишининг бориши тўғрисида хабардор килади.

Шартномалар бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби.

Тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташқилотлари хўжаликлар билан тузилган шартномалар бажарилиши мониторингини утказади.

Шартномалар бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг №383 қарорида белгилаб берилган. Бу тартибга кура ушбу мақсадларда тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташқилотларида хар бир хўжалик буйича шартномаларни руйхатдан утказиш ва уларнинг бажарилишини мониторинг килиш дафтари юритилади.Хизмат кўрсатувчи ташқилотлар хисобот давридан кейинги ойнинг 10- кунидан кечикмай хар ойда хўжаликлар жойлашган жойдаги тегишли туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларини пахта, бошокли экинлар дони етиштириш учун хўжаликлар билан моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) буйича тузилган шартномалар бажарилишининг бориши тўғрисида хабардор килади.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари хўжаликлар томонидан такдим этилган ахборотни 5 кун муддатда (15-кунда) вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларига юборади.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари вилоят буйича шартномалар бажарилишининг боришини 5 кун муддатда (20-кунда) умумлаштирадилар хамда туманлар, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташқилотлари буйича йигма ахборот тайёрлайдилар.

Йигма ахборот Ўзбекистон Республикаси ^ишлок ва сув хўжалиги вазирлигига хамда худудий адлия органларига юборилади. Адлия органлари хамда қишлоқ ва сув хўжалиги органлари тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташқилотлари томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилиши устидан уз ваколатлари доирасида назорат киладилар ва мониторинг олиб борадилар.

*Назорат ва муҳокама учун саволлар:*

1. Иктисодий ислохотларни чукурлаштиришда хўжалик шартномаларининг роли ва аҳамияти нималардан иборат?
2. Қишлок хўжалиги ишлаб чиқаришида хизмат кўрсатувчи сохалар билан алокалар кандай тартибда ўрнатилади?
3. Шартномани амалга оширувчи томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?
4. Шартномавий мажбурият кандай усуллар асосида таъминланади?
5. Шартномалар ижросини таъминлашда мансабдор шахсларнинг масулятини кучайтиришда нималарга эътибор бериш керак?
6. Шартномани бажарилишини мониторинг килиш кандай амалга оширилади?
7. Қишлок хўжалиги корхоналари кайси корхона ва ташқилотлар билан контрактация шартномаларини тузиши мумкин?

# 18-МАВЗУ: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАХСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШ, ҚАЙТА ИШЛАШ, СОТИШ ТИЗИМИ ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРИШ

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, мулкий муносабатларни такомиллаштириш, ички бозорларни сифатли маҳаллий товарлар билан тўлдириш ва пировардида мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини кўтариш борасида чуқур ҳамда пухта ўйланган иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишларидан бири индустриал тармоқлар иқтисодиётида прогресив силжишларга эришишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиқ йилларида ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб минтақалар потенциалига мос келадиган саноат тармоқларини барқарор ривожлантиришга киришди. Улар ичида қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш саноати (ҚХМҚИС) муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоғи, саноатнинг кўплаб тармоқлари учун асосий хом ашё манбаъи ҳисобланиб, уларни қайта ишлаш натижасида қўшимча қийматлар яратилади. Қишлоқ хўжалиги ички озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг 90 фоиз ини ва товар айланмасининг 70 фоизини таъминлайди. Шу боис мамлакат айрим минтақалари саноатининг ривожланиш ҳолати кўп ҳолларда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш даражасига боғлиқдир

Мустақиллиқ йилларида қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш саноатини устувор равишда ривожлантиришга киришилди. Жумладан, пахта хомашёсини қайта ишлаш салмоғи 30 фоизга етказилди. Эндиликда замонoвий техника ва технология билан қуролланган корхоналарда хом ашёни чуқур қайта ишлашга ўтилмоқда.

Х.Дэвис ва Р.Гольдберг “...қишлоқ хўжалиги хом ашёсини ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил қилишда таъминот ва хизмат кўрсатиш, фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва тақсимот соҳаларидан иборатдир” деган назарияни олға сурадилар.

Қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш саноати ўз хусусиятига кўра ихтисослашганлиги билан бошқа саноат тармоқларидан анча фарқ қилади. Мамлакатимиз саноат мажмуасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноати (ҚХМҚИС)ига енгил, озиқ-овқат, кенг халқ истеъмол товарларининг айрим турларини ишлаб чиқарадиган саноат тармоқлари киради. Аввало, шуни эслатиб ўтиш жоизки, ҚХМҚИСини худудий жиҳатдан ташкил этишнинг назарий асосларини саноатнинг бир тармоғи сифатида, иккинчи томондан унинг минтақавий жойланиш хусусиятларини аниқлаш зарур бўлади.

Иқтисодий адабиётларда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноати «саноат ишлаб чиқариши» таркибида умумий тарзда талқин этилади. Агросаноат тармоғига бағишланган адабиётларда “ҚХМҚИС” тўғрисида турли фикрлар бор. Жумладан, айрим олимлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасини тушунсалар, иккинчи гуруҳ олимлар енгил саноат тармоғи сифатида, учинчи гуруҳ олимлар эса кўпроқ халқ истемоли товарларини ишлаб чиқариш саноати сифатида тушунадилар.

Бизнинг фикримизча, уччала тушунча ҳам қисман тўғри ва бир бирини

тўлдиради. Маълумки қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан жуда кўп турдаги маҳсулотлар, шу жумладан енгил, озиқ-овқат ва кенг истимол товарлари ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, бирламчи қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва уларнинг чиқиндилари саноатнинг бошқа тармоқларида хомашё сифатида чуқур қайта ишланиб, улардан турли тайёр маҳсулотлар олишда фойдаланилади. Бизнинг фикримизча «қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш саноати» - "ҚХМҚИС" атамасини қайта ишлаш саноатидан фарқли равишда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки "қайта ишлаш саноати"да қазилма бойликлар, ўрмон бойликлари, металлни қайта ишлаш кабилар тушунилади. Шунинг учун бозор муносабатлари шароитида "ҚХМҚИС" тармоғига умумий саноат ишлаб чиқаришининг алоҳида бир қисми - категорияси сифатида, мамлакат иқтисодиётида алоҳида ўринга эга бўлган муҳим иқтисодий кўрсаткич сифатида қараш лозим.

Иқтисодиётни чуқурлаштириш шароитида минтақаларда ҚХМҚИСини ташкил қилишда табиий-иқлим шароит, қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг хусусиятлари, аҳолининг меҳнат кўникмаси, қайта ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари ҳисобга олиниши лозим бўлади. Чунки қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг айрим турларини (пахта, дон, жун, тери, зиғир, кунжут, кунгабақор дони) узоқ масофаларга етказиб, ўша жойларда қайта ишланиши мумкин бўлса, бошқа турлари (мева, узум, сабзавот, сут маҳсулотлари) ни етиштирилган жойларнинг ўзида қайта ишлаш маъқул ва зарур бўлади.

"ҚХМҚИС" категорияси таҳлили шуни кўрсатадики, қайта ишланадиган қишлоқ хўжалиги хом ашёси минтақа ижтимоий-иқтисодий меҳнат тақсимотида ихтисослашган хўжалик юритишнинг шаклланишида муҳим рол ўйнашини ҳисобга олиш лозим бўлади .

Республикмиз иқтисодий адабиётларда ҳам ҚХМҚИСини агросаноат мажмуининг бир тармоғи сифатида қаралади.

Ҳозирги даврда ҚХМҚИС тушунчаси алоҳида олинган минтақанинг ўзига хос ўрни, аҳамияти кенгайиб янги миқдор ва сифати такомиллашиб бормоқда. Бунда минтақа ҚХМҚИС - алоҳида мустақил ихтисослашган саноат тармоғи - худудий такрор ишлаб чиқариш тизими ҳисобланади. У бошқа саноат тармоқлари билан ўзаро узвий боғлиқликда ривожланадиган, умумий иқтисодий қонунлар таъсирида ўзига хос хусусиятлари ва маҳсулот турлари бўлган ишлаб чиқариш муносабатларига асосланган ҳолда ривожланмоқда.

Илғор мамлакатлар тажрибаларига кўра, минтақаларда хом ашё етиштиришга қаратилган бир томонлама йўналишни бартараф этиш учун қишлоқ хўжалиги хом ашёсини, мукаммалроқ қайта ишлашни ташкил этиш жуда катта иқтисодий самара беради. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тамойилларига биноан қайта ишловчи корхоналарни қишлоқ хўжалиги хом ашёси етиштириладиган жойга мумкин қадар яқинроқ қуриш, қишлоқда ихчам саноат корхоналари ва цехлар бунёд этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Қайта ишлаб чиқариш саноати тармоқларини ҳудудий жихатдан ташкил этишни такомиллаштиришда минтақанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, хом ашё ресурслари барқарорлигини таъминловчи шарт-шароитларни яхшилаш, зарурий ижтимоий-иқтисодий муҳитини вужудга келтириш муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Умуман, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш саноат

тармоқлари минтақалар иқтисодиётини мустаҳкамлайди, корхоналарнинг интеграцион жараёнини ривожлантиради. Уларнинг ривожланишига ички ва ташқи омиллар катта таъсир кўрсатади.

Демак, қайта ишлаб чиқариш саноатининг барқарор ривожланиш даражаси минтақалардаги қишлоқ хўжалигининг бугунги аҳволи, унинг маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига, сифатига ва турига бевосита боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш саноати қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

- истеъмолга тайёр, тугалланган маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтилади;
- импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, импортга қарамлилик чекланади;
- мамлакатнинг экспорт салохиятини оширишга имкониятлар яратади;

ҚХМҚИС-ти ривожланишини оқилона ташкил этиш мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётни эркинлаштиш шароитида саноат тармоқларини жойлаштиришда ва ривожлантиришда улар табақаланишувида кескин фарқлар бўлишининг олдини олиш турли механизмлар ва дастаклар орқали иқтисодиётнинг худудий таркибига билвосита таъсир кўрсатишдан иборат Бунинг учун минтақаларнинг оқилона ихтисослашувини таъминлаш, минтақаларора иқтисодий алоқаларни макбўллаштириш, минтақаларнинг жаҳон хўжалиқ тизимига интеграциялашувини чуқурлаштириш лозим бўлади.

Республикамиз вилоятларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноати ривожлантириш ва жойлаштириш тўғрисида кенг маънода сўз борганда, минтақалардаги қишлоқ хўжалиги хом ашёси ҳамда мавжуд меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш асосида бирон соҳага ихтисослашган (масалан, пахта хом ашёсини, боғдорчилик, узум, сабзавот, чорва маҳсулотларини ) қайта ишлаш саноат тармоғи тушунилади.

Ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида ҳар бир минтақада қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш саноатини ривожлантиришда унинг алоҳида худудлари (туманлари) бўйича оқилона ихтисослаштириш ва жойлаштириш мухим аҳамият касб этади. Минтақа саноат ишлаб чиқаришини худудий жиҳатдан оқилона жойлаштириш ва барқарор ривожлантириш ҳар бир худуднинг ўзига хос табиий ва иқтисодий потенциалини ҳисобга олишни тақоза қилади. Бу ўз навбатида мамлакат саноат ишлаб чиқариши салоҳиятининг юксалишига, саноатнинг ялпи ички масулотдаги улушининг ўсишига олиб келади. Саноат ишлаб чиқаришида аҳоли меҳнат фаолиятининг маълум минтақаларга бириктирилиши зарур товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар ташкил этиш шартидир. Бу минтақалар табиий-иқтисодий, инсон ресурслари, давлат ва аҳолининг капитал ресурсларидан самарали фойдаланиш, маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, улар таннархини камайтириш имкониятини яратади. Минтаталарнинг маълум турдаги товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашуви ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади.

Бизнинг фикримизча, “қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш саноатини худудий жиҳатдан оқилона ташкил этиш” деганда бозор иқтисодиёти хусусиятлари, жаҳон хўжалиги ривожланишидаги замонавий тенденциялар, минтақаларнинг табиий - иқтисодий салоҳияти, аҳолининг саноат маҳсулотларига бўлган этиёжларини тўлароқ қондиришга эришиш лозимлиги тушунилади.

ҚХМҚИСни минтақаларда ривожлантирилишида хом ашё хусусиятлари ва

захираларини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги шароитда қайта ишловчи корхоналарни қишлоқ хўжалиги хом ашёси етиштириладиган жойга мумкин қадар яқинроқ қуриш, қишлоқда ихчам саноат корхоналари ва цехлар бунёд этиш лозим. Бу тармоқларни худудларда оқилона жойлаштириш, ихтисослашувини чуқурлаштириш ва қайта ишлаб чиқариш саноати тармоқларининг мажмуавий ривожланишида акс этиши лозимдир. Замон талабидан келиб чиқиб, ҚХМҚИСни ҳудудий жихатдан ташкил этишни такомиллаштириш, ишлаб чиқилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, унинг таннархини камайтириш, тармоқнинг барқарор ривожланишига катта омил бўлади.

ҚХМҚИС тармоқларининг қишлоқ хўжалиги хом ашёсини тайёрловчи корхоналар билан иқтисодий муносабатларини, интеграцияси жараёнини тоборо ривожлантириб боришни тақоза қилади. ҚХМҚИС тармоқларини истеъмол моллари бозори билан алоқадорликни тартибга солиш тайёр маҳсулотларнинг омборларда тўплониб қолишига барҳам берилади.

ҚХМҚИС ривожланишида умумиқтисодий қонуниятлар талабига мувофиқ ўзига хос хусусиятларга эга. ҚХМҚИС нинг барқарор ривожланиши бир томондан минтақалардаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи корхоналар билан иккинчи томондан хом ашёни тайёр истеъмол товарига айлантирувчи корхоналар билан, учунчи томондан тайёр маҳсулотларни реализция қилувчи корхоналар ўртасидаги интеграцион алоқаларини ривожлантиради. Бошқача қилиб айтганда “маҳсулот етиштирувчи + қайта ишловчи + реализация қилувчи” занжир жараёнини ташкил этади. Мазкур таркибий тузилмага ички (транспорт, технология, ишчи кучи ...) ва ташқи (ноҳуш табиий таъсирлар - қурғоқчилик, сув босиш каби) омиллар хам ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

Мазкур тамойил нукти назаридан таҳлил қилинганида,Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлавчи саноат тармоқларини барқарор ривожлантириш учун қулай имкониятлар мавжуддир. Булар минтақанинг пахтачилик зонаси, шаҳар атрофи зонси, тоғ олди ва тоғ зоналарида турли хилдаги қишлоқ хўжалиги хом ашёсини етиштириш мумкинлиги, иккинчи томондан йирик шаҳар ва саноат марказларидаги истемолчилар мавжудлиги, қолаверса қайта ишланган маҳсулотларни хорижий мамлакатларга жўнатиш учун транспорт тизимининг қулайлиги ҳисобланади.

ҚХМҚИС тармоқлари ривожлантирилиши худудларда қуйидаги вазифаларни бажаради:

- истеъмолчилар билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари манфаатларини ўзида акс эттиради ва маҳсулот сифатини таъминлаш мақсадида, истеъмолчилар талабидан келиб чиқиб, бевосита хом-ашё етказиб берувчиларга талаблар қўяди;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб берувчилар маҳсулот қабул қилиб олишдаги меъёр ва талабларни аниқ билиб, уларнинг сифати ва хили, ишлаб чиқариш самарадорлиги, улардан оқилона фойдаланиш имконияти пайдо бўлади;
- қайта ишлаб чиқариш саноатининг қайси соҳасига устиворлик берилса, ўз таъсирини кўрсатиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ихтисослашувига олиб боради;
- ҚХМҚИС тармоқлари минтақа иқтисодиётнинг интенсив ривожланишига ижобий таъсир этади, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариб, экспорт салохиятини оширишга ёрдам қилади;

- қишлоқ хўжалиги, қайта ишловчи саноат ва истеъмолчилар ўртасида узвий занжир вужудга келади.

Ҳудудлар ривожланишида бундай янгича ёндашув мазмуни, моҳияти ва иқтисодий салоҳиятига кўра республикадаги қайта ишлаб чиқариш саноати давлатимизни аграр саноати индустирлашган, ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқади.

Мавзуга оид топшириқлар

1. Ўтилган мавзуни ўқиб чиқиш.
2. Берилган топшириқларни уйда бажариш
3. Мавзу бўйича тест ва кроссвордлар тузиш.

# АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР УЧУН ТОПШИРИҚЛАР, КЕЙС СТАДИ, ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР ВА ТЕСТЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ**

**“Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” ФАНИДАН**
амалий машғулоти учун масалалар тўпламини бажариш бўйича

# У С Л У Б И Й  К Ў Р С А Т М А

**Билим сохаси: 200000 – Иқтисодий соха, иқтисод ва хуқуқ.**
**Талим сохаси: 230000 – Иқтисод**
**Таълим йўналиши: 5230100 – “Иқтисодиёт (тармоқлар ва сохалар бўйича)”**

**НАМАНГАН -2019й**

“Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” фанидан амалий машғулотлар режаси ва машғулотлар учун масалалар тўпламини бажариш бўйича услубий кўрсатма: **5230100 -“Иқтисодиёт (тармоқлар ва сохалар бўйича)”** таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

“Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” фанидан мазкур услибий қўлланма намунавий дастур асосида тайёрланди. Услубий кўрсатмада мавзулар ва масалалар бўйича келтирилган тушунчалар ва фикирлар “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” фанини ўзлаштиришга амалий ёрдам беради.

**Тузувчилар:** **Б.**И.Рахимов-Наманган Мухандислик Технология Институти “Иқтисодиёт” кафедраси доценти

**Тақризчилар :** **О.Муртазаев-** Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, “Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва маркетинг” кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Хожибоев-** Андижон қишлоқ хўжалик институти, “Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия хисоби ва аудит “ кафедраси доценти и.ф.н.

Муаллифддан: Ушбу “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” фанидан амалий машғулотлар режаси ва машғулотлар учун масалалар тўпламини бажариш бўйича услубий кўрсатма камчиликларини бартарф этиш бўйича таклиф ва мулохазаларингиз бўлса “Иқтисодиёт” кафедрасига ёки raximov-baxrom@mail.ru почта орқали билдиришингизни сўраймиз.

“иқтисодиёт” кафедрасининг 2021 йил _1_ -сонли мажлисида муҳокама қилинган.

Ўқув-услубий кўрсатма Наманган мухандислик техналогия институти ўқув услубий Кенгашининг 2021 йил “_29__” августдаги _1_-сонли қарорига мувофиқ ўқув жараёнига татбиқ этиш учун тавсия этилган.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.

### Мавзу: “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” фанининг предмети, вазифалари ва услублари

**Амалий машғулотни ташқил этиш учун саволлар**

1. Қишлоқ хўжалигининг жаҳон, республика иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти.
2. Аграр ислоҳотларнинг устувор йўналишлари
3. “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежмент асослари” фаннинг предмети ҳамда вазифалари
4. “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежмент асослари” фаннинг предметини (мақсади) тадқиқот қилиш, ўрганиш усуллари. “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежмент асослари” фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги

**Услубий маслахатлар**

Биринчи саволни муҳокама қилишда қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти фани ўзи нимани ўрганади, унинг моҳияти нимадан иборат эканлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. У масалада қишлоқ хўжалигини республикамиз иқтисодиётидаги ўрни ва ахамиятига алохида эътибор қаратилиб,талабалар билан савол жавоб ташқил этилади. Иккинчи савол бўйича талабалар билан тарқатма материаллр асосида мамлакатимизда ўтказилаётган аграр ислохотлар тўғрисидаги кўникмалари синаб кўрилади. Шу ўринда мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр ислохотларнинг ижобий натижалари тўғрисида қатор мисоллар келтириш мақсадга мувофиқ. Мисоллар хаётий, оддий ва тушунарли бўлиш лозим. Шундан сўнг “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежмент асослари” фанининг мақсади аниқланади ва шу асосда талабалар билан фанни вазифалари тўғрисида мулоқот ташқил этилади.Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти фанинннг тадқиқот усулларини муҳокама қилишда бошқа фанларнинг тадқиқот усулларидан нимаси билан фарқ қилиши ва шу асосда бошқа фанлар билан алоқаси мухокама қилинади. Амалий машғулотининг якунида талабаларга мазкур фан талабаларага нима учун ўқитилаётганлиги, фанни муваффақиятли ўзлаштирилиши талабалар учун келгусида қандай фойдали натижалар бериши тушунтирилади.

***1. Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:***

1. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ўзаро алоқадор бўлган фанлар блоклари.
2. Фандаги назарий ечимларни топишга кўмаклашадиган усул.
3. Фанда қўлланиладиган статистик таҳлил усули.
4. Фанда қўлланиладиган монографик усул.
5. Ўсимликчилик тармоғини ташқил этувчилари.
6. Чорвачилик тармоғини ташқил этувчилари.
7. Асосий ўсимликчилик маҳсулотларини етиштираётган хўжаликлар.
8. Асосий чорвачилик маҳсулотларини етиштираётган хўжаликлар.
9. Қишлоқ хўжалигининг узоқ йиллар давомида турғунлиги ва инқирози сабаблари.
10. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг назарий ва услубий базаси.
11. Иқтисодий назария билан Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ўртасида ас. фарқни иф. муаммо.
12. Қишлоқ хўжалигида ҳаракат қиладиган умумиқтисодий қонунлар.

***Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:***

1. Иқтисодий, ижтимоий, аниқ ва табиий.

2. Тармоқдаги илғор хўжаликлар натижаларини таҳлил қилиш ва оммалаштириш усули.
3. Қорамолчилик, қўйчилик, йилқичилик, паррандачилик, чўчқачилик, асаларичилик Деҳқонларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий камситилиши; ходимларнинг ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларидан узоқлашиши, мулкка эгаликнинг паст даражада ташқил топиши; маъмурий режалаштириш ва баҳоларни белгилаш, маъмурий қўмондонлик тизимининг давом этиши; чегараланган моддий-техник таъминоти ва молиялаштириш, қайта ишловчи саноатларда моддий техника ва технологиянинг орқада қолиши; фаннинг ролини тўғри баҳоламаслик, фан-техника тараққиётидан фойдаланишнинг пастлиги.
4. Ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш.
5. Тармоқдаги ҳодисаларни кузатиш, кузатиш натижалари бўйича маълумотлар тўплаш, маълумотларни гурухларга бўлиш, гурухлар бўйича таҳлил қилиш ва Хўлоса чиқариш.
6. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш; жамғариш; қиймат, талаб ва таклиф; меҳнат унумдорлигининг ўсиб бориши ва бошқалар
7. Бир ҳодисанинг ривожланиши, иккинчи ҳодисанинг ривожланиши билан боғлаб ўрганишга асосланган диалектика усули.
8. Пахтачилик, дончилик, боғдорчилик, узумчилик, полизчилик, сабзавотчилик, картошкачилик, тутчилик ва шу кабилар. **9**. Фермер хўжаликлари. **11**. Деҳқон хўжаликлари. **12**. Иқтисодий назария.

***Жавоблар ва уларни текшириш жадвали***

| С | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ж | | | | | | | | | | | | |
| В/? | | | | | | | | | | | | |

## 2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.

### 2-Мавзу: Агросаноат мажмуасининг мохияти, таркиби ва вазифалари.

### Амалий машғулотни ташқил этиш учун саволлар.

1. Агросаноат мажмуасининг зарурлиги, мақсади, вазифалари ва тарқиби.
2. Агросаноат мажмуаси тарқибидаги тармоқлар ўртасидаги муносабатлар
3. Агросаноат мажмуасининг ҳолати, иқтисодий-ижтимоий самарадорлик даражаси

“**Қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти.**?” саволни йўналтирувчи услубий тавсиялар ёрдамида жадвалда жавоб бериш

| Савол | Қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти. |
|---|---|
| (Ф) Фикрингизни баён этинг | |
| (С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг | |
| (М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг | |
| (У) Фикрингизни умумлаштиринг | |

| | |
|---|---|
| | |

**Услубий маслахатлар**

Амалий машғулотни биринчи саволини муҳокама қилишда Агросаноат мажмуасини моҳияти ,қишлоқ хўжалигида АСМ нинг зарурияти масалаларини талабалар билан тарқатма материаллар асосида муҳокама этиш жараёнида АСМнинг мақсади ва вазифалари аниқланади.Режадаги биринчи саволни муҳокамасининг якунида АСМнинг таркиби тарқатма материаллар асосида мухокама қилинади.Иккинчи савол бўйича талабалар билан тарқатма материаллр асосида АСМ тарқибидаги тармоқлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар мухокама этилади. Шундан сўнг талабалар билан Агросаноат мажмуасининг ҳолати, иқтисодий-ижтимоий самарадорлик даражаси тўғрисида мулоқот ташқил этилади.Бу масалада АСМ нинг ижтимоий самарадорлиги ва иқтисодий самарадорлиги тушунчалари талабалар билан савол жавоб орқали мухокама қилинади. Амалий машғулотининг якунида талабаларга АСМ ни қишлоқ хўжалигидаги ўрни ва ахамияти.хозирги кунда АСМда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида жонли ва хаётий мисоллар келтирилиб тушунтирилади.

**Ўзбекистон халқ хўжалигининг асосий тармоқларини ва қишлоқ хўжалиги тармоқларини кластер технологияси ёрдамида изоҳланг.**



**Ўқув топшириғи:**

“Балиқ скелети” техникаси асосида **“Фермер хўжаликлари олдида турган муаммолар ва уларнинг ечимлари”?** саволига жавоб берилади.




***2. Қуйидаги жавобларни тўғри ёқи нотўғрилигини тасдиқланг:***

1. Қишлоқ ҳўжалиги ҳам халқ хўжалигининг муҳим соҳаси бўлиб, аҳоли истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг 95 %га яқинини беради.
2. Бугунги кунда республикамиз аграр-индустриал мамлакат ҳисобланади, аҳолисининг 60%и қишлоқларда яшамоқда, қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг катта қисмида эса аҳоли истиқомат қилмоқда.
3. Ўзбекистон табиий, табиий-иқлим ва тупроқ жиҳатидан ҳам деҳқончилик қилиш учун қулай жойга жойлашган.
4. Ўзбекистон пахтаси, қоракўл териси, пилласи, полиз, узум маҳсулотлари билан жаҳонга ўз шухратини ёймоқда. Ҳозир пахта етиштириш жиҳатидан жаҳонда бешинчи ўринни (Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Поқистон), пахта толаси экспорт қилиш жиҳатидан 2-ўринни эгаллаб келмоқда.
5. Қишлоқ хўжалигда 2 млн.га яқин меҳнат ресурси банд бўлиб, мамлакатда иш билан банд бўлган аҳолининг 13,7%га тенгдир.
6. Қишлоқ ҳўжалиги мамлакатимизнинг моддий ресурслари: трактор, қишлоқ ҳўжалиги машиналари, комбайнлар, автомобиллар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, кимёвий ўғитларнинг кўп қисмини истеъмол қилувчи (сотиб олувчи) муҳим ва катта соҳа ҳисобланади.
7. Бу фан иқтисодий қонунлар ҳаракати натижасида ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқарувчи кучларида юз берадиган ўзгаришларни назарий ва амалий асосларини ўргатишга қаратилмаган.
8. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти айрим ҳодисаларни чуқур ўрганмаса ҳам, ундан олинган натижаларни умумлаштирилган ҳолда амалга ошириш йўлларини ўргатади.
9. Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларнинг 99 фоизи нодавлат корхоналари ишлаб чиқармоқдалар.
10. Мамлакат деҳқончилиги суғоришга асосланганлиги учун катта миқдордаги сув ресурсларини талаб этади. Лекин бу талаб ички сув ресурслари билан атиги 40 фоизгагина қондирилмоқда.

11. Барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларни ишлаб чиқаришда республика иқтисодиётида банд бўлган меҳнат ресурсларининг ярми қатнашади.
12. Пахта, ғалладан ташқари бошқа турдаги маҳсулотларни етиштириб, уларни сотишда эрқинлик берилди. Тадбиркорларга ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун турли хилдаги имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

***Жавоблар ва уларни текшириш жадвали***

| С | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ж | | | | | | | | | | | | |
| В/? | | | | | | | | | | | | |

***3. Қуйидаги тестларни ишланг:***

***1. Қишлоқ хўжалигида асосий тармоқ қайси?***

А) маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар
В) маҳсулотни етиштиришдаги ишлаб чиқариш бўлими
С) энг кўп ва сифатли маҳсулот етиштирувчи тармоқ.
Д) ялпи маҳсулот тарқибидаги экин тури бўйича энг кўп маҳсулот етиштириладиган тармоқ.

***2. Аграр муносабатлар деганда нимани тушунасиз?***

А) ер билан боғлик бўлган муносабатлар
В) қишлоқ хўжалиги ва саноат ўртасида юз берадиган муносабатлар
С) қишлоқ хўжалигида махсулот етиштириш билан боглик муносабатлар
Д) қишлоқ хўжалиги да мулк асосида амал қиладиган муносабатлар.

***3. Давлат буюртмаси деганда нимани тушунасиз?***

А) қишлоқ хўжалигида давлат буюртмаси асосида товар ишлаб чиқариш
В) жамият учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни давлат томонидан рағбатлантириш
С) давлат буюртмаси бошкариш усуллари
Д) давлат буюртмасини ишлаб чиқариш тайёрлаш ва кайта ишлаб чиқариш.

***4. Қишлоқ хўжалик бозори қайси жавобда келтирилган?***

А) ресурслар бозори
В) ихтисослаштирилган бозор
С) деҳқон бозори
Д) ишлаб чиқариш омиллари бозори.

***5. Бозор талаби деганда нимани тушунасиз?***

А) товарларни сотишни тартибга солиш
В) бозорга тушадиган товарлар билан бозордаги мавжуд талабнинг мос келиши
С) товарлар сифатини истеъмолга чиқариш
Д) бозорга товарни келиб тушиши.

***6. Бозорни кайси қонун асосида бошкарилади?***

А) бозор қонуний йўллар билан бошкарилади
В) бозор стихияли равишда бошкарилади
С) бозорни мавжуд иктисодий қонунлар асосида бошкариш
Д) талаб ва таклиф қонуни асосида.

***Жавоблар ва уларни текшириш жадвали***

| С | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ж | | | | | | |
| В/? | | | | | | |

Амалий машғулот бўйича талабани рейтинги:

$$Р_а = Т_ж / Ж_{ст} \times 100 = \quad / \quad \times 100 = \quad \%$$

## 3-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.

## 3-Мавзу: Қишлоқ хўжалигида ер ресурслари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги

### Услубий маслахатлар

Амалий машғулотни бошлашда талабаларга бугунги амалий машгулот мавзусини мохияти ва мақсади хамда бажариладиган топшириқларни бажариш тартиби тушунтирилади.

Ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги қишлоқ хўжалигига ярoқли ерлар бирлигига энг кам мехнат ва маблағ сарфлаб кўпроқ хосил олишни билдиради. Ер ресурсларидан фойдаланиш кўрсатқичларига қуйидагилар қиради:

1. Қишлоқ хўжалик эқинларидан олинган хосилдорлик:

$$\mathbf{Х = ЯМ/ Мэ = ц/га} \qquad (1)$$

бунда: ЯМ – ялпи махсулот, ц
Мэ – эқин майдони, ц/га

2. 1 гектар қишлоқ хўжалик ерлари хисобига олинган:

а) ялпи махсулот қиймати:

$$\mathbf{ЯМҚ^{к/х}_{1\ га} = ЯМҚ/ М_{к/х} = сўм/га} \qquad (2)$$

бунда: $\mathbf{М_{к/х}}$ – қишлоқ хўжалик ерлари, га

б) фойда:

$$\mathbf{Ф^{к/х}_{1\ га} = Ф/ М_{к/х} = сўм/га} \qquad (3)$$

3. 1 гектар эқин майдони хисобига олинган:

а) ялпи махсулот қиймати:

$$\mathbf{ЯМҚ^{э}_{1га} = ЯМҚ/ Мэ = сўм/га} \qquad (4)$$

б) фойда:

$$\mathbf{Ф^{э}_{1га} = Ф/ Мэ = сўм/га} \qquad (5)$$

4. 1 гектар эқин майдони хисобига мехнат сарфи:

$$\mathbf{МС^{э}_{1га} = МС_{жами} / Мэ = қиши\text{-}соат/га} \qquad (6)$$

бу ерда: $МС_{жами}$ – жами мехнат сарфи, қиши-соат

Шундан сўнг талабаларни амалий машғулот дафтаридан мавзуга оид топширикларни белгилаб бажришларига рухсат берилади

**Топшириқ. Фермер хўжалигида ер фондидан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини аниқланг.**

**Топшириқни бажариш учун керакли маълумотлар.**

Хисоблаш учун керакли маълумотларни 1-жадвалда келтирилади.

Фермер хўжалигини ер фонди ва ундан фойдаланиш, га

| № | Ер фонди тарқибий қисмлари | йиллар | | | 2017 й. 2015 й. га нисбатан , % |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 2015 | 2016 | 2017 | |
| 1. | Қишлоқ хўжалик ерлари - жами<br>шундан: - экин майдони<br>- кўп йиллик дарахтлар | <br>20..<br>143 | <br>20..<br>156 | <br>20..<br>173 | |
| 2. | Ўрмон ерлари | 4 | 6 | 7 | |
| 3. | Сув хавзалари ерлари | 216 | 219 | 225 | |
| 4. | Томорқа ерлари ч | 658 | 656 | 675 | |
| 5. | Йўллар | 154 | 155 | 161 | |
| 6. | Бошқа ерлар | 494 | 476 | 453 | |
| 7. | Жами ер майдони: | | | | |

Ушбу жадвалнинг 2-қаторидаги охирги иккита нуқта ўрнига талаба журнал рақамини қўяди.

**Топшириқни бажарилиш тартиби.**

Юқорида келтирилган 1-жадвал ва (1)-(5) формулалардан фойдаланган холда қуйидагилар бажарилсин:

1. Хўжаликда экин майдонидан фойдаланиш.
2. Экин турлари бўйича хосилдорликлар.
3. 1 гектар қишлоқ хўжалиги ер хисобига олинган:
   а) ялпи махсулот қиймати
   б) соф даромад.
4. 1 гектар экин майдони хисобига олинган:
   а) ялпи махсулот қиймати
   б) соф даромад
5. 1 гектар экин майдони хисобига мехнат сарфи.

Хўжаликда экин майдонларидан фойдаланиш холатини тахлил қилиш учун қуйидаги жадвал маълумотларидан фойдаланилади.

Фермер хўжалигида экин майдонларидан фойдаланиш холати

| № | Экинлар турлари | 2015 | | 2016 | | 2017 | | 2017 й. 2015 й. га нисбат. фоизда |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | майдони, га | жамига нисбатан, % | майдони, га | жамига нисбатан, % | майдони, га | жамига нисбатан, % | |
| 1. | Пахта | | | | | | | |
| 2. | Буғдой | 720 | | 745 | | 728 | | |
| 3. | Шоли | 35 | | 32 | | 37 | | |
| 4. | Сабзавот | 9 | | 6 | | 6 | | |
| 5. | Макка дони | 15 | | 10 | | 13 | | |
| 6. | Картошка | 15 | | 17 | | 10 | | |
| 7. | Боғлар | 82 | | 82 | | 82 | | |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 8. | Узумлар | 42 | | 42 | | 42 | | |
| | Жами: | 20.. | 100,0 | 20.. | 100,0 | 20.. | 100,0 | |

Ушбу жадвалнинг 9-қаторидаги охирги иккита нуқта ўрнига талаба вариант рақамини қўяди.

Фермер хўжалигида ер фондидан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини аниқлаш

| № | Кўрсатқичлар | Ўлчов бирлиги | Йиллар | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2015 | 2016 | 2017 |
| 1. | Қишлоқ хўжалиги ерлари | га | | | |
| 2. | Жами мехнат сарфлари | м. Қиши-соат | 2745 | 3471 | 3492 |
| 3. | Ялпи махсулот | м. сўм | 69829 | 106644 | 139001 |
| 4. | И/ч харажатлари | м. сўм | 58039 | 100926 | 128687 |
| 5. | Фойда | м. сўм | | | |
| 6. | 1 га қ/х ерлари хисобига олинган:<br>а) ЯМҚ<br>б) фойда | <br><br>сўм/га<br>сўм/га | | | |
| 7. | 1 га қ/х ерлари хисобига мехнат сарфи | қиши-соат/га | | | |

Жадвалдаги баҳолар «шартли» берилган.

## 4-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.

### 4-Мавзу: Қишлоқ хўжалигида сув ресурслари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги

### Услубий маслахатлар

Амалий машғулотни бошлашда талабаларга бугунги амалий машгулот мавзусини мохияти ва мақсади хамда бажариладиган топшириқларни бажариш тартиби тушунтирилади.

Сув ресурсларидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида самарали фойдаланишнинг моҳияти кам ҳаражат билан суғориш суви бирлигига энг кўп маҳсулот етиштиришдир. Суғориладиган деҳқончиликда сувдан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш ва уни ошириб бориш ҳозирги кундаги муҳим вазифалардан биридир. Ана шу мақсадда суғориш сувидан фойдаланиш кўрсатқичларини аниқлаш ва иқтисодий таҳлил этиш талаб этилади. Ушбу кўрсатқичларга қуйидагилар киради:

1.Суғориш системасининг фойдали иш коэффициенти:

$$\textbf{ФИК}_{\textbf{сист}} = \textbf{W}_{\textbf{нетто}} / \textbf{W}_{\textbf{брутто}} \quad (1)$$

бунда: $\textbf{W}_{\textbf{нетто}}$ - экин майдонига оқиб қирган сув миқдори, м$^3$

$\textbf{W}_{\textbf{брутто}}$ – сув манбаидан олинган сув миқдори, м$^3$

2.Суғориш сувидан фойдаланиш коэффициенти:

$$\textbf{СФК} = \textbf{Е*Ф} / \textbf{W}_{\textbf{брутто}} \quad (2)$$

бунда: **Е** – 1 га майдондаги экинни вегетация даврида истеъмол қиладиган сув миқдори, м$^3$/ га

**Ғ**- экин майдони, га

$$\textbf{Е = м*н = м}^3\textbf{/ га} \qquad (3)$$
бу ерда: **м**- экин майдонини бир маротаба суғориш меъёри, $м^3$/га

**н**- экинни суғоришлар сони, марта

3. Суғориш суви маҳсулдорлиги:

а) миқдор кўринишида:

$$\textbf{М}^{м}_{сув} \textbf{ = ЯМ/ W}_{брутто} \textbf{ = ц/м}^3 \qquad (4)$$

б) қиймат кўринишида:

$$\textbf{М}^{к}_{сув} \textbf{ = ЯМҚ/ W}_{брутто} \textbf{ = сўм/м}^3 \qquad (5)$$

буларда: **ЯМ**- ялпи маҳсулот микдори, ц

**ЯМҚ**-ялпи маҳсулот қиймати, сўм

4.Ялпи маҳсулот миқдори:

$$\textbf{ЯМ = Ғ*Х = ц} \qquad (6)$$

бунда: **Ғ**- экин майдони, га

**Х**- экин ҳосилдорлиги, ц/га

5.Ялпи маҳсулот қиймати:

$$\textbf{ЯМҚ = ЯМ*Х}_{б} \textbf{ = сўм} \qquad (7)$$

бу ерда: $Х_б$- 1ц экинни харид ёки сотилиши баҳоси, сўм/ц

6.Фойда:

$$\textbf{Ф = ЯМҚ - Х}_{жами} \textbf{ = сўм} \qquad (8)$$

бунда: $Х_{жами}$ – экин етиштириш учун йил давомида сарфланган жами ҳаражат, сўм

$$\textbf{Х}_{жами} \textbf{ = ЯМ* Т}_{1ц} \textbf{ = сўм} \qquad (9)$$

бунда: $Т_{1ц}$ - 1ц экинни етиштириш таннархи, сўм/ц

7.1000$м^3$ сув ҳисобига олинган:

а) ялпи маҳсулот миқдори:

$$\textbf{ЯМ}_{1000м}{}^3 \textbf{ = ЯМ/ W}_{брутто} \textbf{ = ц/минг м}^3 \qquad (10)$$

б) ялпи маҳсулот қиймати:

$$\textbf{ЯМҚ}_{1000м}{}^3 \textbf{ = ЯМҚ/ W}_{брутто} \textbf{ = сўм/минг м}^3 \qquad (11)$$

в) фойда:

$$\textbf{Ф}_{1000м}{}^3 \textbf{ = Ф/ W}_{брутто} \textbf{ = сўм/минг м}^3 \qquad (12)$$

Шундан сўнг талабаларни амалий машғулот дафтаридан мавзуга оид топширикларни белгилаб бажришларига рухсат берилади

**Топширик. Хўжаликда суғориш сувидан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини аниқланг.**

**Топшириқни бажариш учун берилган маълумотлар.**

Берилган маълумотлар

| № | Кўрсатқичлар | Ўлчов бирлиги | Й и л л а р | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2015 | 2016 | 2017 |
| 1. | Экин майдони (пахта) | Га | 10.. | 12.. | 13.. |
| 2. | Ҳосилдорлик | ц/га | 30,1 | 32,5 | 33,9 |
| 3. | 1 ц пахтани ўртача харид баҳоси | сўм/ ц | 360.. | 420.. | 560.. |
| 4. | 1 ц пахтани таннархи | сўм/ц | 29140 | 33750 | 44370 |
| 5. | Ялпи махсулот | М.с | | | |
| 6. | И\Ч харажатлари | М.с | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 7. | Фойда | М.с | | | |
| 8. | Сув манбаидан олинган сув миқдори | млн.$м^3$ | 7,1 | 6,0 | 5,3 |
| 9. | Суғориш системаси ФИК | - | 0,72 | 0,70 | 0,73 |
| 10. | Суғоришлар сони (ўртача) | Марта | 4,1 | 4,2 | 4,0 |
| 11. | 1 марта суғориш меъёри | $м^3$/га | 1100 | 1200 | 1000 |

Ушбу жадвалнинг 1,3-қаторларидаги охирги иккита нуқта ўрнига талаба вариант рақамини қўяди. Жадвалдаги баҳолар «шартли» берилган.

Суғориш сувидан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини аниқлаш

| № | Кўрсатқичлар | Ўлчов бирлиги | Й и л л а р | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2015 | 2016 | 2017 |
| 1. | Сув манбаидан олинган сув миқдори | млн.$м^3$ | | | |
| 2. | Суғоришга берилган сув миқдори | млн.$м^3$ | | | |
| 3. | Суғориш системаси ФИК | - | | | |
| 4. | Сувдан фойдаланиш коэффициенти | - | | | |

## 5- АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.

### 5-Мавзу: Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари ва ундан самарали фойдаланиш

Амалий машғулотни бошлашда талабаларга мазкур мавзу бўйича амалий машгулотларнинг мавзусини мохияти ва мақсади хамда бажариладиган топшириқларни бажариш тартиби тушунтирилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш самарадорлик кўрсатқичларига таъсир кўрсатади. Шунинг учун, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва унумдорлигини ошириш бугунги қишлоқ хўжалигининг асосий вазифаларидан биридир. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш иқтисодий кўрсатқичларига қуйидагилар қиради:

1.Ишчилар сонининг ўзгариши:

$$^{+}_{-} ИС_{ўр} = ИШ_{ўрт} – ИС^{б}_{ўрт} = киши \qquad (1)$$

бунда: $ИШ_{ўрт}$ – ҳисобот йилидаги ўртача ишчилар сони, қиши

$ИС^{б}_{ўрт}$ –базис йилдаги ўртача ишчилар сони, қиши

$$ИШ_{ўрт} = (ИШ_{й.б.} + ИШ_{й.о.}) / 2 = киши \qquad (2)$$

$$ИС^{б}_{ўрт} = (ИС^{б}_{й.б.} + ИС^{б}_{й.о.}) / 2 = киши \qquad (3)$$

бу ерда: $ИШ_{й.б.}$, $ИШ_{й.о.}$, $ИС^{б}_{й.б.}$, $ИС^{б}_{й.о.}$ – ҳисобот ҳамда базис йилларининг йил бошидаги ва йил охиридаги ишчилар сони, қиши

2. Бир ишчи ҳисобига тўғри келадиган хизмат кўрсатадиган майдон:

$М^{1ишчи}{}_е = М_е$ / $ИС_{ўрт}$ = га, м²/қиши (4)

бунда: $М_е$– экин майдони; га, м²

3. 100 га, м² хизмат кўрсатадиган майдонга тўғри келадиган ишчилар сони:

$ИС_{100га, м}{}^2 = ИС_{ўрт} / М_{х.к}$ = қиши / га, м² (5)

4. Меҳнат унумдорлиги:

а) 1 ишчи ҳисобига олинган ялпи маҳсулот:

$МУ_қ = ЯМ / ИС_{ўрт}$ = сўм / қиши (6)

б) 1 қиши – соат меҳнат сарфи ҳисобига олинган маҳсулот қиймати:

$МУ_қ = ЯМ / МС$ = сўм / қиши - соат (7)

бу ерда: ЯМ- ялпи маҳсулоти, сўм

МС- меҳнат сарфи, қиши –соат.

Шундан сўнг талабаларни амалий машғулот дафтаридан мавзуга оид топширикларни белгилаб бажришларига рухсат берилади

**Топшириқ. Фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолатини ва меҳнат унумдорлигини аниқланг.**

**Топшириқни бажариш учун керакли маълумотлар.**

Берилган маълумотлар, қиши

| № | Меҳнат ресурслари турлари | Й и л л а р | | | 2017йилда 2015йилга нисбатан | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 2015 | 2016 | 2017 | (+,-) | % |
| 1. | Хўжаликдаги ишчи-ходимлар –жами | | | | | |
| | шундан:-еркаклар<br>-аёллар | 18<br>32 | 18<br>33 | 18<br>33 | | |
| 2. | Ишчилар | 12 | 12 | 12 | | |
| 3. | Хизматчи ва бошқарувчи ходимлар | 4 | 4 | 4 | | |
| 4. | 16 ёшгача ўспиринлар | 7 | 7 | 8 | | |

**Топшириқни бажариш тартиби.**

маълумотларидан ва (1) - (7) формулалардан фойдаланиб қуйидагилар жадвалларда аниқлансин ва иқтисодий таҳлил қилинсин:

1) 1 ишчи ҳисобига тўғри келадиган хизмат кўрсатиш майдони;

2) 1м² хизмат кўрсатадиган майдон ҳисобига тўғри келадиган ишчилар сони;

3) 1ишчи ҳисобига олинган иш ҳақи, маҳсулот қиймати, фойда;

4) 1қиши-соат меҳнат сарфи ҳисобига олинган иш ҳақи, маҳсулот қиймати, фойда.

Хўжаликда бир ишчига тўғри келадиган хизмат кўрсатаиш майдон ва 100 га хизмат кўрсатадиган майдонга тўғри келадиган ишчилар сонини аниқлаш

| № | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Йиллар | | | 2017 йилда 2015 йилга нисбатан | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2015 | 2016 | 2017 | (+, - ) | % |
| 1. | Ишчилар | киши | | | | | |
| 2. | Хизматчи ва бошқа-рув ходимлар | киши | | | | | |
| 3. | 16 ёшгача ўспиринлар | | | | | | |
| 4. | Йиллик ўртача ишчи - ходимлар сони – жами | киши | | | | | |
| 5. | Еқин майдони | га | 73 | 73 | 73 | | |
| 6. | 1 ишчи ҳисобига тўғри келадиган экин майдони | га/киши | | | | | |
| 7. | 1га экин майдонига тўғри келадиган ишчилар сони | киши/га | | | | | |

Хўжаликдаги меҳнат унумдорлигини аниқлаш

| № | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Й и л л а р | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2015 | 2016 | 2017 |
| 1. | Йиллик ўртача ишчилар сони | киши | | | |
| 2. | Меҳнат сарфи | минг киши-соат | 9.. | 6.. | 8.. |
| 3. | Ялпи маҳсулот | м.сўм | 350.. | 405.. | 728.. |
| 4. | 1 ишчи ҳисобига олинган ялпи маҳсулот | сўм /киши | | | |
| 5. | 1 киши –соат меҳнат сарфи ҳисобига олинган ялпи маҳсулот | сўм / киши-соат | | | |

Хўхаликда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш иктисодий самарадорлигини аниқлаш

| № | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Й и л л а р | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2015 | 2016 | 2017 |
| 1. | Йиллик ўртача ишчилар сони | киши | | | |
| 2. | Меҳнат сарфи | минг киши-соат | | | |
| 3. | Ишлаб чиқариш ҳаражатлари-жами<br>шундан:-иш ҳақи | м.сўм<br>м.сўм | 312..<br>138.. | 570..<br>150.. | 659..<br>238.. |
| 4. | Ялпи маҳсулот | м.сўм | | | |
| 5. | Фойда | м.сўм | | | |
| 6. | 1 ишчи ҳисобига олинган :<br>а) иш ҳақи<br>б) ялпи маҳсулот<br>в) фойда | <br>сўм /киши<br>сўм /киши<br>сўм /киши | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 7. | 1 қиши –соат меҳнат сарфи ҳисобига олинган:<br>а) иш ҳақи<br>б) ялпи маҳсулот<br>в) фойда | <br><br>сўм /қиши<br>сўм /қиши<br>сўм /қиши | | | |

Ушбу жадвалнинг 3-қаторидаги охирги иккита нуқта ўрнига талаба вариант рақамини қўяди. Жадвалдаги баҳолар «шартли» берилган.

Хулоса.

## 6-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.

### 6-Мавзу: Қишлоқ хўжалигида асосий ва айланма фондлар ҳамда улардан самарали фойдаланиш.

### Услубий маслахатлар

Амалий машғулотни бошлашда талабаларга мазкур мавзу бўйича амалий машгулотлар мавзусини мохияти ва мақсади хамда бажариладиган топшириқларни бажариш тартиби тушунтирилади.

Асосий фондлар фермер хўжалигида ишлаб чиқаришининг ташқил этувчилардан бири бўлиб, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида улардан самарали фойдаланиш зарuriятдир. Асосий фондлардан фермер хўжалигида фойдаланиш муҳим кўрсатқичларига қуйидагиларни қиритиш мумқин:

1. Хўжаликни фонд билан таъминланганлиги:

$$Ф^{х}_{таъм} = Ф_{ас} / М_{е} = сўм/ га \qquad (1)$$

бунда: $Ф_{ас}$ – хўжаликдаги асосий фондларнинг йиллик ўртача қиймати, сўм

$М_{е}$ – экин майдони, га.

2. Меҳнатни фонд билан қуролланганлиги:

$$Ф^{1киши}_{кур} = Ф_{ас} / ХС^{ўрт}_{йил} = сўм/қиши \qquad (2)$$

бу ерда: $ХС^{ўрт}_{йил}$ – хўжаликдаги йиллик ўртача ходимлар сони, қиши.

3. Фонд қайтими:

$$Ф_{қайт} = ЯМ / Ф^{и/ч}_{ас} = сўм/сўм \qquad (3)$$

бунда: ЯМ – ялпи маҳсулот, сўм

$Ф^{и/ч}_{ас}$ – асосий ишлаб чиқариш фондларининг йиллик ўртача қиймати, сўм.

4. Фонд сиғими:

$$Ф_{сиғ} = Ф^{и/ч}_{ас} / ЯМ = сўм/сўм \qquad (4)$$

Шундан сўнг талабаларни амалий машғулот дафтаридан мавзуга оид топширикларни белгилаб бажришларига рухсат берилади

**Топшириқ. Фермер хўжалигида асосий фондлардан фойдаланиш кўрсатқичларини аниқланг.**

**Топшириқни бажариш учун берилган маълумотлар.**

Ушбу жадвалнинг 1,2,5,6- қаторларидаги охирги иккита нуқта ўрнига талаба вариант рақамини қўяди. Жадвалдаги баҳолар «шартли» берилган.

**Топшириқни бажариш тартиби.**

9 – жадвалдан ва (1)-(4) формулалардан фойдаланиб қуйидагилар 20,21,22-жадвалларда аниқлансин ва иқтисодий таҳлил қилинсин:

1. Хўжаликдаги асосий фондларнинг тарқиби ва уларнинг ўзгариши.
2. Хўжаликни фонд билан таъминланганлиги. Меҳнатни фонд билан қуролланганлиги.
3. Фонд қайтими. Рентабеллик даражаси.

4. 1 сўм асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳисобига олинган фойда.

Берилган маълумотлар

| № | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Й и л л а р | | | 2017й.да 2015й.га нисбатан | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2015 | 2016 | 2017 | (+,-) | % |
| 1. | Асосий фондлар-нинг йиллик ўрта-ча қиймати-жами | м.сўм | | | | | |
| | шундан: - и/ч | м.сўм | 147.. | 234.. | 347.. | | |
| | - нои/ч | м.сўм | 2053 | 3003 | 3586 | | |
| 2. | Жами айланма фондлар | м.сўм | 188.. | 321.. | 386.. | | |
| 3. | Екин майдони | га | 73 | 73 | 73 | | |
| 4. | Хўжаликдаги й-к ўртача ходимлар сони | киши | 73 | 74 | 75 | | |
| 5. | Ялпи маҳсулот | м.сўм | 413.. | 658.. | 776.. | | |
| 6. | Маҳсулотни со-тишдан тушган пул тушуми | м.сўм | 405.. | 642.. | 769.. | | |
| 7. | Фойда | м.сўм | | | | | |

Хўжаликдаги асосий фондларнинг таркиби ва уларнинг ўзгаришини аниқлаш

| № | Асосий фондларнинг турлари | 2015й. | | 2016й. | | 2017й. | | 2017й.да 2015й.га нисба-тан, % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | қий-мати, м.сўм | салмоғи, % | қий-мати, м.сўм | салмоғи, % | қий-мати, м.сўм | салмоғи, % | |
| 1. | Бинолар | | 15,2 | | 13,8 | | 12,7 | |
| 2. | Узатиш мосламала-ри | | 8,1 | | 6,3 | | 5,9 | |
| 3. | Машина ва жиҳоз-лар | | 42,6 | | 46,3 | | 46,8 | |
| 4. | Транспорт воситала-ри | | 28,8 | | 29,2 | | 30,5 | |
| 5. | Хўжалик ва ишлаб чиқариш жихозлар | | 5,3 | | 4,4 | | 4,1 | |
| 6. | Бошқа асосий фонд-лар - жами<br>шундан:<br>- ишлаб чиқариш<br>- ноишлаб чиқариш | | 100,0 | | 100,0 | | 100,0 | |

Хўжаликда фонд билан таъминланганлик ва меҳнатни фонд билан куролланганлигини аниқлаш

| № | Кўрсатқичлар | Ўлчов бирлиги | 2015й. | 2016й. | 2017й. | 2017й.да 2015й.га нисбатан |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Асосий фондларнинг йиллик ўртача қиймати- жами | м.сўм | | | | |
| 2. | Хўжаликнинг экин майдони | га | | | | |
| 3. | Хўжаликни фонд билан таъминланган-лиги | сўм/га | | | | |
| 4. | Меҳнатни фонд билан қуролланганлиги | сўм/ қиши | | | | |

Хўжаликда асосий фондлардан фойдаланиш кўрсатқичларини аниқлаш

| № | Кўрсатқичлар | Ўлчов бирлиги | Й и л л а р | | | 2017й.да 2015й.га нисбатан | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2015 | 2016 | 2017 | фарқи, (+,-) | фоизда, % |
| 1. | Асосий фондларнинг йиллик ўртача қиймати-жами<br>шундан: -ишлаб чиқа-риш | м.сўм<br>м.сўм | | | | | |
| 2. | Жами айланма фондлар | м.сўм | | | | | |
| 3. | Ялпи маҳсулот | м.сўм | | | | | |
| 4. | Фойда | м.сўм | | | | | |
| 5. | Фонд қайтими | сўм/сўм | | | | | |
| 6. | Фонд сиғими | сўм/сўм | | | | | |
| 7. | Рентабеллик даражаси | % | | | | | |
| 8. | 1 сўм асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳисобига олинган фойда | сўм | | | | | |

## 7-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.
## 7-Мавзу: Қишлоқ хўжалигида инфратузилма ва уни ривожлантириш йўллари

Республикамиз мустақилликка эришганидан бошлаб, турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали фаолият юритишлари учун зарур инфратузилма объектлари ташқил қилиш ва уларга сифатли хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Маълумқи, Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларини устувор ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Аграр секторда фермер хўжаликлари сонининг кесқин ортиши, улар ер

майдонларининг мақбуллашуви, моддий-техника базасининг заифлиги, тадбиркорлик бўйича билим ва малакасининг етишмаслиги ҳамда бошқа сабаблар туфайли турли хилдаги хизматларга бўлган талабнинг ортишига олиб келди. Ислоҳотларнинг бошланғич даврлариданоқ, турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидаги қишлоқ хўжалик корхоналарининг хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан қатор қарорлар қабул қилиниб, амалга оширилиб келинмоқда.(

**2017 йилларда бир инфратузилма объекти ҳисобига тўғри келган фермер хўжалиги сонининг (юкламасининг) ўзгаришини нисбий фарқини ҳисоблаб чиқинг**

| **Инфратузилма объектлари** | **Йиллар** | | | | | **2017 й. 2013 й.га нисб.фарқи +, -** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | **2013** | **2014** | **2015** | **2016** | **2017** | |
| Фермер хўжаликлари сони | 66134 | 66134 | 70083 | 73588 | 76086 | |
| Мини банклар | 56,1 | 56,0 | 54,2 | 62,8 | 73,1 | |
| Муқобил МТП | 40,2 | 39,3 | 42,7 | 44,8 | 49,3 | |
| Минерал ўғитлар сотиш шохобчаси | 72,1 | 72,1 | 76,6 | 81,4 | 86,1 | |
| Сув истеъмолчилари уюшмалари | 41,6 | 44,5 | 46,6 | 48,7 | 50,9 | |
| ЁММ сотиш шохобчаси | 48,0 | 48,4 | 51,6 | 54,2 | 56,0 | |
| Қ-х маҳсулотлари сотиш шохобчаси | 156,0 | 157,5 | 202,6 | 212,7 | 274,7 | |
| Зооветеринария пунктлари | 25,5 | 25,5 | 27,0 | 28,4 | 30,0 | |
| Ахборот-консалтинг хизмати кўрсатиш шохобчалари | 213,3 | 208,0 | 205,5 | 215,8 | 219,3 | |
| Транспорт хизмати шохобчалари | 696,1 | 668,0 | 609,4 | 639,9 | 661,6 | |
| Тара-идишлар билан таъминлаш шохобчаси | 870,2 | 858,9 | 490,1 | 514,6 | 532,1 | |

***Манба:*** *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.*

Олиб борилган таҳлил Хўлосаларидан келиб чиқиб инфратузилма объектларини изчил ривожланмаётганлигининг сабаблари қуйидагиларда деб ҳисоблаймиз:

– аксарият фермер хўжаликларининг молиявий ҳолати қониқарли эмаслиги туфайли кўрсатилган хизматларга ўз вақтида тўловларни амалга оширилмаслиги инфратузилма объектларини барқарор ривожланишига асосий тўсиқ бўлаётганлиги;

– ҳудудларда инфратузилма объектлари томонидан амалга ошириладиган хизматларга бўлган ҳақиқий талабни ўрганмасдан туриб, қабул қилинган қарорларни бажариш нуқтаи назаридан ташқил этилиши ва оқибатда вақт ўтиши билан ўзини-ўзи молиявий жиҳатдан оқламаганлиги натижасида тугатилиши;

– аксарият инфратузилма объектлари (муқобил МТП, СИУ ва бошқа) собиқ ширкат хўжалиги моддий-технка базаси негизида ташқил этилганлиги ва йиллар давомида уни янгилашнинг самарали механизми ишлаб чиқилмаганлиги оқибатида зарар билан ишлаётганлиги ва ҳатто айримларининг тугатилиши;

– инфратузилма объектлари фаолиятини фермер хўжаликлари фаолиятининг пировард натижаси билан боғловчи узвий механизм ҳанузгача ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмаганлиги;

– инфратузилма объектларида ишловчи раҳбар ва ходимларнинг мутахассислиги ва бозор иқтисодиёти қонунлар бўйича малакаси, билим ҳамда кўникмалари етарли эмаслиги;

– айрим инфратузилма объектлари туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари билан узвий ҳамкорликда ишламаётганликлари ва бошқалар.(2)

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари қошида инфратузилма объектлари томонидан амалга ошириладиган хизматларга бўлган талабларни ўрганувчи, реклама хизматларини кўрсатувчи, маркетинг тадқиқотлари ўтказувчи, ахборотларни тўплаш билан шуғулланувчи марказ ташқил этиш мақсадга мувофиқдир. Марказ тасдиқланган экинлар жойлаштириш схемаси бўйича келгуси йил учун зарур бўлган ресурс ва хизматларга бўлган талабни аниқлаб бериши ва ҳар бир инфратузилма объекти билан узвий боғлиқликда ишлаши зарур.(3) Ушбу марказлар ҳудудларда қайси инфратузилма керакёқи керак эмаслиги бўйича ҳам Хўлоса бериши лозим;

– инфратузилма объектларини моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун имтиёзли ва узоқ муддатли кредитлар ажратиш механизмини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш, бунда ривожланган мамлакатларда синовдан ўтган кафолат фондларини ташқил этиш орқали банклар олдидаги кредитни қоплаш кафолатини ҳал этиш;

– жойларда инфратузилма шохобчаларини ташқил этиш, уларни янада ривожлантириш борасида амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар қиритиш, керак бўлса, айримлари бўйича янги қонун ёқи меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш зарур. Жумладан, СИУлар амалда хизмат кўрсатувчи, даромад олишга қаратилган, юридик шахс мақомига эга бўлган ташқилот ҳисоблансада, улар ҳозиргача нодавлат нотижорат ташқилот сифатида талқин қилинаётганлиги уларнинг бозор шароитида ривожланишида қатор ноаниқлик ва муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу боисдан, Ўзбеқистон Республикасининг “Сув истеъмолчилари уюшмаси тўғрисида”ги қонунини қабул қилиш зарур. Муқобил МТПлар мақоми ҳам ноаниқ бўлиб, амалдаги қонунлар бўйича масъулияти чекланган жамиятга ҳам ёқи бирлашмага ҳам мос тушмайди;

– инфратузилма объектларини малакали кадрлар билан таъминлаш ва унда ишловчи раҳбар ва мутахассисларни малакасини ошириш бўйича мунтазам

ишлайдиган тизим яратиш лозим. Бунда жойлардаги қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари мавжуд кадрларга ва уларни малакасини оширишга бўлган талабни аниқлаб ва вилоят бошқармалари орқали вазирликнинг олий укув юртлари ва коллежлари бошқармасига тақдим этиб боради.

Мазкур таклифларни амалиётга жорий этиш қишлоқ хўжалигида инфратузилма объектларини кенг тараққий этиши ва соҳада рақобат муҳити ривожланиши натижасида хизмат кўрсатиш сифатини ошиши ва нархларнинг арзон бўлишида муҳим замин бўлади деб ҳисоблаймиз.

## 8-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.

## 8-Мавзу: Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестициялар ва инновациялар уларнинг иқтисодий моҳияти

### Амалий машғулотни ташқил этиш учун саволлар.

1.Инвестиция. Инвестиция (капитал қўйилма) турлари.
2.Инвестицияларнинг ҳуқуқий асослари. Инвестиция (капитал қўйилма) борасидаги давлатнинг сиёсати. Ички ва ташқи инвестициялар.
3.Инвестициялар (капитал қўйилмалар)дан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсатқичлар.
4.Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантиришда нечта йўналиш бор?
5.Қишлоқ хўжалигида кўплаб инновациялар қандай ахамиятга эга?
6.Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш моделини амалга оширишга инновацион циклини аҳамияти?

### Услубий маслахатлар

Амалий машғулотни бошлашда талабаларга мазкур мавзу бўйича амалий машгулотнинг мавзусини моҳияти ва мақсади хамда бажариладиган топшириқларни бажариш тартиби тушунтирилади. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида капитал маблағлар эсқирган ёқи техник Хўсусиятларини йўқотган асосий воситалар ўрнига янги ва унумдорлиги юқорисини сотиб олишга, ишлаётганларини қайта таъмирлашга, асосий воситаларни бажариладиган ишларни комплекс механизациялаш мақсадида кенгайтиришга ва шу кабиларга сарфланади. Буларни ичида комплекс механизациялаш мақсадида сарфланадиган капитал маблағлар ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, ушбу маблағлардан фойдаланиш кўрсатқичларига қуйидагилар қиради:

1. Сарфланган капитал маблағлар хисобига:

а) меҳнат сарфини камайиши:

$МС_{қ}= МС_{қ.м} – МС_{м}$ = қиши-соат (1)

бунда: $МС_{қм}$ – комплекс механизациялашдан кейинги меҳнат сарфи, қиши-соат

$МС_{м}$ – мавжуд меҳнат сарфи, қиши-соат;

б) асосий воситаларни ишлатиш харажатларини камайишидан иқтисод:

$И_{и.х.к}=Х^{км}_{ишл} – Х^{м}_{ишл}$ = сўм (2)

бу ерда: $Х^{км}_{ишл} – Х^{м}_{ишл}$ – комплекс механизациялашдан кейинги ва мавжуд асосий воситаларни ишлатиш харажатлари, сўм;

в) иш ҳақини тежашдан олинадиган иқтисод:

$Ии/х=Х^{к.м}_{и/х} – Х^{м}_{и/х}$= сўм (3)

$X^{к.м}_{и/х}$ ; $X^{м}_{и/х}$ – комплекс механизациялашдан кейинги ва мавжуд иш ҳақи харажатлари, сўм;

г) бошқа харажатларни камайиши хисобига олинадинган иқтисод:

$И_{бх}=Х_{б}^{км} – Х_{б}^{м}$= сўм (4)

$Х_{б}^{км}$ ; $Х_{б}^{м}$ – комплекс механизациялашдан кейинги ва мавжуд бошқа харажатлар, сўм;

д) жами йиллик иқтисод:

$И_{жами}=И_{их} + И_{бх}$=сўм. (5)

2. Капитал маблағларни қоплаш муддати:

$Қ_{м}=Қ_{см}/И_{жами}$=йил (6)

$Қ_{км}$ – бажариладиган ишларни комплекс механизациялашга сарфланган капитал маблағлар, сўм.

3. Иқтисодий самарадорлик коэффиценти:

$С_{қ}=я/Қ_{м} = И_{жами}/Қ_{км}$ (7)

4. Олинган натижаларни меёрий кўрсатқичлар билан таққослаш:

$қ \geq Қ_{мм}$ (8)

$Қ_{мм}$ – капитал маблағларни меёрий қопланиш муддати, йил (комплекс механизациялаш бўйича $Қ_{мм}$ = 6 йил)

$С_{к} \leq С_{қ.м}$ (9)

$С_{км}$-иқтисодий самарадорлик меёрий коэфиценти (комплекс механизациялаш бўйича $С_{км}$=0,165)

**Топширик. Сут етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалигида бажариладиган ишларни комплекс механизациялашга сарфланадиган капитал маблағлардан фойдаланиш кўрсатқичларни ҳисобланг.**

**Топшириқни бажариш учун керакли маълумотлар.**

Берилган маълумотлар (63 бош сигирлар учун)

| Т/р | Кўрсатқичлар | Ўлчов бирлиги | Мавжуд | | Комплекс мех-шдан кейин | | Фарқи | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1 бош учун | жами | 1 бош учун | жами | +,- | % |
| 1 | Комплекс механизациялашга капитал маблағлар | м. сўм | - | - | 12.. | | | |
| 2 | Меҳнат сарфи | киши-соат | 135 | | 79 | | | |
| 3 | И/ч харажатлари | м. сўм | 22.. | | 19.. | | | |
| | шундан: а) асосий воситаларни ишлатиш харажатлари | м. сўм | 13.. | | 11.. | | | |
| | шундан: -иш ҳақи | м.сўм | 5.. | | 4.. | | | |
| | -амортизация, жорий таъмирлаш, ЁММ, электр энергия харажатлари | м. сўм | 8.. | | 7.. | | | |
| | б) бошқа харажатлар | м. сўм | 9.. | | 8.. | | | |
| 4 | Йиллик соғиб олинган сут | кг | 2500 | | 2760 | | | |

Ушбу жадвалнинг 3- қатордаги охирги иккита нуқта ўрнига талаба вариант рақамини қўяди. Жадвалдаги баҳолар «шартли» берилган.

**Хўжаликда комплекс механизациялашга сарфланадиаган капитал маблағлардан фойдаланиш кўрсатқичларини аниқлаш**

| Т/р | Кўрсатқичлар | Ўлчов бирлиги | Қиймати (миқдори ) |
|---|---|---|---|
| 1 | Жами капитал маблағлар | Сўм | |
| 2 | Сарфланган капитал маблағлар хисобига:<br>а) меҳнат сарфини камайиши | қиши-соат | |
| | б) асосий воситаларни ишлатиш харажатларини камайишидан олинган иқтисод | Сўм | |
| | шундан: иш ҳақи тежалишидан олинадиган иқтисод | Сўм | |
| | в) бошқа харажатларни тежашдан олинадиган иқтисод | Сўм | |
| | Жами йиллик иқтисод: | Сўм | |
| 3 | 1 ц сут учун сарфланган меҳнат: - мавжуд | қиши-соат | |
| | - комплекс механизациялашдан кейин | Сўм | |
| 4 | 1 ц сут таннархи: - мавжуд | Сўм | |
| | - комплекс механизациялашдан кейин | Сўм | |
| 5 | Капитал маблағларни қоплаш муддати | Йил | |
| 6 | Иқтисодни самарадорлик коэффициенти | Йил | |

**Топшириқни бажариш тартиби.**

Юқоридаги 6-жадвал маълумотларидан ва (1,-(9) формулалардан фойдаланиб қуйидагилар 7- жадвалда аниқлансин ва иқтисодий тахлил қилинсин:

1. меҳнат сарфини камайиши;
2. асосий воситалар ишлатиш харажатларнинг камайишидан олинган иқтисод;
3. иш ҳақи тежалишидан олинган иқтисод;
4. бошқа харажатларни камайишидан олинган иқтисод жами йиллик иқтисод;
5. капитал маблағларни қоплаш муддати ;
6. иқтисодий самарадорлик коэфиценти;
7. олинган натижаларни меёрий кўрсатқичлар билан таққослаш.

**Топшириқ. Қишлоқ хўжалигида инновациялар.**

Қишлоқ хўжалигида мавжуд муаммоларни ҳал этиш, хусусан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш ва сифатини ошириш фақат инновацияларни жорий этиш асосида мумкин бўлади. Лекин инновацияларни қишлоқ хўжалигига жорий этиш жуда кўп омилларни ҳисобга олишни назарда тутади. Ушбу омиллар қишлоқ хўжалик корхонаси фаолият кўрсатиш шароитларига боғлиқ ҳолда инновацион ечимларни талаб этади. Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш учта ўзаро боғлиқ йўналишларгаэга:

- инновация ва инсон омили, таълимни, илмий-тадқиқот соҳасини устивор ривожлантирганда, инновацион маҳсулотларнинг маълумотлар базаси, фермерларга ахборот-консалтинг хизматлари яратилгандагина уларнинг ўзаро таъсири самарали бўлади;
- биологик характердаги инновациялар, тупроқ унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ва ҳайвонлар маҳсулдорлигини ўстиришни

таъминловчи янги ишланмаларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш билан боғлиқ; бу ўзига хос йўналиш фақат қишлоқ хўжалигига хосдир;

- технологик характердаги инновациялар, меҳнат унумдорлигини ва фаолият самарадорлигини кескин оширишга имкон берадиган энерго- ва ресурс тежовчи техникаларни ва илмий сиғимли технологияларни қўллаш асосида АСМ тармоқлари техник-технологик салоҳиятини такомиллаштиришни таъминлайди. Бунда АСМ тармоқларини янги техника асосида технологик модернизация қилиш тўғрисида гап бормоқда.

Қишлоқ хўжалигига инновацияларни жорий этиш учун иқтисодий, технологик, ҳуқуқий, ташкилий- бошқарув, ижтимоий-психологик омилларни ҳаракатга келтириш лозим. Ҳозирда республикамиз АСМни ривожлантиришнинг асосий йўли - инновацияни ривожлантиришдир. Бунда АСМ ўзаро муносабатларнинг янги қоидаларига асосланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмол қилувчи хўжалик субъектлари, давлат ҳокимияти органлари ва ўзини-ўзи бошқарувчи маҳаллий органлар умумий тизими сифатида чиқиши керак. Бироқ, нафақат агросаноат тизимини барпо этиш, балки ҳаракатланишнинг умумий инновация қоидаларини ишлаб чиқиш ҳам кўпчилик омиллар ёрдамида белгиланади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг инновацион моделини амалга оширишнинг стратегик йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

1. Инновацион циклнинг барча босқичларида бизнес-лойиҳаларни узлуксиз молиялаштиришни таъминловчи молиявий институтларни яратиш. Бу йўналиш кичик инновацион тадбиркорликни қўллаб- қувватлаш фондини шакллантириш ва ривожлантиришни, уларнинг фаолиятини ресурс билан таъминлашни; венчур молиялаштиришни ривожлантиришни рағбатлантириш; инновацион фаолиятни қўллаб-қувватловчи давлат фондлари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги нормаларни такомиллаштиришни назарда тутади.
2. Инновацион инфраструктурани шакллантириш. Ушбу йўналиш технопаркларни ва бизнес- инкубаторларни ривожлантиришни, уларни яратиш меъзонларини ўрнатишни, инновацион фаолиятни мувофиқлаштирувчи ва бошқарувчи ҳудудий органларни ташкил этишни, янги билимлар, инновацияларни реал иқтисодиётга тадбиқ этишга ихтисослаштирилган инновацион корхоналарни ташкил этишни ўз ичига олади.
3. Қишлоқ хўжалигига маслаҳат бериш тизимини ривожлантириш. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш учун шароит яратиш, шу жумладан турли даражадаги мутахассислар ва раҳбарларнинг ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини таъминлашни тақозо этади.
4. АСМни маҳсулот ва технологик инновациялар асосида модернизациялаш. Кучли рақробат шароитида кўпчилик АСМ корхоналари инновацияларга эҳтиёж сезади, лекин у юқори риск сабабли талабга мос келмайди. Инновацияларни амалга оширишдаги риск маъмурий тўсиқлар, узоқ муддатли молиявий ресурслардан фойдаланиш муаммоси, хусусий-давлат ҳамкорлиги механизмининг ривожланмаганлиги билан боғлиқ.
   Юқоридагиларни эътиборга олиб, мамлакатимиз ҳукумати томонидан қатор тадбирлар амалга оширилмокда. Хусусан, мева-сабзавот

маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш бўйича илмий-тадқиқот ва ўқув ишлари, уруғчиликни ривожлантириш, кўргазмалик далаларни ташкил этиш ва замонавий техника ва технологияларни жорий қилиш ишларини амалга ошириш мақсдида Жаҳон банкидан 100 млн. АҚШ доллари микдорида маблағ ажратилиши кутилаяпти.

Қишлок хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш ва уларни кайта ишлашни ривожлантириш мақсадида Халқаро қишлоқ тараққиёти фонди ҳамкорлигида тайёрланган Мева - сабзавотчилик ва Чорвачилик йўналишидаги иккита лойиҳанинг умумий суммаси 60 млн.АҚШ доллари атрофида бўлиши кутилмоқда.

Чорвачилик илмий-тадқиқот институти томонидан Республикамиз шароитида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида10, 25 ва 50 бошга мўлжалланган фермаларда меҳнат сарфини 20- 30 фоизга камайишига ва сигирларнинг йиллик ўртача сут микдори 4000 кгдан юқори бўлишига эришиладиган экологик тоза сут ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилди.

Қашкар беданинг курғокчиликка, шўрга чидамли янги нави яратилди, унинг кўк поя ҳосили ўртача 350-450 ц/га тенг бўлди. Қоракўлчиликда селекция-наслчилик ишларини тўғри йўлга кўйиш ҳамда олимлар билан ҳамкорликда олиб борилган амалий ишлар натижасида қоракўл сур қўйларининг "Бухорои-шариф" завод типи ҳамда Навоий вилояти "Конимех" қоракўл наслчилик заводида қора рангли қовурғасимон типли "Саржал" завод типи яратилди.

Паррандачилик илмий маркази томонидан бройлер жўжаларнинг самарали озиклантириш ва жадал ўстириш технологияси (35-40 кунда тирик вазни 1,8-2,2 кг) ишлаб чиқилди.

Паррандачилик хўжаликларида маҳаллий ноаньанавий озуқа турлари ва биологик актив кўшимчалар асосида паррандалар учун иктисодий самарали озиклантириш рационлари ишлаб чикилди ва жорий килинди.

АСМда бозор муносабатларининг вужудга келиши даврида илмий-техника ва жорий этиш бизнеси пайдо бўлди ва ривожлана бошлади. Илмий ишланмалар, илғор тажриба, агар унга нисбатан талаб мавжуд бўлса, сотилиши мумкин бўлган товарга айланади. Илмий ишланмалар кўпрок амалий натижаларга йўналтирилади ва тижорат аҳамиятига эга бўлади. Инновация жараёнида камида ишлаб чиқарувчи (мулкдор) ва истеъмолчи (харидор) ёки энг кўпи билан воситачи (сотувчи) фаолият кўрсата бошлайди. Соҳада илмий-техника маҳсулоти бозорини шакллантириш жараёни кечмокда ва у такомиллашиб бораяпти. Илмий-техника фаолиятининг устувор йўналишлари ўзгармокда. Агар режали-таксимлаш тизимида устувор йўналиш ишлаб чикаришни жадал ривожлантириш асосида белгиланса, бозор тизимида асосий эътибор илмий-техника маҳсулоти истеъмолчисининг манфаатларига каратилади.

Қишлок хўжалигини инновацион ривожлантиришни бошкаришни такомиллаштириш иктисодиётнинг аграр секторини техник-технологик ва ташкилий-иктисодий модернизациялашга имкон беради.

## 9-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.

## 9-Мавзу: Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсиш ва интенсивлаштиришни иқтисодий асослари

Жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва бошқа барча муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўли – бу миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожлантириш орқали иқтисодий ўсишга эришишдир. Аҳоли фаровонлигининг ошиб бориши ҳам пировард натижада иқтисодий ўсиш даражаси ва суръатларига боғлиқ. 2014 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги– 6,9 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,3 фоизга ошди.

Америкалик олим Уолтер Ростоу (1916) ўзининг «Иқтисодий ўсиш босқичлари» (1960) қитобида жамиятнинг хўжалик ривожланиши босқичларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилди. Ростоу жамият тараққиётини босқичларга ажратишда техникавий-хўжалик кўрсатқичларини – техника тараққиёти даражаси, жамғариш нормаси, истеъмол даражасини асос қилиб олади. Унда ижтимоий омиллар иккинчи ўринга сурилади ва улар технологик шароитларни таъминлаш учун қанча зарур бўлса, фақат шунча даражада таҳлил этилади.

Иқтисодий ўсиш қонуниятлари иқтисодий тизим Хўсусиятларига боғлиқ эмас, улар бозор ва шунингдек, буйруқбозликка асосланган иқтисодиётда бир хил ҳисобланади.

У иқтисодий тараққиётнинг бешта босқичини кўрсатиб беради:

1. Анъанавий жамият: Ньютонгача бўлган фан ва техника ҳамда қишлоқ хўжалигининг устунлиги билан ифодаланади.

2. Ўтқинчи жамият: унда иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратилган бўлади; фан ютуқлари ишлаб чиқаришга татбиқ этилади, банклар пайдо бўлади, ишлаб чиқаришни инвестициялаш кучаяди.

3. Юксалиш даври (саноат инқилоби): эски анъанавий уклад асосан тугатилади, иқтисодий ўсиш нормал ҳолат ҳисобланади, ишлаб чиқарувчи саноатнинг асосий тармоқлари жадал ривожлантирилади, давлат экспортни рағбатлантиради.

4. Етуклик босқичи: аҳолининг ўсишига қараганда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг доимо ортиқ бўлиши таъминланади, миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви кучаяди, анъанавий жамият батамом тугатилади.

5. Оммавий истеъмол босқичи: узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол буюмлари ва хизмат кўрсатиш асосий аҳамият касб этади.

У АҚШ иқтисодий тизимини ижтимоий эволюциянинг юқори босқичи, оммавий истеъмолнинг юқори даражаси, барча бошқа мамлакатларнинг келажакдаги ривожи учун модель деб тасвирлайди.

Мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатини тавсифлайдиган мазкур кўрсатқичлар (реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига реал ЯИМнинг ўсиши) миқдорий кўрсатқичлар бўлиб, улар биринчидан, маҳсулот сифатининг ошишини тўлиқ ҳисобга олмайди ва шу сабабли фаровонликнинг ҳақиқий ўсишини тўлиқ тавсифлаб беролмайди; иккинчидан, реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиши бўш вақтнинг сезиларли кўпайишини акс эттирмайди ва фаровонлик реал даражасининг пасайтириб кўрсатилишига олиб келади; учинчидан, иқтисодий ўсишни миқдорий ҳисоблаш бошқа томондан унинг атроф-муҳитга ва инсон ҳаётига салбий таъсирини ҳисобга олмайди. Шунга кўра, иқтисодий ўсишнинг барча тавсифи йиллик ўсиш суръатларининг фоиздаги ўлчовида тўлиқ ўз ифодасини топади:

$$ЎС = ЯИМ_{жорий\ давр} – ЯИМ_{базис\ давр} / ЯИМ_{базис\ давр} \times 100\%$$

бу ерда:

ЎС – иқтисодий ўсиш суръати, фоизда;

ЯИМбазис давр – таққосланаётган давр (йил)даги реал ЯИМ ҳажми;

ЯИМжорий давр – жорий давр (йил)даги реал ЯИМ ҳажми.

Республикамиз тараққиётининг ҳозирги босқичи давлат тизимини ташқил қилувчи барча соҳаларда ўтказилаётган ислоҳотларни янада такомиллаштиришни тақозо этади. Бундай шароитда миллий иқтисодиётнинг янги конфигурацияси шаклланади. Иқтисодиётнинг ўсиши унинг барча соҳалари ривожланиши билан тавсифланади.

Иқтисодий ўсиш суръатининг аҳамиятини иқтисодчилар томонидан қўлланилувчи “70 миқдори қоидаси” ёрдамида ҳам очиб бериш мумкин. Бу қоидага кўра, миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилаётган ЯИМ ҳажмини 2 бараварга оширишда қанча вақт талаб этилишини аниқлаш учун 70 сонини йиллик ўсиш суръатига бўлиш керак бўлади. Масалан, мамлакатимиздаги ўсиш суръатининг 8 фоиз даражасида ЯИМни 2 баравар ошириш учун 8,7 йил талаб этилади (70:8). Ҳолбуқи, иқтисодий ўсишнинг 2000 йилдаги 4,0 фоиз даражасида бу кўрсатқичга 17,5 йилда (70:4) эришиш мумқин эди. Кейинги йилларда иқтисодий ўсиш суръатининг янада оширилиши бу муддатнинг аҳамиятли равишда қисқаришига олиб келади.

Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи омилларни шартли равишда икқи гуруҳга ажратиш мумқин. Биринчи гуруҳ омиллар таклиф омиллари деб ҳам аталиб, иқтисодиётнинг ўсиш лаёқатини белгилаб беради:

1) табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати;

2) ишчи кучи ресурслари миқдори ва сифати;

3) асосий капитал (асосий фондлар)нинг ҳажми;

4) технология ва фан-техника тараққиёти.

Бу омиллар ҳар бирининг ялпи маҳсулот ҳажмига таъсирини баҳолаш орқали иқтисодий ўсишни тавсифлаш мумқин.

Маълумқи, ялпи ичқи маҳсулот ишчи кучи, капитал ва табиий ресурслар сарфларининг функцияси ҳисобланади, яъни:

*Й = ф (Л, К, Н)*

бу ерда:

Й – ялпи ичқи маҳсулот;

Л – ишчи кучи сарфлари;

К – капитал сарфлари;

Н – табиий ресурслар сарфлари.

Иқтисодий ўсишга тақсимлаш омиллари ҳам таъсир қилади. Ишлаб чиқариш салоҳиятидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун нафақат ресурслар иқтисодий жараёнга тўлиқ жалб қилинган бўлиши, балқи жуда самарали ишлатилиши ҳам зарур. Ресурсларнинг ўсиб борувчи ҳажмидан реал фойдаланиш ва уларни керакли маҳсулотнинг юқори миқдорини оладиган қилиб тақсимлаш ҳам зарур бўлади.

Реал маҳсулот икки асосий усулда кўпайтирилиши мумкин: 1) ресурсларнинг кўпроқ ҳажмининг жалб этилиши; 2) улардан анча унумли фойдаланиш йўли билан.

Амалий ҳаётда иқтисодий ўсишни сусайтириб турувчи омиллар ҳам мавжуд бўладики, улар меҳнат муҳофазаси, атроф-муҳитнинг ифлосланиши каби ҳолатлар натижасида келиб чиқади. Кейинги йилларда республикамизда давлат томонидан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ходимлар меҳнат шароитини яхшилаш ва соғлиғини муҳофаза қилишни тартибга солишда муҳим тадбирлар амалга оширилди. Бу ўз навбатида, иқтисодий ўсиш суръатига салбий таъсир кўрсатади. Чунки бундай тадбирларни амалга ошириш тегишли харажатларни тақозо қилади. Шу орқали меҳнат унумдорлигини ошириш учун зарур бўлган маблағлар бошқа томонга жалб қилинади.

Ҳозирда Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш омилларидан имкон қадар самарали фойдаланишга эътибор қаратилган. Айниқса, иқтисодиётда ишчи кучининг самарали бандлигини таъминлаш бу борадаги муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Ҳар йили иқтисодиётда янги иш ўринлари яратиб борилмоқда. Масалан, 2014 йил мобайнида 1 миллионга яқин, жумладан, қичик бизнес соҳасида – 480 мингта янги иш ўрни яратилди.

Иқтисодий ўсиш омилларидан техника тараққиётини таъминлаш ҳамда инвестициялар ҳажмини ошириш – мамлакатимиздаги иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишига айланган. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “…жаҳон иқтисодий инқирози ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаб, модернизация қилиб бориш заруратини кун тартибига янада ўткир қилиб қўймоқда ва бунинг учун бор куч-имкониятимиз ва ресурсларимизни сафарбар этишни талаб қилмоқда”.

Умуман олганда, ишлаб чиқаришни модернизациялашга инвестицияларни кўпроқ жалб этиш зарурати қуйидагилар орқали изоҳланади:

1) инқироз вақтида жаҳон бозорида замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар арзонлашади. Бундай имкониятдан фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини янгилаш ҳамда унинг асосида рақобатбардош маҳсулотларни яратиш қисқа даврда ушбу сарф-харажатларни қоплаш имконини беради;

2) юқори даражада қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотларни экспортга чиқаришнинг қўшимча имкониятлари вужудга келади;

3) техник ва технологик асосни янгилашда вақт жиҳатидан ютиш имкони пайдо бўлади;

4) инвестициялар ичқи талабни кенгайтириб, қурилиш саноатининг ривожланишини рағбатлантиради;

5) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси диверсификацияланади.

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий қудрати ўша ҳудудда фаолият юритаётган иқтисодиёт субъектларининг олаётган даромадлари билан белгиланади. Республикамизда мустақилликнинг охирги ўн йиллигида иқтисодиётнинг деярли барча субъектлари томонидан олинаётган даромадлар даражасининг ўсиб бориши мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг нақадар оқилона ва самарали эканлигидан далолат беради.

**Топшириқ. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш.**

Бозор муносабатлари иқтисодиѐтининг ҳамма жабҳаларини, жумладан, қишлоқ хўжалигини ҳам ўз ичига олади. Мазкур тизимда аграр муносабатлар алоҳида ўрин тутади.

Бозор тизими аграр муносабатларга янгича мазмун беради. Ернинг товарга айланиши ерга хилма-хил мулкчиликнингг пайдо бўлиши ернинг тадбиркорлик объекти бўлиши, ернинг гаровга қўйилиши ниҳоят ер учун пул шаклида рента ундирилиши, агробизнеснинг махсус фаолият турига айланиши бозор тизими билан боғлиқ. Ердан ташқарида ишлаб чиқаришнинг бўлиши мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалиги учун ер асосий ишлаб чиқариш омили вазифасини ўтайди, маълумки, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш икки ѐқлама ҳарактерга эга: биринчидан, иқтисодий жараѐн бўлса яъни инсон меҳнати натижасида юз берса, иккинчидан, табиий биологик жараѐн бўлиб, маҳсулот етиштириш табиий омилларга масалан, ўсимлик ѐки ҳайвонларда кечадиган биологик ўзгаришларга, иқлим шароитига, об - ҳавонинг қандай келишига, тупроқнинг табиий хоссаларига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалиги инсоннинг табиатига бўлган муносабати билан кишиларнинг ўзаро муносабатлари яхлитликда боришини талаб қилади ва иқтисодиѐтнинг аграр секторини ташкил этади.

Ер чекланган, уни ишлаб чиқариб бўлмайди, аммо фойдаланадиган ерларга инвестития сарфлаб кўпайтириш мумкин.

Ўзбекситон иқтисодиѐтининг аграр секторини ривожлантириш бозор муносабатларига ўтишнинг асосий ҳал қилувчи бўғинидир. Қишлоқ хўжалиги республика аҳолисини озиқ-овқат, мева-сабзавотлар, ғалла, гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланади.

Қишлоқ хўжалиги ўзининг маҳсулотини қайта ишловчи ва сотувчи соҳалар билан, ўзига керакли ресурсларни етказиб берувчи соҳалар билан интегратиялашади. Айтилган соҳалар яхлитликда амал қила бошлайди, қишлоқ хўжалиги ҳам саноат асосига, яъни энг мукаммал технология замирига кўчирилади. Меҳнат унумдорлиги кескин ошиб, фаолият фойдаси кўпаяди. Қишлоқ хўжалиги биринчидан, аҳоли етарли миқдорда сифатли озиқ-овқат билан, саноатни эса кафолатланган тарзда хом ашѐ билан таъминлайди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланиши кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқариш қонуни асосида амалга ошади.Бу ривожланишга эстенсив ривожлантириш ва интенсив ривожлантириш йўлларидан фойдаланган холда эришилади.

**Қишлоқ хўжалигини экстенсив шаклда ривожлантириш** деганда маҳсулот ишлаб чиқариш ва самарадорликни ўсишини миқдорий омиллар эвазига - янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига экин майдонларини кўпайтириш, чорва молларини бошини кўпайтириш ва қўшимча ишловчиларни жалб этиш орқали эришилиши тушунилади. Бунда ишлаб чиқариш ресурслари кўламларининг ортиши юз бергани ҳолда техника техналогияси, сифат даражаси, ер унумдорлиги ва чорва моллар маҳсулдорлиги тубдан ўзгармайди. Экстенсив омиллар деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Одамлар ўз тарихининг дастлабки даврлардан бошлаб, ўзлари ўзлаштирган ерларни тарк этиб унумдор ерларни қидириш учун ер шарининг ҳар томонига тарқалганлар. Янги ерларни ўзлаштириш ҳозирги даврда бизнинг мамлакатимиздаги каби дунѐнинг бошқа мамлакатларида ҳам давом этмокда. Шу

билан биргаликда дунѐ мамлакатларининг ривожланиш тарихи тажрибаси шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалигини юксалтиришни нисбатан самарадорлик ва аҳамиятилироқ шакли бўлган интенсивлаштириш муҳим ўрин тутади.

**Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг интенсив шаклида -** маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши сифат омиллари эвазига, яъни ишлаб чиқаришга нисбатан такомиллашган замонавий ишлаб чиқариш ресурсларини тадбиқ этиш (улардан тўла ва самарали фойдаланиш), деҳқончилик ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигига ижобий таъсир этувчи илғор техналогия, илмий-техника тараққиѐти натижалари, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишнинг замонавий усулларини жорий этиш орқали амалга оширилади. Шуни ҳам назардан четда қолдирмаслик керакки, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг экстенсив шакли баъзи ҳолларда самарали бўлиши мумкин, шунга мувофиқ ҳар доим экстенсив шаклни самарасиз деб таъкидлаш фикри ўзини оқламайди. Амалда бу икки йўл ишлаб чиқаришни ривожланишида бир-бирини тўлдириб, пираворида умумий иқтисодий самардорликни ортишига олиб келади. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида айрим ҳолатларда экстенсив ўсиш омиллари ва интенсив ўсиш омилларини биргаликда қўллаш натижасида самарага эришилади.Улар ягона хўжалик фаолиятига хос усуллар бўлиб, бир вақтнинг ўзида иқтисодий ўсишда ҳам миқдорий (экстенсив), ҳам сифат(интенсив) жиҳатлари мавжуд бўлади, аммо уларнинг нисбати ҳар хил мутаносибликда бўлади. Иқтисодиѐтда қўл меҳнати технологияси ва малакасиз иш кучига асосланилса, экстенсив ўсиш устун туради. Аксинча, ишлаб чиқариш машиналашган, серунум технология ва юксак малакали иш кучига таянилган жойда интенсив ўсиш биринчи ўринда туради, ишлаб чиқариш ривожланган сари қонуниятли тарзда интенсив ўсишнинг аҳамияти барқарор ошиб боради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш назарияси аввеломбор ер хусусиятини ҳисобга олиш, уни қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси эканига асосланади. Маълумки ерни асосий восита сифатида муҳим хусусиятларидан бири уни чегараланганлигидир. Ерни чегаранганлиги ўз навбатида қишлоқ хўжалигини интенсивлваштиришни тақозо этади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни қўшимча ер майдонларини ўзлаштириш орқали амалга ошириш чегараланганлиги ишлаб чиқариш олдига мавжуд ўзлаштирилган ерларни сифатини яхшилаш, бинобарин, улардан интенсив фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради.

**Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари.**

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш масалаларини ўрганишда интенсивлик ва интенсивлаштириш даражаси, интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги тушунчаларини бир-бирдан ажрата билиш лозим.

Интенсивлик - бу қишлоқ хўжалиги ва унинг айрим тармоғини маълум вақт ичида ишлаб чиқариш воситалари билан қай даражада таъминланганлигини акс эттиради.

**Интенсивлаштириш даражаси** - қишлоқ хўжалиги ва унинг айрим тармоғини холисона ўсиш суръати даражасини ўзида акс эттиради. Интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги - экин майдони бирлиги ҳамда чорва моли боши ҳисобига ўсишни ўзида акс эттиради.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш даражаси натура ва қиймат кўрсаткичлари ѐрдамида аниқланади. Натурал кўрсаткич ѐрдамида хўжаликдаги тармоқлар ва уларни бир-бирлари билан қанчалик боғланганлиги ҳамда айрим

тармоқчалар ва экин турлари бўйича қанча маҳсулот етштирилганлигини аниқлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш даражасини ўзида акс эттирувчи натурал кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат:

**1).** Ер майдонига тўғри келадиган энергетика қуввати. Бу кўрсаткич ҳар 100 гектар ер майдонига қанча техника воситалари, автомашина ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари тўғри келишини кўрсатади;

**2).** Ҳар гектар экинзорга тўғри келадиган менерал ва маҳаллий ўғит. Бу кўрсаткич ернинг иқтисодий унимдорлик даражасига таъсир этиш кўламини ўзида ифода этади;

**3).** Ер фондида экин майдонлари ҳиссасини кўпайтириш. Бу кўрсаткич ердан қай даражада фойдаланилаѐтганлигини кўрсатади;

**4).** Суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерларнинг умумий ер майдонига нисбати. Бу кўрсаткич тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги ўсиш даражасини ифодалайди.

Чорвачиликнинг интенсив ривожланганлигини акс эттирадиган кўрсаткичларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

**1**.Ҳар бош қишлоқ хўжалиги ҳайвонига тўғри келадиган қиймат кўринишдаги жонли ва буюмлашган меҳнат сарфи. Ҳар бир бош ҳайвон ҳисобига қанча кўп ишлаб чиқариш воситаларига ва бевосита меҳнат харажатлари тўғри келса, қоидага мувофиқ ундан олинадиган маҳсулот микдори ҳам шунча юқори бўлади;

**2**. Ҳар бош қишлоқ хўжалиги ҳайвонига тўғри келадиган озуқа. Чорва молларини илмий рацион асосида озиқлантириш уларнинг маҳсулдорлигини ортишига олиб келади;

**3.**Чорвачиликни юритиш маданиятини кўтариш: махсус қулайликларга эга бўлган чорва биноларини барпо этиш, иш жараѐнларини механизациялаштириш ва электрлаштириш, санитария ва гигиена шароитларини яхшилаш ва бошқариш;

**4**.Чорвачиликда наслчилик билан боғлиқ ишларни яхшилаш. Чорва молларининг насли қанча юқори бўлса, ундан олинган маҳсулот миқдори ҳам шунча бўлади;

**5.** Мутахассисларнинг малакасини ошириш, у меҳнат унумдорлигининг ўсишига таъсир этади.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш даражасини ўзида акс эттирувчи қиймат кўрсаткичи сарфланган меҳнат ва маблағ эвазига қанча сўмлик қўшимча маҳсулот етиштирилганлигини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожланиш даражасини ўзида акс эттирувчи қиймат кўрсаткичлари қуйдагилардан иборат:

**1.** Бир гектар ер майдонига тўгри келган асосий ишлаб чиқариш харажатлари ва жорий ишлаб чиқариш харажатлари (амортизациядан ташқари). Бу кўрсаткич қуйидаги ифода ѐрдамида аниқланади.

$$\text{ИД} = \frac{\text{Иф}+\text{Ис } 12}{\text{Е}}$$

бунда: Ид- интенсивлик даражаси,

**Иф**- асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати,

**Ис**- жорий ишлаб чиқариш сарфи,

**Е**- ер майдони

**2**.Бир гектар ер ҳисобига тўғри келган асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати. Бу кўрсаткич ҳар гектар ер майдони ҳисобига қанча ишлаб чиқариш воситалари тўғри келишини ўзида акс эттиради;

**3**.Бир гектар ер ҳисобига тўғри келган жорий ишлаб чиқариш харажатлари. Бу кўрсаткич ҳар гектар ер ва ҳар бир қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан олинган маҳсулот учун бевосита сарфланган харажатлар миқдорини ўзида ифода этади;
**4**.Бир гектар ер ҳисобига тўғри келган жонли меҳнат сарфи. Бу кўрсаткич маҳсулот етиштиришда сарфланаѐтган жонли меҳнат ҳиссасини кўрсатади.

Шундай қилиб, интенсивлаштиришнинг натурал ва қиймат кўрсаткичлари ѐрдамида интенсивлашнинг иқтисодий самарадорлик даражасини аниқлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи шарти ҳар бир гектар ердан ва ҳар бир бош молдан олинадиган маҳсулотни кўпайтириш ҳисобланади. Интенсивлаштириш жараѐни нафақат бир гектар ерга ѐки бир бош молга қўшимча маблағнинг ўсишини билдириб қолмасдан, балки улардан самарали фойдаланишни ҳам билдиради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги сарфланган харажатлар ҳажмига таққослаганда ҳар бир гектар ердан арзон ва юқори сифатли маҳсулотни юқори суръатда олишда ифодаланади.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, ер, моддий техника ва меҳнат ресурсларидан фаол фойдаланиш, табиий ва иқтисодий шароитларни ҳар томонлама ҳисобга олишни талаб қилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлар тизими орқали аниқланади. Улар орасида биринчи даражали аҳамиятга эга бўлганлари қуйидагилар:
- бир гектар ер майдонга тўғри келган ялпи маҳсулот

$$\textbf{Си} = \frac{\textbf{ЯМ}}{\textbf{ЕМ}}$$

**Си**- интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги, сўм/га;
**ЯМ**-ялпи маҳсулот қиймати, сўм;
**ЕМ**-ер майдони, га.

Хўжалик ялпи маҳсулоти таққослама баҳоларда баҳоланади. Бундай баҳоланиш ушбу кўрсаткични динамикада, шунингдек бир хил шароитда ишлайдиган қатор хўжаликлар фаолиятини таққослашни ўтказишда фойдаланиш имконини беради. Ҳосилдорликнинг ошиши ва бир вақтнинг ўзида унга сарфланган таннархнинг пасайиши интенсивлаштириш самарадорлигининг юқори даражада эканлигини билдиради. Бундай ҳолатда ерга сарф қилинган ҳар бир сўм нафақат харажатларни қоплайдиган қўшимча маҳсулот олиб келмасдан, балки қўшимча соф даромад олиш имконини ҳам беради:
13 - бир гектар қишлоқ хўжалигига ярoқли ерга тўғри келган ялпи даромад:

$$\textbf{Си} = \frac{\textbf{ЯД}}{\textbf{ЕМ}}$$

бу ерда ЯД - ялпи даромад (соф маҳсулот), сўм
Бу кўрсаткич анча такомиллашган ишлаб чиқариш воситаларида, илғор технологияда, қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори нави ва моллар зоти ҳамда бошқаларда бажарилган, қўшимча маблағлардан оқилона фойдаланишни акс эттиради.
-бир гектар қишлоқ хўжалигига ярoқли ерга тўғри келган соф даромад ѐки фойда:

**СД Ф**

**Си = -------- ѐки -------**
**ЕМ ЕМ**

бу ерда СД- соф даромад, сўм:

Ф- фойда, сўм

Бу кўрсаткич алоҳида аҳамиятга эга. Модомики, соф даромад қўшимча қўйилмаларнинг асосий манбаи ҳисобланар экан, у ҳолда келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш унинг ҳажмига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигини изчиллик билан интенсивлаштириш қўшимча маблағларнинг юқори, тез қайтарилишига ва мос равишда соф даромаднинг ўсишига олиб келади.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги бир гектар ердан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг кўпайишида, маҳсулот бирлигига сарфланган жонли ва буюмлашган меҳнат харажатларининг пасайишида ўз аксини топади.

**Мавзуга оид саволлар**

4. Қишлоқ хўжалигини экстенсив шаклда ривожлантириш нима?
5. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари.
6. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг интенсив шакли бу?

## 10-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.
## 10-Мавзу: Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини ташкилий асослари.

Қишлоқ Хўжалиги корхоналари аграр саноат мажмуасининг бирламчи бўгини бўлиб, унинг иктисодий асосини ташқил этади.

***Қишлоқ Хўжалик корхопаси*** деб, давлатга қарашли бўлган ерни узок муддатга ижарага олиб, ўз жамоаси мехнати ва ишлаб чикариш воситалари ёрдамида, бизнес режа ва ичқи хўжалик хисоби тизимига таянган ҳолда, юридик ҳуқуққа эга бўлган товар қишлок. Хўжалик махсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектлар тушунилади. Мамлакатимиз тараққиётининг иктисодий асосини катта қисмини аграр сектор иктисодиёти ташқил этади. Аграр сектор худудида мехнатга ярокли ахолининг 60 фоизи яшайди ва уларнинг 40 фоизи аграр соҳада хизмат қилади. Энг муҳими шундақи, аграр соха корхоналарида мамлакат миллий бойлигининг тенг ярми шаклланади. Мамлакатимиз қишлок хўжалигида иктисодий ислохотларни жадал амалга оширилиши, кўп укладли аграр иктисодиётни шакллантириш ва шу асосда бозор муносабатларини мустаҳкамлаш сохада соглом иктисодий рақобат муҳитини яратиш оркали мавжуд ер-сув, мехнат ресурслари ва моддий - техника базасидан фойдаланиш самарадорлигини кўтариш йўналишида олиб борилмоқда.

Ислохотларнинг бошлангич босқичидан бошлаб асосий эътибор ер майдонларини ердан фойдаланувчи турли мулк субъектлари ўртасида тақсимлаш ва кайта таксимлаш йўли билан амалга оширилмоқда. Қишлокда мулкдорлар синфини яратиш учун ерлар энг аввало шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгаларига ажратиб берилади. Хозирги вақтда бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, қишлокда кўп бўгинли иктисодиётни вужудга келтириш учун зарур ташқилий - хуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Ислоҳотлар жараёнида барча мавжуд бўлган қишлок хўжалик корхоналарининг мулк шакллари ўзгарди, очиқ ва ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари, фермер хўжаликлари, агрофирмалар,

Хусусий чорвачилик фермер хўжаликлари, шахсий ёрдамчи-деҳқон хўжаликлари каби ўндан ортиқ ташқилий шаклллари қарор топди.

Таъқидлаш лозимқи, қишлоқ хўжалик корхоналари кўп жиҳатдан хам шаклан, ҳам мазмунан бозор муносабатлари талаблари доирасида ўз фаолиятларини такомиллаштириб бормоқдалар, уларда ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

**Назорат учун саволлар**

**1.** Қишлок Хўжалик корхоналарининг аграр саноат мажмуидаги ўрни ва мохияти.
**2.** Қишлок Хўжалик корхонаси деб нимага айтилади?
**3.** Қишлок Хўжалик корхоналарининг турлари.
**4.** Қишлоқ хўжалик корхоналарини тузиш тамойиллари.

## 11-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.
## 11-Мавзу: Деҳқон хўжаликларини ташкил этиш ва бошқариш

Деҳқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

Деҳқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги ўз фаолиятида ёлланма меҳнатдан доимий асосда фойдаланиши мумкин эмас. Деҳқон хўжалиги аъзолари жумласига биргаликда яшаётган ва деҳқон хўжалигини биргаликда юритаётган оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, тарбияга олган болалари, ота-оналари, меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа қариндошлари киради.

Юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда деҳқон хўжалиги номидан шу хўжалик бошлиғи иш кўради.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи берилган оила бошлиғи ёки оиланинг муомалага лаёқатли аъзоларидан биридир.

Деҳқон хўжалигининг бошлиғи вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда ёки узоқ вақт бўлмаганда у ўз мажбуриятларини бажариш ваколатини шу хўжалик аъзоларидан бирига беришга ҳақлидир.

Деҳқон хўжалиги ихтиёрийлик асосида тузилади ҳамда фуқарога белгиланган тартибда ер участкаси берилганидан ва деҳқон хўжалиги давлат рўйхатига олинганидан кейин ташкил этилган ҳисобланади. Деҳқон хўжалиги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ва дов-дарахтлар билан қопланмаган ўрмон фонди ерларида, шунингдек захира ерларда ташкил этилади.

Деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкасини олишга муҳтож бўлган фуқаролар яшаш жойидаги туман (шаҳар) ҳокимига оиласининг таркибини ва ер участкасининг мўлжалланган жойини кўрсатган ҳолда ариза беради.

Туман (шаҳар) ҳокими ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг хулосаси асосида деҳқон хўжалигини

юритиш учун фуқароларга ер участкалари бериш тўғрисида қарор қабул қилади ёки аризачига ер участкаси бериш бўйича асослантирилган рад жавобини юборади.

Туман (шаҳар) ҳокимининг ер участкаси беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят қилиниши мумкин.

Деҳқон хўжалигини давлат рўйхатига олиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Деҳқон хўжалиги бошлиғига Ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади.

Агар давлат рўйхатига олиш белгиланган муддатда амалга оширилмаган ёки деҳқон хўжалиги бошлиғи асоссиз деб ҳисоблайдиган сабабларга кўра рад этилган бўлса, хўжалик бошлиғи судга мурожаат қилиши мумкин.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар бир деҳқон хўжалигини Хўжалик китобига киритиб, унда деҳқон хўжалигининг таркиби, хўжалик бошлиғи ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахс, шунингдек хўжаликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли (юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки юридик шахс ташкил этмасдан) тўғрисидаги маълумотларни қайд этиб қўяди. Томорқа ер участкаси — қишлоқ хўжалик маҳсулотини эркин савдо ҳамда оила эҳтиёжлари учун етиштириш, шунингдек якка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш мақсадида оила аъзоларидан бирига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ўлчамларда ажратиб бериладиган ер участкасидир.

Томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан гувоҳлантирилади.

Оилали ва қишлоқ жойларда камида уч йил мобайнида яшаб турган фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва саҳро минтақасида эса суғорилмайдиган яйловлардан 1 гектаргача ўлчамда берилади. Қишлоқ жойларда камида уч йил яшаб турганлик тўғрисидаги талаб янги суғориладиган ер массивлари учун қўлланилмайди. Бунда деҳқон хўжалиги юритиш учун бериладиган ер участкасининг ўлчами якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга илгари берилган ёки бериладиган ер участкасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари иморатлар ва иншоотлар қуриш ҳуқуқисиз берилади. Мазкур қоида якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга илгари берилган ёки бериладиган ер участкаларига татбиқ этилмайди.

Фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун 0,06 гектар доирасида томорқа ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кимошди савдоси асосида реализация қилиниши мумкин.

Деҳқон хўжалигига ажратилган ернинг чегаралари натурада (жойнинг ўзида) ер тузиш хизмати органлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан расмийлаштирилади.

Томорқа ер участкасидан оқилона ва самарали фойдаланаётган деҳқон хўжалигига туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан қишлоқ хўжалиги

маҳсулотини етиштириш ва реализация қилиш, озуқа етиштиришни ташкил этиш, шунингдек яйлов яратиш учун қисқа муддатли ижарага қўшимча равишда ер участкалари берилиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер участкаларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### Ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш

Деҳқон хўжалигининг ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Деҳқон хўжалигига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган томорқа ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас. Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кредит олиш учун гаровга қўйилиши мумкин.

Деҳқон хўжалигига берилган томорқа ер участкаси бўлиниши мумкин эмас.

Томорқа ер участкасининг ўлчами ва чегаралари фақат деҳқон хўжалиги бошлиғининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи вафот этган тақдирда, томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи шу хўжалик аъзоларининг ўзаро келишуви асосида, деҳқон хўжалиги фаолиятини давом эттириш истагида бўлган хўжалик аъзоларидан бирига мерос бўйича ўтади. Деҳқон хўжалиги бошлиғи меҳнат қобилиятини тўла йўқотган тақдирда, ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи хўжалик аъзоларидан бирига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда топширилади.

Деҳқон хўжалигининг ер участкасини давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйишга қонунда назарда тутилган ҳолларда, фақат бошқа тенг қимматли ер участкаси берилиб, дов-дарахтларнинг, бузилаётган бинолар ва иншоотларнинг бозор қиймати қоплангандан кейин ёхуд улар бошқа жойга кўчирилгандан ёки ўзга бинолар ва иншоотлар қурилгандан кейин ҳамда бошқа барча зарарларнинг (бой берилган фойдани қўшган ҳолда) ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда тўла ҳажмда қоплангандан кейин йўл қўйилади.

### Томорқа ер участкасидан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ

Деҳқон хўжалигига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида берилган томорқа ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ ер солиғи тариқасида ундирилади.

### Сув истеъмоли

Деҳқон хўжаликларининг сув истеъмоли уларга хизмат кўрсатувчи сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан белгиланадиган сув объектларидан сув олиш лимитлари асосида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Деҳқон хўжалигига бериладиган сувнинг сарфини ҳисобга олиш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш тартиби, шунингдек мазкур солиқ бўйича имтиёзлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### Деҳқон хўжалигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Деҳқон хўжалиги тадбиркорлик фаолиятининг субъекти тариқасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзига берилган томорқа ер участкасида деҳқон хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини мустақил ташкил этиш;

етиштирилаётган ва реализация қилинаётган маҳсулотга мустақил равишда баҳо белгилаш;

ўзи етиштирган маҳсулотни, шу жумладан бу маҳсулотни истеъмолчиларга ўз хоҳиши бўйича реализация қилиш ҳуқуқини тасарруф этиш;

харид этиладиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс битимлари тузиш;

тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларга сотиш учун ва эркин савдога мўлжалланган акцияларни сотиб олиш;

ўз мол-мулкини, шунингдек томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, шу жумладан кимошди савдоси асосида сотиб олинган ҳуқуқни гаровга қўйиш.

Деҳқон хўжалиги қуйидагиларни бажариши шарт:

томорқа ер участкасидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш;

табиий объект бўлмиш ерга зарар етказмаслик;

томорқа ер участкасини асраш, унинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш юзасидан сарф-харажатлар қилиш;

янги берилган томорқа ер участкасидан, агар қонун ҳужжатларида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, бир йил ичида фойдаланишга киришиш;

агротехника талабларига, белгиланган режим, сақлаш вазифаси ва сервитутларга риоя этиш;

деҳқон хўжалигининг мажбуриятлари ва қарзлари бўйича тўла жавобгар бўлиш;

хўжалик аъзолари учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш.

Қонун ҳужжатларида деҳқон хўжалигининг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

### Деҳқон хўжалиги бошлиғининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Деҳқон хўжалиги бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

деҳқон хўжалиги номидан ишончномасиз иш кўриш;

юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;

ишончномалар бериш;

банкда ҳисобварақлар очиш.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи деҳқон хўжалигининг ҳамда унинг аъзоларининг манфаатлари ҳимоя қилинишини ва ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлаши шарт.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### Деҳқон хўжалиги аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Деҳқон хўжалиги аъзолари:

хўжалик аъзолари ўртасидаги шартнома шартларига кўра биргаликда ёки якка тартибда фойдаланиладиган даромаддан ўз улушини олиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилиш ва ижтимоий таъминланиш, шунингдек товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун деҳқон хўжалигида сарфланган иш вақти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар тўлаб борилган тақдирда меҳнат стажига киритилиш ҳуқуқига эга.

Деҳқон хўжалиги аъзолари деҳқон хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятида шахсий меҳнати билан иштирок этиши шарт.

Қонун ҳужжатларида деҳқон хўжалиги аъзоларининг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

## Деҳқон хўжалигининг мулки

Деҳқон хўжалиги:

ўзига қарашли уй-жойлар, хўжалик иморатлари, қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дарахтлар, маҳсулдор чорва моллар, паррандалар, қишлоқ хўжалик техникаси, асбоб-ускуна ва ашё-анжомлари, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектларига, шунингдек бошқа мол-мулкларга;

ишлаб чиқариш фаолияти натижасида етиштирилган маҳсулотга;

олинган даромадга (фойдага);

қонунда тақиқланмаган асосларда эга бўлинган бошқа мол-мулкка мулкдордир.

Деҳқон хўжалигининг ўзига қарашли мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи давлат ҳимоясидадир.

Деҳқон хўжалигининг мол-мулки, агар унинг аъзолари ўртасидаги келишувга биноан умумий улушли мулк ташкил этиш назарда тутилган бўлмаса, унинг аъзоларига умумий биргаликдаги мулк асосида қарашли бўлади.

Деҳқон хўжалигининг мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хўжалик аъзоларининг ўзаро келишуви асосида амалга оширилади.

Деҳқон хўжалиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мол-мулкни ҳосил қилиш, кўпайтириш, олиш, сотиш, уни ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олиш ҳуқуқига эга.

## Деҳқон хўжалигининг маблағлари ва ҳисоб-китоблари

Деҳқон хўжалиги пул муомаласини юритиш ҳамда пул маблағларини сақлаб туриш ва бу маблағларни эркин тасарруф этиш учун банк муассасасида ҳисобварақлар очиш ҳуқуқига эга. Деҳқон хўжалигининг ҳисоб-китоб ҳисобварағидан маблағларни фақат унинг розилиги ёки суднинг қарори билан ҳисобдан чиқариш мумкин.

## Деҳқон хўжалигининг мол-мулкини мерос қилиб қолдириш

Деҳқон хўжалигининг мол-мулки фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ мерос қилиб қолдирилади. Хўжаликда фаолиятни давом эттираётган меросхўрлар мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома берилганлик учун давлат божи тўлашдан озод этиладилар.

## Деҳқон хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолияти

Деҳқон хўжалиги ўз фаолияти йўналишларини, ишлаб чиқариш тузилиши ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди. Деҳқон хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қонунларда тақиқланмаган ҳар қандай тури, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шуғулланишга ҳақли.

Деҳқон хўжалиги ўзи етиштираётган ва реализация қилаётган маҳсулот сифатига оид амалдаги норматив ва стандартларга, экологияга, санитарияга оид ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа талаб ва қоидаларга риоя этиши шарт.

Деҳқон хўжаликларининг хўжалик фаолиятига, шу жумладан улар томонидан агротехника усулларини, етиштириладиган маҳсулот турларини танлашда, унинг нархини ва уни реализация қилиш йўналишларини аниқлашда давлат органлари ва ташкилотларининг ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг аралашувига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Давлат органлари ва ташкилотларининг ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг ва фуқароларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) натижасида, шунингдек бундай органлар, ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг деҳқон хўжалигига нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган мажбуриятларни лозим даражада бажармасликлари оқибатида деҳқон хўжалигига етказилган зарарлар, шу жумладан бой берилган фойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши керак.

Юридик шахс тариқасида рўйхатга олинган деҳқон хўжалиги ташқи иқтисодий фаолиятни бошқа шаклларда хўжалик юритувчи корхоналар билан тенг шартларда амалга оширади.

## Деҳқон хўжалигида меҳнат

Деҳқон хўжалигининг фаолияти хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Деҳқон хўжалигидаги муайян ишни бажаришга бошқа шахслар меҳнат шартномаси асосида вақтинча жалб этилиши мумкин.

Деҳқон хўжалигининг аъзолари деҳқон хўжалиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ихтиёрий равишда бадаллар тўланган тақдирда давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилиши лозим.

Деҳқон хўжалигининг барча аъзолари учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар тўлаб бораётган деҳқон хўжалиги аъзоларининг меҳнат фаолияти ҳисобини деҳқон хўжалиги бошлиғи юритади.

Деҳқон хўжалигида ишланган вақт давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бадаллар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимида меҳнат дафтарчасини белгиланган тартибда расмийлаштирган ҳолда меҳнат стажига қўшилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида), бошқа қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалиги корхонасида, муассасасида, ташкилотида ишлаётган деҳқон хўжалиги аъзосининг меҳнат фаолияти ҳамда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бадаллар тўлаши ҳисобини юритиш тегишинча мазкур кооператив (ширкат хўжалиги), корхона, муассаса ва ташкилот томонидан амалга оширилади.

Деҳқон хўжалиги аъзоларига ижтимоий суғурта бўйича давлат нафақалари ва пенсиялар тайинлаш ҳамда тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда амалга оширилади.

## Маҳсулотни деҳқон хўжалиги томонидан реализация қилиш тартиби

Деҳқон хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотни реализация қилиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан ихтиёрийлик асосида хўжалик шартномалари тузиш ҳуқуқига эга. Тарафлар шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда, қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Деҳқон хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотга бозордаги талаб ва таклиф нисбатидан келиб чиқиб мустақил равишда баҳо белгилайди.

## Деҳқон хўжаликларининг биргаликдаги фаолияти

Деҳқон хўжаликлари ихтиёрийлик асосида, шу жумладан улушли (пай) асосда маҳсулот етиштириш, харид қилиш, уни қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника таъминоти, қурилиш, техникавий, сув хўжалиги, ветеринария, агрокимё, маслаҳат бериш йўсинидаги ва бошқа хил хизмат кўрсатиш бўйича кооперативларга (ширкатларга), жамиятларга, иттифоқларга, уюшмаларга ва бошқа бирлашмаларга бирлашиш, кириш ҳуқуқига эга.

## Деҳқон хўжалигини кредитлаш ва суғурталаш

Юридик шахс ташкил этган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари фаолиятни амалга ошириш учун кредит олишлари, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва пул маблағларини ихтиёрийлик асосида ва шартнома шартларида, шу жумладан деҳқон хўжаликларини кредитни узишнинг зарур гаров, суғурта ҳамда бошқа кафолатларини таъминлаган ҳолда имтиёзли кредитлашга жалб этишлари, шунингдек хусусий кичик тадбиркорлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзларнинг барча турларидан фойдаланишлари мумкин.

Деҳқон хўжалигини ишлаб чиқариш аҳамиятига молик объектлар қурилиши, асосий ишлаб чиқариш воситаларини харид этиш учун узоқ муддатли кредитлаш ва жорий ишлаб чиқариш фаолияти учун қисқа муддатли кредитлаш кредит шартномаси асосида амалга оширилади.

Деҳқон хўжалиги ўзига қарашли ва ижарага олинган ишлаб чиқариш воситаларининг, қишлоқ хўжалиги экинзорларининг (кўчатзорларининг), кўп йиллик дов-дарахтларнинг, етиштирилган маҳсулотнинг, хом ашёнинг, материалларнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши хавфини, тадбиркорлик хавфини, шунингдек шартномаларни бузганлик учун ўзининг жавобгарлик хавфини ихтиёрийлик асосида суғурта қилдиради ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда суғурта товони олади.

Давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва уни реализация қилиш билан шуғулланувчи деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Давлат органлари деҳқон хўжалигини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашишлари лозим.

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший аҳамиятга молик объектлари бўлмаган ҳудудда деҳқон хўжаликлари ташкил этилганида уни бирламчи ободонлаштириш (йўллар, электр узатиш ва алоқа линиялари қуриш, сув билан таъминлаш, газлаштириш, телефонлаштириш, радиолаштириш, ер тузиш, ерларни мелиорациялаш) ишларини амалга оширади;

деҳқон хўжаликларига ишлаб чиқариш объектлари ва турар жойларни барпо этишда ёрдам кўрсатади;

деҳқон хўжалиги учун керакли мол-мулк ва ишлаб чиқариш воситаларини биржаларда, ярмаркаларда, бозорларда юридик ва жисмоний шахслардан олишда кўмаклашади;

навли уруғлик ва қишлоқ хўжалик экинларининг кўчат материалларини, органик ва минерал ўғитларни, қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш воситаларини етказиб бериш юзасидан давлат агротехника хизмати кўрсатиш тизими орқали техникавий хизмат кўрсатади;

қишлоқ хўжалиги техникаси, асбоб-ускуналари ва ашё-анжомларини лизинг асосида олишда кўмаклашади;

чорва моллар ва паррандалар боқиш учун шартнома асосида аралаш озуқа ажратади, ёш чорва моллар ва паррандалар, зотдор қорамоллар олишда кўмаклашади;

деҳқон хўжаликларининг чорва молларига ветеринария хизмати кўрсатиш учун зарур шароитлар яратади;

деҳқон хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш ва реализация қилишда кўмаклашади;

консалтинг ва ахборот хизматлари кўрсатади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари деҳқон хўжалигига берилган ерлардан фойдаланиш устидан назоратни амалга оширадилар ҳамда ердан самарали ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўрадилар.

Деҳқон хўжалиги ўз фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиб боради.

Деҳқон хўжалиги қуйидаги ҳолларда тугатилади (фаолияти тўхтатилади):

хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган биронта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаган бўлса;

томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганда;

томорқа ер участкаси қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилганда;

белгиланган солиқлар муттасил тўланмаганда;

агар қонун ҳужжатларида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, янги берилган томорқа ер участкасидан бир йил мобайнида фойдаланишга киришмаган тақдирда;

деҳқон хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бир неча марта ёки бир марта, лекин қўпол равишда бузилганда.

**Деҳқон хўжалигини тугатиш (фаолиятини тўхтатиш) тартиби**

Деҳқон хўжалиги:

деҳқон хўжалиги аъзоларининг қарорига биноан;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига биноан тугатилади (фаолияти тўхтатилади).

Деҳқон хўжалигини тугатиш (фаолиятини тўхтатиш) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Деҳқон хўжаликларини ташкил этиш, уларнинг фаолияти ва тугатилиши билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

Деҳқон хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича қонунларга мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

Деҳқон хўжалиги аъзолари деҳқон хўжалиги мол-мулки етарли бўлмаганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ деҳқон хўжалигининг мажбуриятлари бўйича ўзларига тегишли мол-мулк билан солидар равишда субсидиар жавобгар бўлади.

Давлат деҳқон хўжалигининг мажбуриятлари бўйича, деҳқон хўжалиги эса давлат мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Деҳқон хўжалиги қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжалик аъзоларининг ва унда вақтинчалик асосда ишлаётган шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига улар меҳнат мажбуриятларини бажариш чоғида етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

Ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан унинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар бўлган қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган деҳқон хўжалигида маблағ бўлмаган ёхуд етарли бўлмаган тақдирда, ундирилиши лозим бўлган суммалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат томонидан тўланади.

Деҳқон хўжалигининг ҳамда унинг аъзоларининг ердан белгиланган мақсадда ва самарали фойдаланмаганлик учун жавобгарлиги қонун ҳужжатларида белгиланади.

Мавзуга оид назрат саволлар

1.Дехкон хўжаликларини таърифланг.
2. Дехкон хўжалигини тузишдан мақсад ва унинг вазифалари.
3. Деҳқон хўжаликларини рўйхатга олиш.
4. Дехкон хўжалиги аъзолари.
5. Дехкон хўжалиги кандай бошқарилади?
6. Дехкон хўжалигини ташкил этиш тартиби.

## 12-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.
## 12-Мавзу: Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташқил этиш ва бошқариш.

Республикамизда мустақиллик йилларида аграр соҳада амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштирувчи деҳқоннинг моддий манфаатдорлиги ва иқтисодий эркинлигини таъминлаш орқали мавжуд ер ва сув, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилганлигини кўриш мумкин. Аҳолининг ерига, мол-мулкнинг ҳақиқий эгасига айланиб бориши замирида биринчи навбатда, мамлакат аҳолисининг тобора ўсиб борувчи эҳтиёжларини ичқи имкониятлар ҳисобига сифатли ва нисбатан арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш масаласи мужассам.

Маҳсулот яратувчи фермерни ҳақиқий мулкдорга айлантириш орқали қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик асосидаги ижодкор меҳнатни рағбатлантириш билан биргаликда, аграр ресурслардан фойдаланишда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи усуллар, иқтисодий, ҳуқуқий база ва механизмлар шакллантирилди. Фермер хўжаликларига турли йўналишлардан хизматлар кўрсатувчи инфратузилма субъектларини ривожлантириш мамлакат раҳбариятининг алоҳида эътиборида бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалиги субъектларини замонавий техника воситалари билан қуроллантиришга қаратилаётган эътибор туфайли бугунги кунда фермер хўжаликлари учун имтиёзли асосдаги техникалар лизинг тизими орқали улар қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилишмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунларининг қабул қилиниши соҳада асосий хўжалик юритиш шакли сифатида фермер хўжаликларининг қарор топиши учун муҳим ҳуқуқий асос яратиб берди.

Кейинги босқичда эса самарасиз фаолият юритувчи ширкат хўжаликлари негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари

билан фермер хўжаликлари ташкил этила бошланди. Бу даврда фермер хўжаликлари фаолият юритиши билан боғлиқ бўлган кўплаб ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий ва ташқилий механизмлар шаклланди ва такомиллашиб борди. Натижада 2004-2007 йиллар давомида республиканинг барча ҳудудларида ширкат хўжаликлари ўрнида 215 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият юрита бошлади.

Аммо, ўтказилган тажрибалар фермер хўжаликлари сони ортиб, экин майдонлари ҳажми қичиклашиб кетиши туфайли ер майдонларидан самарасиз фойдаланаётганлиги, фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий жиҳатдан аҳволи оғирлиги, моддий-техник ресурслар билан таъминлаш борасида қатор муаммолар тўпланиб бораётганлигини кўрсатди. Бу эса, ўз навбатида, пахта ва ғаллачилик, боғ, узумчилик, сабзавотчилик, полизчилик ва чорвачилик йўналишларидаги фермер хўжаликлари ер участкаларини мақбул ўлчамларини аниқлаш заруратини келтириб чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4478-сонли Фармони қабул қилиниши эса кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий асос яратиб берди.

Бугунги кунда фермерлар фақатгина хомашё етиштириб берувчи эмас, балқи уни қайта ишловчи, қишлоқларга саноатни олиб қириб, кўплаб янги иш ўринларини яратаётган ишбилармонга айланмоқда.

Кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариши билан биргаликда уларни кайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига сервис хизмати кўрсатиши билан кўзга кўринмоқда.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг қўшимча тармоғи асосий тармоқ билан боғлиқ ҳолда ёқи асосий тармоқ билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда ташқил этилиши мумқин.

Қўшимча тармоқни асосий тармоқ (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уни қайта ишлаш соҳалари) билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда ташқил этиш йўналишлари қуйидагилар бўлиши мумқин:

– Суратхоналар ташқил қилиш;

– чўмилиш ҳавзалари;

– гўзаллик салони;

– дам олиш уйлари фаолиятини йўлга қўйиш;

– турли тўй ва бошқа маросимлар уйи фаолиятини ташқил қилиш;

– умумовқатланиш шохобчалари;

– халқ ҳунармандчилиги билан шуғулланиш;

– экотуризмни ташқил қилиш;

– автомобилларга техник ёрдам кўрсатиш;

– пойабзал таъмирлаш ва тиқиш;

– ёғочни қайта ишлаш ва қуритиш;

– қурилиш материаллари ишлаб чиқариш;

– мебель ясаш ва таъмирлаш;

– телерадио, видео, аудио аппаратларини созлаш устахоналари ташқил қилиш;

– тижорат, савдо-сотиқ корхоналари;

– яримтайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш (озиқ-овқат маҳсулотлари, ип, калава ва бошқалар) ва ҳоказо.

Умуман, кўп тармоқли фермер хўжалигининг асосий Хўсусиятлари ишлаб чиқаришни ташқил қилишдаги муҳим шартлардан бири бу – ҳар қандай фермер хўжалиги ўз даромадини (соф фойда) ошириш мақсадида ўз хоҳишига кўра ихтиёрий равишда қўшимча тармоқларни ташқил этган ҳолда кўп тармоқли фермер хўжалигига айланиши мумқинлигидир.

Маълумқи, Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбеқистоннинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган энг шимолий минтақаси ҳисобланади. Бу эса, фермер хўжаликлари иқтисодини юксалтиришда қўшимча тармоқларни ташқил қилишда ҳам ўзига хосликларни талаб қилади. Масалан, жанубий ҳудудларда икқи марта ҳосил олиш имконияти мавжуд бўлса, шимолий ҳудудлар учун бундай имконият анча чекланган. Ёқи Орол экологик муаммоси туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнида экологик омилларнинг салбий таъсири Қуйи Амударё ҳудудлари учун юқори ҳосил олишда кўпроқ меҳнат қилишни талаб қилади.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида жами 3390 дан ортиқ фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларга 544 минг гектар ер майдони бириктириб берилган. Шундан 2632 та фермер хўжалиги (77,5%) пахтачилик ва ғаллачилик йўналишида, 322 таси (9,5%) чорвачилик, 42 таси (1,2%) балиқчилик йўналишида, 140 таси (4,1%) сабзавот-полиз маҳсулотлари етиштириш бўйича, 152 таси (4,5%) боғдорчилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган.

Ҳозирги пайтда фермер хўжаликлари ихтиёрида бўлган мавжуд ер-сув, меҳнат ресурслари, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар, техника воситалари, бино ва иншоотлар каби воситалардан унумли фойдаланган ҳолда фермер хўжалигининг оладиган фойдаси миқдорини ошириш масаласи кўзда тутилмоқда.

Қуйи Амударё ҳудудлари асосан табиий яйловлар, чўл ва яримчўллардан иборат эканлиги чорвачилик соҳасини ривожлантириш учун қулай ҳисобланади. Минтақада нафақат илгаридан фойдаланиб келаётган ер майдонларида, балқи янгидан ўзлаштирилаётган ерларда ҳам чорвачиликни ривожлантириш имконияти пайдо бўлмоқда. Масалан, Орол денгизининг қуриган тубида шўрланишга ва қурғоқчиликка чидамли ўсимликларни етиштириш орқали чорва молларини кўпайтириш имкониятлари ортмоқда.

Етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш тизимини ривожлантириш орқали сутни қайта ишлаб творог, пишлоқ, сметана, қаймоқ ва бошқа сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш мумқин. Бу билан бошқа соҳалардаги фермер хўжаликлари учун иқтисодий мустаҳкамланиш имкониятлари кенгаяди. Бу эса, ўз навбатида мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъмин этишда катта аҳамиятга эга бўлган чорвачилик соҳасини ривожлантириш ва товар ишлаб чиқарувчиларнинг даромадларини оширишга имкониятлари ҳам ортади.

Бугунги кунда фермер хўжаликларининг салоҳиятидан фойдаланишда ҳудудий Хўсусиятларни ҳисобга олган ҳолда қўшимча тармоқларни ташқил этиш ва

ривожлантиришнинг ташқилий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари маҳаллий давлат идораларининг муҳим вазифаларидан бири бўлиши лозим.

Шунингдек, ҳудудий Хўсусиятларни эътиборга олган ҳолда фермер хўжаликларининг салоҳиятидан фойдаланишда кўп тармоқли ишлаб чиқаришни ташқил этишдаги устувор йўналишларни илмий асослаш, фермер хўжаликларининг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишда кўп тармоқли ишлаб чиқаришни давлат томонидан ҳуқуқий ва молиявий томондан қўллаб-қувватлаш йўналишларини такомиллаштириш, жумладан, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларининг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишда қўшимча тармоқларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилашда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

– фермер хўжаликларида қўшимча тармоқларни ташқил қилишда қўшимча ер майдонларини ажратиш ёқи асосий йўналиш учун фермерларга мақсадли ажратиб берилган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг маълум қисмида (5-10%) бозор талаби юқори бўлган бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш имконияти яратишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб бориш;

– ҳудудий Хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда фермер хўжаликларида қўшимча тармоқларни ташқил этиш учун зарур бўладиган замонавий техник ва технологик ускуналар, воситаларни харид қилиш имкониятларини кенгайтириш;

– табиий-иқтисодий омилларни ҳисобга олиб фермер хўжаликлари салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги хорижий тажрибаларни кенг кўламда жорий этишни рағбатлантириб бориш каби омиллар соҳа тараққиётига хизмат қилади.

Юқорида тилга олинган йўналишлардаги масалаларни ҳал этиш фермер хўжаликлари иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш имкониятлари ортишига ҳам замин яратиб беради.

## 13-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.

## 13-Мавзу: Ишлаб чиқариш чегирмалари ва махсулот таннархи.

### Режа

1.Қишлоқ хўжалигидаги ялпи ва ўртача харажатлар, уларнинг аҳамияти.

2.Харажатлар таркиби, уларнинг туркумлаштирилиши.

3.Маҳсулот таннархи ҳақида тушунча (ўртача харажатлар), унинг турлари, аниқлаш тартиби. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархи ва харажатларни қисқартириш йўллари.

4.Узоқ ва қисқа муддатли харажатлар. Ишлаб чиқариш харажатлари, уларнинг таркиби. Давр харажатлари, уларнинг таркиби. Ишлаб чиқариш харажатларини тежаш, маҳсулот таннархини пасайтириш йўллари.

### Услубий маслахатлар

Амалий машғулотни бошлашда талабаларга мазкур мавзу бўйича амалий машгулотнинг мавзусини моҳияти ва мақсади хамда бажариладиган топшириқларни бажариш тартиби тушунтирилади.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз халқ хўжалигининг энг муҳим тармоғи, унинг серқирра фаолиятини ташқил этиш ва бошқариш учун маълум миқдордар моддий, пул ҳамда меҳнат сарф-харажатлари амалга оширилади. Уларнинг мамлакат миқёсидаги миқдори жами ижтимоий харажатлар деб аталади. Ижтимоий харажатлар ижтимоий маҳсулот қиймати билан тенгдир.

**Таянч сўз ва иборалар:**

Режалаштирилган таннархи. Корхона таннархи. Маҳсулот таннархи. Асосий харажатлар. Устама харажатлар. Бевосита харажатлар

**Топшириқ.Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:**

1. Маҳсулот таннархига бевосита қўшиладиган харажатлар
2. Бир бирлик маҳсулотни қанчага етиштирилганлигини ўзида ифода этувчи харажат
3. Корхонаджа маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган воситалар ва меҳнат ҳақи йиғиндиси
4. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун олдиндан режалаштирилган харажатлар кўлами
5. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан келган даромад
6. Ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишга қаратилган харажатлар
7. Ишлаб чиқаришни ташқил эти шва бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар
8. Ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун фойдаланиладиган харажатлар
9. Қатнашиш улушига қараб тўғри мутаносиб равишда таннархга қўшиладиган харажат

**Топшириқ. Қуйидаги саволларга оғзақи жавоб беринг:**

1. Маҳсулот таннархини хисоблаш нима учун керак? Пахта етиштириш учун қандай харажатлар сарфлаш керак?
2. Ишлаб чиқариш харажатларини хисоблашда натурал кўринишда сарфланган (уруғ, ўғит ва бошқалар) харажатлар қандай кўринишда хисобга олинади?
3. Жорий харажат, деб қандай харажатга олинади?
4. Оддий харажат, деб қандай харажатга олинади?
5. Фойда, деб нимага айтилади? У қандай хисобланади?
6. Фойдани кўпайтириш қандай омилларга боғлиқ?
7. Маҳсулот таннархини пасайтириш нима учун керак?
8. Маҳсулот таннархини пасайтиришга қандай омиллар таъсир этади?

**Топшириқ. Қуйидаги мисолларни ишланг:**

1. Фермер хўжалиги 100 сўм фойда кўрди. Бу фойдани хосил қилган ишлаб чиқариш харажатлари 250 минг сўмга тенг бўлган. Фермер ишлаб чиқарган маҳсулотини қанчага сотган?
2. Сиз чорвачилик бўйича фермер хўжалиги ташқил этмоқчисиз. Сизнинг фермангизда 10 бош сигир бор. Сизнинг бир кунлик ўртача харажатингиз 80 минг сўм 1 кг сут баҳоси 150 сўм, сизнинг фермангиз иш оритмоғи учун бир кеча кундузда хар бир сигир ўрта хисобда қанчадан сут бериши керак?
3. Фермернинг устама харажатлари миқдори 2 марта ортди. Бу холл маҳсулот таннархига қандай таъсир этади? Фойда даражасигача?
4. Фермер ўтган йилга нисбатан асосий харажатлар миқдорини ўзгартирмаган холда 20 фоиз ялпи маҳсулотни оширишга эришди. Агарда у ўтган йили 100 минг сўм фойда олган бўлса, буй или қанча фойда олиш имкониятига эга бўлди? Хисоб-қитоб қилинг.

5. Фермер бозор конюктураси қулайлиги туфайли ўз товарини ўтган йилига нисбатан 30 фоизга юқори баҳо билан сотди. Аммо у ишлаб чиқариш харажатларининг 5 фоизга ошиб кетишига йўл қўйди. Агарда у ўтган йили 300 минг сўм фойда олган бўлса, буй ил унинг олган фойдаси неча пулни ташқил этди?

**Мавзу бўйича тест саволларини ечинг.**

1. Давр харажати нимага тенг?

А.қишлоқ хўжалик субъектини бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар йиғиндиси.

В.қишлоқ хўжалик субъектини бошқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар йиғиндиси

С.қишлоқ хўжалик субъектини бошқариш билан боғлиқ бўлган маҳсулотлар йиғиндиси.

Д.қишлоқ хўжалик субъектини бошқариш билан боғлиқ бўлган ходимлар йиғиндиси.

2. Ижтимоий харажатлар деб нимага айтилади?

А.У ёқи бу маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш учун жамият томонидан қилинган ҳаражатлар йиғиндисига

В.Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган жонли ва буюмлашган меҳнат ҳаражатларига

С.Ишлаб чиқаришда қўлланилган ишлаб чиқариш воситалари қийматининг йиғиндисига

Д.Ишлаб чиқаришдаги ва муомаладаги харажатлар йиғиндиси

3.Ишлаб чиқариш харажатлари хақида тушунча?

А.маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлик бўлган Меҳнат, маблағғ, материал, харажатлар йиғиндиси.

Б.маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлик бўлган

С.маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлик бўлмаган материал, харажатлар йиғиндиси.

Д.маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлик бўлган Меҳнат, маблағғ, материал, маҳсулотлар йиғиндиси.

4.Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи деб нимага айтилади ?

А.Маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг пулдаги ифодасидир.

Б.Маҳсулот сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар.

С.Хом – ашёга кетган харажатлар.

Д.Маҳсулот ишлаб чиқариш уни сотиш ва солиқлар билан боғлиқ бўлган харажатлар.

5.Маҳсулот таннархи тушунчасини кўрсатинг?

А.Маҳсулот бирлиги учун сарфланган харажатларнинг пулдаги ифодаси

Б.Ҳар бир гектап экин майдони ва ҳар бир бош чорва моллари ҳисобига қилинган ҳаражатнинг пулдаги ифодаси

С.Маҳсулот етиштириш ва сотишдан тушган даромад

Д.Маҳсулот етиштиришга сарфланган харажатлар

6.Маҳсулот таннархига қайси омиллар таъсир кўрсатади?

А.Экинлар хосилдорлиги, чорва моллари маҳсулдорлиги, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш технологияси, ишловчиларни моддий пағбатлантириш, тежамкоплик
Б.Еқинлар хосилдорлиги, фонд сиғими, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифати, рентабеллик даражаси, тежамкоплик, баҳо, ишлаб чиқариш технологияси
С.Фонд сиғими, унумдорлик, ҳосилдорлик, моддий пағбатлантириш,маҳсулот сифати
Д.Фонд сиғими, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифати, рентабеллик даражаси, тежамкоплик, баҳо, ишлаб чиқариш технологияси
7.Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи хақида тушунча?
А.етиштирилган бир бирликдаги маҳсулотга сарфланган ишлаб чикриш харажатларининг суммаси.
Б.етиштирилган бир бирликдаги ялпи маХўлот суммаси.
С.етиштирилган бир бирликдаги ялпи хосил суммаси.
Д.етиштирилган бир бирликдаги маҳсулотга сарфланган иш хақи суммаси.
8.Мукобил харажат деганда нимани тушунасиз?
А.маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энг мақсадга мувофиқ турини ишлаб чиқаришга сарфланган харажат
Б.маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари
С.максимум харажат сарфи
Д.минимум меҳнат сарфи
9.Қандай харажатлар ялпи харажатлар дейилади?
А.доимий ва ўзгарувчан харажатларни йиғиндиси
Б.доимий харажатларни йиғиндиси
С.ўзгарувчан харажатлар йиғиндиси
Д.ўзгарувчан ва доимий харажатларни айримаси
10.Харажатларнинг ташқил топишига қараб таннарх турларини кўрсатинг?
А.Технологик таннарх, ишлаб чиқариш таннархи, тўла таннарх
Б.Режали таннарх, кутиладиган таннарх, ҳақиқий таннарх
С.Режали таннарх, технологик таннарх, ишлаб чиқариш таннархи
Д.Ҳақиқий таннарх, тўла таннарх, технологик таннарх
11. Маҳсулот таннархи структураси нима?
А.Айрим харажатларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган жами харажатлар суммасидаги нисбати.
Б.Маҳсулот турлари бўйича қилинган харажатлар.
С.Маҳсулот таннархига қиритиладиган харажатлар
Д.Маҳсулот ишлаб чиқаришга қтлинадиган харажатлар турлари.

## 14-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.

### 14-Мавзу: Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини режалаштириш

Республикамизда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган корхоналарнинг ички иктисодий муносабатларини ўзида аник,акс эттира оладиган механизм бу - режалаштиришдир.

Бозор иқтисодиётининг талаб ва таклиф қонуниятларига таянган холда яратилган режалаштириш тизими, кишлок хужалик корхоналарида мавжуд булган тармоклар ўртасида, уларнинг ички ресурсларидан фойдаланишда мутаносибликни ўрнатиб, ишлаб

чикаришнинг узлуксиз ва тез суръатлар билан ривожланиб боришига имкониятлар яратади.

Режалаштиришнинг асосий максади бозорни сифатли, арзон ва ракобатбардош товар махсулотлари билан тўлдиришда, кишлок.хўжалик корхоналарининг соҳа ва тармоқлари ўртасида ички ресурслар билан таъминланиш мутаносиблигини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигига эришишдир. Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқариш кучларидан ғоят унумли ва самарали фойдаланишни таъминлаш билан шунга мос юксак ишлаб чиқариш муносабатларини ҳам юзага келтиради. Иқтисодий ташаббус ва ишбилармонликни ривожлантиради.  Ҳар бир кишининг миллий бойликни ошириш масъулиятини кучайтиради,  ҳар бир кишини бой қилиш орқали жамиятни ҳам бойитиб боради.

Эркин бозор муносабатларини такомиллаштириш ҳамда иқтисодиётни лебераллаштириш шароитида ишлаб чиқариш кучларини тўғри ва оқилона ташкил этиш давлатнинг илмий асосланган иқтисодий сиёсати асосини ташкил қилади. Муайян макон ва замондаги ижтимоий-иқтисодий жарёнларни чуқур илмий таҳлил қилиш негизида унинг объектив қонуниятларини ўрганиш, аниқ хулосалар чиқариш ҳамда амалий тадбирлар белгилаш мумкин. Бинобарин, самарали, барқарор ривожланиб борувчи ишлаб чиқариш тизимини юзага келтириш том маънода ўзига хос тамойилларга асосланган ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил қилиш, табиат билан жамиятнинг қонун ва қонуниятларини англаш, уларни чуқур таҳлил қилиш, илмий ишланмалар ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга қўллашни назарда тутади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармоннинг мақсад-моҳияти ҳам мамлакат минтақаларида ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий жиҳатдан тўғри ва оқилона ташкил этиш орқали миллий иқтисодиёт тараққиётини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси томонидан кенг муҳокама қилинган мазкур Ҳаракатлар стратегияси ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларини бешта устувор йўналиш доирасида қамраб олганлиги ва "ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш, ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал - хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш”га қаратилганлиги билан амалий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш бугунги куннинг долзарб вазифаси бўлиб, бу борада илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш заруратини келтириб чиқаради.

Илмий манбаларда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг қуйидаги асосий тамойиллари ажратилади:

➢ ишлаб чиқариш тизимларини хомашё манбалари, ёқилғи ва энергия ресурсларини истеъмол минтақаларига яқин жойлаштириш;

➢ юқори самарали бўлган табиий ресурсларни ўзлаштириш ва мажмуали фойдаланиш тизимини барпо қилиш;

➢ мамлакат ва минтақаларда экологик ҳолатни соғломлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, табиатдан фойдаланишнинг бошқарув тизимини такомиллаштириш;

➢ халқаро коммуникация тизимларини ривожлантириш ва қулай геостратегик мавқеидан самарали фойдаланиш асосида халқаро меҳнат тақсимотидаги иштирокини чуқурлаштириб, кенгайтириб бориш, яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантириш;

➢ йирик шаҳарларнинг ҳаддан ташқари ривожланишини тартибга солиш, кичик ва ўрта шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини тезлаштириш, минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги табақаланиш жараёнини бошқариш, иқтисодиёт тармоқлари дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда қонуниятлар билан бир қаторда табиий, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-демографик ва ижтимоий-экологик омиллар ҳам муҳим ўрин тутади. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш омиллари ишлаб чиқариш корхоналари, корхоналар гуруҳи, миллий хўжалик тармоқларининг оқилона ташкил этишда уларнинг таъсир даражасини ҳисобга олинишини назарда тутади. Маълумки, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга таъсир этувчи омилларни уларнинг таъсир даражасига кўра, 4 гуруҳга бўлиш мумкин.

✓ табиий омиллар;
✓ ижтимоий-иқтисодий омиллар;
✓ ижтимоий - демографик омиллар;
✓ ижтимоий-экологик омиллар.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар бирламчи характерга эга бўлиб, у ҳудудда ишлаб чақаришни ташкил этишнинг моддий асоси сифатида хизмат қилади. Кейинги омил демографик жараёнларнинг бугунги ва истиқболдаги ҳолатини ҳисобга олади. Меҳнат ресурслари мавжуд ҳудудларда сермеҳнат иқтисодиёт тармоқлари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмаси тизимлари, юқори малакали меҳнат ресурслари мавжуд ҳудудларда замонавий ва ўта замонавий саноат тармоқларини ривожлантиришни тақозо қилади. Аҳолининг ҳудудий жойлашишига мос ишлаб чиқариш тизимини шакллантириш миграцион жараёнларнинг тартибга солиш ва бошқариш имконини беради. Бу ўринда саноат корхоналарини “филиаллаштириш” орқали ишлаб чиқариш кучларини ҳудудлар бўйича бир текис ривожлантириш мумкин.

Мавзуга оид назорат саволлари:

1. Режалаштириш деб нимага айтилади?
2. Режалаштиришниниг максадини тушунтиринг.
3. Режалаштиришнинг вазифаларн нималардан иборат?
4. Режа тузиш учун керакли хужжатлар.
5. Режалаштиришда кайси иктисодий кўрсаткичлар тахлил этилади?

## 15-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.

## 15-Мавзу: Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги

***1. Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:***

1. Корхонанинг маълум бир даврдаги пул даромади (тушумлари) ни ҳисобланиши.
2. Корхонанинг ялпи даромади ёқи янгитдан яратилган қиймат суммасини ҳисобланиши.

3. Корхонанинг ялпи фойдасини ҳисобланиши.
4. Корхонананинг соф фойдасини ҳисобланиши.
5. Самара.
6. Самарадорлик.
7. Рентабелликни ҳисобланиши.
8. Рентабеллик даражасини ҳисобланиши.
9. Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.
10. Маҳсулот сотишнинг рентабеллиги коэффицентини ҳисобланиши.
11. Асосий воситалар ва оборотдан ташқари бошқа активларнинг рентабеллиги коэффицентини ҳисобланиши.
12. Хўсусий капиталнинг рентабеллиги коэффицентини ҳисобланиши.

***Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:***

1. Ялпи фойда суммасидан давр харажатлари, кўзда тутилмаган харажатлар, молиявий харажатлар суммасини айириш натижасида аниқланади.
2. 1 сум ҳаражат хисобига олинган фойда.
3. Қишлок хўжалигида сарфланган ҳаражатлар ва ресурслар бирлигига тўғри келадиган натижалар.
4. Қишлоқ хўжалигида ялпи ҳосилни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш тадбирларини, қишлоқ хўжалигида модий, меҳнат ва пул харажатлари тежалишини таъминловчи тадбирларни, бозор иқтисоди муносабатларини қишлоқ хўжалигига жорий этишни эрқинлаштириш ва жадаллаштириш тадбирларини амалга ошириш .
5. Жами сотилган маҳсулотлар, хизматлар миқдорини уларнинг ҳақиқий баҳоларига кўпайтириш йўли билан аниқланади.
6. Корхонанинг солиққа тортишга қадар бўлган фойдаси(зарари)ни узоқ муддатли активларга тақсимланади.
7. Соф фойда суммасини таннарх ёқи ишлаб чиқариш харажатлари суммасига тақсимлаб, 100% га кўпайтирилади.
8. Ялпи маҳсулот қийматидан ишлатилган асосий воситаларнинг эсқирган қийматини, яъни амортизация суммасини айириш йўли билан топилади.
9. Корхонанинг солиққа тортишга қадар бўлган фойдаси(зарари)ни қишлок хўжалиги Хўсусий капитал қийматига бўлинади.
10. Соф фойда суммасини таннарх ёқи ишлаб чиқариш харажатлари суммасига тақсимланади.
11. Қишлоқ хўжалигида маҳсулотларни етиштириш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишнинг натижаси.
12. Маҳсулотни сотиш (хизмат кўрсатиш) дан тушган пул даромадларидан шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни айириш йўли билан ҳисобланади.

***Жавоблар ва уларни текшириш жадвали***

| С | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ж | | | | | | | | | | | | |
| В/? | | | | | | | | | | | | |

***2. Қуйидаги жавобларни тўғри ёқи нотўғрилигини тасдиқланг:***

1. Маҳсулотларни сотиш, хизматлар кўрсатиш натижасида хўжаликнинг банклардаги жорий ва валюта ҳисоблари кассасига келиб тушадиган маблағлар унинг пул тушумлари (даромадлари) ни ташқил эта олмайди.
2. Ялпи фойда суммасидан давр харажатлари, солиқлар, тўловлар, жарима ва пения суммалари айрилиши натижада соф фойда аниқланмайди.
3. Хўжаликлар ялпи маҳсулот миқдорини сифатини таъминлаган ҳолда кўпайтиришга эришсалар, ялпи даромад, ялпи ва соф фойда суммалари кўпайиши мумқин.
4. «Иқтисодий самарадорлик» тушунчаси «самарадорлик» тушунчасига нисбатан кенгроқ мазмунга эга эмас.
5. Иқтисодий самарадорлик деганда бир йил давомида (маълум даврда) амалга оширилган тадбирлар тизими билан боғлиқ бўлган харажатлар улар натижасида олинган соф фойда суммаси билан таққосланади.
6. Самарадорликни у ёки бу тадбирларни, ишларни маҳсулотларни етиштириш натижасида эришилган ютуқлар ифодалайди.
7. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг пул ва ялпи даромадлари, ялпи ҳамда соф фойда суммаларини, ишлаб чиқариш фаолиятининг рентабеллигини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади.
8. Корхона фаолиятининг рентабеллик меъёри, умумий иқтисодий самарадорлиги ҳам аниқланиши мумқин эмас.
9. Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти, барча харажатлари, шунингдек, пул даромадлари ҳам ортиб бормоқда.
10. Тармоқда ишлаб чиқарилган ўсимликчилик маҳсулотларини (айниқса буғдой, пахта хом-ашёси) сотиш хажмининг ошиши ҳамда уларнинг нархларининг ошиши натижасида фермер хўжаликларининг пул тушумлари ошиб борган.
11. Келажакда товар пул муносабатларини, яъни тўлов тизимини йўлга қўйишга алоҳида эътибор бериш лозим.
12. Соф фойда суммасининиг кўпайиши корхоналарни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожланишини таъминламаганлиги учун улар ҳисобига меҳнат ресурсларини рағбатлантириш имкониятини бермайди.

**Жавоблар ва уларни текшириш жадвали**

| С | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ж | | | | | | | | | | | | |
| В/? | | | | | | | | | | | | |

### 1. *Қуйидаги тестларни ишланг*

1. ***Сувдан унумли фойдаланиш кўрсатқичи***
   А) 1 га эқин турини сувга бўлган талаби билан
   В) 1 м$^3$ хисобидаги сув хисобига олинган фойда билан
   С) сув бахоси миқдори билан
   Д) хар бир центнер хосил олиш учун зарур бўлган сув миқдори билан.
2. ***Ўртача йиллик бир ходим хисобига олинган ялпи махсулот қандай аниқланади?***
   А) ялпи махсулотнинг мавжуд ишчилар сонига нисбати билан
   В) соф даромаднинг ишчилар сонига нисбати билан
   С) ялпи махсулотнинг фойдага нисбати билан

Д) ялпи махсулот қийматини ишлаб чиқариш харажатларига нисбати билан.

3. ***Бир бирлик экин майдонига тўғри келган маҳсулот миқдори нима?***
   А) ялпи ҳосил
   В) ялпи маҳсулот
   С) ҳосилдорлик
   Д) товар маҳсулоти.
4. ***Қишлоқ хўжалиги корхонасида ялпи маҳсулот қийматининг асосий фондларни ўртача йиллик қийматига нисбати қандай кўрсаткич билан ифодаланади?***
   А) фонд сиғими
   В) фонд билан таъминланиш
   С) фонд билан қуролланиш
   Д) фонд қайтими.
5. ***Қишлоқ хўжалиги корхонасида бир бирлик маҳсулот етиштириш учун қанча асосий фондлар сарфланишини қандай кўрсаткич билан ифодаланади?***
   А) фонд сиғими
   В) фонд қайтими
   С) фонд билан қуролланиш
   Д) фонд билан таъминланиш.
6. ***Қишлоқ хўжалиги корхонасида йиллик асосий воситалар қийматини ер майдонига нисбати қандай номланади?***
   А) фонд сиғими
   В) фонд қайтими
   С) фонд билан таъминланиш
   Д) фонд билан қуролланиш.

***Жавоблар ва уларни текшириш жадвали***

| С | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ж | | | | | | |
| В/? | | | | | | |

## 16-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.
## 16-Мавзу:Ўсимликчилик тармоқлари иқтисодиёти.

1.Ўсимликчилик тармоқлари уларнинг аҳамияти. Уларнинг иқтисодиётдаги ўрни.
2.Ўсимликчилик тармоқларининг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби.
3.Пахтачилик тармоғи иқтисодиёти, унинг ўрни, аҳамияти ва ҳозирги ҳолати.
4.Ғаллачилик тармоғи иқтисодиёти, унинг ўрни, аҳамияти ва ҳозирги ҳолати. Сабзавот, полизчилик тармоғи иқтисодиёти, унинг ўрни, аҳамияти ва ҳозирги ҳолати.
5.Ўсимликчилик тармоқлари иқтисодиётини ривожлантириш масалалари. Ўсимликчилик тармоқларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.

Биринчи саволда ўсимликчилик тармоқлари уларнинг аҳамияти, уларнинг иқтисодиётдаги ўрни, бу борадаги ҳукуматнинг чора-тадбирлари бўйича савол жавоб ўтказилади. Иккинчи саволда ўсимликчилик тармоқларининг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби масалалари

мухокама қилинади. Пахтачилик тармоғи иқтисодиёти, унинг ўрни, аҳамияти ва ҳозирги ҳолати. Бу борадаги Давлатнинг сиёсати. Ғаллачилик тармоғи иқтисодиёти, унинг ўрни, аҳамияти ва ҳозирги ҳолати. Сабзавот, полизчилик тармоғи иқтисодиёти, унинг ўрни, аҳамияти ва ҳозирги ҳолати. Ўсимликчилик тармоқлари иқтисодиётини ривожлантириш масалалари. Ўсимликчилик тармоқларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари. Ўсимликчилик тармоқларига оид илғор тажрибалар. Ривожланган давлатлардаги илғор тажрибалар.

***1. Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:***

1. Корхонанинг маълум бир даврдаги пул даромади (тушумлари) ни ҳисобланиши.
2. Корхонанинг ялпи даромади ёқи янгитдан яратилган қиймат суммасини ҳисобланиши.
3. Корхонанинг ялпи фойдасини ҳисобланиши.
4. Корхонананинг соф фойдасини ҳисобланиши.
5. Самара.
6. Самарадорлик.
7. Рентабелликни ҳисобланиши.
8. Рентабеллик даражасини ҳисобланиши.
9. Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.
10. Маҳсулот сотишнинг рентабеллиги коэффицентини ҳисобланиши.
11. Асосий воситалар ва оборотдан ташқари бошқа активларнинг рентабеллиги коэффицентини ҳисобланиши.
12. Хўсусий капиталнинг рентабеллиги коэффицентини ҳисобланиши.

***Юқорида қайд қилинган таянч сўз ва иборалар учун мос келадиган таърифларни аниқланг:***

1. Ялпи фойда суммасидан давр харажатлари, кўзда тутилмаган харажатлар, молиявий харажатлар суммасини айириш натижасида аниқланади.
2. 1 сум ҳаражат хисобига олинган фойда.
3. Қишлок хўжалигида сарфланган ҳаражатлар ва ресурслар бирлигига тўғри келадиган натижалар.
4. Қишлоқ хўжалигида ялпи ҳосилни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш тадбирларини, қишлоқ хўжалигида модий, меҳнат ва пул харажатлари тежалишини таъминловчи тадбирларни, бозор иқтисоди муносабатларини қишлоқ хўжалигига жорий этишни эрқинлаштириш ва жадаллаштириш тадбирларини амалга ошириш .
5. Жами сотилган маҳсулотлар, хизматлар миқдорини уларнинг ҳақиқий баҳоларига кўпайтириш йўли билан аниқланади.
6. Корхонанинг солиққа тортишга қадар бўлган фойдаси(зарари)ни узоқ муддатли активларга тақсимланади.
7. Соф фойда суммасини таннарх ёқи ишлаб чиқариш харажатлари суммасига тақсимлаб, 100% га кўпайтирилади.
8. Ялпи маҳсулот қийматидан ишлатилган асосий воситаларнинг эсқирган қийматини, яъни амортизация суммасини айириш йўли билан топилади.
9. Корхонанинг солиққа тортишга қадар бўлган фойдаси(зарари)ни қишлок хўжалиги Хўсусий капитал қийматига бўлинади.

10. Соф фойда суммасини таннарх ёқи ишлаб чиқариш харажатлари суммасига тақсимланади.
11. Қишлоқ хўжалигида маҳсулотларни етиштириш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишнинг натижаси.
12. Маҳсулотни сотиш (хизмат кўрсатиш) дан тушган пул даромадларидан шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни айириш йўли билан ҳисобланади.

***Жавоблар ва уларни текшириш жадвали***

| С | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ж | | | | | | | | | | | | |
| В/? | | | | | | | | | | | | |

***2. Қуйидаги жавобларни тўғри ёқи нотўғрилигини тасдиқланг:***

1. Маҳсулотларни сотиш, хизматлар кўрсатиш натижасида хўжаликнинг банклардаги жорий ва валюта ҳисоблари кассасига келиб тушадиган маблағлар унинг пул тушумлари (даромадлари) ни ташқил эта олмайди.
2. Ялпи фойда суммасидан давр харажатлари, солиқлар, тўловлар, жарима ва пения суммалари айрилиши натижада соф фойда аниқланмайди.
3. Хўжаликлар ялпи маҳсулот миқдорини сифатини таъминлаган ҳолда кўпайтиришга эришсалар, ялпи даромад, ялпи ва соф фойда суммалари кўпайиши мумқин.
4. «Иқтисодий самарадорлик» тушунчаси «самарадорлик» тушунчасига нисбатан кенгроқ мазмунга эга эмас.
5. Иқтисодий самарадорлик деганда бир йил давомида (маълум даврда) амалга оширилган тадбирлар тизими билан боғлиқ бўлган харажатлар улар натижасида олинган соф фойда суммаси билан таққосланади.
6. Самарадорликни у ёқи бу тадбирларни, ишларни маҳсулотларни етиштириш натижасида эришилган ютуқлар ифодалайди.
7. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг пул ва ялпи даромадлари, ялпи ҳамда соф фойда суммаларини, ишлаб чиқариш фаолиятининг рентабеллигини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади.
8. Корхона фаолиятининг рентабеллик меъёри, умумий иқтисодий самарадорлиги ҳам аниқланиши мумқин эмас.
9. Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти, барча харажатлари, шунингдек, пул даромадлари ҳам ортиб бормоқда.
10. Тармоқда ишлаб чиқарилган ўсимликчилик маҳсулотларини (айниқса буғдой, пахта хом-ашёси) сотиш хажмининг ошиши ҳамда уларнинг нархларининг ошиши натижасида фермер хўжаликларининг пул тушумлари ошиб борган.
11. Келажакда товар пул муносабатларини, яъни тўлов тизимини йўлга қўйишга алоҳида эътибор бериш лозим.
12. Соф фойда суммасининиг кўпайиши корхоналарни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожланишини таъминламаганлиги учун улар ҳисобига меҳнат ресурсларини рағбатлантириш имкониятини бермайди.

***Жавоблар ва уларни текшириш жадвали***

| С | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ж | | | | | | | | | | | | |
| В/? | | | | | | | | | | | | |

***3. Қуйидаги тестларни ишланг:***

1. ***Сувдан унумли фойдаланиш кўрсатқичи***

А) 1 га экин турини сувга бўлган талаби билан
В) 1 $м^3$ хисобидаги сув хисобига олинган фойда билан
С) сув бахоси миқдори билан
Д) хар бир центнер хосил олиш учун зарур бўлган сув миқдори билан.

2. ***Ўртача йиллик бир ходим хисобига олинган ялпи махсулот қандай аниқланади?***

А) ялпи махсулотнинг мавжуд ишчилар сонига нисбати билан
В) соф даромаднинг ишчилар сонига нисбати билан
С) ялпи махсулотнинг фойдага нисбати билан
Д) ялпи махсулот қийматини ишлаб чиқариш харажатларига нисбати билан.

3. ***Бир бирлик экин майдонига тўғри келган маҳсулот миқдори нима?***

А) ялпи ҳосил
В) ялпи маҳсулот
С) ҳосилдорлик
Д) товар маҳсулоти.

4. Деҳқончилик тармоғини режалаштириш нимадан бошланади.
А.тахлилдан бошланади
Б. технлогик карта тўзишдан
С.харожатни белгилашдан
Д. фойдани белгилашдан

5. Деҳқончилик тармоғини режалаштириш нимага асосланади
А.шартномага
Б.Низомга
С.Далолатномага
Д.Балансга

6. Деҳқончилик тизими ҳақида тушунча**.**
А.Мўл-кўл, орзон, сифатли маҳсулот етиштириш учун фойдаланиб келинаётган иқтисодий, ташқилий, техник ва агротехник тадбирлар мажмуйи
Б.Мўл-кўл,орзон, сифатли маҳсулот етиштириш учун фойдаланиб келинаётган иқтисодий,ташқилий, техник ва зоотехния тадбирлар мажмуйи
С.Маҳсулотни парваришига, экин Хўсусиятига караб, уларни ўсишига, ривожланишига кўмаклашувчи, натижани яхшиловчи тадбирлар
Д.ўсишига, ривожланишига кўмаклашувчи, натижани яхшиловчи тадбирлар

***Жавоблар ва уларни текшириш жадвали***

| С | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ж | | | | | | |
| В/? | | | | | | |

Амалий машғулот бўйича талабани рейтинги:

$$Р_а = Т_{ж} / Ж_{ст} \times 100 = \quad / \quad \times 100 = \quad \%$$

## 17-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.
## 17-Мавзу: Чорвачилик тармоқлари иқтисодиёти.

**Мавзуга оид тест саволларини ечинг.**

1.Чорвачилик тармоғини асосий вазифалари.
А.чорва бош сонини кўпайтириш ва махсулдорликни ошириш
Б.чорвачилик маҳсулотлар миқдорини кўпвйтириш
С.чорвачилик маҳсулотларга бўлган талабни камайтириш
Д.чорвачилик маҳсулотларга бўлган талабни ўзгартирмаслик
2.Чорвачилик тизими ҳақида тушунча.
А.Маҳсулот етиштиришда фойдаланиладиган иқтисодий, ташлий,техник,технологик тадбирлар йиғиндиси.
Б.Маҳсулот етиштиришда фойдаланиладиган иқтисодий-ташқилий техник агротехник тадбирлар тизими.
С.Маҳсулот етиштиришда фойдаланиладиган иқтисодий тадбирлар тизими.
Д.Маҳсулот етиштиришда фойдаланиладиган ташқилий тадбирлар йиғиндиси.
3.Чорвачилик ялпи маҳсулоти нимага тенг?
А.чорва хайвонларини парвариш этиш, боқиш натижасида етиштирилган маҳсулот миқдори
Б.товуқларни парвариш этиш, боқиш натижасида етиштирилган маҳсулот миқдори
С.чорва хайвонларини парвариш этиш, боқиш натижасида қилинган харажат миқдори
Д.чорва хайвонларини парвариш этиш, боқиш натижасида етиштирилган ялпи хосил миқдори
4.Чорвачиликда фойдаланиладиган меъёрлар тури.
А.озика меъёри, ишчилар меъёри, сафдан чиқариш меъёри
Б.ишчилар меъёри
С.сафдан чиқариш меъёри
Д.озика меъёри
5.Чорвачилик тармоғини ривожлантириш омиллари.
А.Хўсусийлаштириш екин майдонини ажратиш, ем-хашак етиштириш
Б.екин майдонини ажратиш
С.ем-хашак етиштириш
Д.Хўсусийлаштириш

## 18-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.
## 18-Мавзу: Қишлоқ хўжалиги махсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, сотиш тизими иқтисодиёти ва бошқариш

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, мулкий муносабатларни такомиллаштириш, ички бозорларни сифатли маҳаллий товарлар билан тўлдириш ва пировардида мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини кўтариш борасида чуқур ҳамда пухта ўйланган иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишларидан бири индустриал тармоқлар иқтисодиётида прогресив силжишларга эришишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиқ йилларида ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб минтақалар потенциалига

мос келадиган саноат тармоқларини барқарор ривожлантиришга киришди. Улар ичида қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш саноати (ҚХМҚИС) муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоғи, саноатнинг кўплаб тармоқлари учун асосий хом ашё манбаъи ҳисобланиб, уларни қайта ишлаш натижасида қўшимча қийматлар яратилади. Қишлоқ хўжалиги ички озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг 90 фоиз ини ва товар айланмасининг 70 фоизини таъминлайди. Шу боис мамлакат айрим минтақалари саноатининг ривожланиш ҳолати кўп ҳолларда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш даражасига боғлиқдир

Мустақиллиқ йилларида қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш саноатини устувор равишда ривожлантиришга киришилди. Жумладан, пахта хомашёсини қайта ишлаш салмоғи 30 фоизга етказилди. Эндиликда замоновий техника ва технология билан қуролланган корхоналарда хом ашёни чуқур қайта ишлашга ўтилмоқда.

Х.Дэвис ва Р.Гольдберг “...қишлоқ хўжалиги хом ашёсини ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил қилишда таъминот ва хизмат кўрсатиш, фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва тақсимот соҳаларидан иборатдир” деган назарияни олға сурадилар.

Қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш саноати ўз хусусиятига кўра ихтисослашганлиги билан бошқа саноат тармоқларидан анча фарқ қилади. Мамлакатимиз саноат мажмуасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноати (ҚХМҚИС)ига енгил, озиқ-овқат, кенг халқ истеъмол товарларининг айрим турларини ишлаб чиқарадиган саноат тармоқлари киради. Аввало, шуни эслатиб ўтиш жоизки, ҚХМҚИСини худудий жиҳатдан ташкил этишнинг назарий асосларини саноатнинг бир тармоғи сифатида, иккинчи томондан унинг минтақавий жойланиш хусусиятларини аниқлаш зарур бўлади.

Иқтисодий адабиётларда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноати «саноат ишлаб чиқариши» таркибида умумий тарзда талқин этилади. Агросаноат тармоғига боғишланган адабиётларда “ҚХМҚИС” тўғрисида турли фикрлар бор. Жумладан, айрим олимлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасини тушунсалар, иккинчи гуруҳ олимлар енгил саноат тармоғи сифатида, учинчи гуруҳ олимлар эса кўпроқ халқ истемоли товарларини ишлаб чиқариш саноати сифатида тушунадилар.

Бизнинг фикримизча, уччала тушунча ҳам қисман тўғри ва бир бирини тўлдиради. Маълумки қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан жуда кўп турдаги маҳсулотлар, шу жумладан енгил, озиқ-овқат ва кенг истимол товарлари ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, бирламчи қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва уларнинг чиқиндилари саноатнинг бошқа тармоқларида хомашё сифатида чуқур қайта ишланиб, улардан турли тайёр маҳсулотлар олишда фойдаланилади. Бизнинг фикримизча «қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш саноати» - “ҚХМҚИС” атамасини қайта ишлаш саноатидан фарқли равишда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки “қайта ишлаш саноати”да қазилма бойликлар, ўрмон бойликлари, металлни қайта ишлаш кабилар тушунилади. Шунинг учун бозор муносабатлари шароитида “ҚХМҚИС” тармоғига умумий саноат ишлаб чиқаришининг алоҳида бир қисми - категорияси сифатида, мамлакат иқтисодиётида алоҳида ўринга эга бўлган муҳим иқтисодий

кўрсаткич сифатида қараш лозим.

Иқтисодиётни чуқурлаштириш шароитида минтақаларда ҚХМҚИСини ташкил қилишда табиий-иқлим шароит, қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг хусусиятлари, аҳолининг меҳнат кўникмаси, қайта ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари ҳисобга олиниши лозим бўлади. Чунки қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг айрим турларини (пахта, дон, жун, тери, зиғир, кунжут, кунгабақор дони) узоқ масофаларга етказиб, ўша жойларда қайта ишланиши мумкин бўлса, бошқа турлари (мева, узум, сабзавот, сут маҳсулотлари) ни етиштирилган жойларнинг ўзида қайта ишлаш маъқул ва зарур бўлади.

“ҚХМҚИС” категорияси таҳлили шуни кўрсатадики, қайта ишланадиган қишлоқ хўжалиги хом ашёси минтақа ижтимоий-иқтисодий меҳнат тақсимотида ихтисослашган хўжалик юритишнинг шаклланишида муҳим рол ўйнашини ҳисобга олиш лозим бўлади .

Республикмиз иқтисодий адабиётларда ҳам ҚХМҚИСини агросаноат мажмуининг бир тармоғи сифатида қаралади.

Ҳозирги даврда ҚХМҚИС тушунчаси алоҳида олинган минтақанинг ўзига хос ўрни, аҳамияти кенгайиб янги миқдор ва сифати такомиллашиб бормоқда. Бунда минтақа ҚХМҚИС - алоҳида мустақил ихтисослашган саноат тармоғи - ҳудудий такрор ишлаб чиқариш тизими ҳисобланади. У бошқа саноат тармоқлари билан ўзаро узвий боғлиқликда ривожланадиган, умумий иқтисодий қонунлар таъсирида ўзига хос хусусиятлари ва маҳсулот турлари бўлган ишлаб чиқариш муносабатларига асосланган ҳолда ривожланмоқда.

Илғор мамлакатлар тажрибаларига кўра, минтақаларда хом ашё етиштиришга қаратилган бир томонлама йўналишни бартараф этиш учун қишлоқ хўжалиги хом ашёсини, мукаммалроқ қайта ишлашни ташкил этиш жуда катта иқтисодий самара беради. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тамойилларига биноан қайта ишловчи корхоналарни қишлоқ хўжалиги хом ашёси етиштириладиган жойга мумкин қадар яқинроқ қуриш, қишлоқда ихчам саноат корхоналари ва цехлар бунёд этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Қайта ишлаб чиқариш саноати тармоқларини ҳудудий жихатдан ташкил этишни такомиллаштиришда минтақанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, хом ашё ресурслари барқарорлигини таъминловчи шарт-шароитларни яхшилаш, зарурий ижтимоий-иқтисодий муҳитини вужудга келтириш муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Умуман, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш саноат тармоқлари минтақалар иқтисодиётини мустаҳкамлайди, корхоналарнинг интеграцион жараёнини ривожлантиради. Уларнинг ривожланишига ички ва ташқи омиллар катта таъсир кўрсатади.

Демак, қайта ишлаб чиқариш саноатининг барқарор ривожланиш даражаси минтақалардаги қишлоқ хўжалигининг бугунги аҳволи, унинг маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига, сифатига ва турига бевосита боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш саноати қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

- истеъмолга тайёр, тугалланган маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтилади;
- импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, импортга қарамлилик чекланади;
- мамлакатнинг экспорт салохиятини оширишга имкониятлар яратади;

ҚХМҚИС-ти ривожланишини оқилона ташкил этиш мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётни эркинлаштиш шароитида саноат тармоқларини жойлаштиришда ва ривожлантиришда улар табақаланишувида кескин фарқлар бўлишининг олдини олиш турли механизмлар ва дастаклар орқали иқтисодиётнинг худудий таркибига билвосита таъсир кўрсатишдан иборат Бунинг учун минтақаларнинг оқилона ихтисослашувини таъминлаш, минтақаларора иқтисодий алоқаларни макбўллаштириш, минтақаларнинг жаҳон хўжалиқ тизимига интеграциялашувини чуқурлаштириш лозим бўлади.

Республикамиз вилоятларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноати ривожлантириш ва жойлаштириш тўғрисида кенг маънода сўз борганда, минтақалардаги қишлоқ хўжалиги хом ашёси ҳамда мавжуд меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш асосида бирон соҳага ихтисослашган (масалан, пахта хом ашёсини, боғдорчилик, узум, сабзавот, чорва маҳсулотларини ) қайта ишлаш саноат тармоғи тушунилади.

Ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида ҳар бир минтақада қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш саноатини ривожлантиришда унинг алоҳида худудлари (туманлари) бўйича оқилона ихтисослаштириш ва жойлаштириш мухим аҳамият касб этади. Минтақа саноат ишлаб чиқаришини худудий жиҳатдан оқилона жойлаштириш ва барқарор ривожлантириш ҳар бир худуднинг ўзига хос табиий ва иқтисодий потенциалини ҳисобга олишни тақоза қилади. Бу ўз навбатида мамлакат саноат ишлаб чиқариши салоҳиятининг юксалишига, саноатнинг ялпи ички масулотдаги улушининг ўсишига олиб келади. Саноат ишлаб чиқаришида аҳоли меҳнат фаолиятининг маълум минтақаларга бириктирилиши зарур товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар ташкил этиш шартидир. Бу минтақалар табиий-иқтисодий, инсон ресурслари, давлат ва аҳолининг капитал ресурсларидан самарали фойдаланиш, маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, улар таннархини камайтириш имкониятини яратади. Минтаталарнинг маълум турдаги товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашуви ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади.

Бизнинг фикримизча, “қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш саноатини худудий жиҳатдан оқилона ташкил этиш” деганда бозор иқтисодиёти хусусиятлари, жаҳон хўжалиги ривожланишидаги замонавий тенденциялар, минтақаларнинг табиий - иқтисодий салоҳияти, аҳолининг саноат маҳсулотларига бўлган этиёжларини тўлароқ қондиришга эришиш лозимлиги тушунилади.

ҚХМҚИСни минтақаларда ривожлантирилишида хом ашё хусусиятлари ва захираларини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги шароитда қайта ишловчи корхоналарни қишлоқ хўжалиги хом ашёси етиштириладиган жойга мумкин қадар яқинроқ қуриш, қишлоқда ихчам саноат корхоналари ва цехлар бунёд этиш лозим. Бу тармоқларни худудларда оқилона жойлаштириш, ихтисослашувини чуқурлаштириш ва қайта ишлаб чиқариш саноати тармоқларининг мажмуавий ривожланишида акс этиши лозимдир. Замон талабидан келиб чиқиб, ҚХМҚИСни ҳудудий жихатдан ташкил этишни такомиллаштириш, ишлаб чиқилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, унинг таннархини камайтириш, тармоқнинг барқарор ривожланишига катта омил бўлади.

ҚХМҚИС тармоқларининг қишлоқ хўжалиги хом ашёсини тайёрловчи корхоналар билан иқтисодий муносабатларини, интеграцияси жараёнини тоборо ривожлантириб боришни тақоза қилади. ҚХМҚИС тармоқларини истеъмол

моллари бозори билан алоқадорликни тартибга солиш тайёр маҳсулотларнинг омборларда тўплониб қолишига барҳам берилади.

ҚХМҚИС ривожланишида умумиқтисодий қонуниятлар талабига мувофиқ ўзига хос хусусиятларга эга. ҚХМҚИС нинг барқарор ривожланиши бир томондан минтақалардаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи корхоналар билан иккинчи томондан хом ашёни тайёр истеъмол товарига айлантирувчи корхоналар билан, учунчи томондан тайёр маҳсулотларни реализция қилувчи корхоналар ўртасидаги интеграцион алоқаларини ривожлантиради. Бошқача қилиб айтганда “маҳсулот етиштирувчи + қайта ишловчи + реализация қилувчи” занжир жараёнини ташкил этади. Мазкур таркибий тузилмага ички (транспорт, технология, ишчи кучи ...) ва ташқи (ноҳуш табиий таъсирлар - қурғоқчилик, сув босиш каби) омиллар хам ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

Мазкур тамойил нуқти назаридан таҳлил қилинганида,Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлавчи саноат тармоқларини барқарор ривожлантириш учун қулай имкониятлар мавжуддир. Булар минтақанинг пахтачилик зонаси, шаҳар атрофи зонси, тоғ олди ва тоғ зоналарида турли хилдаги қишлоқ хўжалиги хом ашёсини етиштириш мумкинлиги, иккинчи томондан йирик шаҳар ва саноат марказларидаги истемолчилар мавжудлиги, қолаверса қайта ишланган маҳсулотларни хорижий мамлакатларга жўнатиш учун транспорт тизимининг қулайлиги ҳисобланади.

ҚХМҚИС тармоқлари ривожлантирилиши худудларда қуйидаги вазифаларни бажаради:

- истеъмолчилар билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари манфаатларини ўзида акс эттиради ва маҳсулот сифатини таъминлаш мақсадида, истеъмолчилар талабидан келиб чиқиб, бевосита хом-ашё етказиб берувчиларга талаблар қўяди;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб берувчилар маҳсулот қабул қилиб олишдаги меъёр ва талабларни аниқ билиб, уларнинг сифати ва хили, ишлаб чиқариш самарадорлиги, улардан оқилона фойдаланиш имконияти пайдо бўлади;
- қайта ишлаб чиқариш саноатининг қайси соҳасига устиворлик берилса, ўз таъсирини кўрсатиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ихтисослашувига олиб боради;
- ҚХМҚИС тармоқлари минтақа иқтисодиётнинг интенсив ривожланишига ижобий таъсир этади, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариб, экспорт салохиятини оширишга ёрдам қилади;
- қишлоқ хўжалиги, қайта ишловчи саноат ва истеъмолчилар ўртасида узвий занжир вужудга келади.

Ҳудудлар ривожланишида бундай янгича ёндашув мазмуни, моҳияти ва иқтисодий салоҳиятига кўра республикадаги қайта ишлаб чиқариш саноати давлатимизни аграр саноати индустирлашган, ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқади.

Мавзуга оид топшириқлар

1. Ўтилган мавзуни ўқиб чиқиш.
2. Берилган топшириқларни уйда бажариш
3. Мавзу бўйича тест ва кроссвордлар тузиш.

# V. КЕЙСЛАР БАНКИ




**1 –Вариант**

Куйидаги маълумотлардан фойдаланиб:

- ерлардан фойдаланиш коеффициентини; - пахта экин майдонининг салмоғини; - пахтани ҳосилдорлигини аниқлаб, уларни тахлил қилиб изоҳлаб беринг

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2014 йил | 2015 йил |
|---|---|---|---|
| Жами ер майдони<br>Шундан: | га | 2000 | 2000 |
| Фойдаланиш мумкин бўлган майдон | га | 1800 | 1800 |
| Екин экилган майдон<br>Шундан: | га | 1600 | 1600 |
| Пахта экилган майдон | га | 1000 | 1050 |
| Олинган пахта хосили | ц | 25000 | 27000 |

**2 –Вариант**

Куйидаги рақамлардан фойдаланиб:

- корхонани қувватидан фойдаланиш даражасини; -мехнат унумдорлиги даражасини;
- мехнатни фондлар билан қуролланганлик даражасини аниклаб тахлил килинг.

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2014 йил | 2015 йил |
|---|---|---|---|
| Корхонанинг йиллик қуввати | тонна | 60000 | 80000 |
| Корхонада кайта ишланган пахта<br>Шундан: | тонна | 40000 | 60000 |
| Чиққан пахта толаси | тонна | 14000 | 21000 |
| Корхонада ишлаган ўртача ишчилар | киши | 100 | 110 |
| Корхонанинг асосий фондларининг қиймати | млн.сўм | 160.6 | 180.7 |

**3 –Вариант**

Куйидаги маълумотлар асосида: - хўжаликларни асосий фонд билан таъминланганлигини;

- асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи барча кўрсаткичларни даражасини аниқлаб, тахлил қилиб изохлаб беринг.

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2014 йил | 2015 йил |
|---|---|---|---|
| Хужаликларнинг жами асосий фонди | млн.сўм | 200 | 240 |
| Айланма фондлари | млн.сўм | 160 | 180 |
| Жами экилган майдон | га | 1000 | 1010 |
| Етиштирилган ялпи махсулот | млн.сўм | 300 | 350 |
| Жами харажат<br>Шундан: | млн.сўм | 250 | 260 |
| Мехнат хаки | млн.сўм | 80 | 86 |

**4 –Вариант**

Куйидаги маълумотлардан фойдаланиб: -корхонанинг ялпи махсулотининг қийматини; -фойда суммасини; -рентабеллик даражасини аниклаб, тахлил килиб фикрингизни ёзинг.

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2014 йил | 2015 йил |
|---|---|---|---|
| Махсулот сотишдан тушган жами пул | млн.сўм | 400 | 420 |
| Хизмат кўрсатишдан тушган пул | млн.сўм | 80 | 85 |
| Берилган иш хақи суммаси | млн.сўм | 200 | 215 |
| Жами харажат суммаси | млн.сўм | 280 | 290 |

**5 –Вариант**

Корхонада машина тракторлардан фойдаланиш ва ишларни механизациялашганлик даражасини қуйидаги рақамлардан фойдаланган холда аниқлаб, тахлил килиб фикрингизни ёзинг.

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2014 йил | 2015 йил |
|---|---|---|---|
| Корхонани жами машина трактори | дона | 100 | 90 |
| Шундан: хайдов тракторлари | дона | 20 | 20 |
| Корхонада йил бошига фойдаланилгани | дона | 95 | 86 |
| Йил охирига фойдаланилгани | дона | 93 | 84 |
| Жами бажарилган ишнинг хажми | минг эт.га | 165 | 160 |
| Жами етиштирилган пахта | тонна | 3000 | 2900 |
| Шундан: машинада терилгани | тонна | 1000 | 800 |
| кулда терилгани | тонна | 2000 | 2100 |

**6 –Вариант**

1. Мехнат ресурсларидан, иш вақти фондидан фойдаланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичларни қуйидаги рақамлар ёрдамида аниқлаб, тахлил қилиб фикрингизни ёзинг.

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2014 йил | 2015 йил |
|---|---|---|---|
| Жами ахоли сони<br>Шундан: | Киши | 10000 | 10500 |
| 12 – 14 ёшгача бўлгани | Киши | 3000 | 3100 |
| 14 – 16 ёшгача | Киши | 2000 | 2050 |
| 16 – 55 ёшдаги аёллар | Киши | 1500 | 1550 |
| 16 – 60 ёшдаги эркаклар | Киши | 1300 | 1340 |
| колгани нафақахўрлар | Киши | 500 | 530 |
| Мехнат ресурсларини жами ишлаши керак булган кунлари | минг киши куни | 134 | 133 |
| Уларни хакикатда ишлаган кунлари | минг киши куни | 125 | 126 |

**7 –Вариант**

Махсулотни ишлаб чиқариш таннархини (ўртача харажатни) рентабеллигини куйидаги маълумотлар ёрдамида аниқлаб тахлил қилиб фикрингизни ёзинг.

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2014 йил | 2015 йил |
|---|---|---|---|
| Жами етиштирилган пахта хосили | Тонна | 3000 | 3200 |
| Жами сарфланган маблағ<br>Шундан: | млн.сўм | 630 | 615 |
| Ишлаб чикариш харажатлари | млн.сўм | 380 | 360 |
| Пахтани ўртача бахоси | млн.сўм | 195 | 225 |

**8 –Вариант**

1. Мехнат ресурсларидан фойдаланиш ва мехнат унумдорлигини аниклаб тахлил этинг:

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2014 йил | 2015 йил |
|---|---|---|---|
| Жами ахоли | Киши | 2200 | 2350 |
| Руйхатдаги мехнат ресурслари | Киши | 1000 | 1100 |
| Хакикатда ишлаган мехнат ресурслари | Киши | 900 | 940 |
| Етиштирилган ялпи махсулот<br>- микдори<br>- қиймати | <br>тонна<br>млн.сўм | <br>30000<br>120.0 | <br>35000<br>147.0 |

## 9 –Вариант

1.Хўжаликни асосий фондлар билан таъминланиш ва мехнатни қуролланганлик даражасини аниқлаб тахлил қилинг.

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2014 йил | 2015 йил |
|---|---|---|---|
| Асосий ва айланма фондлар қиймати шундан: | млн.сўм | 980 | 1050 |
| Асосий фондлар қиймати | млн.сўм | 650 | 770 |
| Хакикатда ишлаган кишилар | Киши | 900 | 940 |
| Екин майдони | Га | 800 | 850 |
| Шундан пахта майдони | Га | 600 | 670 |

## 10 –Вариант

1.Қуйидаги маълумотлардан фойдаланиб: корхонанинг ялпи махсулотининг қийматини;
- фойда суммасини; рентабеллик даражасини аниқлаб, тахлил қилиб фикрингизни ёзинг.

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2014 йил | 2015 йил |
|---|---|---|---|
| Корхонанинг ялпи махсулоти | млн.сўм | 860 | 980 |
| Махсулот сотишдан тушган жами пул | млн.сўм | 800 | 820 |
| Хизмат курсатишдан тушган пул | млн.сўм | 20 | 25 |
| Жами харажат суммаси | млн.сўм | 680 | 790 |
| Иш хақига берилган | млн.сўм | 290 | 310 |

## 11 –Вариант

Куйидаги рақамлардан фойдаланиб пахта махсулотини таннархини ва рентабеллигини аниқлаш тартиби ва уни камайтириш йўлларини кўрсатинг.

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2014 йил | 2015 йил |
|---|---|---|---|
| Етиштирилган пахта | Тонна | 1000 | 1200 |
| Унга қилинган харажат,<br>шундан иш хақи | млн.сўм<br>млн.сўм | 175<br>88.0 | 195<br>92 |
| Пахтани сотишдан тушган пул | млн.сўм | 195 | 270 |

## 12 –Вариант

. Қуйидаги маълумотлар асосида:

- хўжаликларни асосий фонд билан таъминланганлигини;
- асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи барча кўрсаткичларни даражасини аниқлаб, тахлил қилиб изоҳлаб беринг.

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2014 йил | 2015 йил |
|---|---|---|---|
| Хўжаликларнинг жами асосий фонди | млн.сўм | 200 | 240 |
| Айланма фондлари | млн.сўм | 160 | 180 |
| Жами экилган майдон | Га | 1000 | 1010 |
| Етиштирилган ялпи махсулот | млн.сўм | 300 | 350 |
| Жами харажат<br>Шундан: | млн.сўм | 250 | 260 |
| Мехнат хақи | млн.сўм | 80 | 86 |

**13 –Вариант**

Мехнат ресурсларидан фойдаланиш ва мехнат унумдорлигини аниқлаб тахлил этинг.

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2014 йил | 2015 йил |
|---|---|---|---|
| Рўйхатдаги ахоли мехнат ресурслари | Киши | 1000 | 1100 |
| Хакикатда ишлаган мехнат ресурслари | Киши | 900 | 940 |
| Етиштирилган ялпи махсулот<br>- микдори<br>- қиймати | <br>тонна<br>млн.сўм | <br>30000<br>6.2 | <br>35000<br>7.3 |

**14 –Вариант**

Қуйидаги рақамлардан фойдаланиб:

- корхонани қувватидан фойдаланиш даражасини;
- мехнат унумдорлиги даражасини;
- мехнатни фондлар билан қуролланганлик даражасини аниклаб тахлил килинг.

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2014 йил | 2015 йил |
|---|---|---|---|
| Корхонанинг йиллик қуввати | тонна | 60000 | 80000 |
| Корхонада қайта ишланган пахта<br>Шундан: | тонна | 40000 | 60000 |
| Чиққан пахта толаси | тонна | 14000 | 21000 |
| Корхонада ишлаган ўртача одамлар | киши | 100 | 110 |
| Корхонанинг асосий фондларининг қиймати | млн.сўм | 160.6 | 180.7 |

**15 –Вариант**

Қуйидаги маълумотлардан фойдаланиб:

- корхонанинг ялпи махсулотининг қийматини;
- фойда суммасини;
- рентабеллик даражасини аниқлаб, тахлил қилиб фикрингизни ёзинг.

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2014 йил | 2015 йил |
|---|---|---|---|
| Корхонанинг ялпи махсулоти | млн.сўм | 860 | 980 |
| Махсулот сотишдан тушган жами пул | млн.сўм | 800 | 820 |
| Хизмат кўрсатишдан тушган пул | млн.сўм | 20 | 25 |
| Жами харажат суммаси | млн.сўм | 680 | 790 |
| Иш хақига берилган | млн.сўм | 290 | 310 |

**16 –Вариант**

Махсулотни ишлаб чикариш таннархини (ўртача харажатни) рентабеллигини қуйидаги маълумотлар ёрдамида аниқлаб тахлил қилиб фикрингизни ёзинг.

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2014 йил | 2015 йил |
|---|---|---|---|
| Жами етиштирилган пахта хосили | Тонна | 3000 | 3200 |
| Жами сарфланган маблағ<br>Шундан: | млн.сўм | 630 | 615 |
| Ишлаб чиқариш харажатлари | млн.сўм | 380 | 360 |
| Пахтани ўртача бахоси | млн.сўм | 195 | 225 |

**17 –Вариант**

Қуйидаги рақамлардан фойдаланиб:

- корхонани кувватидан фойдаланиш даражасини;
- мехнат унумдорлиги даражасини;
- мехнатни фондлар билан куролланганлик даражасини аниклаб тахлил килинг.

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2014 йил | 2015 йил |
|---|---|---|---|
| Корхонанинг йиллик қуввати | тонна | 60000 | 80000 |
| Корхонада қайта ишланган пахта<br>Шундан: | тонна | 40000 | 60000 |
| Чиққан пахта толаси | тонна | 14000 | 21000 |
| Корхонада ишлаган ўртача одамлар | киши | 100 | 110 |
| Корхонанинг асосий фондларининг қиймати | млн.сўм | 160.6 | 180.7 |

**18 –Вариант**

Куйидаги рақамлардан фойдаланиб пахта махсулотини таннархини ва рентабеллигини аниклаш тартиби ва уни камайтириш юлларини курсатинг.

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2014 йил | 2015 йил |
|---|---|---|---|
| Етиштирилган пахта | Тонна | 1000 | 1200 |
| Унга килинган харажат, шундан<br>иш хақи | млн.сўм | 175<br>88.0 | 195<br>92 |
| Пахтани сотишдан тушган пул | млн.сўм | 195 | 270 |

**19 –Вариант**

. Куйидаги маълумотлардан фойдаланиб:

- ерлардан фойдаланиш коеффициентини;
- пахта экин майдонининг салмоғини;
- пахтани ҳосилдорлигини аниқлаб, уларни таҳлил қилиб изоҳлаб беринг

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2014 йил | 2015 йил |
|---|---|---|---|
| Жами ер майдони<br>Шундан: | Га | 2000 | 2000 |
| Фойдаланиш мумкин булган майдон | Га | 1800 | 1800 |
| Екин экилган майдон<br>Шундан: | Га | 1600 | 1600 |
| Пахта экилган майдон | Га | 1000 | 1050 |
| Олинган пахта хосили | Ц | 25000 | 27000 |

**20 –Вариант**

Хўжаликни асосий фондлар билан таъминланиш ва мехнатни қуролланганлик даражасини аниқлаб тахлил килинг.

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2014 йил | 2015 йил |
|---|---|---|---|
| Асосий ва айланма фондлар қиймати шундан: | млн.сўм | 980 | 1050 |
| Асосий фондлар қиймати | млн.сўм | 650 | 770 |
| Хакикатда ишлаган кишилар | киши | 900 | 940 |
| Екин майдони | га | 800 | 850 |
| Шундан пахта майдони | га | 600 | 670 |

# МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМГА ОИД ТОПШИРИҚЛАР

## Мустақил таълим ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Фан бўйича талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилигининг 2009 йил 4-августдаги 286-сонли буйруғи хамда йўриқномаси асосида амалга оширилади.

Талабанинг мустақил таълими шу фанни ўрганиш жараёнининг таркибий қисми эканлиги инобатга олиниб уни ташкил этишда фаннинг хусусиятлари хамда талабанинг иқтисодиёт фанлари бўйича ўзлаштириш даражаси, кобиляти, қизиқиши ва йўналиши ҳисобга олинди.

Талабалар мустақил ишини ташкил этиш, ўтказиш ва уни назорат қилишнинг қуйидаги шаклларидан фойдаланилди.

1.Дарслик ёки ўқув қўлланмалар бўйича фаннинг боблари ва мавзуларини ўрганиш асосида берилган мавзу бўйича реферат тайёрлаш ва ҳимоя қилиш;

2.Тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

3.Айрим назарий мавзуларни тавсия этилган адабиётлар асосида мустақил ўзлаштириш.

Ушбу усулга талабани фанга таллуқли бўлган маълумотларни тўплаш ва илмий изланишлар олиб бориш, илмий тўгарак доирасида ёки мустақил равишда илмий мақолалар ва марузалар тайёрлаш каби соҳаларда олиб бораётган ишлари хам киради.

4.Амалиётда мавжуд бўлган долзарб муаммоларнинг ечимини топиш бўйича белгиланган мавзулар бўйича

| № | Мустақил таълим мавзулари | Дарс соатлари хажми |
|---|---|---|
| 1 | Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг моҳияти ва асосий йўналишлари | 2 |
| 2 | Қишлоқ хўжалигида иқтисодий барқарорликни таъминлашда давлатнинг тутган ўрни | 2 |
| 3 | Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигида инфратузилма субъектлари фаолиятини ривожлантириш | 2 |
| 4 | Менежмент функцияларини ишлаб чиқариш натижаларига таъсири | 2 |
| 5 | Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш йўллари | 2 |
| 6 | Қишлоқ хўжалиги меҳнат унумдорлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти | 2 |
| 7 | Бошқарув қарорларини қабул қилиш самарадорлиги | 2 |
| 8 | Фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш | 2 |
| 9 | Қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш ва унинг иқтисодий самарадорлиги | 2 |

| | | |
|---|---|---|
| 10 | Пахтачиликда махсулот таннархи ва унинг пасайишига таъсир кўрсатувчи омиллар | 2 |
| 11 | Ғаллачиликда махсулот таннархининг пасайишига таъсир кўрсатувчи омиллар | 2 |
| 12 | Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида махсулот таннархи ва уни пасайтириш йўллари | 2 |
| 13 | Қишлоқ хўжалигида янги техника ва илғор технологияларни жорий этишнинг иқтисодий самарадорлиги | 2 |
| 14 | Қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялар ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги | 2 |
| 15 | Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этиш самарадорлиги | 2 |
| 16 | Қишлоқ хўжалигида ресурс тежамкор технологиялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги | 2 |
| 17 | Қишлоқ хўжалигида асосий воситалардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уни ошириш йўллари | 2 |
| 18 | Фермер хўжаликларида айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигни ошириш йўллари | 2 |
| 19 | Ўсимликчиликнинг иқтисодиётин бошқариш | 2 |
| 20 | Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги | 2 |
| 21 | Фермер хўжаликларини кредитдаш тизими ва яхшилаш йўллари | 2 |
| 22 | Қишлоқ хўжалигида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари | 4 |
| 23 | Қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишлаш тизимини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатувчи омиллар | 4 |
| 24 | Қишлоқ хўжалигида боғдорчиликни интенсив ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти | 4 |
| 25 | Қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантиришда менежмент тамойилларини қўллашнинг аҳамияти | 4 |
| 26 | Менежмент усуллари ва услубларини ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири | 4 |
| | **Жами** | **62 соат** |

***Изоҳ: Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар буйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни такдимот килиш тавсия этилади.***

**Фан бўйича талабанинг мустақил ишини рейтинг тизими қуйидагича амалга оширилади:**

- Фан бўйича ЖНга ажратилган 40 баллдан 10 бали талабани мустақил ишига ажратилади. Талабанинг мустақил ишига ажратилган 10 балл талабага хар бир семестр учун берилган мустақил таълим мавзуларининг сонига қараб тақсимланади.

**Талаба мустақил ишининг ахборот таъминоти**

Талабалар учун мустақил иш топшириклари фан бўйича белгиланган амалий машғулот дарсларини ўтувчи ўқитувчилар томонидан берилади.Мустақил ишни бажариш учун талабага ахборот манбааси сифатида дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар ва кўрсатмалар, ҳамда махсус адабиётлар, маълумотлар тўплами, илмий ва оммавий даврий нашрлар, интернет тармоғидаги тегишли маълумотлар ва бошқалар хизмат қилади.

Кафедра мудири ва тегишли факультет декани такдимномаси асосида институт рахбарияти талабаларга мустақил ишларни бажариш учун зарурий ахборот манба ва воситаларни белгилайди, талабаларга турли кутубхоналар, музейлар, тармоқ муассасалари ва корхоналари, илмий тадқиқот институтлари, қишлоқ хўжалик корхоналаридан мустақил иш учун зарурий маълумотлар тўплаш юзасидан сўровнома хатларини расмийлаштириб беради.

Институт раҳбарияти томонидан талабаларга мустақил ишларини ўз вақтида бажариш мақсадида компьютер техникаси ва интернет тармоғидан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиб беради.

# ГЛОССАРИЙЛАР

| Атамалар | | | |
|---|---|---|---|
| Атаманинг инглиз тилида номланиши | Атаманинг узбек тилида номланиши | Атаманинг рустилида | Атаманинг узбек тилидаги маъноси |
| Agrarian Policy | Аграр сиёсат | Аграрная политика | бозор ислохотларининг таркибий кисми булиб, аграр ислохотлар асосида амалга оширилади. Бу сиёсат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, агросаноат мажмуи (АСМ) бошка тармокларининг самарали ривожланиши ва қишлоқ жойларидаги муносабатларнинг бошкаруви борасида илмий карашларнинг, гоя ва максадларнинг сиёсий ва амалий воситаларининг йигиндисидир |
| Agrarian reforms | Аграр ислохотлар | Аграрные реформы | эрлардан фойдаланиш тизимида давлат тадбирлари. Мамлакатлар ва уларнинг туманларини иктисодий гэеографик шароити ва тарихий хусусиятлари ислохотларга катта таъсир курсатади |
| Agribusiness | Агробизнес | Агробизнес | фойдани кўпайтириш максадида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тизимида бошқаришни замонавий усулларидан фойдаланишга асосланган коидаларни қўллаш. Йирик қишлоқ хўжалик корхоналари хам агробизнесда катнашишлари мумкин, бунда икки томон уртасида катъий келишув хосил булади. |
| Agroindustrial complex | Агросаноат мажмуаси | Агропромышленны й комплекс | қишлоқ хўжалик махсулотларини этиштириш, уни саклаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ хўжалик тармокларининг бирлиги |
| Agrofirma | Агрофирма | Агрофирма | муайян турдаги қишлоқ хўжалиги махсулотларини этиштириш ва уни саноат усулида қайта ишлашни кушиб олиб борадиган корхона |
| Agro-industrial integration | Агросаноат интеграцияси | Агропромышленная интеграция | qishloq xo'jaligi bilan unga xizmat qiluvchi va maxsulotni iste'molchiga etkazib beruvchi tutash tarmoqlar o'rtasida ishlab chiqarish aloqalarining rivojlanishi hamda ularning uzviy birikish jarayonidir. |
| Current assets | Айланма активлар | Оборотные активы | корхоналар ва ташкилотларнинг бухгалтерлик баланси актив кисмида акс эттириладиган меъёрга солинувчан ва меъёрга солинмайдиган айланма маблаглар. |
| Depreciation | Амортизация | Амортизация | асосий фондлар кийматини улар воситасида ишлаб чикариладиган махсулотлар ва хизматлар таннархига аста-секин утказиш хамда эскирган асосий фондларнинг ўрнини кейинчалик коплаш максадида пул маблагларини туплаб бориш. |
| Main production assets | Асосий ишлаб чиқариш воситалари | Основные производственные фонды | ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиб, узининг кийматини махсулот кийматига кисман утказадиган, ташки куринишини узгартирмайдиган ишлаб чиқариш воси-таларига айтилади. |
| Information | Ахборот | Информация | янгилик элементи, кабул килувчи учун карорлар кабул килиш учун фойдаланиладиган маълумотлар, билимлар, хабарлар. |
| Information system | Ахборот тизими | Информационная система | бошкарув тизимида кулланадиган маълумотларни йигиш, саклаш, туплаш, излаш |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | ва узатиш тизими. |
| Balance | Баланс | Баланс | мувозанат, муттасил узгариб турувчи ходиса ёки тушунчанинг нисбатини ифодаловчи |
| Business | Бизнес | Бизнес | **1)** сохибкорлик тижорат ишлари билан шугулланиш, пул топиш максадида бирор иш |
| Business plan | Бизнес режа | Бизнес план | катъий хисоб-китобларга асосланган хужжат булиб, мавжуд бозорлар холатини яхши тахлил |
| Exchange | Биржа | Биржа | (лотинча хамён дегани) бозор муносабатларининг муҳим таркиби булиб, унинг |
| Market | Бозор | Рынок | товарларга талаблар, таклифлар ва нархлар шаклланадиган савдо муомаласи сохаси. |
| Market infrastructure | Бозор инфратузилмаси | Рыночная инфраструктура | бозор иктисодиёти учун хизмат курсатувчи хар хил сохалар |
| Budget | Бюджет | Бюджет | давлат, вилоят, шахар, туман, муассаса, ташкилот ва бошкаларнинг маълум муддатдаги |
| Government order | Давлат буюртмаси | Государственный заказ | Давлат томонидан муайян махсулот турини тайёрлаш ва уни истеъмолчига етказиб бериш, |
| State Land Cadastre | Давлат ер кадастри | Государственный земельный кадастр | ерларнинг табиий, хўжалик ва хукўқий режими, уларнинг тоифалари, сифат курсаткичлари ва |
| State property | Давлат мулки | Государственная собственность | асосий мулкчилик шаклларидан бири. Бозор иктисодиётига ўтиш муносабати билан |
| Income | Даромад | Доход | корхонанинг соф фойдаси шакли, яъни махсулот ёки хизматларни сотишдан тушган умумий |
| | | | чикариб ташлангандан кейинги кисми. |
| Diversification | Диверсификация лаш | Диверсификация | бир-бири билан боғлиқ булмаган ишлаб чиқаришларни бир пайтда хар томонлама |
| Land rent | Ер рентаси | Земельная рента | ер эгасига вакти-вакти билан ижарачи томонидан эрдан фойдаланганлиги учун туланиб |
| Intensive economic growth | Интенсив иктисодий усиш | Интенсивный экономический рост | ишлаб чиқариш кулами, яратилган махсулотлар ва хизматлар хажмининг ресурсларни тежамли |
| Production Infrastructure | Ишлаб чиқариш инфратузилмаси | Производственная инфраструктура | бевосита қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришга хизмат курсатувчи сохалар. |
| Specialization of production | Ишлаб чиқаришнинг | Специализация производства | айрим корхоналарда бир турдаги мухсулотни ишлаб чиқаришга каратилган жараёнларнинг |
| Diversification of the economy | Иктисодиётни диверсификация | Диверсификация экономики | ишлаб чиқаришнинг тармоклар таркибини мураккаблаштирш жараёни. Бунда махсулот |
| Economic region | Иктисодий район | Экономический район | мамлакат иктисодиётининг худудий бир булаги. Дар кандай иктисодий раён унинг географик |
| Economic effect | Иктисодий самара | Экономический эффект | иктисодий фаолият натижалари ва ушбу натижаларни олиш хамда улардан фойдаланиш |
| Economic efficiency | Иктисодий самарадорлик | Экономическая эффективность | тизимнинг фаолият юритишига кетадиган сарф-харажатлар ва унинг натижалари нисбати. |
| Lease | Ижара | Аренда | мол-мулкни ёллаш буйича шартнома. |
| Investments | Инвестиция | Инвестиции | ишлаб чиқариш ва хизматларни ривожлантириш учун маълум шартларда жалб этиладиган, узок |
| Инновация | Инновация | Инновация | янгиликни жорий этиш, 1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни |
| Inflation | Инфляция | Инфляция | 1) мамлакатда муомалада юрган когоз пул микдорининг хўжалик муомаласи |
| | | | Нарх-наво умумий даражасининг кутарилиши. 2) пулнинг кадрсизланиши. |
| Infrastructure | Инфратузилма | Инфраструктура | иктисодиётда ишлаб чиқариш хамда ахолига хизмат киладиган сохалар. |
| Efficiency of production | Ишлаб чиқаришни | Эффективность управления | ишлаб чиқаришни бошка-ришнинг максадга эришиш учун мулжалланган ресурслардан |
| Cadastre | Кадастр | Кадастр | **1)** объектларнинг бахоси ва уртача даромаддорлиги тугрисидаги маъ-лумотларни уз |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Quota | Квота | Квота | умумий ишлаб чиқариш, сотиш, экспорт, импорт ва бошка иктисодий фаолият сохаларида |
| Contract | Контракт | Контракт | мамлакатлар, фирма, корхона ва бошкалар уртасида узаро хукук ва мажбуриятларни |
| Concept | Концепция | Концепция | тушунчалар ва улар уртасидаги бирон-бир вокеликни ривожлантириш ва хусусиятларининг |
| Conjuncture | Конъюнктура | Конъюнктура | иктисодиётнинг умумий холати; уни фан техника тараккиёти, иктисодий усиш, структура |
| Credit | Кредит | Кредит | пул воситаларини, товар ва хизматларни маълум устама тулаб қайтариб бериш шарти билан |
| Crisis | Кризис | Кризис | иктисодий танглик, таназзул. |
| Multistructure economy | Кўп укладли иктисодиёт | Многоукладная экономика | турли мулк шакллари ва хар хил хўжалик турларининг яхлитлигидан ташкил топган |
| Marketing | Маркетинг | Маркетинг | корхонанинг бозорни ўрганиш, махсулотни бозор талаби хамда товарларни истеъмолчига |
| Management | Менежмент | Менеджмент | бошқариш, мудирлик, замонавий ишлаб чиқаришни бошқариш (режалаш, тартибга |
| Methodology | Методология | Методология | фан тараккиёти учун муҳим ахамият кабс этувчи назариянинг муҳим элементлари мажмуи; |
| | | | методологияидир. |
| Methodology | Методика | Методика | илмий тадкикотни амалга ошириш учун зарур булган техник ва ташкилий ёндашувлар мажмуи. |
| Human Resources | Мехнат ресурслари | Трудовые ресурсы | ахолиниг мехнатга лаёкатли кисми |
| Division of labor | Мехнат таксимоти | Разделение труда | ижтимоий мехнатнинг мустакил вазифаларини бажарувчи мехнат турларига ажралиш |
| Division of labor | Мехнат унумдорлиги | Производительность труда | маълум вакт (соат, сутка, ой, йил) бирлигида ишлаб чикарилган махулотнинг (даромад, |
| Material and technical base | Моддий-техника базаси | Материально-техническая база | моддий бойлик ишлаб чиқариш шаритида бевосита банд булган мехнат воситалари ва |
| Monitoring | Мониторинг | Мониторинг | иктисодий объектларни узлуксиз кузатиб бориш, уларнинг фаолиятини бошкарувнинг таркибий |
| Feed unit | Озука бирлиги | Кормовая единица | турли озукаларнинг улчов бирлиги ва озукалик кийматини бахолаш. Турли давлатларда турли |
| Agriculture | Qishloq xo‘jaligi | Сельское хозяйство | Моддий ишлаб чиқаришнинг муҳим тармокларидан бири булиб, биологик |
| Profitability | Рентабеллик | Рентабельность | тармок ёки корхоналарнинг фойда олиб ишлаши; фойда олиш даражасини курсатади, |
| Reproduction | Репродукция | Репродукция | элита уругини хар йили навбатдаги кўпайтирилишидан олинадиган уруглар. |
| Rotation | Ротация | Ротация | хар бир далада кетма-кет утувчи экинларнинг даври белгиланган алмашлаб экиш схемаси. |
| Industry | Саноат | Промышленность | иктисодиётнинг жамият ишлаб чикарувчи кучлари тараккиёти даражасига хал килувчи |
| Net profit | Соф даромад | Чистая прибыль | **1)** корхонада яратилган қўшимча махсулотнинг бир кисми, пул шаклига эга; |
| Object of study | Тадкикот объекти | Объект исследования | маълум фан тармоги ўрганадиган вокеа ва ходиса, табиий-худудий мажмуалар, иктисодий- |
| Method of research | Тадкикот усули | Метод исследования | умумий тарзда максадга эришиш ёълини англатади. Умумий илмий ва айрим фанларнинг |
| Cost price | Таннарх | Себестоимость | махсулот, ишлаб чиқариш, иш ва хизматлар харажатларининг пулдаги ифодаси. |
| Unfinished | Тугалланмаган | Незаконченное | ишлаб чиқариш жарёнлари ва харажатлари |
| production | ишлаб чиқариш | производство | булиб, булар эвазига календар йил охирида пировард махсулот олинмаган хисобланади. |
| Performance | Унумдорлик | Производительность | маълум бир вакт мобайнида (соат, чорак, йил, мавсум) бажарилган иш хажми. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Urbanization | Урбанизация | Урбанизация | шахарлар ва шахар ахолисининг сони хамда улушининг кўпайиши билан богланган |
| Farm | Фермер хўжалиги | Фермерское хозяйство | узига танлов асосида узок муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган холда |
| Business plan of the farmer | Фермернинг бизнес режаси | Бизнес план фермера | бу корхо-нанинг ишлаб чиқариш фаолиятини маълум бир муддат давомида амалга ошириш |
| Profit | Фойда | Прибыль | сотилган махсулотнинг киймати билан таннархи айирмаси; қўшимча махсулотнинг пул шакли. |
| Contract | Шартнома | Договор | корхоналар, ташкилотлар ва хусусий шахслар уртасида узаро мажбуриятлар, масъулиятлар ва |
| Extensive economic growth | Экстенсив иктисодий усиш | Экстенсивный экономический рост | қўшимча иш кучи ишлаб чиқариш воситаси ва ресурсларини жалб килиш хисобига, яъни |
| Gross profit | Ялпи даромад | Валовая прибыль | махсулотининг махсулотлар ишлаб чиқариш учун кетган моддий харажатлардан ортган кисми |
| Gross Domestic Product (GDP) | Ялпи ички махсулот (ЯИМ) | Валовый внутренный продукт (ВВП) | мамлакатнинг ички хўжалик фаолиятини умумлашган иктисодий курсаткичи. |
| Gross national product (GNP) | Ялпи миллий махсулот (ЯММ) | Валовый национальный продукт | ички ва ташки фаолиятда бир йилда моддий ва номоддий сохаларида хар кандай миллат |

# ИЛОВАЛАР

# ЎҚУВ ДАСТУРИ

## КИРИШ

